

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш
ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб
этишга бағишланган**

**ИЛМИЙ-ОММАБОП
ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2018


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш
ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб
этишга бағишланган

ИЛМИЙ-ОММАБОП
ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2018



УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

Ў 32

Ў 32 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма [Матн] / нашр учун масъул Р.С.Қосимов. – Т.: «Маънавият», 2018. – 320 бет.

ISBN 978-9943-04-347-3

Нашр учун масъул ижодий гуруҳ:

*Р.С. Қосимов, И.У. Мажидов, Б.Ю. Ходиев,
Ў.П. Умурзоқов, А.Ш. Бекмуродов*

Т а к р и з ч и л а р:

О.У. Салимов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор;

Қ.Х. Абдураҳмонов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 22 декабрда мустақил давлатимиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатнома тақдим этилди. Ушбу ўқув қўлланмада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ана шу ғоят муҳим, тарихий воқеанинг аҳамияти, Мурожаатномада давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ўта муҳим ва долзарб фикрлар, ғоялар, амалий таклиф ва тавсияларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Қўлланмада Мурожаатномада баён қилинган устувор йўналишлар атрофлича таҳлил қилиниб, уларни талаба ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, ёш авлоднинг онгу тафаккурига замонавий педагогик усул ва технологиялар асосида сингдириш йўллари кўрсатиб берилган.

Ўқув қўлланма мамлакатимиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, талаба ва ўқувчи ёшлар ҳамда юртимизда олиб борилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохот жараёнларига қизикадиган кенг китобхонлар учун Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўқиб-ўрганишда муҳим методик манба бўлиб хизмат қилади, деб ишонамиз.

УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.3 (5Ў)

ISBN 978-9943-04-347-3

© «Маънавият», 2018



КИРИШ

Ўтган 2017 йил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан тарихий воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. Ана шу муҳим ҳодисалар ҳақида гап кетганда, ҳеч шубҳасиз, бошқа муҳим жараёнлар қаторида биринчи навбатда 2017 йил 22 декабрь санасини ҳам эсга оламиз. Чунки бу кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилган сана сифатида мустақиллик давридаги тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан битилади.

Дунёдаги ривожланган демократик давлатлар тажрибасида кенг қўлланилиб келинаётган, амалда ўзини оқлаётган бу сиёсий институтнинг жорий этилиши юртимизда бир йил давомида амалга оширилган ислохотларни атрофлича таҳлил қилиб, келгуси йил режаларини ҳар томонлама пишиқ-пухта белгилаб олиш, Олий Мажлис ва бошқа давлат ҳокимияти тармоқлари фаолиятини, бутун жамиятнинг куч ва имкониятларини ана шу вазифалар ижроси учун тўлиқ сафарбар этиш имконини беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ва хориждаги таниқли эксперт ва сиёсатшунослар Ўзбекистон сиёсий ҳаётида бу институтнинг жорий этилишини демократик тараққиёт йўлидаги янги босқич, жуда катта аҳамиятга молик воқеа сифатида баҳоламоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга 2018 йил учун Мурожаатномаси – ғоят сермазмун ва кўпқиррали сиёсий ҳужжат. Унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида албатта кўп ва узоқ фикр юритиш мумкин. Лекин унинг асосий муҳим жиҳат ва тамойиллари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш жоиз.

Биринчидан, ушбу Мурожаатномада илк бор мамлакатимизнинг бир йиллик ривожланиш натижаларига нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки давлатчилик нуқтаи назаридан, яқин истиқболга мўлжалланган стратегик мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда баҳо берилди.

Маълумки, илгарилари якунига етган ҳар бир йилга фақат ижтимоий- иқтисодий мезонлар асосида баҳо берилар, эришилган натижалар ҳам шу асосда таҳлил қилинар, келгуси йил режалари ҳам шунга биноан белгиланар эди. Бу тажриба кўп жиҳатдан аввалги даврлардаги хўжалик масалаларига бағишланган йигилишларни эслатар эди.

Президентимиз 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада эса бугунги Ўзбекистон тараққиётининг барча жиҳатлари – давлат ва жамият қурилишидан тортиб, суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларгача, иқтисодиётни модернизация ва либерализация қилишдан тортиб, ижтимоий соҳани ривожлантириш, жамиятда тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, чуқур ўйланган ташқи сиёсат юритишгача, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи учун ўта муҳим ва долзарб бўлиб турган барча соҳа ва йўналишлар камраб олинди.

Мурожаатнома таркибий тузилишига кўра уч қисмдан иборат:

1. Кириш қисмида янгилаётган мамлакатимизда олиб борилаётган, халқ билан мулоқотга асосланган, ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсатнинг маъно-мазмуни ва аҳамияти мухтасар баён қилинди. Бунда халқ билан мулоқот еиёсатини амалга оширишда Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси каби демократик институтлар фаолияти йўлга қўйилгани, ўтган даврда уларга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ҳамда кўтарилган муаммоларнинг асосий қисми ҳал этилгани, энг муҳими, одамларнинг дарду ташвишларига бундай муносабат жамиятнинг умумий манзарасини, оддий одамларнинг онгу тафаккурини бутунлай ўзгартиргани, ислоҳотлар самарасини оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

2. Мурожаатноманинг биринчи қисмида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга ошириш давлат дастури доирасида олиб борилган ишлар, умуман, 2017 йил давомида турли соҳаларда эришилган натижалар атрофлича таҳлил қилиниб, зарур хулосалар чиқарилди.

3. Ҳаракатлар стратегиясининг асосий устувор йўналишлари бўйича 2018 йил учун мўлжалланган тараққиёт дастурининг энг муҳим тамойиллари, мақсад ва вазифалари баён қилинди.

Иккинчидан, Мурожаатнома ўзининг маъно-мазмунига кўра, Ўзбекистон тараққиётининг мутлақо янги босқичига кўтарилаётганини яна бир бор яққол намоён этди. Чунки унда фақат жорий хусусиятга эга бўлган муаммо ва масалалар, бир йил учун мўлжалланган вазифалар эмас, балки узок йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммолар ва уларнинг илдизи танқидий руҳда таҳлил қилиниб, улардан қутулиш, ўз умрини ўтаб бўлган эскича ёндашув ва мезонлар ўрнига янги ва самарали, замоннинг ўткир талабларига жавоб берадиган бошқарув механизмларини жорий этиш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар ҳам аниқ кўрсатиб берилди. Масалан, *«нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби» ўрнига «амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди»*¹.

Учинчидан, Мурожаатнома асосида Ўзбекистонда давлат бошқарувида янги самарали усул ва механизмлар шаклланиб, ишга тушмоқда. Яъни, Президент давлат раҳбари сифатида қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлис, суд ҳокимияти ва ижро ҳокимияти фаолияти натижаларини охирига етаётган ҳар бир йил бўйича яқунлаб, таҳлил қилиб, янги йил бўйича уларнинг олдида долзарб вазифалар қўйиб боради. Бу эса давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари ўртасида манфаатлар мувозанати ва ўзаро тийиб туриш ҳамда ўз фаолиятларини мамлакатимизнинг умумий стратегик мақсадлари йўлида мувофиқлаштириб бориш механизмлари самарали ишлашини таъминлайди. Ҳар бир ҳокимият тармоғи ўзича мустақил бўлиб, хоҳлаган ишини қилишига йўл қўйилмайди.

Албатта, Президентимизнинг Мурожаатномасида бошқа муҳим жиҳатлар ҳам кўп. Уларнинг барчасини тўлиқ қамраб, маъно-мазмуни ва аҳамиятини очиб бериш учун аниқ мақсадга қаратилган, ҳар бир бўлими ва боби ўзаро изчил боғлиқ ва ҳамоҳанг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 23 декабрь.

бўлган алоҳида қўлланма яратиш талаб этилади. Бу эса Мурожаатнома ҳақида тўлик маълумот олиш, унинг мазмун-моҳияти, барча мураккаб жиҳатларини тушуниш имконини беради.

Ҳурматли ўқувчи, қўлингиздаги ўқув қўлланма айна шу мақсадда тайёрланди. Мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, олимлари томонидан тайёрланган ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш, таълим тизимида қўшимча дарс сифатида ўқитиш, умуман, келгуси тараққиётимиз асосларини белгилаб берадиган мазкур ҳужжатнинг мазмуни ва аҳамиятидан хабардор бўлиш, ўз фаолиятимизни айна шу асосда ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Албатта, бундай чуқур мазмунли ва кенг қўламли сиёсий манбани ўқиб-ўрганиш биргина ўқув қўлланма доирасида ҳал бўладиган вазифа эмас. У узоқ ва давомли жараёндир. Бинобарин, келгусида бу мавзуда ҳали кўплаб тадқиқотлар, дарслик ва қўлланма, ўқув ва тарғибот материаллари яратилади. Мазкур қўлланмани эса шу йўлдаги дастлабки тажриба сифатида қабул қилишингизни сўраймиз.



1-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

1.1. ПАРЛАМЕНТ ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ, ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРИ ВА ИЖРОЧИСИ БЎЛИШИ ЗАРУР

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилган ишлар, олдинда турган вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритиб, ана шу концептуал масалага алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, ўтган 26 йил мобайнида Ўзбекистонда миллий қонунчилик институти шаклланди, ривожланди, жаҳон парламентаризмининг ишончли ва тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг қонуний асослари яратилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, улкан тарихий қадамдир.

Бироқ, замон бир нуқтада тўхтаб қолгани йўқ. Ҳаёт давом этмоқда. Жаҳон сиёсатида шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўз-ўзидан бугунги куннинг ўзига хос бўлган ва халқимизнинг бутун истиқболини белгилайдиган янгидан-янги муаммоларни, талабларни, эҳтиёжларни келтириб чиқармоқда. Бундай талаб ва эҳтиёжлар ислоҳотларга замонавий, креатив, катта профессионал маҳорат, чуқур ақл-идрок ва кенг интеллектуал қобилият билан ёндашувни талаб қилади. Ана шу табиий талаб ўзбек миллий парламентаризми фаолиятини, Олий Мажлисининг йиллар мобайнида тўплаган тажрибаларини сарҳисоб қилиб, унинг фаолиятини бутун чоралар билан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг Мурожаатномасида кенг миқёсли парламент фаолияти билан боғлиқ ислоҳотларни янада давом эттириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича янги ғоялар илгари сурилди. Бу эса, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда парламентнинг родини кучайтириш, бу борада замонавий шакл ва усуллар, тамойилларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Аёнки ҳозирги пайтда мамлакатимиз парламенти учта, хусусан, қонунчилик, вакиллик ва назорат йўналишидаги вазифаларни бажармоқда. Ҳар учала вазифа ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Парламент назорати ҳақида сўз юритганда, аввало шуни таъкидлаш керакки, биринчидан, қатор қонун ҳужжатларида бу институтни амалга ошириш ҳуқуқи берилган субъектлар ва парламент назорати шакллари санаб ўтилган. Чунончи, парламент назоратини амалга ошириш ҳуқуқи Олий Мажлис палаталарига, Олий Мажлис палата-

ларининг қўмиталарига, депутатларга, сенаторларга ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га берилган.

Масалан, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил парламент назоратини фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш шаклида амалга оширади. Шундай қилиб, депутат ва сенаторларнинг Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар давлат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан қандай ижро этилаётгани устидан назоратни амалга ошириш борасидаги фаолияти, бу – парламент назоратидир.

Иккинчидан, парламент назоратининг шаклларига қараб, уларни тоифаларга ажратиш парламент назорати жараёнига боғлиқ илмий-сиёсий тадқиқотларни кучайтишга катта ёрдам беради. Бу борада, айниқса, парламентнинг бюджет ва молия соҳасидаги назорати муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундай назорат қуйидаги шаклларда амалга оширилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиш, Давлат бюджети қандай ижро этилаётгани ҳақидаги ахборотларни кўриб чиқиш, Ҳисоб палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини, сиёсий партияларнинг ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш бюджет-молия назоратини амалга оширишнинг асосий шакллари сирасига киради.

2. Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биргаликдаги ваколатига киради. Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар иккала палатасига бир вақтнинг ўзида юборилади. Бюджетни қуйи палатада кўриб чиқиш асносида депутатлар лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришлари мумкин, бу таклиф ва мулоҳазалар Қонунчилик палатаси томонидан ҳукуматга юборилади.

Депутатларнинг таклиф ва мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда, ишлаб маромига етказилган бюджет лойиҳаси такроран қуйи палата муҳокамасига киритилади. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий партияларнинг, улар аъзо бўлган тармоқ (соҳа) қўмиталарининг манфаатларини, ҳам сайловчиларнинг манфаатларини ифода этувчи депутатлар давлатнинг бюджет-молия сиёсатига таъсир ўтказиш имкониятига эга. Ўз навбатида, сенаторлар Давлат бюджетининг лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ўз минтақалари манфаатларига асосланишлари мумкин. Давлат бюджети ижроси қандай бораётгани ҳақида йилнинг ҳар чораги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим этиладиган ахборотларни кўриб чиқиш фақатгина Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилади. Бунда палата мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботлари ҳам эшитилади.¹

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ижро этилиши устидан мониторинг ҳамда давлат назоратини амалга оширувчи юқори мақомга эга молия назорати органидир.² Ҳисоб палатасининг ҳар йилги ҳисоботларини кўриб чиқиш парламент палаталарининг бир-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 2003. №9-10. 136-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ-3592-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида Низом». // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 14-сон. 101-модда.

галикдаги ваколатлари доирасига киради. Ҳисобот дастлаб Қонунчилик палатасида, сўнгра эса Сенатда кўриб чиқилади. Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқишни парламент назоратининг билвосита шаклига киритиш мумкин, негаки, бунда депутатлар ва сенаторлар давлатнинг бюджет-молия сиёсатига тўғридан-тўғри эмас, балки ҳисоботни кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинадиган қарорлар орқали таъсир ўтказишлари мумкин. Ҳисоботни кўриб чиқиш асносида олинган ахборотлардан парламент аъзолари назорат-таҳлил фаолияти режаларига киритиладиган тадбирларни белгилаб олишда, Давлат бюджети лойиҳаларини ва Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқишда, конун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва бошқа шу сингари ишларда фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳар йилги ҳисоботларини кўриб чиқиш Сенатнинг ваколатига киритилган. Мажлис асносида сенаторлар Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини ўтказишга, мамлакат банк-молия тизими барқарорлигини мустаҳкамлашга, шунингдек, банкларнинг инвестиция жараёнларидаги ва мамлакат иқтисодиётини модернизациялашдаги иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган фаолиятини муҳокама қиладилар. Ҳисоб палатаси ҳисоботини кўриб чиқиш сингари мазкур ҳисоботни кўриб чиқишни ҳам парламент назоратининг билвосита шакли жумласига киритиш мумкин, чунки сенаторлар банк муассасалари фаолиятига бевосита аралашмаган ҳолда, фақат Марказий банк ҳамда банк тизими субъектлари зиммасига юкланадиган кўрсатма ва топшириқлар мужассам бўлган қарорлар қабул қилиш йўли билангина банк соҳасига таъсир ўтказишлари мумкин.

Ҳозирги кунда парламент сўрови тушунчаси доирасида таҳлилларни мукаммаллаштириш тобора долзарблашмоқда. У давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига (бундан буён матнда мансабдор шахслар деб юритилади) энг муҳим масалалар юзасидан йўлланган, уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён этиш талаби мужассам бўлган ёзма мурожаатдир. Парламент сўровини юбориш ҳуқуқи Олий Мажлис палаталарига, депутатларга ҳамда сенаторларга берилган бўлиб, ҳар иккала ҳолатда ҳам парламент сўрови бир хил юридик кучга эга. Парламент сўрови Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатаси томонидан юборилган тақдирда парламент сўрови тўғрисидаги масала палатанинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади. Мазкур масалани кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинадиган ҳужжат палата қарори шаклида расмийлаштирилади. Депутат ёки сенатор томонидан парламент сўрови йўллаш тўғрисидаги қарор улар томонидан яқка тартибда қабул қилинади.

Парламент сўровини тайёрлаш таомилини шартли равишда бир неча босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда сўров ташаббусчилари парламент сўрови мавзусини ҳамда сўров йўлланадиган мансабдор шахсни аниқлаб олишлари керак. Иккинчи босқичда парламент сўрови матни тайёрланади, бордию сўров Олий Мажлис палатаси муҳокамасига чиқариладиган бўлса, парламент сўрови юбориш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ҳам тайёрланади. Учинчи босқичда парламент сўровини юбориш тўғрисидаги масала бевосита ҳал этилади. Шу билан бирга, депутат ёки сенатор томонидан парламент сўровини юбориш тартиб-таомилларида муайян тафовутлар борлигини ҳам айтиб ўтиш даркор.

Палата мажлисида ижобий қарор қабул қилинганидан кейинги парламент сўрови Қонунчилик палатаси қарори билан бирга мансабдор шахсга юборилади. Парламент сўровини, сенатор юқорида айтиб ўтилган тартибдан фарқли равишда, Сенат қўмитаси

ёки Сенат Кенгаши билан келишиб олмасдан ҳамда парламент сўрови юбориш тўғрисида Сенат қарор чиқармасидан туриб юборишга ҳақлидир. Сенатор ўзи аъзоси бўлган Сенат қўмитасини парламент сўрови юбораётганидан хабардор этиши мажбурий талаб ҳисобланади.¹

Парламент сўровига жавоб Олий Мажлис палатасининг мажлисида берилади. Бу қоида Олий Мажлис палатаси томонидан йўлланган сўровга нисбатан ҳам, депутат ёки сенатор томонидан йўлланган сўровга нисбатан ҳам амал қилади. Шу билан бирга, парламент сўровига жавоб бериш муддатларида муайян тафовутлар бор. Хусусан, мансабдор шахслар парламент сўровига сўров олинган кундан эътиборан, ўн кундан кечиктирмай, Қонунчилик палатаси мажлисида жавоб беришлари лозим. Сенатнинг парламент сўрови борасида бу нарса аниқлаштирилмаган. Парламент сўровлари бўйича ахборотлар Олий Мажлис палатаси мажлисида муҳокама этилиши мумкин. Муҳокама якунлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатаси қарори қабул қилинади.

Маълумки, Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатаси қўмиталари сайланади. Сенатнинг қўмиталари олдига ҳам айти шундай мақсад кўйилади.

Қонунларнинг ижроси устидан назорат олиб боришдан кўзланган асосий мақсад нормалари амалда қўлланилмаётган, яъни амал қилмаётган нормалари бор қонунларни аниқлаш йўли билан ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришдан, қонун ҳужжатларидаги камчилик ва нуқсонларни, қонунни ижро этишга монелик қилаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашдан, қонунни ижро этишда йўл кўйилаётган хатолик ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан, қўмиталар томонидан ўтказилаётган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар натижалари асосида, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мобайнида олинган ахборотларни амалиётда қўллашдан, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни оширишдан иборатдир. Сенат ҳудудий вакиллик палатаси эканидан келиб чиқиб, Сенат қўмиталарининг бундай назоратни амалга оширишдаги вазифаси юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари сенаторларнинг ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини оширишдан, энг долзарб минтақавий муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Парламент назоратининг бошқа шаклларида фарқли равишда қўмиталар томонидан шакллантирилган гуруҳлар вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар) бўлинмалари ишини жойларга бориб ўрганади. Назорат тадбирининг якунлари асосида маълумотнома тайёрланади ва бу маълумотнома қўмиталарнинг мажлисларида, давлат органларининг раҳбарлари таклиф этилган ҳолда кўриб чиқилади. Қўмиталарнинг аниқланган камчиликларни бартараф этишга оид

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 29 июндаги 199-1-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан, Сенат аъзоси томонидан парламент сўровини юбориш тартиби». // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2006. № 6. 365-модда.

тавсиялари камраб олинган қарорлари кўриб чиқиш учун тегишли давлат органларининг раҳбарларига юборилади. Сенатда назорат тадбири яқунларини Сенат қўмитаси билан халқ депутатлари вилоят кенгаши қўшма мажлисида муҳокама этиш амалиёти кенг қўлланиб келинмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, назорат тадбирларининг натижалари парламент эшитувларини ташкил этиш ҳамда парламент сўровларини юбориш учун асос бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин.

Ҳозирги пайтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборот ёки ҳисоботларини палаталар қўмиталарида эшитиш, қоида тариқасида, назорат-таҳлил фаолияти режаларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Хусусан, муайян қонуннинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши амалиётини ўрганиш натижалари қўмита мажлисида кўриб чиқиладиганда шундай бўлади. Қонунлар ва назорат тадбирлари яқунлари асосида қўмиталар қабул қилган қарорлар қандай бажариладигани ҳақида қўмиталарнинг мажлисларида мансабдор шахслар қўмита аъзоларига ахборот берадилар. Давлат органлари раҳбарларининг ахборот ёки ҳисоботлари Олий Мажлис палаталарининг ёки палаталар кенгашларининг мажлисларида ҳам эшитилиши мумкин. Бундай ҳолларда, одатда, палата мажлисида қабул қилинган қарор ижроси ҳақидаги ахборот эшитув мавзуси бўлади.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари – халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатларига ҳам назорат вазифаларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Асосий фарқ шундаки, маҳаллий кенгашлар депутатларининг ваколатлари муайян ҳудуд доираси билан чекланган бўлади. Жумладан, халқ депутатлари туман кенгаши депутатининг ваколатлари тегишли туман ҳудуди, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатининг ваколатлари эса вилоят ҳудуди доираси билан чегараланади. Хусусан, Қонунга мувофиқ маҳаллий кенгаш депутати тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир. Депутат сўрови, ўз ҳуқуқий мақомига кўра, парламент сўровига мос келади. Шу муносабат билан қонунда мансабдор шахсларнинг маҳаллий кенгаш депутати сўровига жавобни мазкур депутатга сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориш мажбурияти белгилаб қўйилган. Депутат сўровининг парламент сўровидан асосий фарқи шуки, мансабдор шахслар сўровга ёзма жавобни бевосита маҳаллий кенгаш депутатининг ўзига тақдим этишга ҳақлидир, бунда уларнинг маҳаллий кенгаш сессиясида иштирок этиши шарт эмас. Депутатнинг, айтайлик, халқ депутатлари туман кенгаши депутатининг ваколатлари республика даражасидаги мансабдор шахслар олдида (вазирлик, давлат қўмитаси, идора раҳбари олдида) масала қўйиш учун етарли бўлмаган тақдирда, у мазкур минтақадан сайланган Сенат аъзосига мурожаат этишга ҳақли – бу сенаторда эса тегишли мансабдор шахсга парламент сўровини юбориш ҳуқуқи бор. Шу зайл ва туман миқёсидаги муаммо республика миқёсига олиб чиқилиши мумкин. Депутат сўровини юборишнинг муфассал тартиб-таомиллари «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати томонидан депутат сўровини юборишга доир тавсиялар»да баён этилган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги юз нафар сенатордан саксон тўрт нафари маҳаллий кенгашлар депутатларидир.

Ҳурматли ўқувчи, мазкур назорат усулларига узоқ тўхталаётганимизнинг сабаби шундаки, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда



1.1-расм. *Парламент назорати ва фуқаролик жамиятини кучайтириш.*

парламент фаолиятини тубдан такомиллаштириш, намунали халқ депутати кенгашларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу мақсадларга эса зикр этилаётган механизмларни тўлиқ ишга солмасдан эришиб бўлмайди.

Давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳисоботларини эшитиш икки шаклда амалга оширилади. Биринчиси, бу иш доимий комиссияларнинг мажлисларида ва, иккинчиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларида амалга оширилади. Доимий комиссияларнинг мажлисларида, одатда, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, тегишли ҳудуддаги корхоналар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раисларининг ҳисоботлари эшитилади. Маҳаллий кенгашларнинг сессияларида асосан ҳокимнинг – маҳаллий кенгаш раҳбарининг, шунингдек, унинг ўринбосарларининг ҳисоботлари эшитилар эди.

Парламент қўмиталари билан оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, партия матбуоти ўртасидаги алоқани кучайтириш ҳам парламент назорати самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бу гап, энг аввало, назорат фаолияти натижаларини матбуотда янада кенгрок ёритишга тааллуқлидир. Жумладан, матбуотда қисқа пресс-релизлар ўрнига кенг қўламли таҳлилий материаллар ва мақолалар бериш ҳамда уларда парламент фаолияти жараёни ва эришилган ҳақиқий натижаларни муфассал акс эттириш мумкин.

Жаҳон сиёсий тажрибасида парламент назоратини кучайтириш жараёнлари ОАВ институтларининг слайд, видео ва хужжатли фильмлари орқали акс эттириш тажрибаси мавжуд.

Маълумки, демократик ўзгаришлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг ўрни беқиёс. Айниқса, ОАВнинг халқни қарорларни қабул қилиш жараёнларидан хабардор қилиш, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик ва қай даражада назорат қилинаётган оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок эта олишини белгилайдиган институт сифатида эволюцион тарзда ривожланиб бораётгани эътиборлидир (1.2-расм).

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган давлатларда парламент назоратининг нуфузга эга бўлишида ОАВнинг одамларга сиёсий ахборотни вақтида ва сифатли еткази олиш қобилияти орқали эга бўлмоқда. Бундай пайтда турли сиёсий партиялар, нодавлат-ноҳукумат ташкилотларининг ўз матбуот органлари орқали парламент сиёсатига таъсирини ўтказиш ва ривожланган давлатлар тажрибаси ва тенденцияларига таяниш муҳим аҳамиятга эга.

ОАВлари бугунги кунда тезкорлик билан муайян партия ва уюшмаларнинг сиёсатига хизмат қилиш хусусиятига эга. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг самараси кўп жиҳатдан мамлакатдаги медиабозорнинг ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Мурожаатномада парламент фаолиятини янада такомиллаштириш, «Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи



1.2-расм. Фуқаронинг демократик жараёнларда иштирокини ОАВ орқали кучайтириш.

сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш» вазифалари илгари сурилди. Айтиш мумкинки, амалдаги қонунлар ижросини ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини янада кучайтириш лозимлиги давр талабидир. Бу бевосита «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан айни пайтда депутат ва сенаторлар ҳар ойда маълум бир муддатда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб бориши, таҳлил қилиши, тегишли масалалар бўйича аниқ таклифлар киритиши, шу орқали давлат бошқаруви сифати ва самарадорлигини ошириши муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Маълумки, яқин ўтмишда фаолият кўрсатган барча йўналишдаги депутатларнинг барчаси чуқур мафқуралашган мақсади ва фаолиятдан қатъи назар, бир хил фикрлар эди. Депутатлар корпуси ҳукмрон сиёсий партия манфаатларини ҳимоя қилар, унинг яққаҳоқимлик сиёсатини қўллаб-қувватлар эди. Депутатлар кенгашларида фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш сингари умуминсоний кадриятлар ўз ифодасини топмаган эди. Барча депутатлар кенгашлари, мақомидан қатъи назар, сохта фаолият юритишар эди. Аслида Парламент бутун моҳияти билан халқ ҳокимиятидир. У вакиллик органи сифатида бутун ваколатни халқдан олади ва Конституция доирасида фаолият юритади. Демак, ҳар бир фуқаро парламент таркибида ўзи сайлаган, унга овоз берган шахс орқали ҳокимият ва давлат фаолиятида ўз овозига эга. Бошқача қилиб айтганда, парламент аъзоси – ҳар бир депутат ёки сенатор ўз сайловчиларининг мақсад ва интилишларини, жамият ва давлат фаолиятига муносабатини ўзида ифода этади. Шу тарзда қонунчилик ҳокимияти ва халқ иродаси ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Депутат ва сенаторлар ўз сайловчилари билан доимий учрашувлар, очиқ мулоқотлар жараёнида жамиятнинг яхлит кайфиятини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини ўрганишади. Бу эса жамият таракқиётини белгилаб берадиган, ислохотлар жараёнини

тартибга соладиган, унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар яратиш имконини беради.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Президент Ш.Мирзиёев талаб қилаётганидек, халқ орасида юриш, одамлар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва муаммолари ечимини топишда олий ва маҳаллий вакиллик органлари кенг имкониятга эгадир. Айни ана шу жараёнда вакиллик органлари фаолияти жонланади, ҳаётга яқинлашади, реал воқеликлар ичида яшайди. Энг муҳими, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошади, ўз тақдирини жамият ва давлат тақдири билан боғлиқ ҳолда ҳис этади. Натижада *давлат, бу – мен, давлат – менинг тақдирим, менинг борлигим, мавжудлигим, қадр қимматим, деган фикрга боради. Бу эса тафаккурдаги эврилиш, фуқаролар онги ва қалбидаги жиддий янгиланишнинг ифодасидир.*

1.2. СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Маълумки, барча демократик мамлакатларда давлат ҳоқимияти давлат ҳоқимиятининг бўлиниш принципига кўра учга – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятига бўлинади. Ўзбекистон ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистоннинг суверен демократик давлат экани конституциявий норма асосида мустаҳкамлаб қўйилди: «**Ўзбекистон – суверен демократик республика**» (1-модда). Демократик давлатларнинг барчасида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам давлат ҳоқимияти ҳоқимиятларнинг бўлиниш принципига кўра ташкил этилиши белгиланди: «**Ўзбекистон Республикаси давлат ҳоқимиятининг тизими – ҳоқимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятига бўлиниши принципига асосланади**» (11-модда). Шундай экан, суд ҳоқимияти давлат ҳоқимияти тизимида мустақил (лекин, айни вақтда, давлат ҳоқимиятининг бошқа «устун»лари билан бевосита боғлиқ ҳолда) фаолият юритадиган тузилмадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII боби «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳоқимияти»га бағишланган. Конституциянинг 106-моддасида белгиланганидек, «**Ўзбекистон Республикасида суд ҳоқимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади**». Мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги бир йилдан ортиқроқ вақт давомида Ўзбекистонда суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўлида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди ва бу йўлдаги ишлар жорий йилда ва ундан кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирилади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев таъбири билан айтганда, «**адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт**»¹. Бунинг учун эса айнан суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида суд органларининг тузилиши ва фаолиятида жиддий ислохотлар амалга оширилиши лозимлиги белгилаб берилган эди. Фармоннинг биринчи банди асосида тасдиқланган «**2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича**


¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 23 декабрь, № 258 (6952).

Ҳаракатлар стратегияси»нинг иккинчи устувор йўналиши сифатида «қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш» назарда тутилди. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ва Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар тузилди. Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2017 йил – «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳам тасдиқланди. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар зиммасига Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини 2018–2021 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юқланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши сифатида белгиланган **«Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари» бўйича қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, мазкур устувор йўналиш доирасида белгиланган вазифалар орасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш вазифаси ҳам мавжуд. Мазкур мақсадларга эришиш учун бир неча вазифаларни самарали амалга ошириш талаб этилади. Бундай вазифалар жумласига судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш; судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш; суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш; «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш; судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш; судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифалари киради. Бу борада ўтган 2017 йилда бир қатор ишлар амалга оширилди.**

Судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддати ва шундан сўнг муддатсиз даври белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бундай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши орқали суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, суд тизимида етук ва профессионал судьялик корпусининг шаклланишига, суд ҳокимиятини бошқа ҳокимият органлари таъсиридан холи бўлишига эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси негизида суд ҳокимияти органи сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил қилинди. Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди.



1.3-расм.


Кенгаш таркибининг камида ярми судьялар ҳисобидан шакллантирилди ва унга судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўриш, шунингдек, судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш, судьялик лавозимларига тайинлаш (тасдиқлаш) учун Ўзбекистон Республикаси Президентига номзодларни тақдим этиш ваколатларини бериш масалалари кўриб чиқилди.

Судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда судьяларни рағбатлантириш бўйича Олий малака комиссиясига ваколат бериш суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, одил судловга эришишни, судьяларнинг муайян мансабдор шахс таъсиридан холи бўлишига, суд тизимида етук ва профессионал судьялик корпусининг шаклланишига хизмат қилади, албатта.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизми, шу жумладан, унинг асосларини аниқлаштириш орқали такомиллаштириш ва суд раисларининг судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатишга оид ваколати тугатиладиган бўлди. Бундай йўл тутилиши натижасида судьяларнинг суд раислари таъсиридан холи тарзда мустақил фаолият юритишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судига адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари, шунингдек, тегишли штат бирлиги ўтказилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш ишлари жадал олиб борилди. Хусусан, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судлари ташкил этилди, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатлари қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судлар ташкил этилди, судлар тизимида судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш (асосан, умумий штат бирлиги доирасида) бўйича таклифлар тайёрланди. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши самараси ўлароқ хўжалик, биринчи навбатда, маъмурий ишларни кўриб чиқиш сифати ошди, судьяларни одил судлов билан бевосита боғлиқ бўлмаган вазифалардан озод қилишга эришилди.



1.4-расм.

Судьяларнинг алоҳида макomini инобатга олган ҳолда, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормалари ва пенсия таъминоти механизми белгиланди, шу жумладан, судлар фаолиятини фақат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби, ҳар йили республика бюджетига қонунчилик ва ижро ҳокимияти органларидан ажратилган ҳолда алоҳида қаторда белгилаш тизими жорий этилди. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар судларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим омил бўлиб, уларнинг фаолиятига аралашмасликнинг қўшимча кафолатларини яратади.

Судья лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши – туман ва вилоят судлари судья лавозимлари 65 ёшгача, Конституциявий суд ва Олий суд судья лавозимлари – 70 ёшгача деб белгиланди. Ушбу чоралар судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Суд ҳокимияти нуфузига ва одил судловни амалга ошириш вазифаларига мос, қулай ва хавфсизлик, шунингдек, моддий-техника жиҳатидан жиҳозланиш талабларига жавоб берадиган 2018–2021 йиллар учун мўлжалланган судларнинг намунавий биноларини қуриш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши белгиланди. Бундай дастур суд ҳокимияти нуфузи ва одил судлов вазифаларининг самарали амалга оширилишига, аҳолига қулайлик яратишга ва хавфсизлик таъминланишига хизмат қилади.

Суд раисларининг процессуал тартибда кўрилиши лозим бўлган масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ваколатлари бекор қилинди. Ушбу чора тарафларнинг тортишуви принципини таъминлаш орқали жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Адвокат ваколатларини тергов ва суд жараёнларининг барча босқичида кенгайтириш, шу жумладан, адвокат томонидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш ташаббуси механизмлари белгиланди. Бу адвокатура институтини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашда адвокатнинг ролини кучайтиради.

Куйи инстанциялар микёсида ихтисослашувни амалга оширган ҳолда, Олий суд ва Олий хўжалик суди негизида ягона олий инстанция судини ташкил этиш масаласи ўрганиб чиқилди ва халқаро стандартлар инобатга олинган ҳолда Олий хўжалик суди тугатилди. Хўжалик низоларини кўриб келган хўжалик судлари иқтисодий судлар тарзида қайта ташкил этилиб, Олий суд инстанцияси сифатида ташкил этилди. Ушбу чора судларда ягона амалиётни таъминлаш, суд тизимини соддалаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш масаласи ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Хусусан, судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартиби жорий қилинди, судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқа жорий этилди, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизими киритилди, суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базаси юритилмоқда, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари) барча суд қарорларини чоп этиш тартиби жорий қилинди. Мазкур чора фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот технологияларини, шунингдек, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишга хизмат қилади.

Мазкур соҳадаги ислохотларни давом эттириш 2018 йил ва ундан кейинги йилларнинг ҳам бош вазифаси бўлиб қолади. Ўзбекистон Президенти томонидан «Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини ташкил этиш» таклифи киритилди. Бу комиссия одамлардан келиб тушаётган муурожаатлар, халқ билан бевосита учрашув ва мулоқотлар жараёнида кўтарилаётган масалаларни умумлаштириш, парламент сўрови орқали ҳаққоний вазиятни таҳлил қилиш, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши билан бирга муаммоларни ҳал этиш вазифалари билан шуғулланади.



1.5-расм.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУД ТИЗИМИ

Олий суд



- 1) Ҳарбий судлар.
- 2) Қорақалпоғистон фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари.
- 3) Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари.
- 4) **Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари.**
- 5) Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари.
- 6) Жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари.
- 7) **Туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судлари.**
- 8) **Туман, шаҳар маъмурий судлари.**

Конституциявий суд



- 1) Қонун ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди.
- 2) Халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди.
- 3) Конституция ва қонунларга шарҳ беради ва бошқалар.

1.6-расм.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири, бу – судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш вазифасидир. Мазкур вазифанинг самарали удаланиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Тергов ва суд ишига аралашуш ҳолатларига барҳам бериш лозим. Бунинг учун, аввало, уларни аниқлаш, бундай салбий ҳолатга йўл қўйган шахсларни эса жавобгарликка тортишни кучайтириш, жазо муқаррарлигини таъминлашга эришиш лозим.


Маълумки, мамлакатимизда «Хабеас корпус» институти жорий этилди, яъни 2008 йилдан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилди. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Эндиги вазифа эса «Хабеас корпус» институтини кенгайтиришдан иборат. **Тинтув ўтказишга ва жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларнинг телефондаги мулоқотларини эшитиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш** олдимизда турган навбатдаги вазифа эканлигини Ўзбекистон Президенти ўз Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаб ўтди.

1.3. ИҚТИСОДИЁТНИ МУТЛАҚО ЯНГИ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР


Ҳар қандай миллий давлат жамият тараққиёти билан бирга равнақ топади. Шунинг учун ҳам давлат ва жамият қурилиши – яхлит кечадиган жараён. Мустақилликнинг ўтган 26 йили, аввало, давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ қилиш орқали кечди. Бу борада ҳам миллий анъаналаримизга таяниб, ҳам халқаро тажрибаларга суянган ҳолда иш тутдик. Бошқача айтганда, истиқлол тарихига биринчи галда давлат ва жамият қурилиши нуктаи назаридан қараб баҳо беришимиз зарур. 2017 йилнинг 27 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтка-

зиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. 2017 йилги байрам «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида амалга оширилди. Қарорда ушбу Дастурни 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида бу бешта устувор йўналишнинг биринчиси қуйидагича баён этилган: «Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар тузилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги Фармойиши билан Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларнинг экспертлик ва жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни тўлиқ амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтларини, экспертлар ва олимларни мамлакатимизни демократик




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ




2017-2021


ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 77 БАНДДАН ИБОРАТ III УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР




40 МЛРД. ДОЛЛАРГА тенг бўлган
649 ТА инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида
амалга ошириш




“TALGO-250” русумидаги 2 та юқори
тезликдаги **ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИ**
сотиб олиш лойиҳасини амалга ошириш




Қўмир қазиб олиш соҳасида замонавий
технологияларни жорий этиш ҳисобига
қўмир қазиб олишни йилга **7,8 МЛН.
ТОННАГА** ошириш имконини берувчи
инвестициявий лойиҳаларни амалга
ошириш




Пахта экин майдонларини **49 МИНГ
ГЕКТАРГА** ва галла майдонларини **10
МИНГ ГЕКТАРГА** қисқартириш




Республика ҳудудларида
2300 КМ оптик толали алоқа линияларини
қуриш, мобил алоқа операторларининг **1843
ТА** база станцияларини ўрнатиш, **66 ТА** юқори
қувватли ва **328 ТА** кам қувватли рақамли
телевидение узаткичларини ўрнатиш ва ишга
тушириш




Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-
сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш
ҲАЖМЛАРИНИ ОШИРИШ



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги
тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили
(БИЗНЕС-ОМБУДСМАН)ни ташкил этиш



Фойдаланилмаётган давлат мулк
объектларини, жумладан, «**НОЛЬ**»
ХАРИД ҚИЙМАТИ бўйича сотиш
жараёнларини янада соддалаштириш



Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Олмазор
туманларида кичик бизнеснинг
ИННОВАЦИОН ТЕХНОПАРКЛАРИНИ
ташкил этиш

Doing Business

Жаҳон банкининг “**Doing Business**” халқаро
рейтингида республикамизнинг ўрнини яхшилашга
қаратилган тадбирларни амалга ошириш

ратлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнларига фаол жалб этиш мақсадида пойтахтимизда Тараққиёт стратегияси маркази ташкил этилди.

Мустақил давлатчилигимиз тарихида илгари ҳеч қачон ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда бундай жадаллик юз бермаган эди. Бу мамлакатимизда ислоҳотларни мисли кўрилмаган даражада чуқурлаштириш жараёни бошланганидан далолат беради.

1.1 - жадвал

Макроиктисодий кўрсаткичлар (2017 йил январь-сентябрь)¹


Кўрсаткичлар	Миллиард сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	170 074,8	105,3
Истеъмол нархлари индекси (2016 йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)	x	107,8
Саноат маҳсулоти	99 060,5	105,6
Истеъмол товарлари	41 139,3	105,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари	46 194,3	103,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	39 536,1	101,0
Қурилиш ишлари	25 176,2	105,3
Юк айланмаси (миллион. тн-км)	65 568,2	102,8
Йўловчи айланмаси (миллион. пасс.-км)	83 288,5	104,9
Чакана савдо товар айланмаси	76 358,1	104,3
Хизматлар, жами	77 250,8	106,9
Ташқи савдо айланмаси, (миллион АҚШ доллари) ²	19 951,5	116,7
Экспорт	10 359,6	125,6
Импорт	9 591,9	108,4
Сальдо (+, -)	767,7	x

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 170 074,8 миллиард сўмни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯИМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,5 фоиз, (ЯИМ таркибидаги улуши – 16,9 фоиз), саноат – 104,1 фоиз (25,0 фоиз), қурилиш – 105,3 фоиз (7,4 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 106,5 фоиз (11,6 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,3 фоиз (13,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,0 фоиз (26,0 фоиз)ни ташкил этади (1.1-жадвал).

2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 50,7 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан 0,6 пунктга камдир (51,3 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,6 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 13,1 фоизни ташкил қилди. Савдо,

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси.

² 2017 йил. Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотлари асосида.



1.7-расм. Ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (январь-сентябрь ойларидаги ҳолати (жамига нисбатан фоиз ҳисобида))¹


яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,5 пунктга ошди ва 11,6 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь-сентябрдаги 26,5 фоиздан 2017 йил январь-сентябрда 26 фоизга тушди. Мулкчилик шакллари бўйича ЯИМ умумий ҳажмининг 80,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 19,7 фоизи давлат секторига тўғри келди (1.7-расм).

2017 йилнинг 9 ойлик маълумотларига кўра, ЯИМнинг юқори ўсиш суръатлари Андижон вилоятида (107,1 фоиз), Хоразм вилоятида (106,7 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (106,1 фоиз) кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларининг республика даражасига (105,3 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичлари Сирдарё (99,0 фоиз), Навоий (100,7 фоиз), Бухоро (103,0 фоиз) ва Сурхондарё (103,0 фоиз) вилоятларида кузатилмоқда.

Республика бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳри 15,5 фоизли улуш билан етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари мос равишда 10,8 фоиз ва 7,2 фоиз кўрсаткичи билан кейинги ўринларни эгаллашган. ЯҲМнинг энг кам улуши Сирдарё вилоятида (1,9 фоиз), Жиззах вилоятида (2,5 фоиз), Хоразм вилоятида (3,4 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,4 фоиз) кузатилди (1.8-расм).

Республикада хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда. 2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил.



1.8-расм. ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки¹
(2017 йил январь-сентябрь ҳолатига, ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)

ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бўйича нархлари индекси даражаси ўртача 18,9 фоизга ўсган. Ўтган йилнинг мос даврида нархларнинг ўсиши 10,6 фоизни ташкил қилган эди (1.9-расм).

2017 йилнинг 9 ойлигида 2016 йилнинг шу даврига нисбатан нархларнинг бирмунча тез ўсиши тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти товарлари нархларининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, йил бошидан нархлар 13,6 фоизга ошган. Нархларнинг бирмунча кескин кўтарилиши 2017 йилнинг июнь ойи ҳолатига тўғри келади (10,3 фоизга), бунда Молия Вазирлигининг реестрига асосан хом нефть, табиий газ ва конденсат нархлари ўзгариши сабаб бўлди.

2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тарифлари 5,8 фоизга ошди (ўртача ойлик ўсиш 0,6 фоиз). Асосий ўзга-

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил.



1.9-расм. Январь-сентябрь ҳолатига кўра саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан фоиз ҳисобида)¹

ришлар иссиқлик энергияси 13,4 ҳамда электр энергиясига тарифларнинг 6,9 фоизга, шунингдек, газ ва ерости газ инфратузилмаси 7,5 фоизга ва газсимон ёқилғи қувурлар орқали етказиб бериш хизматлари 4,5 фоизга камайди. Ишлаб чиқариш саноати нархлари 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўртача ўсиш 2,1 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг шу даври оралиғида эса 1,2 фоиз). Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда 2017 йил 9 ойи давомида ўсиш 1,0 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида 0,3 фоиз).

1.2 - ж а д в а л

Молиялаштириш манбалари ва мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши¹
(2017 йил январь-сентябрда) яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, миллиард сўм	39 536,1	5 511,5	34 024,6
<i>шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	2 053,3	79,6	20,4
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	1 673,2	96,2	3,8
корхоналар ва аҳоли маблағлари	18 744,0	7,6	92,4
чет эл инвестициялари ва кредитлари	9 603,8	7,0	93,0
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	4 872,8	1,5	98,5
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	2 503,4	1,4	98,6
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	85,6	48,2	27,6

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил.

² Ўша манба.

2017 йил январь-сентябрида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 39 536,1 миллиард сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 9,6 миллиард АҚШ долларини) ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 101,0 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯИМга нисбати 23,2 фоизни ташкил қилиб, 2016 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 1,4 фоизга камайди.

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб-қувватлашга, Ўзбекистон Республикаси инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Мамлакатимизда инвестицион ҳолатнинг 2017 йилдаги 9 ойлик натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, соҳада ижобий ўзгаришлар рўй берганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, жорий йил давомида давлат активлари сотилиши бўйича рўйхатга олинган 1 172 та олди-сотди шартномаси бўйича 240,9 миллион АҚШ доллари ва 1 846,8 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилиши назоратга олинган. Шулардан, 18 та шартнома хорижий инвесторлар билан тузилган. Юқоридаги шартномаларга кўра, бажарилган инвестициялар умумий миқдори 130,6 миллион АҚШ доллари ва 1 009,0 миллиард сўмни ташкил этди. Инвестиция киритиш даврида 11 950 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Амалдаги шартномаларга кўра, йил бошидан инвесторлар томонидан 9,4 миллион АҚШ доллари ва 353,3 миллиард сўм инвестиция киритилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳажми 20,1 миллион АҚШ доллари ва 447,0 миллиард сўмни ташкил этди.¹

Инвестицион фаолият соҳасида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллашга асосланган инновацион ёндашувларни жорий этиш бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш ва давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимизни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ғов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўсқинлик қилаётган бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда (1.10-расм).

Юқорида келтирилган ҳолатлар давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислох қилиш шароитида ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи, лойиҳа бошқаруви принципларига асосланган қарорлар қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва назорат қилишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни талаб қилади. Ушбу камчиликларни тезкор бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 24 июлда «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон имзоланди. Ушбу фармонга асосан давлат дастурлари амалга оширилишини, молиявий маблағлар сарфланишини бошқариш механизмларининг самарадорлиги ва шаффофлигини янада ошириш, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бел-

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

КАМЧИЛИКЛАР	Давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслиги;
	лойиҳаларни амалга ошириш суръати ва самарадорлигини тезкор қузатиш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёнига етарлича жорий этилмаганлиги;
	давлат ва ҳудудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очиқлик ва шаффофлик даражасининг пастлиги, мазкур соҳа молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, шунингдек, турли хил суиистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқараётганлиги;
	амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асослантилганлиги ва рентабиллигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек, уларнинг қийматини ошириб кўрсатиш ва бошқа суиистеъмолчиликлар аломатларини аниқлаш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги

1.10-расм. *Инвестиция лойиҳаларни бошқариш тизимидаги камчиликлар.*

гиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими яратилиши назарда тутилган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш қулай инвестиция муҳити яратиш ва бу бўйича аниқ мақсадга қаратилган сиёсат олиб боришни тақозо этади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги махсус инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий сармояларни жалб этишга қаратилиши лозим. Ҳаракатлар стратегиясида 2017–2019 йиллар давомида 20 та лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банки кредитлари ҳисобига 2,97 миллиард долларни жалб қилиш, Ислом тараққиёт банкнинг 1 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдорда кредитларини жалб қилишни кўзда тутадиган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Жорий 2017 йилда умумий қиймати 1 миллиард долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш орқали 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилиши назарда тутилган. Мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 миллион долларлик 63 та лойиҳа, рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича 217 миллион долларлик 6 та лойиҳа, кимёвий хомашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 миллион долларлик 2 та лойиҳа, углеводород хомашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 миллион долларлик 6 та лойиҳа, тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 миллион долларлик 9 та лойиҳа, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 миллион долларлик 7 та лойиҳа, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 миллион долларлик 29 та лойиҳа, тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 миллион долларлик 15 та лойиҳа шулар жумласидан. Ушбу тадбирларни амалга ошириш саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишга асос бўлади.

Табиийки, мавжуд вазият яратилаётган шарт-шароитлар натижасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо қилади:

- хусусийлаштирилган корхоналар ишининг самарадорлигини уларни хусусийлаштирилгандан кейин қўллаб-қувватлаш;

- иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қуриш ҳисобига янги иш ўринлари (айниқса қишлоқ жойларда) барпо этиш;
- ички бозорни маҳсулот билан тўлдириш ва маҳсулотларнинг экспортбоплигини ошириш мақсадида рақобатли бозор муҳитини яратиш;
- минтақаларда бозор инфратузилмасини интенсив ривожлантириш ва унинг томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, унинг хўжалик юритувчи субъектлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш;
- мулкдорларнинг самарали синфини яратиш;
- қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкнинг тўла қимматли бозорини барпо этиш.

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва «ақлли» технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.





2-БОБ. «ХАЛҚ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ЭМАС, БАЛКИ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК» ДЕГАН ЭЗГУ ҒОЯ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИДИР

2.1. «ХАЛҚ» ВА «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ» ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАЛҚИНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида халқ ҳокимияти масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Шавкат Мирзиёев ўтган қисқа даврда Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига бир ярим миллиондан ортиқ фуқаро мурожаат қилгани, қанчадан-қанча одамларнинг муаммолари ҳал этилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалга жорий этилаётганини кўрсатишини таъкидлаб ўтди.

Халқ ҳокимияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аввало «Халқ» тушунчаси ҳақида фикр юритайлик. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да шундай дейилади: «Халқ – 1) муайян мамлакатнинг барча аҳолиси; 2) тарихий бирликнинг турли шакллари (қабилла, элат, миллат)»¹. Халқ атамаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Ўзбек халқи, немис халқи ва шу қабилар халқ атамасининг кенг маънода қўлланишидир. Халқ атамаси тор маънода маълум гуруҳ ёки маълум тоифадаги кишиларни ифодалаш мақсадида қўлланади. Масалан, ёзувчи халқи, талаба халқи ва шу қабилар.

Халқ, бу – кишиларнинг маълум ҳудудда тарихан қарор топган, бошқалардан ягона тили, нисбатан барқарор ўзига хос хусусиятли маданияти ҳамда ўз бирлигини умумий англай олиши ва маълум номга эгаллиги (номланиши) билан фарқланувчи барқарор уюшмаси. Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг жаҳон тажрибасига кўра, «халқ» тушунчаси қабилла, қабилалар гуруҳлари, элат, миллат, диний жамоа, тил умумийлиги қабиларни ўз ичига олади. Халқ ўз этник номига, ҳудудий тил бирлигига, иқтисодий-хўжалик ва маданий бирлигига, ўзликни англаш бирлиги ва сиёсий уюшмасига эга. Халқнинг шаклланиш жараёни *этногенез* атамаси орқали ифодаланади. Қабилаларнинг маълум тарихий шароитда ҳудудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида ягона этник бирликка жипслашуви натижасида халқ вужудга келган. Масалан, Ўрта Осиёнинг қадимий халқларидан бири бўлган ўзбек халқи 3000 йилдан ортиқ тарихга эга.²

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005, 366-б.

² Қ а р а н г: Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1992; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: «Шарқ», 2000; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001; Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1994; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015.

Халқнинг шаклланиши миллатнинг шаклланишини англамайди. Миллат – халқ тарихий тараққиётининг юқори чўққисидир. Халқнинг маълум тарихий шароит ва тараққиёти натижасида янги этник бирлик – миллат вужудга келади. Миллатнинг шаклланиши узок давом этадиган тарихий тараққиёт маҳсулидир. Халқнинг ўз тарихий тараққиёти натижасида барпо этган давлати юқори этник бирлик ҳисобланган миллат номи билан аталади. Масалан, Ўзбекистон. Бу ўзбек миллатининг номидан олинган ва ўзбек халқининг тарихий тараққиёти натижасида барпо этилган давлатнинг номи (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1-модда: «*Давлатнинг [...] «Ўзбекистон» деган номлари [...]»*). Демак, «Ўзбекистон» сўзида ўзбек миллати ва у барпо этган давлатга ишора бор, яъни Ўзбекистон – ўзбеклар давлатидир.

Маълум халқ тарихий тараққиётининг юқори чўққиси саналган ва янги этник бирлик сифатида юзага келган миллат сўзлашадиган тил шу халқнинг ўз тарихий тараққиёти натижасида яратган давлати ҳудудида давлат тилига айланади. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (4-модданинг 1-қисми) шундай ифодаланган: «*Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир*». Ўзбекистон Конституциясига кўра, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, миллати, тили, дини, эътиқоди ва бошқа асослардан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (18-модда).

«Ўзбекистон юридик энциклопедияси»да халқ тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «*Халқ – конституциявий ҳуқуқ фанида, одатда, муайян давлатнинг ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бирлигини ташкил этадиган барча аҳолисини назарда тутувчи тушунча. Шу маънода ҳозирги конституцияларда халқ «давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи» сифатида тавсифланади (бунга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддаси мисол бўла олади)*»¹. Агар ушбу таърифга таяниб, халқ деганда, масалан, Ўзбекистон халқи, деганда унинг барча аҳолисини тушуниш керак, деб хулоса чиқарсак тўғри хулоса чиқарган бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддаси, 1-қисмида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейилган². Лекин мазкур моддада халқ тушунчаси остида кимни тушуниш лозим – барча аҳолиними ёки унинг маълум қатламиними – буниси айтилмаган. Бу масала, яъни, халқ деганда кимни тушуниш лозим деган саволга жавоб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бошқа моддасида учрайди. Ўзбекистон Конституциясининг 8-моддасида «*Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади*» деб белгилаб қўйилган. Демак, бундан шундай хулоса чиқадики, Ўзбекистон халқини унинг ҳудудида истиқомат қилаётган барча аҳоли ташкил этмайди³. Бошқача айтганда, Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар) борлигини ҳам унутмаслик лозим. Энди юқорида ёзилган фикрларни, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 7-

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т.: «Адолат», 2010. 500-б.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

³ Ўзбекистонда 32 миллиондан ортиқ аҳоли яшамоқда. Бу ҳақда қаранг: *Ш.Мирзиёев*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 3-б.

моддасининг 1-қисми ва 8-моддасини ўзаро боғлиқликда таҳлил этсак аён бўладики, Ўзбекистон фуқароларига давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистонда давлат ҳокимияти асосларини белгилашда ва шакллантиришда (масалан, сайловларда ёки референдумларда иштирок этиш орқали) қатнашмайди. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда кимлар иштирок этса, бу ҳокимиятнинг манбаини айнан ана шу шахслар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида ҳам айтилганидек, Ўзбекистон халқи ўзининг мухтор вакиллари сиймосида, яъни халқ депутатлари сиймосида Ўзбекистон Конституциясини қабул қилган. Ушбу ўринда Ўзбекистон Конституцияси муқаддимасини айнан келтирайлик:

«Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети зояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юсак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади»¹.

Демак, Ўзбекистон халқи ўз олдига қўйган мақсадлари қаторида **республика фуқароларининг** муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилоқда, **фуқаролар** тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадини кўзлаган. Лекин бундан Ўзбекистонда истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари конституциявий нормалар асосида ҳимоя қилинмас экан, деган мазмундаги хулоса келиб чиқмайди. Бундай хулосани чиқариш мутлақо ҳатодир. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади (4-модданинг 2-қисми), Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади (13-модданинг биринчи қисми), давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (14-модда), Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар (23-модда) ва бошқалар.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси матнига қаранг.

Энди навбат «давлат ҳокимияти» тушунчасининг юридик мазмунига келди. Хўш, давлат ҳокимияти нима?

Мамлакатимиз йилдан-йилга ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ ва натижаларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида тобора юксак мавқега эга бўлиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Президенти томонидан давлат ва жамият қурилиши борасида белгилаб берилган стратегик мақсадлар ва уларга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда.


Давлат ҳокимияти, бу – давлат бошқаруви ваколатларига эга бўлган давлат органлари ва идоралари томонидан жамият ишларига ташкилий раҳбарликни амалга оширишга қаратилган, сиёсий-ҳуқуқий характерга эга бўлган ижтимоий ҳокимиятнинг бир туридир. Давлат ҳокимиятининг моҳияти давлатнинг мажбурий кучга эга бўлган, давлатнинг авторитети, ташкилий чоралар, зарур ҳолларда эса мажбурлов чоралари билан таъминланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда ифодаланади.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи. Давлатда ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши давлатнинг асосий белгиларидан бири саналади. Давлатдаги мавжуд ҳокимият (давлат ҳокимияти) эса маълум принцип асосида тақсимланади, бўлинади. Бу «давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи» деб аталади. Мазкур принципга кўра, давлат ҳокимияти бир-бири билан чамбарчас боғланган ва, айни вақтда, давлат ҳокимияти маълум мустақилликка эга бўлган қуйидаги уч шохобчага бўлинади: қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти¹ (2.1-расм).

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципининг жамиятда амалда рўёбга чиқарилиши, яъни, ҳокимиятлар бўлинишининг амалга оширилиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайдиган омиллардан биридир. Давлат ҳокимиятида ваколатларнинг бўлиниши ғояси инсониятнинг буюк даҳолари томонидан илгари сурилган илғор тарихий ғоялардан биридир. Масалан, қадимги юнон файласуфи Аристотель бу ғояни дастлаб илгари сурганлардан бири бўлган². XVIII асрнинг биринчи ярмига келиб мазкур ғоя илмий-назарий жиҳатдан асосланди. Бунда машхур француз мутафаккири, ҳуқуқшунос ва файласуф Шарль Луи Монтескье (1689–1755)нинг хизматлари каттадир. Унинг «Қонунлар руҳи ҳақида» номли асарида ҳокимиятнинг бўлиниш принципи асослаб берилган.

¹ Оммавий ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият» сифатида тилга олинади. Бироқ бу мезон юридик мустаҳкамлаб қўйилган эмас ва мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин ҳам эмас. Чунки давлат ҳокимияти фақат номлари юқорида тилга олинган учта ҳокимиятга бўлинишни тақозо этади. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги юксак ўрнини алоҳида таъкидлаш мақсадида мазкур тушунча кенг қўлланади. Оммавий ахборот воситаларига, яъни «тўртинчи ҳокимият»га газеталар, журналлар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа воситалари киради. «Тўртинчи ҳокимият» мажбурлов органларига эга эмас. Шу маънода, бу тушунча кўчма маънода қўлланилади. Шундай бўлса-да, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи юксакдир. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги ўлмас ғояларнинг амалга ошишини таъминлаш ва фуқароларнинг ана шу ишга қўшаётган юксак ҳиссаси боис оммавий ахборот воситаларининг хизматлари алоҳида таъкидланиши ўринлидир.

² Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба (Монография). – Т.: «Янги аср авлоди», 2006. 21–24-бетлар.



2.1-расм. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи давлат ҳокимияти органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлайди. Лекин бунинг учун у мақсадга мувофиқ жорий этилиши лозим. Мазкур принципнинг оқилона рўйбга чиқарилиши орқали давлатда бирор орган ёки шахс томонидан *диктатура*¹ ўрнатилишининг олди олинади, давлат бошқаруви амалга оширилишининг идеал мувозанати таъминланади, давлат органларининг самарали фаолият юритиши учун замин тайёрланади.

¹ «Диктатура» сўзи лотинча *dictatura* сўзидан олинган бўлиб, «чекланмаган ҳокимият» маъносини билдиради. Қ а р а н г: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Х., Холмедов Х., Содиков С. – Т.: «Адолат», 1999. 27-бет.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи давлат ҳокимияти органларининг келишиб, бир-бирини назорат қилиб ва ўзаро уйғунликда ишлашига имкон яратади. Шунинг учун ҳокимиятнинг бўлиниш принципининг қарор топиши демократик давлатга хос жиҳатдир.

Ривожланган ва демократия қарор топган давлатларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат ҳокимияти учга бўлинган. Бу ҳақда Ўзбекистон Конституциясида куйидаги ҳуқуқий норма белгилаб қўйилган: *«Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади»* (11-модда).

Шундай қилиб, «халқ» ва «давлат ҳокимияти» тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тушунчалардир. Чунки давлат ҳокимиятининг мавжуд бўлиши, унинг ташкил этилиши халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилишида намоён бўлади. Бу икки тушунчанинг ўзаро алоқадорлиги ва узвий боғликлигини англаб етиш орқали давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ эканини тушуниш мумкин бўлади.

2.2. ХАЛҚ – ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БИРДАН-БИР МАНБАИ

Олдинги параграфда халқ ва давлат ҳокимияти тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги ва узвий боғликлигини кўриб чиқиш жараёнида халқ давлат ҳокимиятининг ягона, бирдан-бир манбаи эканини билиб олдик. Бироқ ушбу масаланинг асл моҳиятини англамоқ, уни янада теранроқ тушуниб етмоқ учун мазкур масалани кенгроқ ёритиш лозимдек кўринади. Шундай қилиб, эндиги масала нима учун халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканини тушуниб олиш масаласидир. Ушбу масалани англаб олиш ишига киришишдан олдин у билан боғлиқ бўлган «демократик давлат» тушунчасига тўхталиб ўтайлик.

«Демократик давлат» тушунчаси. «Демократик давлат» тушунчасининг ўзагида «демократия» турганини инобатга олиб, гапни аввало, «демократия» сўзининг луғавий маъносини англаб олишдан бошламоқ зарур. «Демократия» сўзи юнонча «демос» – «халқ» ва «кратос» – «ҳокимият» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «халқ ҳокимияти» деган маънони билдиради¹. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилик тизимида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси энг юқорида – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясининг тепасида туради. Шунинг учун уни баъзан «Асосий қонун»² деб ҳам атайдилар. Қолаверса, Конституция олий юридик кучга эга ҳужжатдир (Конституциянинг III боби мазмунида). *«Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»* (16-модда, 2-қисм). Конституциянинг II боби «Халқ ҳокимиятчилиги» деб аталади. Бу юнонча «демократия» сўзининг ўзбекчасидир. Конституциянинг ана шу боби демократик принципларга багишланган.

Демократик давлат фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларини амалда таъминлайди, ана шундай иштирок этишга шароит яратади, шахс-

¹ Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: «Адолат», 1999. – 25-бет; Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп луғат. – Т.: «Шарк», 2006. 87-бет.

² Асосий қонун деганда Конституция назарда тутилмоқда. Бироқ бу ибора норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда учрамайди. Шундай бўлса-да, ҳуқуқий-назарий адабиётларда Конституция тушунчасининг синоними сифатида кенг қўлланилади.

нинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқарилишини кафолатлайди¹. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишга руҳсат этилади. Демократик давлат – давлатнинг тамомила янги тарихий шаклидир. У ижтимоий адолат принципларига, ҳуқуққа, қонунга, қонунийликка асосланадиган давлатдир. Демократик давлат халқ учун хизмат қиладиган, унинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлайдиган давлатдир². Демократик жамият қуриш жараёни кучли фуқаролик жамияти яратилишини тақозо қилади.

Халқимиз демократик давлат қуришни кўзлаган. Демократик давлат, бу – халқ ҳокимиятчилигига асосланган давлатдир. Демократик давлатда халқ ҳокимияти ўрнатилади. Зеро, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Бу Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган (7-модда, 1-қисм). Буни давлат ҳокимияти марказий органларининг халқимиз хоҳиш-иродаси асосида ташкил этилаётгани мисолида кўришимиз мумкин (2.2-расм). Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар бунинг ёрқин далилидир.

Халқимиз ҳуқуқий давлат қуриш борасида улкан ишларни амалга оширмоқда. Ҳуқуқий давлат, бу – Конституцияга, қонунларга, ҳуқуққа асосланган давлат бўлиб, унда барча масалалар қонунлар негизида ва қонунларга асосланиб ҳал этилади. Бу қонунлар устуворлиги таъминланишининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат қуриш фуқароларнинг ҳуқуқий саводхон бўлишлари орқали кечадиган жараёндир. Шундай экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри



2.2-расм. Давлат ҳокимиятининг кўриниши.

¹ Инсоннинг асосий ҳуқуқлари олий қадрият экани масаласида қаранг: Раҳмонов А.Н. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари – олий қадрият сифатида. Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. 93–95-бетлар.

² Қ а р а н г: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. 22-бет.

англаб олиши, конституциявий бурчини тушуниши лозим. Бунда Конституция бирламчи манба бўлиб хизмат қилади, чунки давлат органлари томонидан чиқариладиган барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унга зид бўлмаслиги, аксинча, унинг асосида ва унинг нормаларини рўёбга чиқариш юзасидан қабул қилиниши лозим. Шунинглабгина ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда бурчларни билиш қандай асосга таянишини ва шу орқали Конституциянинг аҳамиятини тушуниш мумкин. *Конституция*¹ – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган бирламчи ҳужжат. Конституциянинг бош мақсади заминда инсон манфаатларига хизмат қилиш принципи ётади. Шунинг учун ҳам унинг «Асосий принциплар»дан кейинги бўлими бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда бурчларига бағишланган. Кейинги ўринларда жамият ва шахс ҳамда давлат ҳокимиятининг қурилиш принципларига алоҳида ўрин берилган.


Ҳуқуқий демократик давлатда инсон шаъни ва қадр-қиммати, обрўси ва ҳурмат-эътибори, ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва бошқа тегишли қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституциянинг муқаддимаси орқали инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлик тантанали равишда эълон қилинди, бир қатор мақсадлар, хусусан, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш Конституцияни қабул қилишдан кўзланган халқимизнинг асосий мақсади экани белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидан англашилмоқдаки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш халқимизнинг ўз олдига қўйган энг юксак мақсадидир.

Шундай экан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократик асосда ислоҳ этиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қилаётган барча ишлар ва хатти-ҳаракатларимизнинг асосида Ўзбекистон Конституцияси бирламчи манба сифатида муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, юқорида таъкидланганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу мазмундаги норма дунёдаги барча демократик давлатларнинг қонунчилигида қарор топган норма саналади. Хўш, нима учун халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экан?

Шуни унутмаслик лозимки, давлат ҳокимияти халқ мавжуд бўлганлиги боис қарор топади. Агар халқ мавжуд бўлмаса, бундай ҳокимиятнинг юзага келишига эҳтиёж йўқ. Чунки давлат ҳокимиятини ана шундай юзага келтириш орқали маълум маконда яшаётган халқ ўз мақсадларига эришиш имкониятига эга бўлади. Бутун ҳокимият халқдан келиб чиқади ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Халқ ўзи барқарор бўлган маконда мамлакат раҳбарини (давлат Президентини, давлат раҳбарини) ва ўз вакилларини (мамлакат парламенти, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларини) сайлайди, шакллантиради. Буни Ўзбекистон мисолида Ўзбекистон халқининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини сайлашида кўриш мумкин. Шунинг учун айнан мана шу икки органга (Ўзбекистон Президентига ва Ўзбекистон Олий Мажлисига) халқ номидан иш олиб бориш ваколати берилган (2.3-расм).

Бундай ваколатни, яъни халқ номидан иш қўриш ваколатини уларга халқнинг ўзи берган. Ана шу икки органдан бошқа давлат ҳокимиятининг ҳеч бир органи халқ номи-

¹ «Конституция» сўзи латинча (*constitutio*) сўздан олинган бўлиб, «тузилиш», «тузук», «қурилиш» деган луғавий маънога эга.



2.3-расм. Ўзбекистон халқи номидан иш олиб борадиган органлар.

дан иш олиб боришга ҳақли эмас, чунки халқ бошқа давлат органларининг шаклланиши ва қарор топишида бевосита иштирок этмайди. Халқ томонидан сайланган шахслар (Ўзбекистон Президенти ва Олий Мажлиси) давлат ҳокимиятининг тегишлича бошқа органлари ва идораларининг ташкил этилиши ва қарор топишида иштирок этади. Бундай ваколатни эса уларга, юқорида ёзилганидек, халқнинг ўзи берган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматини шакллантириш жараёнига эътибор берайлик. Агар биз ушбу масалага теранроқ назар солсак, Ўзбекистон Ҳукуматининг қандай қилиб шакллантирилишини ва нима учун Ҳукумат халққа хизмат қилиши лозимлигини англаб етамиз.

Халқ Олий Мажлисни сайлайди, дедик. Сайловга номзоди қўйилган шахслар халқнинг орасидан танланади. Танлаш ҳуқуқи эса (яъни, номзодни кўрсатиш ҳуқуқи) сиёсий партияларга берилган. Сиёсий партия деганимиз, бу Ўзбекистон фуқароларининг шундай кўнгилли бирлашмасики, уни фуқаролар ўз қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузган, у орқали давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамиятнинг муайян қисмининг сиёсий иродаси рўёбга чиқарилади, у ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашади. Ўзбекистонда фуқароларнинг бундай кўнгилли бирлашмалари (яъни, сиёсий партиялар) сони тўрттадир. Булар:



Ўзбекистон тadbир-корлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси




Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Бош вазир номзодини тақдим этиш ва тасдиқлаш



Э с л а т м а л а р:

1. Чап томондан пастдан юқорига қараб кўрсаткич (стрелка) бўйича ўқинг.
2. Ҳуқуқий нормани яққолроқ тушунтириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги 150 та ўриннинг шартли равишда белгиланган сиёсий партиялар бўйича тақсими фаразан олинди. Ўзбекистон Экоҳаракати учун 15 та ўрин ажратилганини ҳам унутманг.

2.4-расм.

Ана шу тўрт сиёсий партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партия вакиллари учун ажратилган 135 ўрин учун «курашади» (Қонунчилик палатасида жами 150 ўрин бўлиб, шулардан 15 таси Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилган, бу ҳаракат эса сиёсий партия эмас). Бу кураш жараёни сайлов компанияси вақтида «сиёсий рақобат» деб аталади. Қайси сиёсий партия 135 ўриннинг (бошқа партияларга нисбатан) энг кўпини қўлга киритса, ана шу сиёсий партия Ўзбекистон Президентига Бош вазир номзодига доир таклифни беради (2.4-расм). Бош вазир эса Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг (яъни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг) раҳбари ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти энг кўп депутатлик ўрнини қўлга киритган партия томонидан билдирилган Бош вазир номзодига доир таклифни Олий Мажлисининг ҳар иккала палатаси аъзоларига (яъни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига) киритади. Киритилган номзодга доир масала овозга қўйилади.

Белгиланган миқдордаги овозни олган номзод Бош вазир этиб тасдиқланади. Лавозимга тасдиқланганидан сўнг Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг қолган аъзолари (вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари ва бошқалар)га доир таклифни Ўзбекистон Президентига киритади. Ўзбекистон Президенти киритилган номзодларни, агар лозим деб ҳисобласа, тегишли лавозимларга тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципига кўра, ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади (*биринчи параграфдаги расмга қаранг*). Кўриб турганингиздек, Ўзбекистон Ҳукумати шакллантиришда Ўзбекистон Президенти ва Олий Мажлиси қатнашди (шунинг учун Ҳукумат ана шу икки орган олдида масъулдир). Халқнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштироки, мазкур ўринда, юқорида (жуда жўн тарзда) тасвирлаганимиз кўринишида намоён бўлди. Шундай қилиб, халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканлиги юқоридаги кичик бир мисолда акс этди. Мазкур ҳолат демократик давлатда халқ давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Зеро, ўзбек адабиётининг йирик вакиллари бири, халқимизнинг атоқли шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1898–1938) ёзганидек, «**Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир**». Барча давлат органлари ва мансабдор шахслар халқ олдида масъулдирлар ва халққа хизмат қиладилар. Бу ҳақда эса кейинги параграфда сўз юритилади.

2.3. ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – БАРЧА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ

Демократия, бу – халқ ҳокимиятидир, яъни давлат ҳокимиятининг манбаи халқдир. Демократия, бу – халқ орқали амалга ошириладиган ҳокимиятдир, яъни давлат ҳокимиятини рўёбга чиқариш халқ орқали кечадиган жараёндир. Демократия, бу – халқ учун ҳокимиятдир, яъни халқ манфаатлари йўлида амалга ошириладиган ҳокимиятдир. Буларнинг барчаси шахсларни сайлаш ёки лавозимидан озод этиш, тегишли масалаларни овозга қўйиш орқали рўёбга чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига доир давлат сиёсатида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятда қонунчилик асосида мустаҳкамланиб, иқтисодий, сиёсий, юридик, ташкилий кафолатлар тизими билан таъминланганидан кейингина амалга ошиши мумкинлиги масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Инсоннинг «абადий», «табiiй» ҳуқуқлари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин улар юридик воситалар билан таъминланмаса, бу ҳуқуқлар амалда ҳеч қандай самара бермайди.

Инсон ҳуқуқ ва экинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ҳуқуқлари ва эркинларининг кафолатлари» деб номланган X боби муҳим аҳамиятга эгадир. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси X бобининг 43–46-моддаларида ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунлар асосида мустаҳкамлаб қўйилиши албатта зарурдир. Бироқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли тарзда татбиқ қилиниши бу ишнинг энг мураккаб қисми ҳисобланади.

Истиқлолнинг асл моҳияти – инсонни ва унинг ҳаётини улуғлашдир. Конституциянинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний қадриятларга асосланиши, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилган.


Ўзбекистоннинг бош мақсади – эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришдир. Бу мақсадга эришиш муайян вақт ва тараққиёт даражасига эришишни талаб этади. Бу йўл осон ва силлиқ кечмаслигини ривожланган давлатларнинг янги тарихи яққол кўрсатиб турибди.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни ўзининг олий мақсади деб билган халқимиз шу мақсадга эришишнинг мураккаб ва масъулиятли йўлидан ишонч ва қатъият билан кетмоқда.

Ўз мустақиллигининг дастлабки пайтлариданоқ давлатимиз инсон ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш вазифасини ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири деб эълон қилди ва бу масалада амалий, ташкилий-ҳуқуқий ишларни бошлаб юборди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Ўзбекистон Конституциясида кенг ва батафсил мустаҳкамлаб қўйилиши – ушбу соҳадаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди.

Ўзбекистон Конституциясининг мазмуни унинг 13-моддасида мустаҳкамланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деган юксак инсонпарвар қоидага асосланади. Демократик тараққиёт йўлини танлаб, инсонпарвар давлат қуриш йўлидан кетаётган давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам ўз Конституциясида инсонларнинг табиий, ажралмас ҳуқуқлари мавжудлиги ва барча инсонлар табиий ҳар хил бўлишига қарамай қонун ва суд олдида тенглиги тўғрисидаги инсонпарвар қоидалар олий мақомда мустаҳкамлаб қўйган.

Инсон шахсининг камоли учун фуқаролик жамияти зарур. Фақат шундай жамиятдагина шахс ўзининг барча қобилиятларини тўла амалга оширади. Лекин бундай жамиятни юзага келтиришда, уни барпо этишда, аввало, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш даркор. Давлат бошқаруви тизимини ижро ҳокимиятини амалга оширувчи идоралар, яъни ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширувчи органлар ташкил этади. Давлат бошқарув тизимини юзага келтиришда мустақил Ўзбекистон дунёнинг илғор давлатларининг тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб ва Ўзбекистоннинг муайян шароитларини инобатга олиб, халқнинг анъаналари ва менталитети билан ҳисоблашиб, бу тизимни юзага келтирди. Шундай бўлса-да, бу тизим доимо ҳаёт талабларига мувофиқлаштирилиб, демократик принцип асосларига кўра такомиллаштириб борилиши ҳаётий заруратдир. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимига давлат бошлиғи сифатида Президент, республика ҳукумати сифатида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, марказий давлат бошқаруви идоралари ва уларнинг жойлардаги маҳаллий органлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва ҳокимиятлар ҳамда уларнинг бўлимлари ва бошқармалари киради (2.5-расм).



2.5-расм.

Халққа хизмат қилиш – барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг бош вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида белгилаб қўйилганидек, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Халққа хизмат қилиш барча бўғиндаги давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг энг устувор ва бирламчи вазифаси саналади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар айнан мана шу бирламчи вазифани қанчалик уддалаётганига кўра, ўз баҳосини олади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев бундай деган эди: *«Бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси [...] уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади»*¹.

¹ Шавкат Мирзиёев. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо эта- миз.//Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 153-б.

Давлат органлари ва идораларининг халқ олдидаги масъуллигини таъминлаш масаласида энг муҳим ўрин тутадиган масалалардан бири, бу – давлат органлари фаолиятининг очиклигига эришиш масаласидир. Бу борада Ўзбекистонда махсус қонун қабул қилинган. Давлат органлари халқ манфаати йўлида фаолият юритаётган экан, демак, уларнинг фаолияти очик бўлиши, халққа яқин бўлиши лозим. Фуқаролар давлат идораларига ҳеч қандай монеликсиз мурожаат қила олиш имкониятларига эга бўлишлари даркор. Қабул қилинган қонун бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солди. Шунингдек, фуқаролар (шунингдек, юридик шахслар) томонидан қилинадиган ҳар қандай шаклдаги мурожаатлар сўзсиз, қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши белгилаб қўйилди (бу ҳақда кейинги бобда батафсил сўз юритилади). Айниқса, суд органларининг одил судловни амалга оширишлари борасида жиддий ислоҳотлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда (кейинги бобларнинг бирида бу соҳада амалга оширилган ўзгаришлар кенг ёритиб берилган). Ўз навбатида, фуқароларнинг ҳам давлат органлари билан бўладиган мулоқотлари тизимини такомиллаштириш, хусусан уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишлари янги асосда ташкил этилмоқда. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб белгиланган 2017 йилда юқорида тилга олинган соҳаларда жиддий ўзгаришлар амалга оширилди.





3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТИДИР


3.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ТИЗИМИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида 2016 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Кейинчалик эса «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳақида»ги Қонуни (2017 йил 11 сентябрь) қабул қилинди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг фуқаролар қабулхонаси негизида) тузилди. Мазкур Халқ қабулхонаси юридик шахс мақомига эга эмас (3.1-расм).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси давлат органлари, ташкилотлар мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти томонидан тузилади (3.2-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналари қисқа даврдаги фаолияти давомида аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимият билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.




3.1-расм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Виртуал қабулхонаси

1. Келиб тушаётган мурожаатларни ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади.
2. Ўзбекистон Республикаси Виртуал қабулхонаси негизда турли тармоқлар ва фаолият соҳаларидан малакали мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида жалб этган ҳолда, мурожаатларга доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериш амалга оширилади.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизда реал вақт режимида маслаҳат бериш, бир томондан, маслаҳатчилар ўртасидаги, шунингдек, бошқа томондан, ўзини қизиқтирадиган масала юзасидан тезкор тартибда ахборот олиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ахборот айирбошлаш йўли билан таъминланади.

3.2-расм.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мурожаатларнинг аксарият қисми тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига халақит бераётган тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш,




конунчиликка зид бўлган идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти юзасидан келиб тушмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг меъёрий-ҳуқуқий асослари:

1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, 1948 йил 10 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 80-бет.

3.3-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига мурожаатчиларнинг таснифи



3.4-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига мурожаатчиларнинг таснифи

3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида / янги таҳрири. – Т.: «Адолат», 2017. 96-бет.

4. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун, 2016 йил 14 сентябрь.

5. «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонун, 2015 йил 9 декабрь.

6. «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун, 2016 йил 11 апрель.

7. «Давлат жамияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун, 2014 йил 5 май.

8. «Судьялар Олий кенгаши тўғрисида»ги Қонун, 2017 йил 6 апрель.

9. «Судлар тўғрисида»ги Қонун, 2017 йил 12 апрель.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: «Адолат», 2017 йил. 112-бет.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида. – Т.: «Адолат», 2017. – 24 бет ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазибалари:

- Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулокотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, муурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш;
- муурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;
- қабулхоналарга келиб тушган муурожаатларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;
- қабулхоналарга келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган муурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;
- жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини ўтказиш, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситасида ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган муурожаатларни қайд этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, уларни кўриб чиқиш устидан мониторинг ва назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш ҳамда юритиш орқали муурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш (3.5-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳуқуқлари:

- давлат органлари, ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш, улардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни ва ахборотни сўраш ҳамда олиш;
- зарур ҳолларда муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини жойларга чиқиб ўрганиш;
- муурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида давлат органларига, ташкилотларга таклифлар киритиш;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари

Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари:

1. Қонунийлик.
2. Мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш.
3. Мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги.
4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши.
5. Мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўймаслик.
6. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги.

Мурожаат шакллари ва турлари:

1. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.
2. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади.
3. Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

3.5-расм.

- мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузган, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, «Умуман олганда, бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларининг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг мурожаатларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади»¹. Шу муносабат билан мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун электрон порталлар ва маълумотлар базаси яратилди. Хусусан, рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензия олишни соддалаштириш учун www.license.gov.uz, «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш учун birdarcha.uz веб-сайтлари яратилди. Давлат хизматларини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг тартиб-тамойиллари 4 мартага, рўйхатга олиш учун зарур вақт эса 30 дақиқага қадар қисқартирилди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг объектив таҳлили, давлат бошқарув органлари фаолияти, аҳоли билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ҳал этишга эҳтиёж вужудга келганлигини кўрсатди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва унинг амалга оширилиши учун «Йўл харитаси»ни 2017 йил 8 сентябрдаги фармони билан тасдиқлади. Концепцияда Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгиланди:

¹ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 153-бет.

1. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

2. Ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш¹.

3. Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш.

4. Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш.

5. Давлат бошқарув тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш.

6. Профессional давлат хизматининг самарали тизimini шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчасини бир-бирдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу тушунчалар муштараклиги эса юрт таракқиётига, халқ фаровонлиги юксалишига олиб келади.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ташкил этилиши аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш орқали уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билишга, орзу-ниятлари ва дарду ташвишлари билан бирга ҳис этган ҳолда яшашга ундамоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага билдирган таклиф ва тавсияларнинг барчасини инобатга олиб, янги – 2018 йилга юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб ном берилди.



3.6-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаат манбалари таснифи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 9 сентябрь.

3.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ – ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА

Юкорида кайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этди. Мурожаатномада 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва 2018 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топди. Мурожаатнома концепцияси 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тузилган бўлиб, унда, мамлакатимизни келгусида ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди, бир канча қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, «Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда»¹.

Ҳақиқатан ҳам, 2017 йилда Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ» деган ғоя асосида катта ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу ишлар Конституциямизнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришда яна бир улкан қадам бўлди. 2017 йил давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.²


Халқ билан мулоқотнинг янги концепцияси эълон қилиниши, Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг ташкил этилиши, уни бошқариш учун яхлит вертикал тизимнинг жорий этилиши, шунингдек, фуқароларнинг бутунлай ўзгариб бораётган онгу тафаккури буларнинг барчаси шундай катта аҳамиятга эга бўлдики, кўплаб олимлар ва экспертлар мазкур янги феноменнинг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқда. Мамлакатимизда сўнгги бир йилда олиб борилган самимий ва очик мулоқот, оммавий ахборот воситаларининг эркин ривожига жамиятни батамом ўзгартирди. Бу, аввало, одамларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки, фуқаролик фаоллигининг ошганида яққол намоён бўлмоқда.

2017 йилнинг 21 июлигача бўлган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасида 1 миллион мурожаат рўйхатга олинди. Бу ҳолат 3.7-расмда ўз аксини топган.

2017 йил давомида Ўзбекистон Президентининг Виртуал қабулхонасига энг кўп мурожаат Ички ишлар вазирлиги фаолияти юзасидан келиб тушгани маълум қилинди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь, № 258 (6952).

² Шавкат Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 декабрь.



3.7-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал Қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар сони.

Маълум қилинишича, Ички ишлар вазирлигига 99 584 та мурожаат, Олий судга 72 719 та мурожаат, Бош прокуратурага 71 347 та мурожаат йўлланган. Шунингдек, 50 074 та мурожаат Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, 45 732 та мурожаат Соғлиқни сақлаш вазирлигига йўллангани эълон қилинди (бу ҳолат 3.8-расмда ўз аксини топган).

Келтирилган статистик маълумотга кўра, аҳолидан келиб тушган энг кўп мурожаатлар суд-ҳуқуқ соҳасига йўналтирилган бўлиб, кейинги ўринда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги номига келиб тушган.

2017 йилнинг 4 апрелигача бўлган муддатда Виртуал қабулхонага Юнусобод тумани аҳолисидан қарийб 20 минг 400, Олмазор туманидан эса 16 минг 60 дан ортиқ муро-




3.8-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига 2017 йилда энг кўп мурожаат келиб тушган идоралар.

жаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг деярли 90 фоизи юзасидан маъсул идора ва ташкилотлар томонидан қонун доирасида чоралар кўрилган. Ҳар икки тумандан ҳам энг кўп мурожаат Юнусободда 3 минг 874 та, Олмазорда эса 4 минг 329 та уй-жой олиш, тураржой куриш учун ер ажратиш, уй-жойларнинг таъмирга муҳтожлиги масалаларига оид. Бундан ташқари, мурожаатларда банк-молия, моддий ёрдам, иш ҳақи ва пенсия, фуқаролик, паспорт олиш, пропискага ўтиш, судларда ишларнинг кўрилиши, ободонлаштириш ва коммунал хўжалиги, йўлларни таъмирлаш, ишга жойлашиш ва ишга тикланиш, суд қарорлари ижроси, суриштирув ва тергов жараёни, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари, иссиқлик ва электр энергияси, табиий газ таъминоти, транспорт ва йўловчи ташиш хизматларига дахлдор масалалар қамраб олинган.

Маълумотларга кўра, 2017 йил 4 апрелгача Президентимизнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига Яккасарой туманидан 6 минг 236 та, Сергели туманидан 12 минг 557 та мурожаат қабул қилинган. Аҳамиятлиси, юқорида келтирилган туманлар аҳолисининг шикоят ва аризаларида кўтарилган масалалар яккасаройлик ва сергелилик фуқаролар мурожаатларида ҳам акс этган.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Юнусобод, Олмазор, Яккасарой ҳамда Сергели туманлари аҳолиси учун сайёр қабуллар ташкил этилди. Сайёр қабулга йиғилиб қолган муаммалари тез орада барҳам топишини умид қилиб келган инсонлар билан суҳбатлашиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, давлат идораларининг халққа яқин бўлиб, оддий одамлар дардини тинглашга интилиш ва жавобгарлик ҳисси ортиб бораётгани уларга маънавий-руҳий мадад бераётганини англаш қийин эмас.



3.9-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг вазирлик ва идоралар бўйича тегишлилиги.

¹ Маҳкамова Ф. Ҳар бир мурожаат қонуний ечимини топмоқда // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 апрель.

Шу ўринда айтиш жоизки, ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларига тааллуқли муурожаатлар тахлили, бир томондан, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини билиш учун таълим-тарғибот ишларини янада жонлантириш заруриятини кўрсатса, иккинчи томондан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қуйи бўғинларида айрим масъул шахсларнинг халқдан узоқлашиб кетгани, муурожаатлар билан ишлаш соҳасига етарли даражада эътибор қаратмаслик каби салбий омиллар оддий одамларнинг узоқ йиллар давомида сарсон-гарчиликда юришига, эътироз ва норозиликларига сабаб бўлган (3.9-расм).

Бирок, ҳали олдимизда ўз ечимини кутиб турган талайгина муаммо ва камчиликлар мавжуд эканини яхши тушунамиз. Айрим муурожаатлар қуйи даражадаги ижрочилар томонидан лозим даражада тўлақонли ва сифатли кўриб чиқилмоқда, деб айтиш қийин. Баъзи муаммоларнинг ечими эса, айниқса ижтимоий-иқтисодий, коммунал соҳадаги масалалар давлатимизда рўй бераётган ислохотларнинг кўлами ва натижаси билан боғлиқ ҳамда маълум бир вақтни талаб этади.

Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида ўтказилган сайёр қабулларда ҳам кўпгина муаммолар ўз ечимини топди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий Суд, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Давлат божхона ва Солиқ қўмиталари вакиллари, тижорат банклари раҳбарлари иштирок этган сайёр қабулларда фуқаролардан кўплаб муурожаатлар тушди. Уларда асосан тураржой, коммунал соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим тизимига алоқадор масалалар, шунингдек, тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилаётган муаммоларга оид муурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Тошкент туманида ўтказилган сайёр қабулда Зангиота, Қибрай, Бўстонлик, Янгийўл, Чиноз туманлари, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларидан келган аҳоли вакиллари иштирок этди. Сайёр қабулларда фуқаролар ўз дарду ташвиши билан бирга, кенг жамоатчиликнинг муаммоларини кўтариб чиқаётгани уларда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалаётганидан далолатдир. Бўка туманида ўтказилган сайёр қабулда 50 дан ортиқ аҳоли муурожаати ўрганилди. Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди. Йўлларни асфальт қилиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди. Сайёр қабул Тошкент вилоятининг Паркент, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларида ҳам тижорат банклари раҳбарлари иштирокида ўтказилди. Унда банкдан кредит олиш, аҳоли бандлиги, пенсия ва нафақа таъминоти бўйича фуқароларга тегишли тавсиялар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 19 октябрда бўлиб ўтган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ЎзЛиДеПнинг VIII съездидаги маърузасида: «Энг ачинарлиси, кейинги йилларда судлар томонидан бирорта ҳам оқлов ҳукми чиқарилмаган. Ўзи ҳаётда бундай бўлмайди, бунда бўлиши мумкин эмас. Бундан биз, барча тергов органлари хатосиз ва жуда сифатли даражада ишляпти, деган хулосага келишимиз мумкинми? Тергов хатосиз бўлган деб ким хулоса беради? Ҳеч ким, ҳеч қачон... Бутун дунёда суд ё оқлов, ё қоралов ҳукмини чиқариши шарт»¹, деб таъкидлаган эди.

Кейинги даврда Ҳаракатлар стратегияси асосида кўпгина муҳим ишлар қилинди. Конституцияга ва қатор қонунларга ўзгартишлар киритилди. Халқнинг судга, адолатга

¹ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 50-бет.

ишонини учун тизимда янги ислохотлар татбиқ этилмоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-умидлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Шу мақсадда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ўтган давр мобайнида келиб тушган мурожаатларининг 50 мингтасида судьялар фаолияти ва уларнинг қарорларидан норозилик баён қилинган. Мурожаатларнинг қарийб 24 мингдан ортиғи фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига тааллуқли экани бу идоралар фаолиятида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатади. «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди» деган сўзларда қандай маъно борлигини барча судьялар томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг қонуний ва адолатли бўлиши ҳақида чуқур ўйлашимиз зарур»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 13 июнда Суд органлари ходимлари билан учрашувдаги нутқида жамиятда одил судловни таъминлашда ана шу рақамларни келтириб ўтган эди. Одамлар тизимдаги камчиликлардан нажот излаб Виртуал қабулхонага мурожаат қилмоқда. Судья, бу – чин маънодаги адолат қалқони бўлмоғи лозим. Чинакам суд ҳокимияти мустақиллигининг бугунги ҳолати замон талабига мос эмаслигини Президентимиз танқид остига олган эди. «Охириги йилларда қарийб 50 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилган. Жорий йилнинг (2017) ўтган даврида 6 нафар судья жиноятга қўл урган. Мисол учун, Андижон вилояти Хўжалик суди раисининг ўринбосари Абдуллаев фуқаро Нуралиевдан 150 минг АҚШ доллари олаётган пайтда қўлга олинган... . Шунинг учун ҳам аҳоли ўз мурожаатларини Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига, Президент девонига ва Олий Мажлисга юбормоқда. Улар ўз муаммолари судда ҳал қилинишига ишонмоқда.»²

Келгусида ана шундай камчиликларга йўл кўймаслик учун судьяликка номзодларни тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга ихтисослашган алоҳида ўқув муассасаси – Одил судлов академиясини ташкил этиш таклифи Президентимиз томонидан билдирилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланган.³

2017 йил 6 июлида пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида мамлакатимиз судьялари халқимизга мурожаат қабул қилди. Ушбу мурожаатнома юртимиздаги ҳар бир суд биносига киришда, кўзга кўринадиган жойга жойлаштирилди. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг фуқароларни ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан муҳрланган кутилар ўрнатиш йўлга қўйилди.

¹ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 428–429-бетлар.

² Ўша жойда, 431–432-бетлар.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: «Адолат», 2017. 14-бет.

Фукарларнинг Конституцияда муҳраб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги кунда фукарлар мансабдорларнинг олдига эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдига бормоқда. Бу – катта ўзгариш. 2017 йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказди. Бу қабулларда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этди.¹

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари Баҳром Қобиловнинг билдиришича, Ўзбекистонда мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупция жиноятлари 2017 йилда 2016 йилдагига қараганда 33 фоиз камайди.² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига коррупцияга оид 1464 та мурожаат келиб тушгани таъкидланди. Эътиборлиси, мурожаатлар йил давомида камайиб борган.

Албатта, коррупцияга қарши курашиш бир марталик тадбир эмас. У изчил давом этадиган жараёнدير. Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш мақсадида таълим тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш яхши самара бермоқда. 2017/2018 ўқув йилида илк бор айрим олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари онлайн режимида ўтказилди. Бу жараён келгусида янада такомиллаштирилади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 ноябрдаги қарорига асосан, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб тест синовлари 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказилади. Тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида натижалар эълон қилинади. Мазкур тизим ҳам ноқонуний ҳаракатлар ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида янги дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Маҳаллалар, кўчалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида 114 мингдан ортиқ видеокўзатув воситаси ўрнатилди. Уларнинг ёрдамида 10 мингга яқин жиноят фош этилди.

2017 йил давомида жиноятчилик даражаси 2016 йилга нисбатан 14 фоизга камайди ва бунда ана шу ишларнинг аҳамияти катта бўлди.³

2018 йилдан бошлаб жиноят содир этилмаган маҳалла профилактика инспекторларининг ойлик иш ҳақиға 50 фоиз устама қўшиб берилади. Аксинча, ўз ҳудудида жиноятнинг кўпайишиға йўл қўйган профилактика инспекторининг ойлиғидан эса 50 фоиз ушлаб қолинади.

Президентимиз таъкидлаганидек, одамлар ўзини қийнаган муаммоси билан, энг аввало, ички ишлар органларига, профилактика инспекторларига мурожаат қиладиган ва ҳар бир ходимда ўз ҳимоясини кўра оладиган бўлиши керак. Худди шундай адолатли талаб бошқа барча соҳанинг ҳар бир бўғинида ишлаётган раҳбар ҳамда масъул ходимға ҳам тегишлидир. Янгиға ёндашувлар асосида ишлаш, оддий одамларнинг ташвиши билан яшаш, топширилган вазифани бажаришда жавобгарликни ҳис қилиб, фидойилик

¹ Шавкат Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 декабрь.

² Хидиров Қ. Коррупцияга қарши курашиш барчанинг вазифасига айланиши керак // «Халқ сўзи», 2017 йил 20 декабрь.


³ Шавкат Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 декабрь.

намунасини кўрсатиш бугунги кунда ҳар қандай фаолиятнинг бош мезонидир, дейди давлатимиз раҳбари.


ЎзЛиДеП томонидан 2017 йил декабрда республикамизнинг юздан зиёд туманларида сайёр қабуллар ташкил қилинди. Партия ҳамда депутатлик назорати институтларидан самарали фойдаланилмоқда. Ўтган даврда фракция аъзолари томонидан 503 та, туман (шаҳар) депутатлари томонидан 2650 та депутатлик сўрови тегишли идораларга юборилгани бунинг амалий ифодасидир. Натижада жами сўровларнинг 80 фоизига жавоблар олинди, муаммоларнинг 60 фоизи ижобий ҳал этилишига эришилди, қолганлари эса назоратга олинди. Фракция аъзоларининг халқ билан мулоқотини тўлиқ йўлга қўйиш мақсадида 2017 йил август ойидан бошлаб ЎзЛиДеПнинг «Facebook» ижтимоий тармоғидаги саҳифасида онлайн мулоқотлар йўлга қўйилди. Октябрь ойидан бошлаб эса ушбу ижтимоий тармоқда вилоят, туман ҳамда шаҳар кенгашларидаги ЎзЛиДеП депутатлари гуруҳи аъзоларининг ҳам сайловчилар билан мулоқоти амалга оширилмоқда («Халқ сўзи», 2017 йил 2 декабрь).

2017 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонасига фуқароларимиздан тиббиёт соҳаси бўйича тушган жами 25 минг мурожаатнинг қарийб 93 фоизи ўз ечимини топган, 6 фоизи эса кўриб чиқиш босқичида, қолган 1 фоизини эса аноним мурожаатлар ташкил қилади, дейди Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Боситхонова.¹

Юртимизда кўрсатилаётган кафолатланган ҳамда бошқа тиббий хизмат турлари бўйича ҳал этилмаган муаммо, ариза, шикоят ёки таклифларни атрофлича ўрганиб, уларга ўз вақтида ечим топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал қабулхонаси ҳам ташкил этилган. Фуқаролар вазирликнинг расмий веб-сайти – www.ssv.uz, шунингдек, ушбу интернет манзилида кўрсатилган электрон почта ёхуд телефон орқали (Ишонч телефони 1003) мазкур виртуал қабулхонага тўғридан-тўғри мурожаат юборишлари мумкин (3.10-расм).



3.10-расм. Президентнинг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг тиббиётга тегишли қисми.



3.11-расм. Президентнинг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг ҳал этилиши (фоиз ҳисобида).

¹ Файзиев О. Тиббиёт тизимидаги муаммолар // «Халқ сўзи», 2017 йил 4 май.


Президентимизнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига мурожаатларнинг асосий қисми хотин-қизлардан келиб тушмоқда. Жамиятимизда аёлларни малакали иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш янги йилдаги асосий йўналишлардан бири бўлиши зарур. Аҳолини иш билан таъминлаш кўрсаткичларини эълон қилишда қўшиб ёзишларга йўл қўйган айрим раҳбарлар қаттиқ танқид остига олинди. Жумладан, 2017 йилнинг ўтган даврида мамлакат бўйича 336 минг янги иш ўрни яратилгани таъкидланди. Аввал ушбу кўрсаткич бундан бир неча баробар кўп бўлган нореал раҳбарлардан иборат эди («XXI аср», 2017 йил 23 декабрь).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг аҳоли билан бўлиб ўтаётган мулоқотларида мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ вакиллари томонидан олиб борилаётган парламент ва депутатлик назоратининг мазкур таъсирчан механизми инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда ўз самарасини бермоқда (3.12-расм).

2017 йил 30 мартга келиб Наманган вилояти аҳолисидан Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 29 мингга яқин мурожаат ҳамда аризалар келиб тушган бўлиб, уларнинг 90 фоиздан зиёди асосли деб топилган ва назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларга қонуний ечим топиш мақсадида сайёр қабулларнинг тизимли равишда ўтказилаётгани ойлар, йиллар давомида ўз муаммосига чора излаб, сарсон юрган кўплаб инсонларга катта мадад бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Самарқанд вилоятидаги қатор туманларда ташкил этилган сайёр қабуллар буни яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистон Республи-



3.12-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг муаммолар бўйича тақсимланиши.

каси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), вазирликлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудлардаги секторлар масъуллари иштирок этган мазкур тадбирларда турли ёшдаги, турли миллатга мансуб фуқаролар мурожаатларига аниқ, узил-кесил жавоб берилди. Хусусан, Каттакўрғонда ўтган сайёр қабулда ушбу ҳудуддан ташқари Нарпай, Пахтачи туманларида яшовчи 320 нафардан ортиқ фуқаронинг мурожаатлари тегишли тартибда ўрганилган бўлса, Иштихон туманида кечган очик мулоқотларда Оқдарё, Пайариқ ва Қўшрабат туманларидан ҳам йўлланган 360 га яқин аризалар, шикоятлар ҳамда таклифлар кўриб чиқилди. (Зиёдинов М. Сенаторлар иши жонланса, мурожаатлар сони камаяди // «Халқ сўзи», 2017 йил 26 сентябрь).

Ўтган давр мобайнида Сирдарё вилояти Халқ қабулхонасига келиб тушган 12 мингдан зиёд мурожаатнинг асосий қисми қонуний ечимини топган. Айтиш жоизки, ҳақиқатда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида жойларда сайёр қабуллар ўтказиш изчиллиги таъминланмоқда, секторлар фаолияти бўйича мониторинг олиб бориш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат шуки, фуқаролар Халқ қабулхоналарига нафақат муаммолари, балки ҳудудларни ривожлантириш, одамларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга оид таклифлар билан ҳам келмоқда. Бу эса юртдошларимизнинг мамлакатимиз равиши, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга бўлган дахлдорлик туйғуси ўсиб бораётганидан далолат беради.¹

3.3. ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ – ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик ўрнатиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки ёки электрон тарздаги мурожаати бўлсин, уларга нисбатан давлат бошқаруви органларининг муносабатлари талаб даражасида бўлмагани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. 2017 йил 11 сентябрда эса «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонун эълон қилинди. Қонун асосида аҳоли учун мақбул бўлган усуллар – «Ишонч телефонлари» ҳамда тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида мурожаат этиш тартиби йўлга қўйилди. Шу билан бирга, фуқароларнинг давлат органлари ҳамда муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида» Қарори амалга татбиқ этилди. Мазкур тизимни такомиллаштириш

¹ Шерназаров А. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор // «Халқ сўзи», 2017 йил 22 ноябрь.

мақсадида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талабалари ва нормаларини бузганликлари учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўлланилиши белгиланди. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам биринчи навбатда инсон, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш бўйича ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

2017 йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи назорат органлари ва тижорат банклари раҳбарлари томонидан мамлакатимиз турли ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказилгани ҳамда муаммолар тизимлаштирилгани, таҳлил қилингани, жойида ҳал этилгани диққатга сазовор.

Халқ қабулхоналари, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналари, аҳоли иштирокидаги сайёр йиғилишлар ўз самарасини бермоқда. Халқ қабулхоналарида бир йилда 1,5 миллионга яқин мурожаат кўриб чиқилгани ҳар бир давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини кўрсатмоқда.

Аммо ривожланган давлатлар мисолида оладиган бўлсак, давлат хизматлари борасида янада самарали тизимни жорий қилиш, янада самарали натижаларга эришиш мумкин. Президентимиз ўз мурожаатномасида барча давлат идоралари ва Адлия вазирлиги қошидаги «Ягона дарча» марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни Халқ қабулхоналари орқали самарадорлигини ошириш мақсадида Тезкор давлат хизматлари агентлиги ташкил этилганини, бундай тизим орқали одамлар сарсон-саргардонликдан қутулиб, дейлик, компьютерда интернет орқали нотариус ёки кадастр идорасидаги ишларни бир зумда ҳал этиб, ортиқча елиб-югурмай кўчмас мулк сотиб олиши, шифохонага навбатга ёзилиши мумкин. Айниқса, олис ҳудудларда яшайдиган аҳоли учун бундай интерактив хизматларнинг жорий этилиши – улкан савоб. Элликюз километрли йўлда бўзчининг моксидек овора бўлишдан қутулган нуроний инсон қанчалик қувонишини, дуо қилишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Адлия вазирлиги тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш изчил йўлга қўйилган. 2017 йилнинг 9 ойи мобайнида адлия идораларига бу йўналишда 3,2 мингга яқин жисмоний ва юридик шахс мурожаат қилди. Уларнинг аксарияти қаноатлантирилиб, мингга яқин бузилган ҳуқуқлари тикланди. Ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирлари давомида идораларга киритилган тақдимнома ва огоҳномалар натижасида 46 та ноқонуний ҳужжат ижроси тўхтатилди ва бекор қилинди. 527 нафар мансабдор шахс тегишли интизомий жазога тортилди. Шулардан 84 нафари эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Бунда асосий эътибор фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашгина эмас, балки уларнинг ҳуқуқлари бузулишининг олдини олишга қаратилмоқда.

Халқ билан ўтказилган очиқ мулоқотлар ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Фуқароларнинг ҳаётини муаммоларини, яъни яқин қариндошлари ёки ўзининг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилишни рад этиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Мехнат кодексининг 78-моддасига шахсни ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишни тақиқловчи норма киритиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Бу эса, ватанпарвар, ташаббускор, билимли, интилувчан фуқароларнинг меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш каби конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги
Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият олиб борувчи Давлат
хизматлари марказларининг асосий вазифалари**



1. Жисмоний ва юридик шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича, шу жумладан, олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш.
2. Давлат хизматларининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги, қулайлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўймаслик.
3. Идоралараро ҳамкорликни, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликни амалга ошириш.
4. Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдамларини тақдим этиш.
5. Ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилишини таъминлаш.

3.13-расм.

Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинадиган қарорларда халқнинг истаклари мужассам бўлишига эришиш, яъни жамиятда демократия талабларининг амалда намоён бўлишида ҳам бу тизим ўзига хос асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тан олиш керак, аҳолининг шу пайтгача айнан давлат хизматларига эътирози кучли эди. Оддийгина маҳалладан маълумотнома олиш одамларнинг қанча вақтини ўғирлаб, асабини бузарди. Шу маънода давлат органлари фаолиятига холисона баҳо берадиган бўлсак, Президентимиз куюниб такрор ва такрор айтаётганидек, энди тепадан пастга тушиб, халқ хизматини қиладиган вақт келди. Шу боисдан ҳам эндиликда Президентнинг Халқ қабулхоналари ҳузуридаги марказлар давлат хизматлари кўрсатади (3.14-расм).

Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимни тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.

Агентлик Адлия вазирлигининг давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари негизида ташкил этилди. 2018 йил 1 январдан бошлаб «Ягона дарча» марказлари Давлат хизматларига айлантирилиб, улар Президентнинг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолиятини бошлади.

Бугунги кунда фақат «ягона дарча» ягона марказлари орқали тадбиркорларга 17 та давлат хизмати кўрсатилмоқда.¹

2018–2020 йилларда, жорий этилишига қараб, Давлат хизматлари марказларида «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиладиган 58 та давлат хизматининг рўйхати тасдиқланди ва улар босқичма-босқич жорий этилади. Фақат тадбиркорлик субъектларига эмас, балки аҳолига ҳам хизматлар кўрсатиш кўзда тутилмоқда. Улар қаторида:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 13 декабрь.

- уй-жойларнинг сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши;
- якка тартибда уй-жой қуришни амалга оширишга рухсатнома;
- турар жойи бўйича рўйхатга олиш (прописка), рўйхатдан чиқариш ва ҳисобга қўйиш;
- турли архив маълумотлари, патентлар, гувоҳномалар ва расмий ҳужжатлар дубликатларини олиш каби аҳолининг талаби юқори бўлган хизматлар мавжуд.

2018 йил 1 февралга қадар Давлат хизматлари ягона реестри ташкил этилиб, 2018 йил 1 июнидан бошлаб мазкур реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатиш тақиқланади. Шунингдек,

- тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилди.
- Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати тузилмасида Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги 973-сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими тўғрисидаги низоми ҳам тасдиқланди.

Тегишли вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар ҳар чорак якунида Иқтисодиёт вазирлигига юқорида кўрсатилган барча кўрсаткичлар ҳамда ҳар бир индикатор бўйича ҳисоблаш услубияти ва баҳолаш жадвалларини тақдим этиб боради.

Шундан кейин умумлаштирилган маълумот Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига берилади. Ҳар чоракдаги баҳолаш натижаларига кўра қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

- секторлар раҳбарлари аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури («йўл харитаси»)ни ишлаб чиқади;
- Вазирлар Маҳкамаси муаяян ҳудуднинг алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган устувор муаммолар тармоқларини белгилаб, тегишли комплекс чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги тўғрисидаги ахборотни вазирлик, идора ва бошқа органларга юборади.

Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати Бош прокуратура ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда натижаси бўйича алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларни рағбатлантириш ёки жиддий камчиликларга йўл қўйганларни лавозимидан озод этиш тўғрисида ўз таклифларини Президентга киритади.

Халқ қабулхонасига қилинган мурожаатларнинг 13,5 фоизи шикоят, 2,5 фозими таклифлар ҳамда 83,9 фоизи аризадан иборат (2017 йил 25 март «Халқ сўзи»).

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2017 йилнинг ҳар чорагида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, фуқаролар томонидан давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига берилаётган баҳо ижобий томонга ўзгариб, уларнинг иш самарадорлиги ошиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган фуқаролар билан мулоқот қилишнинг янги тизими, Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхона институтлари инсон ҳуқуқларини муҳофаза

этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одамларнинг ижтимоий адолатга ишончини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Масалан, 2017 йилнинг 1-чорагида респондентларнинг 47,1 фоизи ижобий фикр билдирган бўлса, 2-чорада бундай юртдошларимиз сони 48,8 фоизни ташкил қилди. Эътиборли жиҳати Хоразм, Бухоро, Жиззах, Наманган, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг иши даражаси ҳамда самарадорлигидан фуқароларнинг қониқиш даражаси юқори бўлди (50 фоиздан юқори). Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва Навоий вилоятларида эса бу рақам мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан паст, яъни 38 фоиздан камни ташкил этган.

Респондентларнинг қарийб 49,2 фоизи фикрича, «жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолияти ҳақидаги ахборот очиқ ва ундан фойдаланиш мумкин». Мазкур миқдор сўнгги 3 ойда 9,5 фоиз ўсган. Бундан ташқари, сўровнинг ҳар учинчи иштирокчиси наздида, «ахборот ҳамма учун ҳам очиқ эмас ва ундан барча фуқаро фойдалана олмайди»¹.

Тадқиқот жараёнида мамлакатимизнинг аксарият аҳолисига дахлдор энг долзарб муаммолар аниқланди. Булар – иқтисодий муаммолар (иш ҳақи даражаси, коммунал хизматлар ва кенг истеъмол товарларининг нархлари ва тарифлари, ишга жойлашиш); ижтимоий муаммолар (уй-жой билан таъминлаш ва унинг сифати, тиббиёт муассасаларининг иши, оилавий низолар); ижтимоий инфратузилма муаммолари (коммунал хизматлар сифати, экология, транспорт); қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш (инсон ҳуқуқлари, коррупция, порахўрлик ҳамда тамагирлик).

Умуман олганда, мониторинг натижаларининг кўрсатишича, фуқароларнинг кўплаб муаммоларнинг кескинлиги ва долзарблигига доир жавобларида ижобий ўзгаришлар кузатилади. Респондентлар назарида, давлат бошқаруви органлари фаолияти турли ижтимоий гуруҳларнинг аниқ муаммолари ва реал эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиши зарур. Идоралараро тарқоқликнинг бартараф қилиниши муҳимдир.

Сўровда қатнашганларнинг 85,8 фоизи тадбиркорлик фаолияти ҳамда кичик бизнес соҳасида ижобий ўзгаришлар юз берди, деб ҳисоблайди. Бунга кўра, уларнинг вилояти, шаҳри, туманида ўз бизнесини очиши ва, умуман, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Кейинги пайтларда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, пенсионерлар, ногиронлар, фахрийлар ҳамда аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш бўйича вазият яхшиланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоялаш бўйича ишлари фаоллашди, оилавий поликлиникалар томонидан аҳолига ўз вақтида, сифатли тиббий хизмат кўрсатиляпти.

Ҳар иккинчи респондент «совуқ сув кун давомида барқарор таъминланмоқда», деб жавоб берган. Фуқароларнинг 46,6 фоизи фикрича, яшаш жойларидан чиқиндилар узлуксиз ташиб кетилмоқда. Ҳар учинчи иштирокчи иссиқ сув ёки электр қуввати билан барқарор таъминланганидан қониқиш ҳосил қилган. Респондентларнинг қарийб 70 фоизи марказий иситиш тармоғидан фойдалангани, ҳар учинчи иштирокчи иссиқ сув ва табиий газдан фойдаланиш имконига эга эмаслигини маълум қилган. Уларнинг 28,6 фоизи сув таъминотига уланмаган, аҳолининг 27,8 фоизи фикрича, чиқиндиларни ташиб кетиш ташкил этилмаган.

¹ Давлат бошқаруви самарадорлиги янги мезонлар асосида баҳоланмоқда. // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 июль.

Натижалар кўзга ташланыпти. Тадқиқот натижаларига кўра, фуқаролар давлат хизматларидан қанча миннатдор бўлса, ташкилот ва идоралар фаолияти самарадорлиги шунча юқори бўлади. Сўров иштирокчиларининг 87,3 фоизи шахсий хавфсизлиги, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганидан тўла даражада қоникади. 86,6 фоизи жамоат жойларида тартиб ва қонунийлик таъминланганини юқори баҳолайди. Сўралганларнинг 76,7 фоизи эса жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятдан розилигини билдирган.


Респондентларнинг 83,1 фоизи учун бозорларимиздаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва кенг истеъмол товарлари турлари мақбул. Жамоат транспорти фаолияти жонланган.

Шу билан бирга, ҳар учинчи респондент мавжуд ишга жойлашиш имкониятларидан қониқмасдан, ўзи барқарор иш жойи топиш қийин, деб жавоб берган. Сўровда қатнашган юртдошларимизнинг 28,6 фоизи сифатли ичимлик суви таъминотидан қониқмаган.


«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассислари сўров натижалари асосида шундай хулосага келишдики, мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар туфайли жамиятимизнинг хабардорлик даражаси ошмоқда, фуқаролар онгида давлат бошқаруви, унинг кўлами ва самарадорлиги ҳақида принципиал ўзгаришлар юз берапти. Мамлакатда давлат бошқарувининг амалий фаолияти учун барча шароит яратилапти.

Одамлар давлат органларининг очиклиги, йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилишга тайёрлигига гувоҳ бўляпти. Реал ўзгаришлар, яъни яхши ҳақ тўланадиган ишга жойлашиш имконияти очилаётгани, ойлик маош барқарорлашаётгани, ишбилармонлик муҳити яхшиланаётганини кўриб, мамлакатимиз раҳбари сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватламоқда (3.14-расм). Сўровда иштирок этганларнинг мутлақ кўпчилиги фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари жамиятда ижтимоий адолатни таъминлайди ва уни ҳар томонлама ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришиш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассислари 2017 йилнинг 5–14 июлида ўтказган экспресс-сўровда Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган сиёсатга фуқароларимизнинг муносабати ўрганилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, юртдошларимизнинг мутлақ кўпчилиги Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда мамлакат ҳаётининг барча соҳасида ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётганига қатъий ишонади. Респондентлар фикрича, Ўзбекистон Президенти давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминламоқда, мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича барча зарур чора-тадбир-



3.14-расм. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевга қай даражада ишонасиз? (сўралганлар сонига нисбатан фоиз ҳисобида).



3.15-расм. Сиз Президент Шавкат Мирзиёевнинг Халқ қабулхоналарини таъсис этиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлаймизми? (сўралганлар сонига нисбатан фоиз ҳисобида).

ли таълим олиш, ишга жойлашиш ва бандлик учун шароит яратиш, йигит-қизларимиз ташаббусларини рағбатлантириш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалаларида Шавкат Мирзиёев томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни тўла ҳис қилмоқда.

Экспресс-сўров натижаларига кўра, аксарият юртдошларимиз (83,5 фоизи) Президентимиз олиб бораётган сиёсат аҳолининг орзу-умидларига мос келади, деган хулосада. Уларнинг қатъий ишонч билдиришича, давлатимиз раҳбари бошчилигида фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, аҳоли билан очиқ мулоқот ўрнатиш, Халқ қабулхоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати, қолаверса, тадбиркорликка имкониятлар берилиши, ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши юртдошларимиз орзу-умидлари, мақсад ва ниятларини рўёбга чиқармоқда.

Бугун «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя барча жабҳадаги ислохотларнинг ўзагига айланиб улгурди, десак, муболаға бўлмайди. Экспресс-сўровда респондентларнинг 89,2 фоизи Президент Шавкат Мирзиёевнинг Халқ қабулхоналарини таъсис этиш бўйича ташаббусини тўла қўллаб-қувватлашини билдирган. Юртдошларимиз фикрича, фуқаролар билан фаол ва очиқ мулоқот олиб бориш, Виртуал қабулхоналар институти шаклида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича янги тизим жорий қилиниши ижтимоий адолатни таъминламоқда ҳамда барча соҳадаги муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизми ҳисобланади.

ларни кўриб, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган фаол сиёсат олиб бормоқда (3.15-расм).

Экспресс-сўровдан маълум бўлишича, юртдошларимизнинг 89,7 фоизи Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятини ижобий баҳолайди. Халқимиз мамлакатни модернизация қилиш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ижобий ўзгаришларга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини оширишга ёрдам беради, деб ҳисоблайди.¹

Сўровда қатнашган ёшларнинг мутлақ кўпчилиги мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларга ижобий ёндашишини маълум қилгани диққатга сазовор. Навқирон авлод вакилларининг фикрича, улар юртимизда кейинги вақтларда сифатли

¹ Фуқароларимиз мамлакатимиздаги ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашмоқда // «Халқ сўзи», 2017 йил 25 июль.

Экспресс-сўровда давлатимиз раҳбарига бўлган ишонч рейтинги ҳам аниқланди. Унга кўра, Ш.Мирзиёев юртдошларимизнинг юксак ҳурмат-эътибори ва ишончига сазовор. Шак-шубҳасиз, Президент давлат тақдири ва халқ фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олган мамлакат етакчиси ҳисобланади. Юртдошларимиз Президентимизнинг сўзлари ва ниятлари самимий эканига ишонади.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат, касб ва ёш вакиллари-нинг барчаси Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш бўйича олиб бораётган сиёсатини яқдиллик билан маъқуллайди ҳамда тўла қўллаб-қувватлайди.

Албатта, бундай юксак ишонч замирида амалий ишлар, одамлар ҳаётини янада яхшилашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар мужассамдир. Президентимизнинг бугунги кун шиорига айланган «танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик» деган сўзлари ҳаётимизнинг барча жабҳасида ўз аксини топмоқда.

2017 йил октябрь ойида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган тадқиқотнинг кўрсатишича, давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларига ўз ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини талаб қилиб мурожаат этишда шахарликлар қишлоқ аҳолисига қараганда фаолдир. Қизиғи, аёлларимиз мурожаат қилиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқидан эркакларга нисбатан кенг фойдаланмоқда. Сўнгги пайтларда пенсионерларнинг, давлат ва нодавлат муассасалари, ташкилотлар ходимлари, тадбиркорларнинг мурожаатлари сонида ҳам ўсиш кузатиляпти. Худудлар бўйича Сирдарё (44 фоиз), Андижон (35,6 фоиз), Фарғона (33,8 фоиз), Навоий (32,2 фоиз) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон аҳолиси бу борада етакчилик қилмоқда.

Ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг қарийб ярми ўз ҳуқуқ ва манфаатлари йўлида турли даражадаги ҳокимликларга мурожаат қилган. Ҳар учинчи респондент тегишли масала бўйича маҳалла фуқаролар йиғини ёки туман (шаҳар)даги Халқ қабулхоналаридан ёрдам сўраган. Фуқароларнинг 8,2 фоизи суд, ҳуқуқни муҳофаза этиш ҳамда назорат органларига мурожаат йўллаган.

Таҳлилларга кўра, 21–39 ёшдаги кишилар кўпинча ўзларини ташвишлантираётган муаммога чора топиш учун маҳалла фуқаролар йиғини мададига умид қилган бўлса, ўрта ва кичик ёшдаги респондентлар ҳар қандай масалада тўғридан-тўғри маҳаллий ҳокимликларга учраган.


Ҳар бешинчи респондент пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ҳисобланиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун Пенсия жамғармасига мурожаат этган. Ушбу мазмундаги мурожаатлар Андижон, Қашқадарё ҳамда Хоразм вилоятларида яшовчилар ўртасида тез-тез учрайди.¹

Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолиси эса, бошқа худудлар аҳолисидан фарқли ўлароқ, кредит ёки ссуда олишда муаммоларга дуч келмоқда. Оилавий маиший масалаларда давлат органларига мурожаат йўллаган фуқаролар сони 14,7 фоиз камайган.

Ўрганишлардан аён бўлдики, давлат ташкилотларига келиб тушган мурожаатларнинг салмоқли қисми (87,6 фоизи) индивидуал мазмунга эгадир. Жамоавий мурожаатлар сони эса анча кам (12,4 фоиз) бўлиб, уларда маълум худуддаги аҳолини ёки бир қанча фуқароларни ўйлантираётган муаммолар тилга олинади. Уюшган ҳолда ёзилган ариза ҳамда шикоятлар Қорақалпоғистон Республикасида (28,6 фоиз), Навоий (26,3 фоиз),

¹ Маҳкамова Ф. Жамиятда ижтимоий адолат тамойили қарор топмоқда // «Халқ сўзи», 2017 йил 18 октябрь.

Сиз бу йил давлат ҳокимияти ёки хўжалик бошқаруви органларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларингиз юзасидан мурожаат қилганмисиз?



3.16-расм.

Жиззах (22,2 фоиз) ва Тошкент (21,1 фоиз) вилоятларида, чунончи, шаҳарларда кишлоқ жойлардагига нисбатан кўпроқ учрайди.

Айни вақтда давлат ҳокимияти органларига шикоят мазмунидаги мурожаатлар сони охириги чоракда бироз камайган, таклифлар эса ўсган. Худудлар бўйича шикоятлар пойтахтимизда (37,2 фоиз), Тошкент (28,9 фоиз) ҳамда Бухоро (25,9 фоиз) вилоятларида ўртача кўрсаткичдан юқорилиги кузатилади.

Кўпчилик респондентлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини тиклашда давлат органлари ёрдам бера олишига қаттиқ ишонади. «Сиз мурожаат этган давлат ташкилоти ёки хўжалик бошқаруви органининг раҳбар ёки масъул шахси сизни суҳбатлашиш учун қабул қилдими?» деган саволга уларнинг 83,1 фоизи тасдиқ жавобини берган. Ушбу кўрсаткич барқарор бўлиб, давлат ҳамда фуқаролар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарали ривожидан далолат беради (3.16-расм).

Умуман, 2017 йилнинг биринчи ҳамда учинчи чорақларида ўтказилган жамоатчилик фикри сўровлари мониторинги давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари мурожаатлар билан ишлаш соҳасида ижобий ўзгаришлар қилаётганини тасдиқлади. Жисмоний ҳамда юридик шахслар мурожаатларига тезкор, муфассал ва ҳолисона жавоб бериш, амалдаги қонун талабларига риоя қилиш ана шулар жумласидандир.

Сўров натижаларига таяниб айтиш мумкинки, давлат идоралари халқ билан юзма-юз мулоқотни кенгайтириш, одамларда бугунги кундан розилик ҳамда эртанги кунга ишонч ҳиссини кучайтириш йўлидаги тизимли ишларни янада жадал суръатда давом эттириши ҳаётий заруратдир.

Президентимиз ташаббуси ва ғоясига кўра, мурожаатлар билан ишлаш тизими мазмун-моҳиятан такомиллаштирилиб, Виртуал қабулхона, Халқ қабулхоналари институтлари иши кучайиб бормоқда.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида халқ талаби ҳамда истаклари асосида ишлаш принципи жорий қилиниб, ислохотлар самараси таъминланмоқда. Энг муҳими, одамлар ҳеч ким давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмаслигига амин бўлиб бормоқда. Жойларда фаолият юритаётган Халқ қабулхоналари уларга чин маънода суянч бўлмоқда.



4-БОБ. 2017 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН, САМАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМЛАР

4.1. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ

Мамлакатимизда 2017 йилдан бошлаб иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги, самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Иқтисодиётда ислоҳотлар чуқур аналитик таҳлил ва инновацион ёндашувлар асосида, янги иқтисодий тизимларни яратиш орқали олиб борилаётгани билан жаҳон иқтисодчилари ва экспертларининг эътиборини тортмоқда.

2017 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрда қабул қилган «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида пахтачилик тизими таҳлил қилинган ва соҳада янги бозор механизмларини жорий этишга эътибор қаратилган. Унда пахтачиликни ривожлантириш тизимининг аниқ механизмлари ва бошқариш асослари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 ноябридаги «Мева-сабзаот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзаот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида экспортга алоқадор бўлган вазирлик ва идоралар учун аниқ вазифалар белгиланиб, экспортни соддалаштириш ва жаҳон бозорига чиқишда фермерлар, тадбиркорлар ва давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш йўналишлари аниқ кўрсатиб берилган. Қарорда давлат идораларининг халққа ва тадбиркорларга хизмат қилишлари учун аниқ кўрсатмалар берилган. Унда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, экспортни тўғридан-тўғри амалга ошириш, валюта тушумларига корхоналардаги ўзлари эгалик қилишлари бўйича янги ҳуқуқий механизмлар ифодаланган.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябридаги «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг узвий давоми бўлди.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва иқтисодиётни инновацион асосга кўчиришни мувофиқлаштириш мақсадида 2017 йил 29 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Давлат инвестиция дастурларининг самарадорлигини тахминлаш мақсадида янги тизим ва уни бошқариш

механизмлари аниқ кўрсатиб берилди. Ушбу фармоннинг узвий давоми «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабридаги Қарорида ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони иқтисодий ислохотларнинг стратегик ривожланишида ҳуқуқий асос ролини бажармоқда. Иқтисодиётни ислоҳ қилишда бундай ёндашув мамлакатимизда биринчи марта қўлланмоқда ва жаҳон иқтисодчилари ва ишбилармонлари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Бундан ташқари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2017 йил 13 декабрь) қабул қилинди. Ҳокимларга туманларни субвенсиядан чиқариш ва маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Асосийси, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари кенгайтирилди.

«Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2017 йил 14 декабрь)да ва қатор давлат дастурларида янги босқичдаги ислохотларнинг яқин келажакдаги ривожланиш йўллари кўрсатиб берилди ва унинг институционал асослари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга *Мурोजаатнома*да белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга бутун халқимиз сафарбар қилинмоқда.

Самарали ислохотларни амалга ошириш учун инвестициялар. 2017 йили мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш мақсадида пухта ўйланган инвестиция дастурлари ва лойиҳалари қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Шу йили мамлакатимизда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу 2018 йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатимизда муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди. Масалан, Наманган вилоятида 2 та кичик гидроэлектр станциясини қуриш ишлари хитойлик ҳамкорлар билан Учқўрғон ва Поп (Чодак) туманларида амалга оширилмоқда, худди шундай яна 7 та кичик ГЭС лойиҳалари вилоятда ишлаб чиқилмоқда. Қуёш электр станциясини қуриш лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясининг қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Натижада 2020 йилдан бошлаб водийнинг электр энергияга ўсиб бораётган талабини тўла қондиришга эришилади. Келгусида электр энергия ишлаб чиқариш қайта тикланадиган манбалардан олиниши назарда тутилмоқда. Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимизда энергетика тизимини ислоҳ қилиш, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқиш зарурлиги Президентимиз томонидан аниқ кўрсатиб берилди.

Қизилқум бағрида эса Авминзо-Амантой олтин конлари негизида гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда. Ҳозирги вақтда Олмалик кон-ме-

таллургия комбинати томонидан «Ёшлик – 1», «Ёшлик – 2» конларини ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини куриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи электрлаштирилмоқда. Водийда темир йўл тизимини янги босқичга олиб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий темир йўл вокзаллари ҳамда терминаллар қурилмоқда.

Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда кўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортик олтингугурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили кўшимча равишда 6 миллиард куб метр табиий газни олтингугуртдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият бошлайди. Шулар қаторида «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортик прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мамлакатимизда 2015–2019 йилларга мўлжалланган ва ҳозирда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, маҳаллийлаштириш, инфраструктурани ривожлантириш давлат дастурлари иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожланишига мустаҳкам замин яратади.

4.2. ЗАМОНАВИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ВА УНИНГ РЕАЛ ЯКУНЛАРИ

Иқтисодиётни янада либераллаштириш ва унинг институционал асосларини ислоҳ қилишда яна бир жиҳатни кузатиш мумкин. У ҳам бўлса, юқорида айтилганидек, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуги танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Бунда ҳақиқатга тик қараш, иқтисодиётни профессионал диагностика асосида таҳлил қилиш ва стратегик ҳаракатлар натижадорлигини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

Бу ўринда қайд этиш жоизки, макроиқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши 2017 йилда умумий иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатди.

Валюта бозорини либераллаштиришнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, пул-кредит сиёсатининг кучайтирилиши қуйидаги ижобий тенденцияларга олиб келганини қайд этиш лозим (4.1-расм):

1. Хўжалик юритувчи субъектлар учун миллий валютани эркин конвертация қилиш имкониятининг кенгайтирилиши, иқтисодий фаолият учун тенг шарт-шароитларни яратиш яширин иқтисодиёт кўлами камайишига, статистика соҳасидаги маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтиришга, ишлаб чиқариш корхоналарини, хўжалик юритувчи субъектлар ва минтақалар ўртасида бизнес шартларини тенглаштиришга ёрдам берди.



4.1-расм. 2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб Ўзбекистонда валюта алмаштиришнинг эркин тартибга ўтилиши.

2. Эркин пул ўтказиш ҳуқуқи билан боғлиқ бизнеснинг трансакцион харажатларини камайтириш, валютанинг қора бозорини кескин камайтириш, шунингдек, нақд пул ва нақд пулсиз валюта ўртасидаги мавжуд бўлган сунъий фарқ, ишлаб чиқариш харажатларини камайтирди ва корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлади (4.2-расм).

Шу билан бирга, макроиктисодий сиёсатдаги ушбу ўзгаришлар инфляциянинг ўсишига ва пул-кредит сиёсатининг янада қатъийлашишига олиб келди (Марказий банкнинг фоиз ставкаси 9 фоиздан 14 фоизга ўсди).

Юқоридаги кўрсаткичларга эришиш учун 2017 йилда қуйидаги қўшимча чоратadbирлар амалга оширилди:

1. Худудлардаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг энергия манбаларига (газ, электр энергияси, дизель ёнилғиси ва бошқалар) бўлган эҳтиёжларини импорт орқали етказиб беришни таъминлади;

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва пахта учун харид нархларини 40 фоизга ошириш, такрорий экинлар қўламини кенгайтириш;

Банкоматлардан нақд пул олишнинг кунлик ва ойлик чекловлари

Конверсион карталардан фойдаланишнинг мамлакат ва мақсад бўйича чекловлари

Конверсион карталардан даволаниш, ўқиш, меҳмонхоналар, авиабилетлар ва онлайн магазинларда савдо учун фойдаланиш мумкин

Конверсион карталар бўйича ўтказилган операция учун банк комиссиялари 1% дан 0,5% га камайтирилди

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистонга **2000 \$гача** бўлган маблағларни декларацияда кўрсатмасдан олиб киришга рухсат берилди

4.2-расм. 2017 йил 6 декабрдан ЎЗРМБ томонидан амалга жорий қилинган пул-кредит сиёсати

3. Инфляцияни қўллаб-қувватлаш, озик-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифнинг мавсумий ва бошқа кескин ўзгаришларини юмшатиш учун ички истеъмол бозорида нархларни барқарорлаштиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди, унга давлат бюджетидан 100 миллион доллар ажратилди;

4. Тижорат банклари кредитлари бўйича фоизларни қоплаш учун 50 миллион доллар ва 100 миллиард сўм миқдориди умумий маблағни қоплаш учун бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилди

5. Божхона тўловлари ставкаларини (божхона бождари ва акциз ставкалари) камайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди;

6. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига уларнинг ижтимоий ҳимояси ва даромадларини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш учун чора-тадбирлар кўрилди.

4.1 - ж а д в а л

Макроиқтисодий кўрсаткичлар¹ (2017 йил январь-сентябрь)

Кўрсаткичлар	Миллиард сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	170 074,8	105,3
Саноат маҳсулоти	99 060,5	105,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари	46 194,3	103,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	39 536,1	101,0
Қурилиш ишлари	25 176,2	105,3
Юк айланмаси (миллион тн. км)	65 568,2	102,8
Чакана савдо айланмаси	76 358,1	104,3
Хизматлар, жами	77 250,8	106,9
Ташқи савдо айланмаси (миллион АҚШ доллари)	19 951,5	116,7
Экспорт	10 339,6	125,6
Импорт	9 591,9	108,4
Сальдо (+, -)	767,7	x

Юқорида келтирилган (4.1-жадвал)дан кўриниб турибдики, ташқи савдо айланмаси 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида 19 951,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 16,7 фоизга кўпайган. Экспорт ҳажми 25,6 фоизга кўпайган ва 10 339,6 миллион долларни ташкил этган, кўплаб янги маҳсулотлар экспорт қилинган. Натижада республикаимиз 767,7 миллион АҚШ доллари миқдориди профицитга эришди.

Иқтисодиётнинг янада либераллаштирилиши ва унинг институционал асосларини ислоҳ қилиниши катта босқичдир. Бунда 2017 йилнинг сентябрь ойида миллий валютаимизнинг эркин конвертация қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари 2017 йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2017 йил. 8-бет.

Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси 2017 йилга келиб 26 миллиард доллардан ошди. Бу эса, халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имконини беради. 2017 йили миллий валютамизнинг қиймати кескин арзонлашган бўлса-да, республикамиз келгусида катта марраларга эришиш учун бу босқичдан ўтиши шарт эди.

Мамлакатимизда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатлари Андижон (107,1 фоиз), Хоразм (106,7 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (106,1 фоиз) кузатилди (4.2-жадвал). Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш Тошкент шаҳри (10 813,9 минг сўм), Навоий вилояти (9 242,0 минг сўм) ва Тошкент вилоятига (6 477,7 минг сўм) тўғри келмоқда. Наманган вилоятида эса аҳоли жон бошига энг кам (2 532,4 минг сўм) ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқарилган.

2017 йилда иқтисодий соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали ислохотларни амалга ошириш бўйича қўйилган қадамлардан яна бири эркин иқтисодий зоналарни инвестицион жозибадорлигини юксалтириш ва кичик саноат зоналарини кенгайтириш бўлди.

4.2 - ж а д в а л

Ялпи ички (ҳудудий маҳсулот)¹
(2017 йил январь-сентябрь ҳолатига)

Минтақалар	ЯИМ (ЯҲМ)		Жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)	
	млн. сўм	ўсиш суратлари, фоиз ҳисобида	минг сўм	ўсиш суратлари, фоиз ҳисобида
Ўзбекистон Республикаси ²	170 074,8	105,3	5 262,8	103,5
Қорақалпоғистон Республикаси	5 756,9	105,4	3 152,7	103,9
в и л о я т л а р:				
Андижон	9 401,3	107,1	3 154,3	105,3
Бухоро	8 058,2	103,0	4 348,3	101,5
Жиззах	4 303,8	104,0	3 285,1	102,0
Қашқадарё	12 015,7	103,3	3 863,6	101,3
Навоий	8 766,0	100,7	9 242,0	99,1
Наманган	6 758,2	104,5	2 531,4	102,6
Самарқанд	12 320,0	103,4	3 350,9	101,5
Сурхондарё	7 646,6	103,0	3 081,6	100,9
Сирдарё	3 267,8	99,0	4 045,3	97,5
Тошкент	18 405,0	103,3	6 477,7	102,1
Фарғона	11 412,2	103,8	3 183,2	102,1
Хоразм	5 841,5	106,7	3 270,2	104,9
Тошкент шаҳри	26 382,6	106,1	10 813,9	104,6

2017 йили мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Яқин давр ичида яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2017 йил. 10-бет.

² Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.

Мамлакатимизда 2017 йилда қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та «йўл харитаси» ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда. Бундай иқтисодий механизмлар 2018 йилда янада кенг қўлланади.

Тадбиркорликни инновацион асосга ўтказиш. Кичик бизнес ривожланишининг 2017 йилдаги асосий мақсади жойларда бандлик даражасини ошириш орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли даромадларини тенг тақсимлашда асосий омил бўлиб хизмат қилувчи хусусий секторнинг имкониятларини кенгайтиришдан иборат бўлди.

Қўйилган мақсадга кичик ва ўрта бизнес фаолиятини легаллаштириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан уларнинг даромадларини, энг аввало, саноат ва хизматлар соҳаларида ошириш орқали эришилади, бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳаларда меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келди.

2017 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусан солиққа тортиш механизми, йирик бизнес билан ҳамкорлик ва кооперацион алоқаларни ривожлантириш бўйича қатор чоралар амалга оширилди.

Бундан ташқари, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш учун тадбиркорлик соҳасида лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларнинг сонини кескин қисқартириш, тегишли ваколатларни Вазирлар Маҳкамасидан муайян давлат органларига бериш орқали лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни номарказлаштириш, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга ўрнатилган тартибда ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берган ҳолда, улар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини бекор қилиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ишлар олиб борилди.

Шунингдек, тадбиркорликни инновацион асосда ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бунда:

– бозор механизмларини (суғурталаш, сертификатлаштириш ва бошқалар), шу жумладан, лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда давлат-хусусий шерикчилик механизмларини жорий қилиш, шунингдек, мазкур функцияни ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларига бериш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни сезиларли даражада қисқартириш;

– тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлатнинг аралашини қисқартириш мақсадида унинг назорат функцияларини қайтадан кўриб чиқиш;

– паст даражадаги хавф тоифасига тўғри келувчи корхоналарда текширувларни ўтказиш амалиётини истисно қилиш орқали ҳар бир назорат қилувчи органларда «хавфларни таҳлил қилиш» ва тадбиркорлик субъектларини тоифалаш тизимини жорий қилиш;

– ҳар бир органнинг ваколатларини белгилаш ва такрорланувчи функцияларни чиқариб ташлашни назарда тутган ҳолда, назорат қилувчи органларнинг назорат функцияларининг ягона реестрини тасдиқлаш;

– солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишни тақиқлаш;

– тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга доимий фойдаланиш учун ер участкаларини электрон савдолар ўтказиш йўли билан махсус ахборот портали орқали тақдим этиш;

– ер участкаларини бериш бўйича материалларни ваколатли органларда кўриб чиқиш ва келишишни фақат электрон шаклда, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

– тадбиркорлик субъектлари зарарлари тўла қоплангандан сўнг ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишни назарда тутувчи тартибни норма билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу эса, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунда, энг аввало, инновацион ғоя ва технологияларга асосланиб янги ишлаб чиқариш ва хизмат турларини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини кескин оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларни, ҳар бир туман ва шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги, саноат ва инвестициялардаги улушини жадал кўнайишини таъминлайди.

Агросаноат тизимидаги замонавий ислохотлар. Маълумки, пахта толасини етиштириш, уни 3–4 босқичда чуқур қайта ишлаш ва ундан истеъмолчи учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида кўп йиллар мобайнида қарорлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқилган. Бироқ фермерлар ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ўртасида иқтисодий манфаатдорликда мувозанат бўлмади. Фермерларнинг дебитор ва кредитор қарзлари ечимини топмай келди. Эндиликда мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикада етиштирилган пахта толасини тўлиқ қайта ишлаш имконини беради, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг пахта толасига бўлган талабини тўлиқ қоплай олади.

Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжудлиги, пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабелликнинг пастлиги ҳақиқат. Шу муносабат билан соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришга оид «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2017 йил 14 декабрь) қабул қилинди. Бугунги кунгача ўзимизнинг тўқимачилик корхоналаримизга пахта хомашёсини фақат «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти орқали сотар эдик. Фармонга мувофиқ тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини энди тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида бевосита фермерлардан сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида амалда қўлланган – пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига камраб олган кластер усули ислохотларнинг диққат марказида турибди.

Бундан ташқари, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш доирасида пахта хомашёсини бозор талаблари асосида етиштириш, нарх-навони шакллантириш ва сотишни ташкил этиш бўйича тажриба бошланди. Келгусида бундай ижобий тажрибани бутун мамлакатимиз миқёсида жорий қилишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини Президентимиз таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда 1,5–2 миллиард доллар миқдорига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Лекин ушбу соҳада йилига 10–15 миллиард доллар

маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд эканини Президентимиз кўрсатиб берди. Эндиликда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш бўйича олиб борилган ислохотларнинг натижаси кўрина бошлади. Ўзбекистон биринчи марта мева ва сабзавотларни бундай катта кўламда экспорт қилишга эришди.

Олиб борилган иқтисодий ислохотлар, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида 2017 йили мамлакатимиз бўйича 8 миллион 377 минг тонна ғалла, 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот, 13 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари олинди. 2017 йили биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилди ва 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 724 минг тонна ҳўл мева четга сотилди ва бу юртимизга 856 миллион доллар валюта келтирди. Ҳолбуки, илгари минг-минг тонна турли ширин-шакар меваларимиз далада қолиб, чириб кетар, исроф бўларди, энг ёмони, увол бўлар эди.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан 2 триллион сўмдан ортиқ, суғориладиган ерларнинг ме-лиоратив ҳолатини яхшилаш учун 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда.





5-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҶАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ТУБ АҲАМИЯТИ

5.1. АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Уй-жой қуриш, ўз шахсий хонадонига эга бўлиш халқимизда азалдан қадрият даражасига кўтарилган. Бунда уй-жойга шунчаки кўчмас мулк ёки вақтинчалик бошпана эмас, балки ватан ичидаги мўъжаз ватан сифатида муносабатда бўлинади.

Шу боис ҳам юртимиздаги ҳар бир оила моддий шароити, ижтимоий аҳволи ва даражасидан қатъи назар ўз шахсий уйига эга бўлишни истайди.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, «Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши бўлган *ижтимоий соҳани* ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда», деб таъкидланди.¹

Бевосита давлат раҳбарининг ташаббуси билан кўп миллатли Ўзбекистон халқининг талаб ва истакларини инобатга олиб, 2017 йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида *арзон уй-жойлар қуриш* лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрамиз.

Давлат раҳбари мазкур йўналишдаги энг долзарб бўлган ва кўплаб оилаларни қийнаб қелаётган асосий муаммолардан бири бўлган бюджет соҳаси ходимлари ҳамда кам таъминланган оилаларни уй-жой муаммосига янада эътибор қаратиш лозимлигига алоҳида урғу бериб ўтди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида юртимизда фуқароларнинг кафолатланган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база яратилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли Қарори, Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь.

Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2728-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3350-сонли Қарори ва мазкур масалага доир қатор ҳужжатлар бу соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий киёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш ҳисобидан қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Фақат 2009–2016 йилларда қишлоқ жойларда 1308 та тураржой массивида умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортик оиланинг яшаш шароити яхшиланди.¹

Шу билан бирга, ўрганиш яқунлари аҳолининг реал эҳтиёжларини ва харид қобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларини тўлиқ ҳисобга олувчи, қурилишнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган принципиал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжи имтиёзли кредит беришнинг юқори даражадаги шартларини жорий этишни, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни янада кенгайтиришни, шунингдек, барпо этилаётган уйларнинг таннархини пасайтиришни талаб қилмоқда.

Ушбу муҳим вазифалар ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган «2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Қарор қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга йўналтирилган дастлабки асосий ҳужжатдир.

Мазкур қарор тўпланган тажрибани ўрганишни ҳисобга олиб қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишига янги ёндашувни мустаҳкамлайди. Қарорда қишлоқ жойларда беш йиллик даврга мўлжалланган



¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639 сонли Қарори // «Халқ сўзи», 2016 йил 25 октябрь.

арзон уйлар қуриш Дастурини амалга ошириш назарда тутилган. Дастурга асос қилиб олинган янгиланган намунавий лойиҳалар қишлоқ аҳолисининг юқорида кўрсатиб ўтилган талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олади.

Дастурда қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамлигига кўра, якка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилган:

- хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

- аҳоли зич жойлашган туманларда ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар;

- ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,04 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйларни ўз ичига олади.

Амалдаги намунавий уйлар (6 сотихли)нинг ҳам қурилиши давом эттирилади.

Якка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг майдони ва тахминий нархлари уй-жойнинг турига кўра қуйидагича белгилаб берилган.

Уй-жойнинг **биринчи тури** бўйича умумий майдони 42,4 квадрат метр бўлган икки хонали квартираларнинг тахминий қиймати 72,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари билан ҳисобга олинган ҳолда, 85 миллион сўм бўлиши режалаштирилмоқда. Ўз навбатида, уч хонали квартираларнинг майдони 52,4 квадрат метр ва ўртача нархи 88,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинганда 100,7 миллион сўм бўлади.

Бу уйларни қуришда квартиралар эгаларининг талаб ва истакларини инobatга олган ҳолда, ҳовлида жойлашадиган иморатлар – болалар майдончалари, дам олиш учун айвонлар, душ ва бошқалар қуриш назарда тугилади.

Уй-жойнинг **иккинчи турига** мувофиқ, аҳоли зич жойлашган туманларда 2 сотих майдондаги ер участкасида бир қаватли икки ва уч хонали арзон уйлар бунёд этилади. Бундай икки хонали уйнинг умумий майдони 53 квадрат метр ва тахминий қиймати 93,8 миллион сўм (101,5 миллион сўм – хўжалик иморатлари билан). Уч хонали эса 63,5 квадрат метр ва ўртача 111 миллион сўм (118,7 миллион сўм – хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда). Уйларнинг ҳовлисида хўжалик иморатлари қуриш мўлжалланган.

Учинчи тури. Улар 4 сотих ер участкасида барпо этиладиган, умумий майдони 115 квадрат метр, ягона блокка бирлаштириладиган икки қаватли тўрт хонали уйлардир. Нархи 162 миллион сўм, хўжалик иморатлари билан 181,8 миллион сўмни ташкил этади.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй қурувчининг дастлабки бадалли 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги Дастур бўйича ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун атиги 15 фоизни ташкил этади. Бу арзон уйлар Дастурига қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларини жалб этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, ипотека кредити уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридagi фоиз ставкаси билан 15 йил муддатга берилади. Кейинги йилларда кредитнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг ҳозирги вақтда йиллик 9 фоизни ташкил этадиган қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмайди.

2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар тои-

фасига – ҳовлидаги иморатлар ва обод ҳовлилар билан биргаликда икки, уч қаватли кўпквартирали (2–3 хонали) уйлар ва 0,02 гектар ўлчамли ер участкаларида аҳоли зич туманларда жойлаштириладиган ҳовлисида иморатлари бўлган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар киритилган.

Мазкур уй-жойларга талабгорларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аниқлайди. Улар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни дастлабки танлашни амалга оширади. Бунда уй-жойнинг биринчи ва иккинчи турига талабгор фуқарога тавсифнома бериш йўлга қўйилади. Шу орқали тизимнинг шаффофлиги ва ишончилиги таъминланади.

Фуқароларга тавсифнома берганда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи қуйидаги ижтимоий мезонларни ҳисобга олади:

а) ариза берувчида мулк ҳуқуқи билан тураржойнинг йўқлиги ва тураржойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроксиз хонадонда яшаши;

б) бошқа оила ёки бошқа оилалар билан бир уйда (*бир квартирада*) яшаши;

в) кўп болали;

г) оиланинг кам таъминлангани;

д) бир ёки ундан ортиқ бола ота-оналардан бири (*тўлиқ бўлмаган оила*) томонидан тарбияланиши ва боқилиши;

е) ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган рўйхатга мувофиқ, алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

ж) ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногирони мавжудлиги;

з) уй-жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормага мувофиқ эмаслиги.

Уй-жойларга талабгорларга кредит ажратиш шартлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган, кишлоқ жойда яшайдиган, кредитга лаёқатли Ўзбекистон фуқароси бўлиши;

– уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оила бўлиши (*1- ва 2-типдаги уй-жой олувчилари учун*);

– бошланғич бадални тўлиқ шакллантиргани (*1- ва 2-типдаги уйлар бўйича уй-жой қийматининг 15 фоизи, 3-типдаги ва 6 сотихли уйлар бўйича 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда*);

– энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача, (*4 ва 6 сотих ер майдонида қуриладиган уй-жой бўйича*), шунингдек, қурилаётган уй-жой смета қийматининг 75 фоизи (*3-типдаги ва 6 сотихли уй бўйича*) ва 85 фоиздан (*1- ва 2-типдаги уйлар бўйича*) ошмаган миқдорда;

– имтиёзли фоиз ставкасида;

– асосий қарзни қайтариш бўйича 3 йил муддатга имтиёзли давр билан;

– 15 йил муддатгача кредит ажратилади.

Қурилиш-монтаж ишлари сифатига қўйиладиган талабларнинг оширилиши Дастурнинг яна бир муҳим хусусияти ҳисобланади. Бунда асосий қурилиш материаллари ва буюмларга қурилиш-пудрат ташкилотларининг харажатларини оптималлаштириш ҳисобига барпо этиладиган намунавий уй-жойлар қиймати пасайиши таъминланади.

Бундан ташқари, уйларнинг арзонлигига дастур иштирокчилари учун солиқ, бож-хона имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар берилиши туфайли ҳам эришилади. Масалан, пудрат ташкилотлари арзон уйлар қуриш доирасида бажариладиган ишлар ҳажми

учун солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилади.

Янгиланган лойиҳалар бўйича барпо этиладиган уйлар ўзининг нарх параметрлари, сифат тавсифлари ва шинамлиги бўйича Марказий Осиёда ўхшаши йўқлигини эътироф этиш зарур.

Турли омилларга кўра, мамлакатимиз шаҳарларида ҳам урбанизация даражасининг ошиши ушбу масканларда шундоқ ҳам кам бўлган уй-жойларга нисбатан талабни кескин ошириб юборган эди. Бундай пайтларда ўзига тўқ, имкон доираси кенг фуқаролар қиммат бўлса-да, керакли уй-жойни харид қилишар, олий ўқув юртини тугатиб илмий иш ёки давлат идорасидаги фаолияти туфайли шаҳарга муқим ўрнашмоқчи бўлган қатлам ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари учун ўз шахсий бошпанасига эга бўлиш катта орзу эди.

Бу борада Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли Қарори аҳолининг уй-жойга нисбатан талабини қондиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди ва кенг қўламли ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур қарордан мақсад шаҳарда яшаётган аҳолини, шу жумладан, ёш оилалар, эскирган уй-жойларда яшаётган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан

5.1 - ж а д в а л

2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш Дастурининг асосий параметрлари¹, (бирлик)

№	Минтақалар	Жами		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
		уйлар сони	кварти- ралар сони	уйлар сони	кварти- ралар сони	уйлар сони	кварти- ралар сони	уйлар сони	кварти- ралар сони	уйлар сони	кварти- ралар сони
	Ж А М И:	1 236	51 350	191	7 919	335	13 917	355	14 757	355	14 757
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	37	1 665	7	315	10	450	10	450	10	450
2.	Андижон	49	2 058	7	294	14	588	14	588	14	588
3.	Бухоро	36	1 512	6	252	10	420	10	420	10	420
4.	Жиззах	50	2 145	5	210	15	645	15	645	15	645
5.	Қашқадарё	49	2 205	7	315	14	630	14	630	14	630
6.	Навоий	29	1 218	5	210	8	336	8	336	8	336
7.	Наманган	50	2 100	8	336	14	588	14	588	14	588
8.	Самарқанд	57	2 565	9	405	16	720	16	720	16	720
9.	Сурхондарё	35	1 575	5	225	10	450	10	450	10	450
10.	Сирдарё	35	1 470	5	210	10	420	10	420	10	420
11.	Тошкент	135	5 664	15	624	40	1 680	40	1 680	40	1 680
12.	Фарғона	47	2 010	5	210	14	600	14	600	14	600
13.	Хоразм	35	1 575	5	225	10	450	10	450	10	450
14.	Тошкент шаҳри	592	23 588	102	4 088	150	5 940	170	6 780	170	6 780

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли Қарори.

таъминлаш йўли билан уларнинг турмуш даражасини янада ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришдан иборатдир. Қарорга асосан 2017–2020 йилларда шаҳарларда жами 1 236 та уй ёки 51 350 та квартира куриш белгиланган бўлиб, 2017 йилда 7 919 квартиралари 191 та арзон кўп қаватли уй-жойлар курилди (5.1-жадвал).

Шаҳарлардаги арзон уй-жойларнинг нархи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 январдаги 14-сонли «Кўп квартиралари уй-жойларнинг курилиши ва реконструкциясини молиялаштириш, шунингдек, ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшовчи ҳамда бошқа тоифадаги уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга кўп квартиралари уй-жойдаги квартираларни реализация қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори билан тасдиқланган низомга асосан белгиланади. Унга кўра, кўп квартиралари уй-жойлардаги квартиралар буюртмачи – «Ўзшаҳаркурулишинвест» масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдим этилган ҳар бир квартира бўйича алоҳида, кўп квартиралари уйнинг курилиши ёки реконструкциясини молиялаштириш ва реализация қилиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар ўз ичига олган маълумотномада белгиланган нархларда реализация қилинади.

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож жисмоний шахс кўп квартиралари уй-жойлардан квартира сотиб олиш учун шаҳар ҳокими раислигидаги ҳудудий комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

а) ариза;

б) қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) шахсни молиявий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

с) уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларда қуйидагилар ҳақида маълумотлар келтирилади:

– мулк ҳуқуқи билан тураржойи йўқлиги ва тураржойда ижара ёки бепул фойдаланиш шартларида яшаши ҳамда эскирган уй-жойларда истиқомат қилиши;

– бошқа оила ёки бошқа оилалар билан бир уйда (квартирада) яшаши;

– кўп болали оила; тўлиқ бўлмаган оилада ота (она) томонидан фарзанд(лар) тарбияланиши;

– оила аъзолари таркибида оғир сурункали касалликка учраган ва қонунчиликка мувофиқ алоҳида уйда яшашга муҳтож бўлган қариндош мавжудлиги;

– оила аъзолари таркибида биринчи гуруҳ ногирони мавжудлиги; уй-жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида «Одамларимизнинг ҳаётини эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашда бу муҳим масаланинг нақадар ўткир ва долзарб муаммо бўлиб турганини ҳисобга олиб, бу ишларнинг ҳажмини оширган ҳолда, биз янги йилда ҳам албатта давом эттирамиз. Чунки, халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истади. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир», деб таъкидланди.¹

2017 йилда ёш оилаларнинг, эскирган уйларда яшовчиларнинг ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифалардаги фуқароларнинг уй-жой ша-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 23 декабрь, 2017 йил.

роитларини яхшилаш юзасидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ Тошкент шаҳрида ва республиканинг бошқа шаҳарларида майдони 554,8 минг квадрат метр бўлган 191 та кўп квартиралар уй қурилди. Натижада шу йилнинг ўзидаёқ уй-жой шароитлари яхшиланишига муҳтож бўлган шаҳар оилаларидан 7919 нафари арзон ва шинам уй-жой билан таъминланди (5.2-жадвал).

5.2 - ж а д в а л

2017 йилда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйларни қуриш Дастурини амалга ошириш параметрлари ва молиялаштириш манбалари¹

№	Минтақалар	Жами 2017 йилда		Шу жумладан:				Харажатлар 2017 йилга*, миллиард сўм	Улардан манбалар ҳисобига	
		уйлар сони	квартиралар сони	5-қаватли уйлар		7-қаватли уйлар			Аҳолининг дастлабки бадаллари, (25 фоиз)	Халқ банки маблағлари
				уйлар сони	квартиралар сони	уйлар сони	квартиралар сони			
	Ж А М И:	191	8 121	33	1 485	158	6 636	897,1	224,3	672,8
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	7	315	7	315			30,6	7,7	23,0
2.	Андижон	7	294			7	294	31,4	7,8	23,5
3.	Бухоро	6	252			6	252	26,9	6,7	20,2
4.	Жиззах	5	210			5	210	22,4	5,6	16,8
5.	Қашқадарё	7	315	7	315			30,6	7,7	23,0
6.	Навоий	5	210			5	210	22,4	5,6	16,8
7.	Наманган	8	336			8	336	35,9	9,0	26,9
8.	Самарқанд	9	405	9	405			39,4	9,8	29,5
9.	Сурхондарё	5	225	5	225			21,9	5,5	16,4
10.	Сирдарё	5	210			5	210	22,4	5,6	16,8
11.	Тошкент	15	630			15	630	67,3	16,8	50,5
12.	Фарғона	5	210			5	210	22,4	5,6	16,8
13.	Хоразм	5	225	5	225			21,9	5,5	16,4
14.	Тошкент шаҳри	102	4 284			102	4 284	501,6	125,4	376,2

* Параметрлар аниқлаштирилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биз кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуришни бошладик. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 2017 йилда 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, 2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури қандай амалга оширилаётганлигини ўрганиш республика шаҳарларида арзон уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёж ҳамон юқори даражада қолаётганлигини кўрсатди. 27,0 мингдан зиёд муҳтож оила Дастур доирасида қурилаётган арзон кўп квартиралар уйларда яқин йиллар ичида квартира сотиб олиш истагини билдириб, ҳудудий комиссияларга мурожаат қилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли Қарори.

Бу вазифани амалга оширишнинг ҳуқуқий ва молиявий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги қарорига мувофиқ, 2018–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйлар қуриш дастурининг янги-ланган параметрлари тасдиқланган эди. Унга кўра, келгуси йилларда қуриладиган уйлар сони 1,5-2 баробар кўпайтирилган. Хусусан, 2018 йили жами 15 минг 172 хонадонга эга бўлган 365 та кўп қаватли уй қуриш кўзда тутилган (5.3-жадвал).

5.3 - ж а д в а л

2018 йилда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйлар қурилишининг асосий параметрлари¹, (бирлик)

№	Минтақалар	Қават-лар сони	Жами 2018 йилда		Харажат-лар 2018 йилга (миллиард сўм)	Улардан манбалар ҳисобига:	
			уйлар сони	квартира-лар сони		Аҳолининг дастлабки бадаллари (25фоиз)	Давлат бюджети, халқаро молия институтлари ва бошқа манбалар
Ж А М И:			335	13 917	2 039,4	509,9	1 529,6
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	5	10	450	58,0	14,5	43,5
2.	Андижон вилояти	7	14	588	86,8	21,7	65,1
3.	Бухоро вилояти	7	10	420	62,0	15,5	46,5
4.	Жиззах вилояти	5 / 7	5 / 10	645	91,0	22,8	68,3
5.	Қашқадарё	5	14	630	81,2	20,3	60,9
6.	Навоий	7	8	336	51,6	12,9	38,7
7.	Наманга	7	14	588	86,8	21,7	65,1
8.	Самарқанд	5	16	720	92,8	23,2	69,6
9.	Сурхондарё	5	10	450	58,0	14,5	43,5
10.	Сирдарё	7	10	420	62,0	15,5	46,5
11.	Тошкент	7	40	1 680	248,0	62,0	186,0
12.	Фарғона	5 / 7	4 / 10	600	85,2	21,3	63,9
13.	Хоразм	5	10	450	58,0	14,5	43,5
14.	Тошкент шаҳри	5	30	5 940	918,0	229,5	688,5

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг зиммасига арзон кўп квартиралли уйлар, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари, инфратузилма объектлари ўз вақтида фойдаланишга топширилиши, ҳудудлар ободонлаштирилиши, шунингдек, фуқароларнинг квартираларга жойлаштирилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонида Осиё тараққиёт банки билан биргаликда «Ипотека-банк» АТИБ, «Асака-банк» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ учун ипотека кредит ресурслари берилишини назарда тутувчи «Ўзбекистоннинг ипотека бозорини кенгайтириш» лойиҳаси тайёрланмоқда, шунингдек, 5.4-жадвалга мувофиқ, Туркиянинг «Зироат» давлат банки қарзини жалб этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3350-сонли Қарорида арзон кўп квартиралли уйларда квартира сотиб олиш учун бошланғич бадалнинг ўртача миқдори 25 фоиз даражасида сақланиши ва квартира-

Халқаро молия институтлари маблағларини тураржой қурилишини ривожлантириш бўйича
Дастурларни молиялаштиришга жалб этиш кўрсаткичлари¹

миллион АҚШ доллари ҳисобида

№	Халқаро молия институтлари	Ҳаммаси	Шу жумладан:					Маблағларнинг йўналтирилиши
			2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	
	ЖАМИ:	1 280,0	218,0	469,0	393,0	100,0	100,0	
1.	Осиё тараққиёт банки	500,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	Қишлоқ уйлари қурилишига
		200,0		100,0	100,0			Кўп квартиралар уйлар қурилишига
2.	Ислон тараққиёт банки	300,0	113,0	94,0	93,0			Қишлоқ уйлари қурилишига
3.	Араб иқтисодий ривожланишининг Қувайт фонди	30,0	5,0	25,0				Қишлоқ массивлари инфра-тузилмаси қурилишига
4.	Саудиянинг тараққиёт фонди	50,0		50,00				Қишлоқ уйлари қурилишига
5.	Туркиянинг «Зироат» давлат банки	200,0		100,0	100,0			Кўп квартиралар уйлар қурилишига

ларни қаватлар бўйича тақсимлашда суниестемолчилик фактларининг олдини олиш мақсадида, мувофиқ, квартираларни ёш оилаларга, эскирган уйларда яшовчиларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бошқа тоифадаги фуқароларга сотиш шартлари асосида бошланғич бадалнинг табақалаштирилган миқдори амалиётга татбиқ этилиши белгилаб қўйилди (5.5-жадвал).

Шу билан бирга, арзон кўп квартиралар уйлар қурилиши учун ер майдонларини ажратиб бериш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК МЧЖ ва иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари асосида фақат аҳоли ўртасида талаб катта бўлган ҳудудларда белгиланган тартибда амалга оширилди.

Квартираларни ёш оилаларга, эскирган уйларда яшовчиларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бошқа тоифадаги фуқароларга сотиш шартлари²

Қаватлар	КРЕДИТЛАШ ШАРТЛАРИ:					
	Дастанбаки бадал (фоиз)			Дастанбаки 5 йил давомидаги фоиз ставкаси	Кредит муддати	Имтиёзли давр
	5 қаватли уйлар учун	7 қаватли уйлар учун	9 қаватли уйлар учун			
1-қават	35	35	35	7 фоиз	20 йил	36 ой
2-қават	40	40	40			
3-қават	30	30	30			
4-қават	25	25	25			
5-қават	20	20	25			
6-қават		15	20			
7-қават		10	20			
8-қават			15			
9-қават			10			

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3350-сонли Қарори.

² Ўша манба.

Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан аниқ чоралар кўрилди. Ушбу чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сонли Қарори қабул қилинди.

Дастурдан мақсад Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий



вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, Орол денгизининг экологик ҳалокати оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобланади. Бир вақтлар мавж уриб турган денгизнинг суви кейинги 50–55 йилда 15 мартадан зиёд камайиб, сув сатҳи 29 метрга пасайган бўлиб, ҳудудда 5,5 миллион гектар тузли кум майдонлари ҳосил бўлган. Бу ҳолат минтақа табиати, одамлар ҳаёти, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига салбий таъсир кўрсатмоқда. Денгизнинг қуриган ҳудудида 350 минг гектар ерга иқлимга мос қандим, черкес, саксовул экилиб, тузли чанг-тўзон кўчишининг олди олинмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 4 миллиард сўмдан зиёд 50 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. 2017–2021 йилларга мўлжалланган дастур асосида Мўйноқ туманида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Давлат раҳбари қарори билан Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ, Шуманай, Қонликўл, Тахтакўпир, Хоразм вилоятининг Янгиариқ ва Қўшкўпир туманларида 2027 йил 1 январига қадар (Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятининг бошқа туманларида – 2022 йилгача) саноат соҳасида (автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларидан ташқари) янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди.

2017 йилнинг 1 февралидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидаги, айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги таъминоти учун, «Баркамол авлод» марказларидаги, мусиқа ва санъат мактабларидаги машғулотлар учун ота-оналарнинг ҳар ойлик тўлови миқдорлари, шунингдек, аҳолининг маданият ва дам олиш марказларидаги тўлов миқдорлари республика бўйича белгиланганидан 2 баробар кам даражада ўрнатилди.

Бундан ташқари, 2017 йилнинг 1 февралидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида муҳтож оилаларга, биринчи навбатда, ёлғиз фуқаролар, пенсионерларга, боқувчиси ногирон оилаларга ҳамда бошқа кам таъминланган тоифадаги аҳоли ва оилаларга қишлоқ (маҳалла) фуқаролар йиғинларининг комиссиялари қарорига биноан тайинладиган энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан 5 баробаригача миқдорда бир марта бериладиган моддий ёрдам шаклидаги ижтимоий нафақанинг янги тури жорий этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун темир йўл ва авиайўловчилар чипталарини сотиш махсус имтиёзли тарифлар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сонли Қарорини бажариш юзасидан ҳамда Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга ва сифатини оширишга йўналтирилган лойиҳалар, тадбир ва дастурларни шакллантириш ва барқарор молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 159-сонли Қарори билан Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди ва унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароити яхшиланмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда 3 минг километрдан ортиқ ички йўллар капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди.

5.2. ЁШЛАРНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШКИЛИЙ-АМАЛИЙ ИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ–4947-сонли Қарорининг ижроси юзасидан мамлакатимизда 2017 йилда сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳалар билан бир қаторда, ижтимоий соҳада ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди. 2018 йилда ҳам бу соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва ривожлантиришга давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилмоқда. Жумладан, давлат бюджетининг асосий харажатлари йўналишлари унинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлашга қаратилган ва 2018 йилда ижтимоий соҳа харажатлари 34,7 триллион сўмни ташкил этиши назарда тутилган.



Давлат дастурларини амалга ошириш учун 8,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлашга 815 миллиард сўм ёки 2017 йилдагидан 3 баробар кўп маблағ сарфланади.

48 та олий таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантиришга 559,1 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 1,5 баробар кўпроқ ажратилди. 296 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, тиббиёт муассасаларини жиҳозлашга 803,6 миллиард сўм йўналтирилади.

Уй-жой коммунал хўжалик соҳасига оид ишларни амалга оширишга 230,3 миллиард сўм сарфланади. Транспорт-коммуникация лойиҳаларига 469,2 миллиард сўм, ҳудудлардаги ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга 568,6 миллиард сўм ажратилади.

Ижтимоий соҳанинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири таълим-тарбия соҳаси бўлиб, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга бевосита таъсир этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказида бўлди.

Илмий кузатиш ва тадқиқотларда инсон ўз ҳаёти давомида оладиган барча маълумотнинг етмиш фоизини беш ёшгача бўлган даврда олиб улгуриши келтирилган. Дарҳақиқат, бу даврда инсон боласи дунёни англайди, ўз она тилини ўзлаштиради, унда ота-она, оила, маҳалла, Ватанга меҳри уйғонади, умр давомида оладиган билимларга замин ҳозирланади. Бунда энг аввало оила асосий роль ўйнаса, мактабгача таълим муассасасининг ҳиссаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда айнан мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўлагига, асосий ва бирламчи бўғинга айланган.



Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича жами 4916 та мактабгача таълим муассасасида 668 497 нафар бола тарбияланмоқда. Шунингдек, юртимизда 194 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатиб, уларга 11 746 нафар тарбияланувчи қамраб олинган.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги талаблар даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан мазкур соҳадаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилаётган эътибор замирида ҳам келажагимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари ҳамда буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб вояга етишларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган дастурда кенг қўламли стратегик мақсадлар, муҳим вазифалар белгиланган.

Хусусан, ҳужжатда бугунги кундаги ҳаётий талаб ва эҳтиёжлар, соҳада ечимини қутаётган масалалар ҳамда ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳисобга олинганлиги барчамизни қувонтиради.

Айниқса, келгуси беш йилда 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш ҳамда ушбу мақсадлар учун жами 2,2 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилаётгани ушбу қарор ўз ичига нечоғлик кенг қўламли вазифаларни қамраганини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасалари сонини кескин ошириш зарурати кўринмоқда. Айрим қишлоқ шароитида яшайдиган ёш оналар учун болалар боғчаси масаласи ҳаётий эҳтиёжга айланган.

Албатта, бу эҳтиёж бежиз эмас. Мактабгача таълим муассасалари, биринчидан, мактаб ёшига қадар бўлган болаларда умумий билимларнинг бошланғич кўникмаларини ривожлантириш, улар қалбида Ватанни севиш, у билан ғурурланиш ҳиссини уйғотиш, Конституцияни ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш имконини бераётган бўлса, иккинчидан, ёш болали оналарнинг меҳнат қилишга оид конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришга ҳам хизмат қилади.

Қолаверса, худудларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган янги уй-жой массивларида ёш оилалар фарзандлари учун болалар боғчалари сонини кўпайтириш зарурати пайдо бўлмоқда. Қарорга мувофиқ, айти шу мақсадда жойларда хорижий тажрибадан ва мамлакатимизнинг иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда, намунавий лойиҳа асосида 70 ва 120 ўринли 50 та замонавий мактабгача таълим муассасалари бунёд этиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция қилиш, 983 тасини мукамал таъмирлаш назарда тутилмоқда. Бу орқали болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 1,5 баробар оширишга эришилади.

Шу билан бирга, қарорга кўра, қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида бадал тўловини 30 фоизгача камайитириш назарда тутилаётгани кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун энгиллик яратади.

Албатта, бу борадаги ислохотлар самарасини соҳа талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли тизимдаги педагог ходимлар маҳоратини илғор усуллар орқали мунтазам ошириб бориш механизминини яратиш, ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ этган ҳолда, узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб саналади.

Айти шу омилларни инобатга олган ҳолда, қарорда мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва дастурларни замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш вазифаси белгилангани айти муддаодир. Чунки, биз ўз олдимизга фарзандларимизнинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадини қўйган эканмиз, шубҳасиз, педагог-тарбиячиларнинг малакасини ошириш борасидаги мавжуд тажрибаларни замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришимиз зарур. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларини психолог, дефектолог каби мутахассислар билан таъминлаш ҳам бугунги кун талабидир.

Шунинг баробарида мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлашда қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларининг роли муҳим саналади. Айти шу сабабли келгусида болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналарнинг педагогик-психологик билимларини ошириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарориди 3-6 ёшдаги мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни уларнинг ота-оналарини методик қўлланмалар билан таъминлаш орқали мактаб таълимига тайёрлашни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилгани болаларни таълимнинг кейинги босқичига тайёрлаш даражасини юксалтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сонли Қарорининг ижроси юзасидан мамлакатимизда 2017 йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилган, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва янгидан қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланганди.

Соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялаш, аввало, шу тизимдан бошланади.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи чоғида мактабгача таълим муассасаларига кириб кўрмоқда. Шавкат Мирзиёев раислигида бу соҳани ривожлантириш бўйича бир неча йиғилишлар ўтказилгани ҳам ана шу эътибордан далолат.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сонли Қароридан ўрин олган ёшлар тарбиясининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш йўналишидаги ислохотларни амалга ошириш мақсадида давлат раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида соҳа олдидаги долзарб вазифа ва устувор йўналишлар белгилаб берилди. Шу куни қабул қилинган Президент қарорига асосан бу соҳада алоҳида вазирлик – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Янги вазирлик зиммасига мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, муассасаларга болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари юкланган.

Бугунги кунда бу борада давлат дастури қабул қилиниб, кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилиб, жойлардаги аҳволни яхшилаш, янги боғчалар қуриш, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга катта аҳамият қаратилмоқда.

Мактабгача таълим тизимидаги ҳолатнинг ҳудудлар бўйича таҳлили ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар борлигидан далолат бермоқда. Хусусан, жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида кадрлар таъминоти ва салоҳияти етарли эмаслиги, соҳада 57 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилаётган бўлса-да, уларнинг 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этаётгани фарзандларимизни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермаяпти.

Мактабгача таълим муассасаларига болалар бадий адабиётлари йиллар давомида етказиб берилмагани, ота-оналарда боғчага нисбатан ишонч йўқолгани, мактабгача таълим тизимида йиллар давомида кўплаб муаммолар йиғилиб қолгани танқид остига олинди.

Қарор ижросини таъминлаш борасида 2017 йилда соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мавжуд тизимли камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан:

– мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаяпти;

– мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг жорий ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ камраб олишни таъминлашга имкон бермаяпти, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг ҳаддан ташқари бандлигига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан давлат раҳбари томонидан қабул қилинган қарорда мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Хусусан:

биринчидан, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида эксперимент тарикасида давлат-хусусий шериклик шартларида, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади:

– замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари ва бўш турган бинолар беғараз ажратилади;

– инвесторларга мактабгача таълим муассасаларини, айниқса шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ ва бошқа имтиёзлар тақдим этилади;

– инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳалар амалга оширилади;

– инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амалга оширилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Иккинчидан, Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш тўғрисида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тарикасида рухсат берилмоқда.

Мазкур экспериментлар яқунлари бўйича республиканинг бошқа ҳудудларида давлат-хусусий шериклик механизмларини ва мактабгача таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тартибини жорий этиш масаласи кўриб чиқилиши назарда тутилмоқда.

Учинчидан, ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

«Йўл харитаси»га мувофиқ:

– сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талаблари, шу жумладан, мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади;

– миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ҳамда жорий этиш ишлари замонавий талабларга мувофиқлаштирилади;

– ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишни соддалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилади;

– давлат мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшилаш бўйича чоралар кўрилади.

Шу масалага бағишлаб Президент хузурида ўтказилган мажлисда кўпгина маҳаллий ҳокимликлар томонидан мактабгача таълим муассасалари фаолияти учун зарур шароит яратилмагани, боғча бинолари бўм-бўш тургани, улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаганига алоҳида эътибор қаратилиб, мутасадди раҳбарларнинг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида 2018 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилиши лозим бўлган қатор стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Биринчидан, 2017–2021 йилларга мўлжалланган дастур асосида боғчалар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадал давом эттирилиши таъкидланди.

2018 йил давлат бюджетидан 427 боғчада қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун 771 миллиард сўм маблағ ажратиш (жумладан, 14 тасини янгидан қуриш, 256 тасини реконструкция қилиш ва 157 тасини капитал таъмирлаш) бўйича топшириқ берилди.

Бу жараёнда замонавий қиёфага эга бўлган 50, 100 ва 150 ўринли боғча бинолари лойиҳалари қисқа муддатда қайта ишлаб чиқирилиши ва бунда ҳудудлар шароити ҳисобга олиниши, иншоотлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши, болаларнинг ювиниши, овқатланиши, машғулот ўтказиши, ўйнаши, ухлаши учун барча шароитлар яратилиши, ошхона алоҳида жойлашиши, энг асосийси, янги бинолар қурилишида болаларга таълим-тарбия бериш жараёнини ташкил этиш бўйича қўйилаётган талаблар қатъий инobatга олиниши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Иккинчидан, давлат-хусусий шерикчилик асосида янги турдаги мактабгача таълим муассасаларини фаол ташкил этиш кераклиги қайд этилди. Бу масалада энг муҳим муаммо – сармоя эканлигини ҳисобга олиб, ташкил этиладиган нодавлат таълим муассасаларига ҳар томонлама қўмаклашиш, керакли кредит маблағларини ажратиш учун ҳар бир вилоятга тижорат банклари бириктирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини кескин ошириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, бунда ҳар бир туман ва шаҳарда 10-15 та янги, жумладан, давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Хусусий боғчаларга катта имтиёзлар берилгани, жумладан, 2018 йил 1 январдан бошлаб, 5 йил давомида хусусий боғчалар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун сарфланадиган маблағнинг ярми давлат бюджети ҳисобидан қопланиши таъкидланди. Бу уларга тўланадиган тўловлар ошиб кетмаслигини таъминлайди.

Учинчидан, боғчаларда болаларни соғлом овқатлантириш ва уларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, бунинг учун ажратилаётган маблағ миқдорини ошириш чорасини кўриш юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига 2018 йилдан бошлаб ҳар бир мактабгача таълим муассасасига 10–15 нафар фермерни

сифатли озиқ-овқат махсулотларини арзон нархларда етказиб бериш учун бириктириш топширилди.

Болалар боғчаларига сифатли иссиқ овқат етказиб берадиган давлат корхонаси ташкил этиш ва «Кетринг» хизматини йўлга қўйиш механизмини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Тўртинчидан, боғчаларда таълим-тарбия ва тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2018 йили мактабгача таълим муассасаларини Жанубий Корея тажрибаси асосида услубий ва дидактик ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш меъёрлари ишлаб чиқилади.

Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари, таълим-тарбия дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, уларда болаларга ўқиш ва ёзишни турли ўйинлар орқали ўргатишни назарда тутиш лозимлиги таъкидланди.

Юқори малакали тарбиячи ва мураббий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада Мактабгача таълим вазирлиги тизимида Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти фаолияти такомиллаштирилиши қайд этилди.

Мазкур институтда замонавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини йўлга қўйиш орқали тизимдаги раҳбар ва педагог кадрлар салоҳиятини узлуксиз ошириб бориш, шунингдек, илғор педагогик усул ва услублар ишлаб чиқиш, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва нашр этишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мактабгача таълим учун кадрлар тайёрлайдиган институтларнинг қабул квоталарини реал эҳтиёждан келиб чиқиб белгилаш ҳамда мактабгача таълим педагогларига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш топширилди.

Бешинчидан, мактабгача таълим соҳасини такомиллаштириш бўйича хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш вазифаси қўйилди. Жумладан, Жаҳон банкнинг Таълимда глобал ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда «Болаларни илк ёшдан ривожлантиришни такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида 2019–2022 йилларда 10 миллион доллар миқдоридagi грант ва 50 миллион доллар миқдоридagi имтиёзли кредитни мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтириш бўйича лойиҳа концепцияси ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Олтинчидан, мактабгача таълим соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини тубдан такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ва Мактабгача таълим вазирлигига илғор хорижий тажриба асосида «Мактабгача таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Еттинчидан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда боғчаларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини лойиҳалашни тубдан қайта кўриб чиқиш юклатилди.

Мактабгача таълим сифати – эртанги кунимизни ҳал қиладиган масала. Мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш фақатгина янги ташкил этилган вазирликнинг вазифаси эмас. Бу Президент, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан бошлаб, туман хокими, энг қуйи идора раҳбаригача – барчамизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиши керак, деди давлат раҳбари.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февраль кунги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, бу борада таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, дастур узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, юкори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим муассасаларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жихозлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини куриш, мавжудларини реконструкция қилиш, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш каби устувор вазифаларни ўз ичига олади.

Муҳтарам Юртбошимизнинг 2017 йил 14 мартда қабул қилинган «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳам таълим тизимини узвий ривожлантириш, пировардида эса баркамол авлод таълим-тарбиясини янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 16 август куни умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ҳолати билан яқиндан танишиш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазирини, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори, халқ таълими вазирини ва уларнинг ўринбосарларини қабул қилди ва ҳисоботларини тинглади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида берилган топшириқлар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг ўз хоҳишига кўра 10-синфда ўқишни давом эттириши, уларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олиш ишлари изчил давом эттирилди.

Ўқув режасига кўра, 10-синф ўқувчилари ҳафтада 5 кун умумтаълим фанларини ва 1 кун касбга доир фанларни ўрганиши белгиланди. Касб-хунар коллежларидан узоқ масофада жойлашган 2 703 та мактаб учун 1 103 та мактабда, 6 956 мактаб учун эса 615 та коллежда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилди.

Мактабларда 10-синф очилиши муносабати билан 22 минг ўқитувчига эҳтиёж юзага келди. Шуларнинг 9,5 минг нафари олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобидан, 13 минг нафари лицей ва коллежлар ўқитувчиларини жалб этиш ҳисобидан қопланди.

2017–2018 ўқув йилидан бошлаб 10-синфларда дарс берадиган 116 минг нафар ўқитувчининг касбга оид билимларини янгилаш ва чуқурлаштириш мақсадида қисқа муддатли малака ошириш курслари йўлга қўйилган.

10-синф ўқувчилари учун 8,5 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, таълим муассасаларига етказилди.

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича вертикал тизим яратилиб, вазирликдан ҳудудларга 14 нафар, ҳудудий халқ таълими бошқармаларидан туман ва шаҳарларга 195 нафар, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларидан ҳар бир мактабга масъуллар бириктирилди.

1-синфга қабул қилинган 650 минг нафар ўқувчи учун «Президент совғаси» сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари солинган мактаб сумкалари тайёрланиб, жойларга тўлиқ етказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни танлаб олиш ва уларни олий таълим муассасаларига мақсадли тайёрлашни ташкил этиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурида биттадан академик лицей очилди ва фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб борилди.

Бунда ёшларнинг улуғ аجدодларимиз меросини ўрганиши, уларга мос етук кадрлар бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилди.

Улуғ аجدодимиз Муҳаммад Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилиши ҳам айнан ана шу вазифани амалга оширишдаги илк қадам бўлди.

Мазкур мактабнинг ташкил этилиши кадрларни ёшлигиданоқ тайёрлаб бориш, соҳада етук ҳамда замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга замин яратади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мирзо Улугбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати»ни ва «Астрономия ва аэронавтика боғи»ни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Астрономия институти қошида математика, астрономия, физика ва информатика фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган Мирзо Улугбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ташкил этилди.

Мактаблар олдида қўйилаётган талаблардан бири – юқори малакали, соҳасининг билимдони бўлган ўқитувчи-педагоглар базасини шакллантириш билан биргаликда, мактабда чет тилини ҳам ўқитишдир. Бу каби ихтисослашган мактабларнинг ташкил этилаётгани ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тармоқ вазирликлари ва давлат кўмиталарига бириктириб берилди.

10-11-синфлар жорий этилиб, коллежларда контингент қисқариши муносабати билан мавжуд моддий-техник базадан самарали фойдаланиш мақсадида 7 та коллеж ва академик лицей негизида янги 3 та олий таълим муассасаси филиаллари ва 1 та олий таълим муассасаси ташкил этилди.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини ортиқча ҳисоботлар, турли бюрократик топшириқлардан озод этиш, уларнинг илмий салоҳиятини таълим мазмуни ва сифатини янада яхшилаш, илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, энг илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласига тўхталиб, болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим ва тарбия бериш, дунёқарашини

кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний кадриятларни сингдириб бориш, шу орқали уларни она Ватанга мухаббат, покиза орзулар руҳида камол топтириш бугунги кундаги энг муҳим, энг долзарб масалалардан бири эканини таъкидлади.

Президентимизнинг жорий йил 9 августдаги «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори таълим муассасаларининг мактабгача, бошланғич, мусиқа, тасвирий санъат, чет тиллари, меҳнат таълими, жисмоний тарбия йўналишлари ва бошқа фанлар бўйича олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг онгу шуурида бўшлиққа йўл қўймаслик учун уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиб, фан ва спорт билан янада чуқурроқ шуғулланишларига шароит яратиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2017 йил 12 январда қабул қилинган Президентимизнинг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Бу каби эътибор ва машаққатли меҳнатларнинг самараси ёшларимизнинг илм ва фан сирларини пухта эгаллаб, келажагимиз бунёдкори сифатида ўзини намоён қилаётганида, «Билимлар беллашуви», фан олимпиадаларида, турли танлов ва мусобақаларда юксак натижаларни кўлга киритаётганида ўз аксини топмоқда.

Худудлар имконияти ва салоҳиятини ўрганган ҳолда 8–9 синф ўқувчиларини касбга йўналтириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. Бу таълимнинг кейинги босқичида ўқувчиларнинг хунар эгаллашида янги имкониятлар эшигини очади. Эндиликда умумтаълим мактаблари битирувчиларини элликка яқин касбга ўргатиш йўлга қўйилади. Бунинг учун касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари негизда замонавий жиҳозланган ўқув-ишлаб чиқариш мар-



казлари ташкил этилиши режалаштирилган. Шунингдек, баъзи касб-хунар коллежлари тегишли вазирлик ва идораларга, корхона ва ташкилотларга бириктирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Бу кадрлар тайёрлашда мазкур муассасаларнинг улушини ошириш ва кафолатланган иш ўринларини яратиш имконини беради.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, «*Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.*

Жумладан, 2017–2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди», – деб таъкидланди.¹


Бевосита давлат раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқининг талаб ва истакларини инобатга олиб, 2017 йилда олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг кафолатланган билим олиш ҳуқуқларига риоя этилишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база яратилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур масалага доир қатор ҳужжатлар бу соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2011–2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида 25 та олий таълим муассасасининг 202 та объектида янги қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди.

Иқтисодийнинг реал сектори талабларидан келиб чиқиб, муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қурилиш йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқишга қабул қилиш унинг умумий сонига нисбатан 23 фоиздан 33,2 фоизга ошди. Олий таълим соҳасида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янгиланган давлат олий таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сонли Фармойиши билан ташкил қилинган ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборий-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техник базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди (5.1-расм).



5.1-расм. Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари ҳолатини ўрганиш натижалари.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «*Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*»ги Қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги фармойиши асосида тузилган ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги мавжуд ҳолатни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қатор олий таълим муассасаларида илмий-педагогик салоҳият ҳануз паст даражада қолмоқда, таълим жараёнининг ўқув-методик ва ахборот таъминоти замонавий талабларга мос эмас, моддий-техник база тизимли равишда янгиланишга муҳтож. Олий таълим тизимида ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишлар талаб даражасида олиб борилмаяпти. Қабул қилинган қарорга кўра, қуйидагилар олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари этиб белгиланди:

ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик техно-

Педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш (МО), стажировкаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратурада ўқитиш

Таклиф:		Ҳолат:																					
Ҳар йили:																							
МО – 964 нафар, стажировка – 428 нафар педагог кадрлар	Хорижга	2015–2016 йилларда профессор-ўқитувчилар таркибининг хорижий сафарлари сони																					
Ўқитиш (магистратура, PhD) – 298 нафар ОТМ битирувчилар		<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <thead> <tr> <th>№</th> <th>Давлатлар</th> <th>Жами</th> </tr> </thead> <tbody> <tr><td>1</td><td>Россия</td><td>200</td></tr> <tr><td>2</td><td>Германия</td><td>162</td></tr> <tr><td>3</td><td>Ўзбекистон</td><td>134</td></tr> <tr><td>4</td><td>Испания</td><td>100</td></tr> <tr><td>5</td><td>Хитой</td><td>96</td></tr> <tr><td colspan="2">Жами 57 хорижий давлатлар</td><td>1433</td></tr> </tbody> </table>		№	Давлатлар	Жами	1	Россия	200	2	Германия	162	3	Ўзбекистон	134	4	Испания	100	5	Хитой	96	Жами 57 хорижий давлатлар	
№	Давлатлар	Жами																					
1	Россия	200																					
2	Германия	162																					
3	Ўзбекистон	134																					
4	Испания	100																					
5	Хитой	96																					
Жами 57 хорижий давлатлар		1433																					
Муддати:																							
Малака ошириш	1 ойдан 3 ойгача																						
Стажировка	3 ойдан 1 йилгача																						
Ўқитиш	1 йилдан 3 йилгача																						
Тахминий харажатлар:																							
	1 кишига:	Жами:																					
Малака ошириш	4 000 - 10 000 АҚШ \$	1 924 000 - 4 810 000 АҚШ \$																					
Стажировка	10 000 - 31 000 АҚШ \$	2 697 000 - 3 470 000 АҚШ \$																					
Ўқитиш	41 000 - 123 000 АҚШ \$	4 510 000 - 6 478 000 АҚШ \$																					
Жами 1 йиллик ўртача харажат: 23 889 000,0 АҚШ доллари																							
Амалга ошириш механизми – «Истеъдод» жамғармаси орқали																							
Молиялаштириш манбаи: васийлик маблағлари, грантлар, давлат бюджети, ҳамкорлик дастурлари																							

Давлат	Сони	Процент
Россия	200	43%
Германия	162	26%
Ўзбекистон	134	19%
Испания	100	7%
Хитой	96	5%
Жами	57	100%

«Истеъдод» жамғармаси орқали малака ошириш – 1266 нафар (2004–2016 йй).

«Истеъдод» жамғармаси орқали докторантура ва магистратурада таълим олиш кўзда тутилмаган.

5.2-расм.

логиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш;

олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истикболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимида кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилан бориш;

педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш (5.2-расм);

олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш;

олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиклол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш;

олий таълим муассасалари моддий-техник базасини уларнинг ўқув ва илмий-лаборатория биноларини, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаларини

ОТМлари ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш режаси						
ОТМлар сони	Лабораториялар жами сони	Лабораториялар номлари сони	Харажатлар жами	Молиялантириш манбалари		
				Жаҳон банки кредит маблағлари	Молия вазирлиги Фонди	
53	400	64	220,481 млрд. сўм	43,823 млрд. сўм	176,658 млрд. сўм	

2017–2021 йилларга мўлжалланган ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминлашнинг манзилли дастурига киритилган ОТМлар сони	
Вазирлик ва идоралар	ОТМлар сони
Жами	53
ОўМТВ	25
Халқ таълими ваз.	4
Соғлиқ.Сақл.ваз.	9
Қишл.сўв хўж.ваз.	6
Ахборот.тех.ваз.	6
Адлия вазирлиги	1
Ўзб.Темир йўл АК	1
Нав.кон.метал.комбинати	1

2011–2016 йилларда қисман жиҳозланган ўқув лабораториялар сони (ПП-1533)		
Вазирлик ва идоралар	ОТМлар сони	Ўқув-лабораториялар сони
Жами	18	151
ОўМТВ	14	112
Соғлиқ.сақл.ваз.	2	16
Қишл.сўв хўж.ваз.	1	19
Нав.кон.метал.комбинат.	1	4

5.3-расм. Олий таълим муассасаларида замонавий ўқув лабораториялар яратиш.

қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш орқали янада мустаҳкамлаш, замонавий илм-фан соҳаларининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораториялар базасини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш (5.3-расм);

Олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, талабалар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илғор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш мақсадида олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017–2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Дастурга мувофиқ, 2017–2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 53 та олий таълим муассасасида 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланади, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилади.

Қарорнинг муҳим аҳамиятини кўрсатадиган яна бир жиҳат шундан иборатки, мамлакатимиз Президенти томонидан ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича қуйидаги аниқ параметр ва кўрсаткичларни ўз ичига олган манзилли ривожлантириш дастурлари тасдиқланди:

олий таълим тизимида янги таълим ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларнинг, шунингдек, иқтисодиёт соҳалари ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва бакалаврият ва магистратурага талабалар қабул қилишнинг умумий кўрсаткичларини 2021 йилгача босқичма-босқич равишда 18 фоизгача оширишни назарда тутадиган 2017–2021 йилларга мўлжалланган параметр ва кўрсаткичлари (5.6-жадвал);

ўқув бинолари, талабалар тураржойлари, ахборот-ресурс марказлари ва бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳисобидан янги

5.6 - ж а д в а л

Олий таълим тизимида янги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларнинг, бакалаврият ва магистратурага талабалар қабул қилишнинг умумий кўрсаткичларини 2021 йилга босқичма-босқич равишда 18 фоизгача оширишни назарда тутадиган 2017–2021 йилларга мўлжалланган параметр ва кўрсаткичлар

Билим соҳаси номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2016 йилга нисбатан ўсиш
Ж А М И	57 532	66 166	66 877	67 050	67 724	68 140	18,4 %
Гуманитар соҳа	23 762	27 318	25 084	24 723	24 507	24 589	3,5 %
Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ	3 835	3 813	3 648	3 617	3 572	3 507	–8,6 %
Ишлаб чиқариш ва техник соҳа	19 085	22 652	24 100	24 406	25 030	25 340	32,8 %
Қишлоқ ва сув хўжалиги	5 380	6 402	7 174	7 259	7 408	7 450	38,5%
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	2 780	2 899	3 235	3 380	3 460	3 495	25,7 %
Хизматлар соҳаси	2 690	3 082	3 636	3 665	3 747	3 759	39,7 %

ўқув ўринларини ташкил этиш, янги ўқув-лаборатория комплексларини сотиб олиш, аудиторияларни компьютер техникаси билан жиҳозлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг касб маҳоратини, педагог ходимларнинг малакасини ошириш, шунингдек, уларнинг хорижий ҳамкор олий ўқув юртларида малака ошириши, магистратура, докторантурада таълим олиши, ҳамда республикамизнинг таянч олий ўқув юртлари қошида қайта тайёргарликдан ўтиши ва малака ошириши.

Мазкур дастурга асосан мамлакатимизнинг ҳар бир олий таълим муассасаси билан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва шу каби бошқа давлатларнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилгани ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу асосда ҳар йили 350 нафардан ортиқ хорижлик юқори малакали педагог ва олимларнинг мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқув жараёнига жалб этилиши кўзда тутилмоқда.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим муассасалари педагог ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича амалдаги тизимни жиддий такомиллаштириш ва бу борада моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этишга эҳтиёж сезилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълим вазирлигига уч ой муддатда илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, олий ўқув юртлари педагог ходимларига уларнинг касб маҳорати, фаолиятидаги юқори натижадорлик ва тарбиявий соҳадаги самарали иштирокини инобатга олиб, устама ҳақ тўлашни белгилаш тизими бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

Қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда иқтидорли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларида илмий-педагог ходимларнинг малака ошириши ва қайта тайёргарликдан ўтишини, олий таълим муассасалари битирувчиларининг PhD дастури ва уларнинг магистратурада ўқишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган таклифлар киритиш топширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналарнинг буюртмасига асосан амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширадиган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари юридик шахслардан олинадиган даромад солигидан, ягона солиқ тўловидан, мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўлов ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди.

Таълим-тарбия жараёнларининг сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси ташкил этилади. Унинг асосий вазифаси – таълим-тарбия жараёни, профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим тизимида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати ҳамда мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш, таълим-тарбия сифатини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Олий таълим тизимини 2017–2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар тураржойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмир-

лашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлидаги яна бир муҳим амалий қадамдир.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, *«Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибидан бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ном қозонган истеъдодли олимлар академик деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Энди барчамиз Фанлар академиясидан янги илмий ишланмалар, истиқболли тадқиқотлар яратиш бўйича амалий натижалар кутиб қоламиз»*, деб таъкидланди.¹

Бевосита давлат раҳбарининг ташаббуси билан, Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқининг талаб ва истакларини инобатга олиб, 2017 йилда Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини тартибга солувчи ва таъминловчи норматив-ҳуқуқий база яратилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур масалага доир қатор ҳужжатлар бу соҳадаги ишлар самарадорлигини оширмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришнинг барқарор тизими яратилди. Мамлакатда салоҳиятли илмий мактаблар яратилди, илмий лаборатория ва кафедралар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, вазирлик ва идоралар ҳамда республика миқёсидаги илмий-техник ва эксперт кенгашлари шаклидаги кўп тармоқли илмий-ташкилий инфратузилма фаолият юритмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Бир қатор янги илмий-инновацион тузилмалар – Геномика ва биоинформатика маркази, Халқаро қуёш энергияси институти, Кембридж университети иштирокида Юқори технологиялар маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимида Фанлар академияси ҳақли равишда фундаментал тадқиқотлар етакчиси сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда Фанлар академияси тизимида салмоқли интеллектуал салоҳият мужассамланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь.

Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан академик фаннинг мамлакат иқтисодийтини инновацион ривожлантиришдаги ролини кучайтириш, Фанлар академиясининг илмий-инновацион фаолиятини такомиллаштириш ва мавқеини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Ушбу эътиборнинг ёрқин кўриниши сифатида мамлакатимиз Президентининг давлат раҳбари сифатидаги биринчи учрашуви айнан илм ҳамжамияти – республика академиклари ва етакчи олимлари билан бўлганини таъкидлаш жоиз. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб академикларга энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқлардан озод этилган ойлик гонорар белгиланди. Бундан ташқари, улар учун санаторий муассасаларида ҳар йили бепул соғломлаштириш курсидан фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилди. Академиклар илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жалб этилиб, уларга юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этишлари учун зарур имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, илмий-техник салоҳиятнинг ҳозирги кундаги аҳволи, кадрлар билан таъминланганлиги, илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техник, тажриба ва лаборатория базаларининг ривожланиш даражаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг жадал суръатларидан ортда қолмоқда. Қатор тадқиқот йўналишлари бўйича миллий илм-фанимиз, айниқса академик фаннинг рақобатбардошлигини юқори халқаро даражаларга мос келтириш зарурати ҳам юзага келди.

Илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини молиялаштириш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Бунга кўра, илмий фаолият нуфузи бирмунча пасайиб, иқтидорли ёшларнинг бошқа соҳаларга кетиб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда, илмий кадрларнинг ўртача ёши ортиб бориши тенденцияси сақланиб қолмоқда. Шу муносабат билан, давлат илмий-техник дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва мониторингини юритиш жараёнларини мувофиқлаштирувчи ягона тизимнинг мавқеи ва салоҳиятини тиклаш, олимларга кенг кўламли илмий изланишларни амалга оширишлари учун барча зарур шароитларни яратиш бугунги куннинг ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Таъкидлаш лозимки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, республика вилоятларида бўлиб ўтаётган халқ билан бевосита мулоқот пайтида Президентимиз томонидан барча ҳудудларда илм-фан салоҳиятини тиклаш, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий изланишларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан кенг кўламли миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, қарорга кўра, замонавий талаблар асосида Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар академияси таркибида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар академия тасарруфига қайтарилган. Ўз навбатида, бу тадбирлар Фанлар академияси томонидан кенг кўламли фундаментал тадқиқотлар олиб борилишини таъминлаш, турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятни мужассамлаш ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларига сафарбар қилиш имкониятини яратади.

Қарорда Фанлар академияси бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди, унинг таркибида физика-математика ва техника фанлари, кимё-биология фанлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимлари ҳамда Фанлар академиясининг Навоий бўлимини ташкил этиш кўзда тутилди. Бу мазкур фан соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, Навоий вилояти ҳудудини комплекс ривожлантиришда, мавжуд саноат салоҳиятини янада мустаҳкамлашда академик фан имкониятларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради.

Шунингдек, қарорга мувофиқ Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон ва Навоий бўлимлари ҳамда Хоразм Маъмун академияси раислари мавқеи академия вице-президенти даражасига тенглаштирилиши ҳам айнан ҳудудларда илм-фан салоҳиятини тиклаш ва нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишларнинг яққол тасдиғидир.

Қарорда самарали илмий фаолиятни рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда, илмий-тадқиқот муассасаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушган соф фойданинг 10 фоизи миқдоридagi ажратмалари ҳисобига шаклланадиган, илмий тадқиқотлар якунлари бўйича салмоқли натижаларга эришган Фанлар академияси илмий ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси тузилиб, унинг зиммасига илмий-техника соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инновацион сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш вазифалари юкланмоқда.

Шунингдек, мазкур комиссиянинг ишчи органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фаолияти тугатилаётган Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ташкил этилмоқда. Агентлик зиммасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни бажаришда илмий-техник хизматлар кўрсатишга йўналтирилган давлат топшириқларини шакллантириш каби вазифалар юкланади.

Мазкур тадбирлар илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллаштириш тизимини янги босқичга кўтаришга, мавжуд интеллектуал салоҳиятни жипслаштиришга, изланишлардаги майда, самарасиз мавзуларга ва такрорланишларга барҳам беришга хизмат қилади.

Қарор билан ўз ечимини топаётган яна бир муҳим масала Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қошида юридик шахс мақомига эга бўлган Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши назарда тутилган:

- илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида янги типдаги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил этиш;

- олимларимиз томонидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш (патентлаш) харажатларини қоплаш;

- замонавий лабораторияларнинг илмий асбоб ва ускуналарини зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш;

- илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг жаҳоннинг етакчи илмий электрон маълумотлар базасидан эркин фойдаланишлари учун сарфланадиган харажатларни қоплаш;

- ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказларда қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш.

Қарор доирасида назарда тутилган барча тадбирлар давлатимиз томонидан иқтисодиётнинг инновацион тараққиётини таъминлашда илм-фаннинг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилади.

Ушбу қарор академик фан нуфузини ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятининг кадрлар ва интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, уни ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот муассасалари моддий-техника базасини тубдан яхшилаш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш ва олимларнинг сермашаққат меҳнатларини муносиб моддий рағбатлантиришга кенг йўл очади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари)ни танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланган. Ушбу Низомда қайд этилишича, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 29 декабрдаги ПФ-4907-сонли Фармонини ижро этиш, шунингдек, мамлакат илм-фани ривожини фаоллаштириш, халқаро даражадаги илмий натижаларга эришиш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари бўйича етакчи илмий мактабларни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотларда ворисийликни таъминлаш, олимлар фаолиятини рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари институтини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки ой муддатда зарур ташкилий ишларни ўтказиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари)ни танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби ҳақидаги Низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодларнинг танлов асосида сараланиши ва тасдиқланишини амалга оширади.

Белгилаб қўйилишича, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодларни танлов асосида саралашни ўтказиш муддатлари ва санаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, лекин кўпи билан икки йилда бир мартаба белгиланади.

Мазкур Низомнинг 11-бандига мувофиқ номзоди кўрсатилган, республиканинг илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида илмий фаолият билан машғул олимлар Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар ҳисобланадилар.

Бунда Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар кўрсатиш жараёнида ва танловнинг барча босқичларида уларнинг сўнгги беш йил мобайнидаги илмий фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзод қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши ва камида сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикасида доимий ишлаган бўлиши;

– фан доктори илмий даражаси ва профессор илмий унвонига эга бўлиши;

– илм-фаннинг муайян соҳасида илмий жамоатчилик томонидан тан олинган, фанни шахсан ўзи ёки илмий ва илмий-техник муаммолар бўйича жамоа бўлиб ишлашда фаол иштирок этиш асосида эришган шахсий ютуқлари ҳамда салмоқли илмий натижалари билан бойитган олим бўлиши;

– ўз йўналишида янги илмий мактаб ташкилотчиси ва раҳбари ёки мавжуд илмий мактабнинг ривожига бевоҳита иштирок этган бўлиши ва бу унинг фан номзодлари ёки фалсафа докторлари ҳамда камида икки фан доктори (тиббиёт фанлари учун: камида уч фан доктори) тайёрлаши билан тасдиқланган бўлиши;

– жорий этилган ишланмаларга эгаллиги ёки у раҳбарлик қилаётган ходимлар жамоаси эришган фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилишида ҳамда амалиётда фойдаланилишида бевоҳита иштирок этган бўлиши;

– фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг илмий раҳбари эканлиги ёки сўнгги йилларда шу йўналишдаги илмий лойиҳаларга раҳбарликни амалга оширган бўлиши;

– халқаро илмий ҳамкорликдаги халқаро илмий лойиҳаларда илмий раҳбар бўлиши ёки уларнинг бажарилишида иштирок этиши.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодларни дастлабки саралаш илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан тегишли илмий ёки илмий-техник кенгашлар йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Ваколатга эга кворум – тегишли кенгаш рўйхатга кирган аъзолари таркибининг мажлисида иштирок этаётган камида 75 фоизи мавжуд бўлганда овоз беришда иштирок этган илмий ёки илмий-техник кенгаш аъзолари камида учдан икки қисмининг овозини тўплаган талабгорлар Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар ҳисобланади.

5.3. ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сонли Қарорининг ижроси юзасидан мамлакатимизда 2017 йилда сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий соҳалар билан бир қаторда, маданий-гуманитар соҳалар ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди.

Маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида гапирганда, аввало, маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинди.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 9 августдаги «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илхом» жамоат фондидини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги ва бошқа қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Бугунги глобаллашув даврида, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароитда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини ҳар томонлама таҳлил қилиб, давлатимизни барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш мақсадида, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди. Мана шу Стратегияга мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари равнақини янги босқичга кўтаришни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бу борада олиб борилаётган амалий ҳаракатлар ҳаммага яхши маълум.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида 2017 йилда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат

соҳасини такомиллаштириш, худудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар ҳам қабул қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони бунёд этилаётгани, у ерда адабиётимизнинг буюк намоёндаларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилаётгани, шунингдек, Наманган вилоятида улкан маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат, Жиззах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотираларини абадийлаштириш ишлари олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Бу ишларнинг мантикий давоми сифатида ёш шоир ва адиблар, актёр, rassom ва қўшиқчилар, журналистларнинг истеъдодини юзага чиқариш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина мисол. 2010 йилдан буён Ёзувчилар уюшмасининг «Ижод» фонди томонидан «Биринчи китобим» сериясида 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланиб, 73 номда, жами 1 миллион 220 минг нусхада ёш ижодкорларнинг китоблари нашр этилди ва улар республикамизнинг барча таълим муассасаларига бепул етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашув ўтказди унда маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича ғоят муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар билан мустаҳкамланиб, аниқ ҳуқуқий норма ва қоидалар сифатида ҳаётга жорий этилмоқда.

Ана шу учрашувда мамлакатимиз ижодкор зиёлиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш ҳақида ҳам долзарб вазифалар белгилаб олинган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 9 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори имзоланди.

Қарорда мамлакатимизда маданият, санъат ва журналистикани ривожлантиришни маблағ билан таъминлаш, ушбу йўналишларда тегишли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш «Илҳом» жамоат фондининг асосий вазифаси сифатида белгилаб қўйилгани жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу пайтгача Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасини моддий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш, мазкур уюшмалар аъзолари бўлган ва соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фахрийларга аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш сингари масалаларда муаммолар мавжуд эди. Мазкур Фонд ташкил этилиши билан уларнинг барчаси ижобий ечимини топадиган бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Илҳом» жамоат фонди юқорида тилга олинган ижодий муассасаларнинг моддий-техник базасини мунтазам мустаҳкамлаб бориш, уларга тегишли мулкни самарали бошқариш ишлариға ҳам бевосита масъул саналади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унга биноан Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди Ҳомийлик кенгашининг таркиби ҳамда

Фонднинг ташкилий тузилмаси тасдиқланди, Фонднинг ижро органи бўлмиш Ижроия дирекциясининг фаолият кўрсатиш тартиби белгиланди.

Фонднинг даромад ва харажатлари билан боғлиқ йиллик прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш, унинг маблағларидан фойдаланиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш ҳамда тасдиқлаш Ҳомийлик кенгашининг зиммасига юклатилди. Шу билан бирга, бу бо-рада белгиланган вазифаларни амалга оширишга манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини ҳамда ҳомийларни жалб этиш мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

Яна бир муҳим масала – «Илҳом» жамоат фондининг маблағларини шакллантириш манбалари аниқ-равшан кўрсатилган. Хусусан, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг ҳудудий бўлимларида ишлаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидиялар), Фонд ихтиёрига ўтказиладиган ижод уйлари ижарага бериш ва Фонднинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар шулар жумласидандир.

Президент қарорида «Илҳом» жамоат фондининг фаолиятини самарали йўлга қўйишга хизмат қиладиган принципиал жиҳатдан яна бир муҳим масала ўз аксини топган. «Илҳом» жамоат фонди ҳисобрақамига давлат бюджетидан 20 миллиард сўм маблағ ўтказиб берилиши ижодий муассасалар фаолиятини янада яхшилаш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилгандир.

Фонд томонидан молиялаштириладиган муассасалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби Ҳомийлик кенгаши томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилиши белгиланган. Фонд ва у молиялаштирадиган муассасалар 2022 йил 1 январга қадар барча солиқлар, шунингдек, давлат мақсадли фондларига мажбурий тўловлардан озод қилинади, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар фақат Фонднинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Қарорда Фонд томонидан молиялаштириладиган ижодий уюшмалар ва бирлашмалар аъзоларининг тўлақонли дам олиши учун шароитлар яратиш масаласи ҳам инобатга олинган. Шу мақсадда Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Сойлик қишлоғида жойлашган «Оқтош» ижод уйи Фонд бошқарувида ўтказилиб, бу ерда барча ижодий уюшма ва бирлашмалар аъзоларининг тўлақонли дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг ҳудудий бўлимларида фаолият кўрсатаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Фондга давлат бюджетидан маблағлар (субсидиялар) ажратиш ҳам қарорда алоҳида таъкидланади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг фаолиятини ривожлантириш, ушбу соҳалар вакиллари моддий ва маънавий жаҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратиб беришни таъминлаш борасида янги имкониятлар очиб бериши билан улкан аҳамиятга эга.

Шулар билан бир қаторда, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шarti бўлган оммавий ахборот воситаларини ривож-

лантириш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, фуқароларимизнинг ахборот олиш, ўз фикрини эркин ифода этиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда ҳозирги шиддатли ахборот замонида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга тегишли ижодий-услубий ёрдам ва кўмак бериш, журналистларнинг профессионал малакасини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор долзарб муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

Бу йўналишда, авваламбор, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августда «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан:

– оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, газета-журналлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ва Интернет нашрларида меҳнат қилаётган муаллифларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинадиган бўлди, улар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда, иш ва турмуш шароитлари яхшиланмоқда, журналист кадрларнинг профессионал маҳоратини ошириш тизими такомиллаштирилмоқда;

– Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасини сақлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, шунингдек, Уюшманинг ва Уюшмага қарашли бўлган Республика Миллий матбуот марказининг моддий-техник базасини ривожлантиришни молиялаштириш манбаси этиб Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилаб қўйилган;

– «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг Уюшмага хайрия асосида 1 та «Дамас» русумли машинасини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди;

– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Уюшма билан биргаликда эҳтиёжманд ва фаол журналистларни имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой ёки ер участкалари билан таъминлаш ишлари белгиланган тартибда йўлга қўйилди.

«Адиблар хиёбонини, Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биносини барпо этиш менинг армонларимдан бири эди», деди Президентимиз 23 декабрь куни ёзувчи-шoirлар билан мулоқот чоғида. Бу жуда улуғ гап! Чунки, «армоним» деган сўз ўз-ўзидан шунчаки тилга келмайди, юракнинг туб-тубидан сизиб чиқади. Шу биргина гапнинг ўзи мамлакатимиз раҳбарининг адабиётга, ижодкорларга нечоғли эътибор қаратаётганини далиллайди. Шу биргина жумланинг ўзи қўлида қалам тутган ҳар бир ижодкорнинг кўнглида катта умид, ишонч ва масъулият уйғотади.

Президентимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биноси билан танишиш жараёнида ўз сўзини таълим тизимида адабий таълимни кучайтириш масаласидан бошлади, ўқувчиларда китобга меҳр уйғотиш давр учун зарурият эканлигини айтиб ўтди.

2017 йилнинг июнь ойида Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, қурилиш ва ободонлаштириш билан боғлиқ топшириқлар берган эди. Ўтган 6 ой давомида 9,6 гектардан иборат майдонда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг янги биноси қад ростлади. Бино икки қаватдан иборат бўлиб, унинг биринчи қаватига «Жаҳон адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журналлари тахририятлари ҳамда «Ижод» жамоатчилиқ фонди жойлашади. Бинода 150 ўринли фаоллар зали ҳам мавжуд бўлиб, у ижодий кечалар, бадий муҳокамаларни шу ернинг ўзида ўтказиш имконини беради. Бинонинг иккинчи қаватида Ёзувчилар уюшмаси жойлашади. Унинг ҳузурида бой кутубхона ҳам ташкил этилмоқда.

Дарҳақиқат, адабий таълими мустаҳкам бўлган одамнинг ўзи мустаҳкам бўлади, ичи бутун бўлади, у ҳар ёққа оғиб кетавермайди, фикр ва мулоҳазага, дид ва фаросат, савияга эга бўлади. Бу нафақат бола тарбияси, балки миллат тарбияси билан боғлиқ жараён дир. Шу боис мактабда адабиёт дарсини ўқитиш даражаси, мактаб кутубхоналарида адабий нашрлар ва мутолаа маданияти ҳолати жамиятнинг эртанги маънавий даражасини белгилаб беради. Зеро, адабиёт қалб ва руҳни тарбиялайди. Донишмандлар «Биз кучни курашга эмас, руҳ тарбиясига сарфлаймиз» деганларида айнан шунини назарда тутганлар. Инсоният адабиётни жаҳолатга қарши кураш учун ўйлаб топган. Жаҳолат эса дунё ҳаётининг ҳар қадамига таҳдид қилиб турибди. Бундай вазиятда адабиётга катта эҳтиёж сезилади. Чунки, адабиёт эзгулик, орзу-умидлар ва олий туйғулар ватанидир. Одамзотни кўп ҳалокатлардан адабиёт қутқариб қолганига тарихда мисоллар жуда кўп. Шунинг учун Президентимиз ижодкорлар билан мулоқотни ҳақиқий ижодкорона руҳда самимият билан олиб борди, устоз шоирларимизнинг шеърларини эслаб, улардан мисралар келтириб ўтди.

«Бу бино ёзувчиларимиз, шоирларимиз учун, – деди Президент. – Энди унинг ичини мазмун-моҳият билан тўлдириш ижодкорларимизга ҳавола». Бу сўзлар шоир ва ёзувчиларимизни ижодга, адабиёт ва эл-юртга чин дилдан хизмат қилишга даъват этади. Давлатимиз раҳбарининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги Қарори 2017 йилнинг 18 апрелида чиққан эди. Ўтган саккиз ой ичида Миллий боғда бундай муҳташам бинонинг барпо этилиши – ҳайратланарли ҳодиса. Гўё эртақларда қисқагина фурсатда катта қаср пайдо бўлиб қолгандай... Зулфия опа «Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали» деганларидай, Адиблар хиёбони ҳали шундай манзил бўладими, унда эзгулик ва маърифат руҳи ҳаёт нафасидек уфуриб туради.

Адиблар хиёбонининг айнан Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида барпо этилишида ҳам ҳикмат бордай туюлади. Чунки, бу боғ – улў бобомизнинг боғи. Навоий бобомизнинг абадият боғидаги Адиблар хиёбонига келган киши бу боғнинг муқаддаслигини, Навоий бобога муносиб авлод бўлиш, адабиёт ва ҳақиқатга, Ватанга садоқат билан яшаш зарурлигини ҳис этиши керак бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 21 апрель куни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманига ташрифи чоғида Имом Термизий жоме масжидини реконструкция қилиш бўйича топшириқ берган ва Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида Ислом маданияти марказини ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги қарори ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида бўлиб, мазкур марказ лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда муқаддас динимизни, уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда, Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад Термизий, Қарши туманидаги Абул-Муъин Насафий зиёратгоҳлари ва бошқа қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Бу каби хайрли ишлар юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шуларни инобатга олиб, давлатимиз раҳбари Ислом маданияти маркази номини Ислом цивилизацияси маркази, деб ўзгартириш таклифини билдирди.

Шавкат Мирзиёев марказ қурилиши бўйича тақдим қилинган лойиҳага алоҳида эътибор қаратди.

Бу марказ бизнинг ислом дини тарғиботидаги юзимиз бўлади. Шундай экан, унинг ташқи кўриниши, бу ерда ишлатиладиган қурилиш материалларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Одатдаги, кўзимиз ўрганиб қолган лойиҳалардан воз кечиб, янги шакл ва дизайн топишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Лойиҳаларда марказ қурилиши муносабати билан бошқа жойга кўчириладиган аҳоли учун барпо этиладиган янги замонавий уй-жойлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

Лойиҳага кўра, марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёзмалар фонди ташкил этилиб, уларни бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва уламолар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир мамлакатда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиш, 300 ўринли конференция зали барпо этиш кўзда тутилган.

«Биз ажодларимиз билан доимо фахрланиб келганмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Шундай экан, ўзимиз ҳам уларга муносиб бўлишимиз керак. Ташкил этилаётган марказда ҳам бунинг учун барча шароитларни яратиш, етук олимларни жалб қилиш лозим. Мазкур соҳага оид адабиётларни жамлаш, чет элларда бўлса, юртимизга олиб келиш чораларини кўриш зарур. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги диний йўналишдаги тўққизта ўрта махсус ва иккита олий таълим муассасаси ҳам марказ ихтиёрига ўтказилади. Бу ерда сабоқ берадиган ўқитувчилар билими ва савиясига алоҳида эътибор қаратиш даркор».

Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Юртимиз азалдан ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб алломалар номи нафақат ислом, айни вақтда, жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган. Мустақиллик шарофати ўларок диний ва миллий қадриятларимиз тўлалигича тикланди, улуғ ажодларимизнинг хотираларига муносиб эхтиром кўрсатилди, улар қолдирган диний-илмий ва маънавий-маърифий меросни ўрганиш учун имкониятлар яратилди. Ўзбекистонда диний таълим тизими ўзининг кўп асрлик ва бой анъаналарига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент мадрасалари ўрта асрларнинг университетлари вазифасини бажарган. Ўрта асрлар-

даёқ Бухоро ўзининг мадрасалари ва уламолари билан шуҳрат қозонган ва ҳақли равишда «Ислом динининг қуввати» унвонига сазовор бўлган. Мусулмон ренессанси, яъни илмий-маърифий уйғониш даврига асос солган улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги авлод олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради. Айтиш пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган замон муқаддас ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни сохталаштириш йўли билан турли фитна ва бузғунчиликлар содир этилаётгани динимизнинг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини жамият аъзолари ва, айниқса, ёшларга етказишга қодир, юқори даражада илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилмоқда. Республикада фаолият олиб бораётган олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларини юқори малакали илмий кадрлар билан таъминлаш, тайёрланаётган мутахассисларнинг илмий ва касбий салоҳиятини ошириш, Қуръон, тафсир ва фикҳ, ҳадисшунослик, калом илмлари йўналишлари бўйича магистрлар, етук илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган.

5.4. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДАГИ УЛКАН ЮТУҚЛАР

Мамлакатимизда аҳолининг айниқса, келажак ворислари бўлган ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун бугунги замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шу билан бирга, спорт мусобақалари орқали ёшларимиз ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг барча йўналишларида соғломлаштириш дастурлари билан таъминлаб борилишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис, таълим муассасаларида болалик ва ўсмирлик давридан бошлаб жисмоний тарбия ва спортга муҳим пойдевор қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида, «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича келгуси йилда кенг кўламдаги ишлар кўзда тутилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган олий спорт маҳорати мактаби, Урганчда «Ёшлик» спорт мажмуаси, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида универсал спорт комплекслари, Қарши шаҳрида спорт-соғломлаштириш мажмуаси, кўп тармоқли ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилади»¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2017 йил, 23 декабрь.

Долзарб вазифалар қаторига бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан ривожлантириш, юртимизнинг барча ҳудудларида бунёд этилган спорт иншоотларининг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал даражада фойдаланиш ҳисобидан ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан бандлигини таъминлаш ҳамда халқаро турнирлар ва жаҳон мусобақаларида совринли ўринларга эга бўлишни устувор масалалардан бири сифатида эътироф этиш жоиздир.

2017 йилда ўзбекистонлик спортчилар бокс, дзюдо, таэквандо, оғир атлетика, эркин кураш, самбо бўйича ўтказилган турли халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришдилар. 2017 йил айниқса ўзбек миллий кураши тарихида ёрқин саҳифа бўлди. Сентябрь ойида Туркменистонда бўлиб ўтган Осиё олимпия кенгаши Бош ассамблеяси йиғилишида ушбу миллий спорт турини Осиё ўйинлари дастурига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Яъни, 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган 18-Осиё ўйинларида китъамиз спортчилари ўзбек миллий кураши бўйича ҳам ўзаро беллашадилар. Энди жаҳон спорт майдонларида «халол», «ғирром», «чала», «ёнбош» деган сўзлар жаранглаб, ўзбек номини, Ўзбекистон номини дунёга тараннум этади.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги амалга оширилган ислохотлар натижасида соҳада сифат ўзгаришлари сезилди. Ўтган 2017 йил даврида маҳаллий ва халқаро спорт мусобақаларида спортчиларимиз томонидан 483 та олтин, 394 та кумуш, 536 та бронза, жами 1 минг 413 та медаль қўлга киритилди. Мамлакатимизда халқаро миқёсдаги мусобақалар муваффақиятли ўтказилди. Май ойида Тошкентда ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида спортчиларимиз ўн вазн тоифасидан тўққизтасида олтин медалга сазовор бўлди.²

Дарҳақиқат, 2017 йилга назар солсак, ўтган йиллар мобайнида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ислоҳ қилиш борасида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида муҳим пойдевор қуйилди, айнан маданият ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини тугатиш тўғрисидаги Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда, хусусан, «...жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш ва юксак марраларни забт этишга қодир маҳоратли спортчилар тайёрлашнинг самарали тизими яратилди»³, деб таъкидланган.

Фармонга биноан, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинди. Аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, шаҳар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалар ўтказиш, Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциа-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2017 йил, 23 декабрь.

² Спортни янада оммалаштириш, маҳоратли мураббий ва спортчиларни тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди // «Халқ сўзи», 2017 йил 1 ноябрь.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». 2017 йил 15 февраль, ПФ-4956-сон. // «Халқ сўзи», 2017 йил 17 феврал.

циялар билан биргаликда истеъдодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, кадрлар тайёрлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Маълумот учун: 2017 йил 14–23 июль кунлари Параатлетика бўйича мусобақада 1056 та параатлетикачилар иштирок этган бўлса, шулардан 7 нафари Ўзбекистонлик параатлетикачилардир. Бу мусобақада 5 нафар атлетикачимиз медаллар соҳиби бўлишди. Хусусан, Ҳусниддин Норбеков диск улоқтириш бўйича олтин, ядро ирғитиш бўйича кумуш медаль соҳиби бўлди. София Бурхонова диск улоқтириш ва ядро ирғитиш бўйича кумуш медаль соҳиби бўлди. Дониёр Салаев узокқа сакраш бўйича Осиё рекордини ўрнатди ва олтин медаль соҳиби бўлди. Александр Свечников найза отишда жаҳон рекордини ўрнатди ва олтин медални қўлга киритди. Шулар қаторида Нозима Қаюмова найза отиш бўйича кумуш медаль соҳибаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сонли Фармони бажариш юзасидан ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказига бирлаштириш йўли билан уни қайта ташкил этиш, шунингдек, мазкур марказларнинг штатлар сонини оптималлаштириш ҳамда уларга бириктириб қўйилган бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулкни тасарруф этиш ва улардан фойдаланиш борасидаги муҳим масалалар ҳам таъкидлаб ўтилган.¹

Мамлакатимизда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчи ёшлари ҳамда олий таълим тизимидаги таълим муассасаларининг талаба ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт тобора оммалашиб бораётганлиги, таълим муассасаларида таҳсил олаётган навқирон йигит-қизларимиз учун чинакам жисмоний чиниқиш ва маҳорат мактаби, шунингдек, катта спорт йўлида парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилмоқда. Ёш авлоднинг спортга бўлган интилишларини рағбатлантириш мақсадида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларини ўзида мужассам этган, уч босқичдан иборат яхлит тизимнинг мавжудлиги ва унга бўлган қизиқишнинг ортаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Уч босқичли тизим орқали буғунги кунда нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчилар етишиб чиқмоқда. Энг муҳими шуки, ушбу мусобақалар ёшларимизни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш воситасига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «*2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси*»да «Болалар спортининг оммавийлигини ошириш ҳамда мусиқа ва санъат таълимини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, 251 та умумтаълим мактаби, 12 та болалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори. 2017 йил 15 февраль, ПК-2779-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 115-модда)

ва ўсмирлар спорт мактабида спорт залларини қуриш, 9 та ёпик сузиш ҳавзасини қуриш ва 2 тасини реконструкция қилиш» ишларини амалга ошириш таъкидлаб ўтилган.¹

Маълумот учун: 2017 йил 16–27 сентябрь кунлари Туркменистон Республикаси пойтахти Ашхободда Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъати бўйича V Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Бу ўйинларда 62 та мамлакатдан 6000 дан зиёд спортчи иштирок этди. Ўзбекистон вакиллари ҳам ушбу ўйинларга 189 нафар спортчимиз билан спортнинг 20 тури бўйича иштирок этиш мақсадида ташриф буюришди. Ўзбекистон спортчилари 131 та медаль соҳиби бўлишди, шундан 24 та олтин, 33 та кумуш ва 74 та бронза медаллари уларга насиб этди. Медаллар бўйича умумжамоа ҳисобида 5 ўринни қўлга киритишди.

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш асосида уларни соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида 2002 йил 24 октябрда «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ПФ-3154-сонли Фармони қабул қилинган эди. Ушбу Фармонга асосан Республикада Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Жамғарма бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси таркибида барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини сақлаган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

5.7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016–2020 йилларда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мак-

5.7-жадвал

2016–2020 йилларда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш параметрлари (йиллар бўйича)

№	Худудлар номи	Янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган БУСМ ва ИБУСМларнинг умумий сони	Ш у ж ум л а д а н:				
			2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	13	2	2	3	3	3
2.	Андижон вилояти	13	3	2	3	3	2
3.	Бухоро вилояти	13	2	3	3	2	3
4.	Жиззах вилояти	10	2	2	3	2	1
5.	Қашқадарё вилояти	11	2	2	2	2	3
6.	Навоий вилояти	5	1	1	1	1	1
7.	Наманган вилояти	10	3	2	2	2	1
8.	Самарқанд вилояти	16	3	3	3	3	4
9.	Сурхондарё вилояти	11	2	3	2	2	2
10.	Сирдарё вилояти	8	1	2	1	2	2
11.	Тошкент вилояти	15	3	3	3	3	3
12.	Фарғона вилояти	15	3	2	4	3	3
13.	Хоразм вилояти	4	1	1	1	1	
14.	Тошкент шаҳри	8	2	2	1	2	1
Ж а м и:		152	30	30	32	31	29

Ма н б а: Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси маълумотлари.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида». 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

табларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш параметрлари келтирилган бўлиб, республика бўйича янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган БЎСМ ва ИБЎСМларнинг умумий сони жами 152 тани ташкил қилган ҳолда ҳудудлар кесимида бу кўрсаткич турлича. Республиканинг Самарқанд, Тошкент, Қорақалоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятларида қурилаётган ва реконструкция қилиниши ҳамда капитал таъмирланиши режалаштирилаётган спорт объектлари сони юқорилиги билан ажралиб туради. Ушбу рақамлар ана шу вилоятларнинг спорт объектлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда ҳудудларда ёшларимиз учун катта имкониятлар яратилаётганидан далолат беради.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳадаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу қарор асосида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинди. 2017–2021 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш борасидаги дастурда спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ва 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш мақсадида 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган. Дастур доирасида 2017 йилнинг ўзида 153 та болалар майдончаси таъмирланган, 232 та замонавий майдонча, Нукус шаҳрида спортнинг олимпия ва миллий турларига ихтисослаштирилган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилган.

Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 39 та спорт иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадвалдан ортда қолгани, сузиш ҳавзаларини замонавий анжомлар билан жиҳозлаш кечиктирилгани танқидий таъкидлаб ўтилди. Спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ёшларни уларга янада кенг жалб этиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, Президентимизнинг Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўришга оид қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Миллий олимпия кўмитаси ҳамда спорт ташкилотлари ҳамкорлигида иқтидорли спортчиларни саралаш ва терма жамоаларни шакллантириш, спортчиларнинг маҳаллий ва хорижий ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг нуфузли мусобақалардаги муносиб иштирокини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилиши белгилаб берилди.

Олий маҳорат спорт мактаблари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

– зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техник ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва турли даражадаги халқаро мусобақаларда – жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинлари, Универсиадалар ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий мусобақаларда Ўзбекистоннинг шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлашда ушбу базалардан самарали фойдаланиш;

– халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш учун юқори малакали мутахассисларни – мураббийлар, психологлар ва методистларни, шу жумладан, хорижий давлат-

лардан етакчи мутахассисларни кенг жалб этиш орқали олий маҳорат спорт мактаблари мураббий-ўқитувчилари таркибини мустаҳкамлаш;

– спортчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машғулот жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан уларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

– ёш истиқболли спортчиларни танлаб олиш ва тарбиялаш масалалари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш, уларга ўқув-услубий ҳамда меъёрий-ахборот ёрдами кўрсатишни таъминлаш;

– олий маҳорат спорт мактаблари базасида миллий терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, республика ва минтақавий спорт беллашувларини ташкил этиш ва мунтазам равишда ўтказиб бориш, мураббийлар ҳамда спортчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш мақсадида хорижий спорт мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга иқтидорли ёшларни саралаб олиш, бу борада селекция ишларини жадаллаштириш, сараланган иқтидорли спортчиларни мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли равишда ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича республика ва ҳудудий кенгашлар фаолиятининг ташкил этилишини такомиллаштириш, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш жараёнида шаффофлик ва холисликни таъминлаш чораларининг амалга оширилишини доимий назорат қилиш пировардида халқаро мусобақаларда спортчиларимиз ютуқлари салмоғини оширишга эришиш, жамоавий ўйинлар, хусусан, футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва бошқаларни ривожлантириш борасида Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва спорт федерацияларининг бу борадаги ишларини такомиллаштириш, жамоавий ўйинларнинг ривожлантиришда ўйинчиларни доимий равишда техник ва тактик ҳаракатларини аниқлаш мақсадида федерациялар томонидан махсус тестлар ишлаб чиқиш ва ўтказиш, жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини янада кучайтириш, аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш орқали уларни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш, нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчиларимиз сафларини тобора кенгайтиришга хизмат қилади.





6-БОБ. ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА, АЙИИҚСА, МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЎЗARO ИШОНЧ МУҲИТИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

6.1. МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА БОШ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Бугунги Ҳаракатлар стратегияси даврида Ўзбекистон ўзини жаҳон сиёсатида барча долзарб масалаларни ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда ҳал этиш тарафдори сифатида намоён қилмоқда. Демак, таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар соҳасидаги илмий-инновацион ислохотлар Ўзбекистонни кучли мамлакат сифатидаги нуфузини оширмоқда. Иккинчидан, жаҳонда юз бераётган улкан геосиёсий ўзгаришларни ўз вақтида англаш ва уларга фақат ва фақат Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи назаридан муносабат билдириш фазилатларини ёш мутахассис кадрларда шакллантириш – давлат кадрлар тайёрлаш сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги бир йилда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда яхшиланиш йўлига ўтди. Бунга кўп жихатдан Ўзбекистон туфайли эришилмоқда. Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Президенти сифатида иш бошлаши билан қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилашни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши этиб белгилади.

Ўзбекистон минтақада ривожланган иқтисодий салоҳият, коммуникациялар инфратузилмаси ва малакали меҳнат ресурсларига эга. Бугун Ўзбекистон аҳолисининг сони 32 миллиондан ошиб кетди. Шунингдек, у табиий ресурсларга ҳам бой ўлкадир. Бу ресурсларнинг аксарияти ўз кўрсаткичларига кўра бетақрордир. Экспертларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 50 номдаги минерал ресурслар қазиб олинади. Уларнинг баҳоланган қиймати 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Мамлакат олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринларда туради. Ўзбекистонда рангли металлларнинг қирққа яқин кони бор. Ўзбекистон мис ва уран ишлаб чиқариш бўйича жаҳоннинг пешқадам ўн мамлакати қаторига киради. У кумуш, рух, кўрғошин ва вольфрам захиралари бўйича ҳам жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимиз анча катта энергетик салоҳиятга эга. Ўзбекистон ҳудудида умумий захиралари тўрт миллиард тоннадан кўпроқ бўлган 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича ҳам жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу стратегик хомашёни экспорт қилишда Ўзбекистон жаҳонда етакчи ўринларда туради. Бундай ижобий мазмундаги статистик маълумотларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айтиш жоизки, Ҳаракатлар стратегиясининг бугунги босқичида ҳам Ўзбекистон минтақада прагматик, оқилона ва мақсадга мувофиқ сиёсат юритиш тарафдори бў-

либ, ташқи сиёсат мақсад ва вазифалари давлатнинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ресурслари ва салоҳиятига ҳар томонлама мос келади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Шубҳасиз, бу ҳолат геосиёсий нуктаи назардан муҳим устунлик ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон минтақанинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлатдир. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, коқ марказида жойлашгани билан кучли геосиёсий мавқега эгадир.

Ахамиятли томони шундаки, Марказий Осиёда давлатчилик, фан, маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тузилмаларининг марказлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Жумладан, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг маданий-цивилизациявий таъсири ўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган.

Президент Шавкат Мирзиёев қисқа вақт ичида минтақанинг аксарият мамлакатларида бўлди ва Ўзбекистон раҳбарининг қўшнилар билан рақобатда эмас, айнан ўзаро манфаатдорликда ҳамкорлик қилиш истаги самимий эканлигини амалда исботлашга улгурди. Яъни, унинг давлатлараро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда, яқин қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларни янги босқичга кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатида муҳим босқичга олиб келмоқда. Жумладан, Мурожаатномада давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтган *«Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш»* тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Туркменистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди, 2 миллиард доллар миқдорида иқтисодий битимлар тузилди. Тожикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди.

Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган қатта қадам бўлди. Қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди. Президент Ш.Мирзиёев бугунги кунда ва олис истиқболда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий вазифаларини аниқ белгилаб берди. Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди;

– сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликни изчиллик билан ривожлантиради;

– мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни ҳамда жамиятни ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг жадал жараёнларини самарали амалга ошириш учун мумкин қадар қулай ташқи сиёсий шарт-шароитларни шакллантиради;

– Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт зонасига айлантириш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга қўмаклашиш масалаларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида малакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш

йўлида амалга оширилган ислохотларга атрофлича тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини окламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Президентимиз жаҳон сиёсатидаги ўта шиддатли жараёнлардан келиб чиққан ҳолда, барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишни мақсад қилган БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини илгари сурди. Бу бежиз эмас эди.

Сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари тараққиётнинг муҳим омили бўлиши билан бирга Ер юзининг турли минтақаларида ўзига хос долзарб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Марказий Осиё – қадимдан бир дарёдан сув ичган, қондошу жондош халқлар макони. Сирдарё ва Амударё минтақа халқларининг бебаҳо бойлиги ва ҳаёт манбаидир. Ушбу улкан дарёлар бир неча минг йиллик халқимиз тарихий тараққиётининг ва тадрижий ривожланишининг асоси бўлиб келган. *Икки марта буюк тамаддун ҳодисаси – уйғониш даврини кўрган бу табаррук замин халқлари буюк аجدодларининг оламшумул кашфиётлари туфайли инсоният ҳаётига маданият олиб кирган халқ мақомига эга бўлишди.* Жаҳон тажрибасида трансчегаравий дарёлар ҳеч қачон бир мамлакатнинг ёки бир миллатнинг мулки бўлиб қолмаган. Дарёнинг бошланиш жойидан то тугаган жойига қадар сув жамики тирикликнинг, паррандаю даррандаларнинг, курт-қумурсқалару ҳашаротларнинг, *ҳаёт сарвари бўлган ҳазрати инсоннинг* буюк неъматини ва ҳаёт манбаидир. Ўзбекистон Президенти трансчегаравий дарёлар мақоми, сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари хусусида гапирар экан, муаммога ана шундай умуминсоний қадриятлар ўлчови асосида ёндашади.

Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммолар фақат Ўзбекистонгагина тегишли эмас. У бутун минтақавий, қолаверса, дунёвий муаммога айланди. У қатор давлатлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига катта зарар етказмоқда. Оролнинг қуриган ҳудудларидан ҳар йили бир неча юзминг тонналаб туз чанглари ҳавога кўтарилиб, минглаб километрдаги одамлар ҳаётига, экинзорларга зиён етказмоқда. Атмосферанинг кескин ўзгаришига, ҳаво қатламининг бузилишига олиб келмоқда. Бу масала БМТ даражасида бир неча марта кўриб чиқилган. Бироқ Ўзбекистон раҳбари Орол муаммосини глобал экологик оғриқ сифатида яна бир бор кўтариб, жаҳон ҳамжамияти диққатини уни бартараф этишга қаратди.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида **Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг изчил ташқи сиёсатида алоҳида эътибор беради. Жумладан, минтақавий можаролар ечимини топиш, давлатлараро муносабатларда ўзаро ҳурмат ва қатъий ишонч, олис истиқболни кўзлаган умуминсоний манфаатлар атрофида бирлашиш ғоясини илгари суради. Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати муқаррар равишда унинг миллий ва умуминсоний манфаатлари асосида қурилади. Ана шу жиҳатдан Ўзбекистон ўзининг

қадимий давлатчилик анъаналарига асосланиб, ҳар қандай муаммонинг музокаралар йўли билан, ҳиссиётлардан холи бўлган ва ақл-идроққа йўғрилган мулоқотлар орқали ечимини топиш тарафдори бўлиб майдонга чиқди. У сиёсатда адолат асосий мезон бўлмоғи, умуммиллий манфаат устувор бўлиши сингари анъанавий қадриятга таянади. Бу ўзбек миллий давлатчилиги бир неча минг йиллик мактабининг қадриятга айланган сабоғидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Мурожаатномада Ўзбекистон давлатининг замонавий шароитдаги сиёсий иродасини, аниқ позициясини, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ғоятда катта мавқеини, куч-қудратини намоён этди. Давлат раҳбари сифатида эса ўзининг чуқур сиёсий билим ва юксак маданиятини, шарқона одоб ва олий даражадаги сиёсий дипломатия намунасини кўрсатди.

Хорижий давлатлар билан ўрнатилган ўзаро манфаатли муносабатлар ва Ўзбекистоннинг халқаро майдонда имижини янада ошириш. Аслини олганда, тарихий тажриба шундан далолат берадики, давлатнинг сиёсий қарашлари ва жаҳон ҳамжамиятидаги халқаро муносабатларда узвийликнинг мавжудлиги унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаш билан бирга ички сиёсатда барқарор тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда мавжуд ички ва ташқи сиёсатнинг ана шундай соғлом, қатъиятли ва ишончли ривожланишининг мавжудлиги бевосита унинг ҳам дунёвий, ҳам ички мавқеини белгиламоқда.

Ҳозир жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик қилишнинг мутаносиб, кўп қиррали тизимини янгича шакллантириш йўлига жадал ўтилди.

Улар қуйидагича:

- ❖ минтақада геосиёсий мувозанатни саклаб туриш, Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқаларини кенг диверсификация қилиш;
- ❖ мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун сиёсий дипломатик ҳамда халқаро ҳуқуқий механизмлардан, жумладан, превентив дипломатия чора-тадбирларидан фойдаланиш;
- ❖ Ўзбекистоннинг сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳадаги ишончли, масъулиятли шерик сифатидаги халқаро нуфузини мустақкамлаш, мамлакатимизнинг ташқи дунё учун инвестицион, сайёҳлик, маданий-тарихий жозибadorлигини кучайтириш;
- ❖ миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологияларини жалб этиш жараёнларини кучайтириш учун икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;
- ❖ Ўзбекистоннинг дунёнинг йирик бозорларига кафолатли чиқишини таъминлайдиган кўп муқобилли транспорт-коммуникация йўлакларининг тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ❖ хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлашни назарда тутмоқда.

Юқоридаги вазифалар, айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқурроқ кириб боришини таъминлайди. Ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик чуқурлашиб бораверади. Шу аснода Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини, сиёсий ва иқтисодий салоҳиятини намоён қилишига имкониятлар кучайиб бораверади.

Ҳар қандай суверен давлат жаҳон ҳамжамиятига ўзининг ташқи сиёсий қарашлари, глобал муаммоларга муносабатлари ҳамда азалий мунозаралар ва музокаралар объекти бўлган уруш ва тинчлик масалаларига ёндашувлари билан кириб боради.

Мустақилликнинг ўтган 26 йиллик даврида Ўзбекистон чиндан ҳам жаҳон ҳамжамиятининг энг сиёсий фаол, халқаро муносабатларда ўзини асосли, қатъий ва ўзгармас позициясига эга бўлган давлат сифатида намоён қилди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий мавқеи ва имижини белгилаб берадиган муҳим омил сифатида ўз куч-қудратини кўрсатди.

6.2. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ: ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК ВА МУНОСАБАТЛАР

Вақт ўтган сари умумдунёвий сиёсий жараёнлар тобора фаоллашмоқда, янгидан-янги муаммолар давлатлараро, минтақалараро ва глобал миқёсда бутунлай янгича ёндашувларни, сиёсий қарашларни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ана шу глобал жараёнларда, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатда ўзининг замонавий қарашлари ва муаммолар ечимини топишдаги ўзига хос ёндашувлари билан ўзининг кенг имкониятларини намоён этмоқда. Буни Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишдаги маърузасида яққол кўриш мумкин. Ушбу маърузада Президент Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг йўналишларини ҳозирги замон талаблари ва замонавий цивилизация эҳтиёжлари нуқтаи назаридан аниқ белгилаб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатида мустаҳкам изчилликнинг мавжудлиги, Биринчи Президентимиз, мустақиллигимизнинг ташаббускори, ташкилотчиси ва раҳнамоси И.Каримов бошлаб берган мустақил тараққиёт йўли, ички ва ташқи сиёсат давом этаётгани давлатимиз қудратининг ва сиёсий барқарорлигининг ёрқин мисолидир. Бугун жаҳон меҳварида бутун салоҳиятию салобати ва қудратини кўрсата билган Ўзбекистон давлати ташқи сиёсати замонавий талаблар, бугунги эҳтиёжлар ва дунёвий қарашларнинг энг илғор намуналари билан бойитиб борилмоқда. Демак, Ўзбекистон ўзининг янги Президенти Ш.Мирзиёев тимсолида ўтган 25 йилда тўпланган тарихий тажрибаларга таянган ҳолда уни янада тақомиллаштириш, ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати фаол, ташаббускор ва прагматик ташқи сиёсий курс олиб боришни ҳамда юзага келаётган хавф-хатарларга ўз вақтида ва адекват жавоб чоралари орқали ечишни талаб этадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзгариб бораётган халқаро-сиёсий воқеликларини инобатга олган ҳолда қурилмоқда. Булар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан мустаҳкам алоқада бўлганлигидан, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириб бораётганидан далолат беради.

2017 йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та «йўл харитаси» ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига кириб бориши, миллий маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, таълим, фан ва техника соҳасида

ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ дастурий режаси сифатида катта аҳамиятга эга бўлди. Дастурнинг 315-банди бир қатор янги қонунларни қабул қилиш, амалдаги қонунларни эса замон талаблари асосида янги таҳрирда қабул қилиш вазифасини кўймоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунлар лойиҳаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Консуллик Устави (янги таҳрири) лойиҳасини;

– янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом»нинг лойиҳасини тайёрлаш ва у билан боғлиқ бўлган бир қатор сиёсий-иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга доир масалалар аниқ, равшан белгилаб берилган.

Дастурнинг 317-банди яқин кўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ва бу борадаги айрим муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Жумладан, унда «Кўшни давлатлар билан Давлат чегараларини ҳуқуқий расмийлаштириш бўйича музокаралар жараёнини давом эттиришни назарда тутувчи Давлат чегараларининг делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича 2017 йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш» масалалари киритилган. Бу Ўзбекистоннинг яқин кўшни мамлакатлар билан чегаравий муаммоларини қонуний ҳал қилиш имконини бермоқда.

Дастурнинг 320-бандида «Халқ дипломатиясини фаоллаштириш, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши фаолиятларини такомиллаштириш»ни назарда тутуди. Бунда дастур доирасида жаҳон халқлари билан Ўзбекистон халқининг анъанавий дўстлик, маданий алоқалар борасидаги ҳамкорлигининг янги имкониятларини очиб беради.

Аслида сиёсий натижаларнинг ечими кўп жиҳатдан етакчи геосиёсий минтақалардаги интеграция жараёнларининг мантиғидан келиб чиқади. Буни доимо ёдда сақлашимиз, тезкор ҳулосаларга келишимизни назардан қочирмаслигимиз зарур. Жумладан, халқаро дипломатиянинг бундай пайтда икки томонлама ўйналадиган шахмат ўйинига қиёсланиши ҳам бежиз эмас. Президентимиз Ш.Мирзиёев ёшлар келажаги ва жаҳолатга қарши кураш масаласида билдирган фикрлари, ҳеч шубҳасиз, уни жаҳоннинг етакчи ахборот маконларидаги тарғибот мавзусини янада кенгайтди. Жумладан, давлатимиз раҳбари БМТ сессиясида ёшлар тарбияси масаласида қуйидагиларни таъкидлади:

«Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир».

Мурожаатномада, шунингдек: «Биз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда тузилган шартнома ва келишувларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз», деб ҳулоса қилинди.

Кейинги бир йил ичида бу борада кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Жиззах, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Ғиждувон, Ургут туманларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди. Бу ерлардаги саноат ишлаб чиқаришига

доир имкониятлар, аҳоли асосий кўпчилигининг саноат ишлаб чиқаришга бўлган қизиқиши тобора ошмоқда. *Маҳаллий аҳолининг эҳтиёжи, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турлари ва эркин иқтисодий зоналарнинг тарихий-табиий имкониятлари инobatга олинган ҳолда, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш ва жаҳон бозорида етарли даражада мавқега эга бўлиш назарда тутилган.* Бу эса мамлакатда кескин равишда экспорт ҳажмининг ошиши ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига олиб келади.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик алоқаларининг кенгайтириши ҳар қандай давлат иқтисодий тараққиётининг асоси ҳисобланади. Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврини бошлаган бугунги шароитда халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини тобора чуқурлаштириш ва янги босқичга кўтариш ташаббуси билан чиқмоқда. *Тинчлик ва барқарорлик тўла қафолатланган, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига, беқиёс ерости ва ерусти бойликларига эга бўлган Ўзбекистондек мамлакат билан халқаро молиявий муассасаларнинг ҳамкорлиги ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканлиги барчага аён.* Ўзбекистон бой хомашё базаси ва улкан ерости бойликлари захирасига эга. Энг муҳими, юксак интеллектуал салоҳиятга, бунёдкорлик ва яратувчилик қудратига эга бўлган бағрикенг халқи эзгулик ва яхшилик, инсоният ҳаётининг саодатли истиқболи йўлида умумбашарий манфаатларга мос келадиган турмуш тарзини куришга қодир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбари Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа нуфузли молиявий муассасалар билан тўғридан-тўғри мулоқотни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш чоратadbirlарини кўрмоқда.

Шу тариқа Президент Ш.Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга йўлланган мурожаатнома тобора кучга тўлиб, сиёсий ва иқтисодий қудрати ошиб бораётган Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида бутунлай янги давр бошланганини кўрсатди. Айни шу тарзда Ўзбекистон глобал масалаларни ҳал қилишда, дунёвий тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ечимини топишда, инсоният тараққиётини яхшилик сари буришда ўзининг қатъий позицияси, аниқ хулосаси мавжудлигини намоён этди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур чиқишлари ўзининг кўпқирралилиги, жиддий масалаларни кўтарганлиги, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ғоятда ўткир муаммоларга атрофлича жавоб бериш билан ғоят улкан аҳамиятга эга.



**7-БОБ. 2018 ЙИЛ – ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН
ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ
УЧУН БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР****7.1. ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК – БИЗНЕС ФАОЛИЯТИ ИННОВАЦИОН
ЁНДАШУВЛАР, ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ
АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ИҚТИСОДИЙ
ЙЎНАЛИШДИР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг асосий қисмида мамлакатимизда 2018 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга эътибор қаратилди.

Маълумки, узоқ йиллардан бери мамлакатимизда навбатдаги йилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режа ва мақсадларини белгилашда айна вақтда халқимиз ва иқтисодиётимиз олдида энг долзарб аҳамият касб этиб турган муаммо ва масалаларни яхлит ҳолда ҳал этиш имконини берадиган асосий, етакчи соҳа ёки йўналишни аниқлаб олиш ҳамда, шундан келиб чиққан ҳолда, йилга ном бериш анъанаси мавжуд.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида мамлакатимизда шаклланган ижобий анъанага мувофиқ кириб келаётган янги – 2018 йилга қандай ном бериш ҳақида келишиб олиш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Эътиборли томони, давлатимиз раҳбари бу масала бўйича, йил давомида фуқароларимиздан Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига, давлат идораларига келган кўплаб мурожаат ва хатлар, жойларда бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олингани, жамоатчилик фикри ўрганилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Президентимиз билдирилган таклиф ва тавсияларнинг барчасини инобатга олиб, янги – 2018 йилга юртимизда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили», деб ном беришни таклиф этди.

Шу ўринда алоҳида эътибор қаратиш лозимки, фуқароларимиздан Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига, давлат идораларига келган мурожаат ва хатлар, жойларда бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазалар орасида кўплаб аҳолининг турмуш шарт-шароитларини яхшилаш, ободончилик ва хайр-саховат ишлари билан боғлиқ мазмундаги кўплаб мурожаатлар билан бир қаторда Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, мавқеини кўтариш, иқтисодий таракқиётни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, фуқароларимизнинг маънавиятини янада юксалтириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳам салмоқли ўрин тутганини ҳис этишимиз мумкин. Президентимизнинг янги йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном бериши замирида айнан ана шу юксак мақсад ва марраларга эришишда замин яратувчи шарт-шароитлар, чоратадбирлар, саъй-ҳаракатлар мажмуи намоён бўлади.

Бу борада Президентимизнинг ўзи ҳам кенг тўхталиб, хусусан, фаол тадбиркорлик деган тушунчанинг мазмунига алоҳида изоҳ бериб ўтди: «Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир»¹.

Маълумки, тадбиркорлик назариясига кўра, унинг қуйидаги икки модели фарқланади:

- анъанавий (классик) тадбиркорлик;
- инновацион тадбиркорлик.

Анъанавий (классик) тадбиркорлик, бу – иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш, унинг рентабеллигини ошириш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришда ҳўжалик юритишнинг анъанавий усулларида фойдаланган ҳолда, ресурслардан максимал даражада самара олишга йўналтирилган анъанавий, консерватив тадбиркорликдир. Анъанавий тадбиркорлик мамлакатда айни пайтга қадар маълум бўлган ва кенг тарқалган, фаолиятни ташкил этиш ва юритишда ижодкорлик, янгича ёндашув ва усулларни тақозо этмайдиган, иқтисодий юксалишнинг кўпроқ конъюнктуравий ўзгаришларга хос вазиятлардан унумли фойдаланиш орқали таъминланишига асосланган фаолият турлари билан шуғулланиш орқали амалга оширилади. Масалан, мамлакатимизда мустақилликка эришилганидан кейинги даврда истеъмол бозоридаги тақчиллик кўплаб фуқароларимизни савдо-тижорат тадбиркорлиги билан шуғулланиши учун қулай шароит яратди. Бу борада махсус билим ёки бой тажрибага эга бўлмаганлар учун ҳам ўша даврда етарли даражада даромад топиш имкони пайдо бўлди. Бироқ, ҳозирги вақтда ушбу соҳада рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда ҳам кўплаб тадбиркорларимиз ҳамон фаолият юритишнинг соддалиги ва маблағ айланмасининг тезлиги каби сабаблар туфайли мазкур анъанавий тадбиркорлик шакли билан кифояланиб қолиш ҳолатлари мавжуд.

Инновацион тадбиркорлик, бу – янгилик яратиш мақсадида иқтисодиётдаги ҳали маълум бўлмаган ёки кенг тарқалмаган омиллардан фойдаланиш ёки уларни анъанавий омиллар билан янгича тарзда уйғунлаштириш орқали янгича ёндашув асосидаги тадбиркорлик фаолиятидир. Инновацион тадбиркорликнинг устун жиҳати, бу – унинг анъанавий тадбиркорликка нисбатан кўпроқ натижа олиб келиши ҳисобланади. Бироқ, айни пайтда таъкидлаш лозимки, инновацион тадбиркорлик тадбиркорларнинг олдига ўзига хос талаблар қўяди, уларнинг доимий равишда ижод қилиши ва изланиши, янги билимларни ўзлаштириши ва амалиётга жорий этиши, янги технологияларни қидириши ва улардан самарали фойдаланишини тақозо этади.

Шунга кўра, Президентимизнинг таъбирича, фаол тадбиркорликнинг **асосий шартти** инновацион фаолият тури билан шуғулланиш ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик фаолиятида замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усулларида фойдаланишни кўзда тутати.

Бу борада мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, хусусан, корпоратив тузилмаларда замонавий бошқарув усулларида фойдаланиш тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Германиянинг «Даймлер», «Сименс», «БМВ», «Люфтганза», «Тиссен Крупп», «МАН», «Кнауф» сингари 25 етакчи компанияси та-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.

шаббуси билан 2002 йилда асос солинган Европа менежмент ва технологиялар мактабида «Бизнесни бошқариш», «Раҳбар ходимлар учун бизнесни бошқариш» сингари халқаро стандартлар асосидаги ўқув дастурлари ташкил қилинган. Таълим даргоҳининг бир гуруҳ мутахассис ва профессор-ўқитувчилари томонидан «Ўзбекнефтгаз», «Ўз-виносаноатхолдинг» компаниялари, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзэлтехсаноат», «Ўздонмахсулот», «Дори-дармон», «Кафолат суғурта компанияси», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятлари сингари йирик корхоналарнинг раҳбар ходимлари корпоратив бошқарув усуллари бўйича ўқитилди.¹

Шунингдек, Мурожаатномада фаол тадбиркорликнинг асосий шартлари қаторида **рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришга** қодир ишбилармон инсонлар фаолияти зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Маълумки, махсулотнинг рақобатбардошлиги кўплаб омилларни тақозо этади. Улар таркибига арзон хомашё ва материаллар, табиий ресурслардан тортиб, то малакали ишчи кучига, замонавий техника ва технологиялардан тортиб, то изчил равишда, мунтазам янгиланиб борадиган инновацион ишланмаларни жорий этиб боришгача бўлган омиллар киради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг кўплаб маъруза ва чиқишларида ўринли равишда танқид қилганидек, мамлакатимизда миллий иқтисодиёт, шу жумладан, махсулот рақобатбардошлигини ошириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмади. Бу борада мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан фойдаланилмади. Аксинча, айрим ҳолатларда тадбиркорлар учун асоссиз равишда енгиллик ва имтиёзларнинг берилиши пировардида уларнинг махсулот рақобатбардошлигини оширишга бўлган интилишларини сўндириб, бу борадаги чора-тадбирларни рағбатлантирмай қўйди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, республикадаги қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолганликлари, яъни уларнинг махсулотлари ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош эмаслиги мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида ниҳоятда ортиқча ресурслар сарф қилиниши билан изоҳланади. Хусусан, мамлакатнинг минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарида ўз вақтида ўтказилган таҳлиллар уларда энергияга ва асосий хомашёга сарфлар ишлаб чиқарилаётган махсулот таннархининг 64 фоиздан кўпроғини ташкил қилишини кўрсатган эди. Ҳолбуки, ривожланган давлатлар кимё саноатидаги ана шундай турдош фирмаларда бу чиқимлар 2–2,5 баробар камдир.

Бу каби корхоналарнинг бошқарувида эскича фикрлашга, ўз умрини ўтаб бўлган режа-тақсимот тизими қолдиқларига, давлатнинг солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралари ҳисобига яшашдан иборат боқимандачилик кайфиятига тушиб қолгани ошкор бўлди. «Ўзкимёсаноат» тармоғи корхоналари ҳам ана шундай давлат имтиёзлари ва преференцияларидан фойдаланиб келган. Улар, масалан, ишлаб чиқариш махсулотлари таннархининг салкам ярмини ташкил этадиган асосий хомашё – табиий газдан унинг экспорт нархидан қарийб уч баробар арзон нархда фойдаланиб келган»².

Эндиликда биз фаол тадбиркорликни илгари сураб эканмиз, мамлакатимиздаги ҳар бир тадбиркор – у йирик корпорация ёки хусусий фирма раҳбари бўладими, кичик бизнес

¹ Корпоратив бошқарув – самарадорликнинг муҳим омили. <http://uza.uz/oz/business/korporativ-bosh-aruv-samaradorlikning-mu-im-omili>.

² Абдурахмонова Г. Рақобатбардошлик – бозор талаби. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/20331-raqobatbardoshlik--bozor-talabi>.

эгаси ёки якка тадбиркор бўладими, бундан қатъи назар, ҳар бирининг ўз махсулотини, аввало, ички бозорда, қолаверса, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга амалий ҳаракат қилишини ўзига хос хислат кўринишида шакллантиришимиз лозим.

Энг муҳими, фаол тадбиркор деганда, *янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар* тушунилади. Мамлакатимизда мустақил таракқиёт даврида аста-секин мана шундай фаол тадбиркорлар қатлами вужудга келмоқда. Улар ўз фаолиятини йўлга қўйиш орқали ўз атрофидаги иш ўринларига муҳтож бўлганлар учун янгидан-янги имкониятлар яратмоқдалар.

Шу ўринда биргина мисол. Наманган шаҳрида Адҳам Жўрабоев раҳбарлигидаги тикувчилик махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «АУМА GROUP TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти томонидан 1,6 гектар ер майдонида жорий йилнинг ўзидаёқ хайрли ишга қўл урилиб, қурилиш ишлари бошланиб, 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан Хитой, Германия ва Туркия давлатларидан 200 дан ортиқ тикув машиналари ва жиҳозлари олиб келиниб, 300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.¹

Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги мавжуд иқтисодий салоҳиятни ишга туширган ҳолда бу каби фаол тадбиркорларимиз сафи кенгайтириладиган бўлса, якин келажакда мамлакатимизда ишсизлар сони кескин қисқариб, аҳолининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун етарли даромад топиш имкони пайдо бўлади.

Президентимиз «фаол тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим»², деб таъкидлаб ўтди.

Бу борада биргина Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Иқтисодиёт вазирлиги мутахассислари берган маълумотга кўра, жорий йилда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2 минг 162 тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини экспорт қилишда ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилган. Бунинг натижасида 395 тадбиркорлик субъекти томонидан 1 миллиард 93 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. ... Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортининг мамлакатимиз умумий экспортидаги улуши охириги 15 йилда уч маротаба ортиб, бугунги кунда бу кўрсаткич 27 фоизга етди. Охириги беш йилда экспорт фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар сони 1,5 баробар, кичик бизнес субъектлари сони 1,6 баробар ошди.³

¹ «АУМА GROUP TEXTILE» – 300 дан ортиқ янги иш ўринлари. <http://www.namangancity.uz/uz/yangiliklar/371-ayma-group-textile-300-dan-orti-yangi-ish-rinlari>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

³ Суннатов Д. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортининг мамлакатимиз хусусий экспортидаги улуши 27 фоизга етди. <http://uza.uz/oz/business/kichik-biznes-va-khususiy-tadbirkorlik-subektleri-eksportini-06-10-2017>.

Юкоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, 2018 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифалардан бири, бу – фаол тадбиркорлик, яъни бизнес фаолиятини инновацион ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобланади.

7.2. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ОЛИБ БОРИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН ТЕНГ ВА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилга юртимизда «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоаялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном берилиши ислохотларнинг дастлабки кунларидан бошланган қадамларнинг тадрижийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Президентнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони муҳим аҳамият касб этди.



Мазкур фармоннинг қабул қилиниши билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси экани белгилаб берилди. Шу боисдан тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш мақсадида хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш орқали ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, қатор қонунчилик асослари ишлаб чиқиш кўзда тутилди ва улар қуйидагиларда ўз ифодасини топди:

1. 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Мазкур қонуннинг 20-моддасида тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Хусусан, унда бир қатор қоидалар ўз аксини топган бўлиб, улар қуйидагичадир:

- маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш;

- давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштиришга йўл қўймаслик;

- давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шакллари кенг жорий этиш;

- тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик;

– давлат харидларининг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, давлат харидларини жойлаштиришда ошкоралик, шаффофликни таъминлаш ҳамда рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун уни рўйхатга олиш тартибларининг соддалаштирилишига эришилди. Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказишда ягона дарча тамойилининг жорий этилиши орқали эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Натижада, Жаҳон банкининг «Doing Business-2018» рейтингда Ўзбекистон 87-ўридан 74-ўринга кўтарилганлиги, тадбиркорликка яратилаётган шароитларнинг жаҳон миқёсида эътироф этилишига хизмат қилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Financial Times¹нинг ишбилармонлик муҳитини яхшилаган собиқ иттифоқ мамлакатлари рейтингда 2-ўринни эгаллади. Бунда Ўзбекистон 63,03 баллдан 23,59 балл жамғарган ҳолда, МДХ давлатлари ўртасида сезиларли тенденцияларга эга экани эътироф этилган. Жумладан, мазкур рейтингда Ўзбекистондан кейин Беларусь, Россия, Қозоғистон, Македония, Польша, Сербия, Тожикистон, Молдова, Чехия, Словения каби давлатлар келтирилган.

Шунингдек, мазкур меъёрлар орқали тадбиркорлик фаолиятини давлат идоралари томонидан назорат-текширув амалиётларини янада оптималлаштириш, ишбилармонлик муҳитига давлат назорат органларининг имкон қадар аралашув миқёсини камайтиришни назарда тутди.

Қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари ўртасида масофадан туриб, турли замонавий электрон тармоқлар орқали ҳамкорлик қилишни рағбатлантириш, мамлакатимизда Интернет тармоғи билан қамраб олиниш даражасининг кенгайиб бориши билан чамбарчас боғлиқ. Бу ўринда, 2020 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси аҳолисини мобиль алоқа хизматлари билан қамраб олиш даражасида 90 фоизга етказиш кўзда тутилгани ва бу билан мобиль-интернет қамровининг ҳам кенгайиши қўзғалмас ва симсиз кенг полосали тармоқнинг кенгайиши ҳисобидан мамлакат бўйича интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 25 фоиздан 70 фоизгача ортиши орқали шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига сифатли электрон давлат хизматларини тақдим этиш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Ариза берувчилар билан бевосита электрон шаклдаги мулоқотнинг жорий этилиши коррупцияга қарши курашиш, тадбиркорлик фаолиятини юритишга оид тўсиқларни бартараф этиш, фуқаролар ва ишбилармонларнинг давлат органларига нисбатан ишончини янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради.

2. «Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши назарда тутилган. Мазкур ҳужжатга кўра, давлат-хусусий шериклиги, бу – инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳалар ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи эканлиги кўрсатиб ўтилган. Бунда давлат бошқаруви, ҳудудий ҳукумат органлари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатланган бошқа давлат ташкилотлари давлат шериги бўла олади. Хусусий шерик, бу – Ўзбекистондаги

¹ <http://bunews.com.ua/economy/item/financial-times-ukraine-is-world-no-1-in-ease-of-doing-business-gains-since-2010>.

юримдик ёки жисмоний шахс, хорижий юримдик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истагида бўлган халқаро ташкилот. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишидир.

Давлат-хусусий шериклиги қуйидаги соҳаларда амалга оширилади:

- фан, техника ва инновациялар;
- тиббиёт;
- таълим, маданият ва ижтимоий хизматлар;
- телекоммуникация;
- транспорт хизматлари;
- йўл сектори;
- уй-жой ва коммунал хизматлар;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- ёқилғи-энергетика ва кимё саноати;
- энергиянинг қайта тикланувчи манбалари;
- механик муҳандислик;
- металлургия;
- қишлоқ ва сув хўжалиги;
- табиатни муҳофаза қилиш.

Ҳамкорлик асосан лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қурилиш, тиклаш, илмий тадқиқотлар, хизмат кўрсатиш, эксплуатация ва ишончли бошқарувни амалга оширишни ўз ичига олади. Маълум бир лойиҳа доирасида шериклар бирга хизмат қилишининг асосий шартлари шартномада белгиланади. Уни тузиш учун эса тендер ўтказилади. Хусусий шерикка унинг лойиҳасини амалга ошириш учун давлат кафолатлари ва давлат иқтисодий кўмаги тақдим этилади.

Мазкур тажрибани мамлакатимизда қўллаш борасида амалий ишлар 2018 йилнинг 1 январидан бошланиши белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги фаолиятни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари белгиланди. Инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш шулар жумласидандир. Бу эса, ўз навбатида, инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабплигини таъминлашга кенг шароитлар яратишга имкон беради.

3. «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши белгиланган. Унда қуйидагилар назарда тутилади:

- давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очик механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чоралари;
- давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш;
- давлат харидлари тизимини қўллаш мажбурий бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш, уларнинг қаторига давлат корхоналари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан зиёд бўлган тижорат ташкилотларини қўшиш;

– давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартибини яратиш;

– электрон харидларни янада ривожлантириш, натижаларини таҳлил қилиш учун маълумотлар ягона базасини, харидларнинг зарурий параметрларини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг янги босқичга олиб чиқилишида тамал тошини қўйиб берди. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида республикаимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилди. Мазкур йўналишларнинг таркибий бўғинлари сифатида қатор вазифалар амалга оширилиши кўзда тутилди. Уларнинг сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин (3.4-банд):

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш:

– хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай иш-билармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

– давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

– корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

– тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

– мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилнинг илгари сурилиши муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Global Finance¹ томонидан 2016 йилда 189 мамлакат доирасида тузилган рейтингда 127-ўринда қайд этилди. Ушбу рейтингда икки кўрсаткич асос си-

¹ <https://www.gfmag.com/global-data/economic-data/richest-countries-in-the-world?page=12>.

фатида олинган бўлиб, улар ЯИМнинг киши бошига тўғри келувчи миқдори ва миллий валютанинг долларга нисбатан харид қилиш имконияти паритетидир. Унга кўра, мамлакатимизда ЯИМнинг жон бошига тўғри келувчи ҳажми 6 452 АҚШ доллари бўлган бўлса, Марказий Осиё мамлакатларидан Қозоғистон ва Туркманистон мос равишда 54- ва 73-ўринларда қайд этиб ўтилган.

Шу боисдан тадбиркорликни фаол ривожлантиришга қаратилган ҳамда уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга йўналтирилган ислохотлар мазкур кўрсаткичларимизни янада яхшилашга ҳамда халқаро миқёсда юқори ўринларда қайд қилинишига эришишга хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатга кўра, ўтган қисқа давр мобайнида қатор масалалар ўз ечимини топди ва топмоқда. Жумладан, хусусий мулк ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва давлат идоралари аралашувини тартибга солиш мақсадида Президентимиз томонидан бизнес-омбудсман лавозимининг жорий этилиши бу борадаги чора-тадбирларнинг энг муҳим қадамларидан бири, десак, хато бўлмайди.

Шу боисдан 2017 йилнинг 29 августида «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги ЎРҚ-440-сонли Қонуни қабул қилинди.

Қонунга кўра, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари куйидагилардан иборат: тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш амалга оширилаётганда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилишини ўрганиш.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга: тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг давлат органлари томонидан оғишмай ижро этилишини ўрганиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширувларини ўтказишнинг қонунийлиги мониторингини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб фактларининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар киритиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма равишда огоҳлантиришлар эълон қилиш, қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

Давлат мулкни хусусийлаштиришни янада ривожлантириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада, 2017 йилнинг 17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни янада ривожлантириш, давлат мулки объектларини сотишни соддалаштириш ва тезлатиш

бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тегишли шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматларни амалга ошириш учун давлат мулкани сотишни соддалаштириш ва тезлатиш, шу билан бирга, стратегик аҳамиятга эга бўлмаган давлат мулкларини хусусийлаштиришда бюрократик тўсиқларни барта- раф этиш, хусусий мулкка сотилган объектлар негизда рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар)ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилди.

Бундан ташқари, фармонда стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарни ва уларнинг устав фондидаги давлат улушларини, давлат кўчмас мулк объектларини ху- сусийлаштириш, шу жумладан, «ноль» харид қийматида инвестиция киритиш шarti билан бериш ўрнатилган талабларга мувофиқлигидан келиб чиқиб хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига берилиши кўзда тутилиши муҳим қоидалардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди. Сабаби – мазкур ҳужжатдан олдинги қоидаларда белгиланган тартибда тегишли қарор Вазирлар Маҳкамаси ёки Президент томонидан қабул қилиниши белгиланган эди. Бу эса, расмийлаштириш муддати узоқлиги вaжидан мазкур ҳолатга инвесторнинг қизиқишини пасайишига олиб келар эди.

Фармонда шунингдек, давлат мулкани биржада акцияларни бирламчи (IPO) ва икки- ламчи (SPO) сотувга чиқариш йўли билан хусусийлаштиришга ҳам рухсат берилган.

Умуман олганда, Heritage Foundation¹ экспертлари томонидан мамлакатларда иқтисодий эркинликни ўзида акс эттирувчи «иқтисодий фаолиятга ҳукуматнинг ара- лашмаслик даражаси» деб аталувчи индекс бўйича рейтинг ишлаб чиқилган. Мазкур кўрсаткични шакллантиришда 10 та йўналишни қамраб олган рақамлардан фойдала- нилган. Улар орасида бизнес, савдо ва сармоялар эркинлиги каби кўрсаткичлар мавжуд. Ўзбекистон мазкур рейтингда 180 давлат ичида 148-ўринда қайд этилган. Ушбу рей- тингга давлатлар бешта гуруҳга ажратилган ҳолда таснифланган. Унга кўра, Ўзбекистон «деярли кам эркинлик» номли давлат гуруҳига киритилган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароитлар, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар иш- билармонлик фаолиятига давлат аралашувини максимал даражада камайитиришга йўналтирилмоқда. Бу албатта, Ўзбекистонда инвестициявий жозибадорликни ошириш- га, натижада эса тадбиркорлик фаолиятига йўналтириладиган инвестицияларга бўлган ишончни янада оширишга хизмат қилади.

Хоҳ халқаро, хоҳ миллий рейтинглар бўлсин, улар масаланинг тайёр ечимини бера олмайди, аммо муаммони аниқлаш ва бундай ечимларни топишда йўналишни белгилаш- га кўмаклашади. Айнан улар ислоҳотларни амалга оширишда тараққиётни баҳоловчи ҳамда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда қўйилган мақсадларга эри- шиш воситалари бўла олади. Охир-оқибатда, барча соҳаларга кераклича эътибор қаратилаётган бир пайтда рейтингларга комплекс ёндашув – ҳам ислоҳотларнинг натижаларини оширишга, ҳам Ўзбекистоннинг муваффақиятларини халқаро миқёсда янада тан олинishiга хизмат қилади.

Шу маънода, халқаро рейтинглар билан ишлашда қуйидаги йўналишлар муҳим са- налади. Биринчидан, давлат бошқаруви соҳасидаги ва иқтисодий ислоҳотларни ишлаб чиқиш жараёнида энг муҳим халқаро рейтинглар учун асос қилиб олинган тамойил ва

¹ <http://www.heritage.org/index/ranking>.

андозаларнинг аниқ ҳисобга олиниши. Рейтинглари ишлаб чиқувчилар ҳамда бу йўналишдаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ноёб халқаро тажриба ва қўшимча ресурсларни жалб этиш имконини беради.

Иккинчидан, рейтинг тузувчилар ҳамда ташкилот ва мутахассисларнинг янада кенг доираси билан тизимли коммуникацион ишларни ташкил қилиш. Давлат статистика қўмитаси, асосий вазирлик ва идораларда халқаро қиёслаш бўлимларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳим халқаро рейтинглар бўйича тизимли ишларни амалга ошириш уларнинг мандатига айланиши лозим.¹

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим йўналишлардан яна бири, бу – замонавий бошқарув механизминини шакллантириш ҳамда уни самарали амалга оширишдир. Шу боисдан мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса, йирик тадбиркорлик фаолиятдан тортиб, кичик тадбиркор-миноритар акциядоргача бўлган фаолиятни қўллаб-қувватлашни ўзида акс эттиради.

Тадқиқотларга асосланиб, корпоратив бошқарувнинг муайян тизими ёки моделини мутлақ устунликларга эга, дейиш мушкул. Бу борада ҳар қандай корпоратив бошқарув тизимининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилгани, унинг самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари ва амалиётининг йўлга қўйилгани кўпроқ аҳамиятга эга. Бинобарин, корпоратив бошқарув тузилмасида фарқлар бўлишига қарамадан, мамлакатлар миллий корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришда корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига риоя қилиш, хусусан, миллий корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқишда айнан шу халқаро тамойилларни ҳисобга олишга ҳаракат қилишади. Бундан келиб чиқадики, тузилманинг қандай бўлишидан қатъи назар, корпоратив бошқарувнинг умумқабул қилинган тамойили, усули ва механизмларини самарали жорий этиш устувор аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда икки поғонали кенгашга асосланган корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ², деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашдан ташқари кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида умумий кенгаш фаолияти, унинг қўмиталари ва ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш талабларини Корпоратив бошқарув кодекси билан мустақамлаб қўйиш.

Иккинчидан, кузатув кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажминини кенгаш фаолиятини баҳолаш натижаларига боғлаш ва ҳар бир аъзони кенгашнинг умумий фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш сиёсатини қўллаш.

Учинчидан, кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзоларнинг нафақат минимал миқдорини таъминлаш, балки уларнинг улуши ортишини рағбатлантириш чораларини кўриш.

Тўртинчидан, кузатув кенгашининг мустақил аъзосини ким кўрсатиши масаласига аниқлик киритиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, малакасини ошириш тизимини шакллантириш. Айни пайтда жамиятлар кузатув кенгашига мустақил аъзони

¹ Ўзбекистон халқаро рейтингларда. Нима учун ва қай тарзда ўз ўринларини яхшилаши керак? Иқтисодий тадқиқотлар маркази.

² *Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А.* Корпоратив бошқарув моделлари: концептуал жиҳатлар, замонавий тенденциялар ва корвергенция имкониятлари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий-электрон журнали. – Тошкент, 2017. №4.

ким кўрсатиши масаласи кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Кузатув кенгашига номзодни кўрсатиш жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан амалга оширилади. Кузатув кенгашига мустақил аъзо ҳам кенгаш аъзоси бўлганлиги туфайли юқоридаги қонун нормаси ўз кучини сақлаб қолаётганлигини кўриш мумкин. Бироқ бу ўринда мустақил аъзонинг уни Кузатув кенгашига номзод сифатида кўрсатган акциядордан том маънода мустақиллиги виждон ва этика масаласи бўлиб қолмоқда.

Бешинчидан, ижроия органи (бошқарув ва бош директор) фаолияти самарадорлигини баҳолашда танлаб олинган самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларининг (KPIs) мувозанатлашган ҳолда бўлишини таъминлаш ва уларнинг умумий йиғма (интеграл) кўрсаткичининг шаклланишидаги салмоғини белгилаш жараёнларини тартибга солиш зарур. Чунончи, халқаро амалиёт кўрсатишича, фақатгина молиявий кўрсаткичларни самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи сифатида танлаб олиш билан менежментни тўғри йўналтириш ва фаолияти самарадорлигини таъминлаш мумкин эмас. Мазкур мезонларни шакллантиришда молиявий кўрсаткичлардан ташқари бизнес жараёнлари, мижозлар билан муносабатлар, персонални ўстириш жиҳатлари ҳам қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига бириктириладиган салмоқ ҳам корхона фаолият юритадиган тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиши ва менежерларга ҳеч нарсани ўзгартирмасдан ҳам юқори мукофот олиш имконини таъминлайдиган (қайси кўрсаткич бўйича меъёр бажарилган ва режа кўрсаткичига эришиш мумкин бўлса, шу кўрсаткич салмоғини ҳаддан ташқари юқори белгилаш амалиёти) қилиб ўрнатилишига йўл қўймаслик зарур.

Шу билан бирга, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятида замонавий бошқарув усулларини жорий этиш билан бирга, замонавий технологияларни жорий этиш ижобий тенденцияларни ўзида акс эттирмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «2017–2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2916-сонли Қарори имзоланди. Бу эса, тадбиркорлик фаолияти орқали чиқиндиларни қайта ишлаш ва бу орқали экологик вазиятни ҳам яхшилаш кўзда тутилганлиги алоҳида эътирофга лойиқ, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда йилига 2 миллиард тоннадан ортиқ чиқиндилар тўпланиши инobatга олинса, мазкур хомашё базасидан фойдаланган ҳолда тадбиркорликнинг инновацион шаклини мазкур йўналишда ривожлантириш ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 20–21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига сафари чоғида Нукус шаҳрида саноат ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этиш лойиҳалари билан танишар экан, чиқиндиларни қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида йўналишларни белгилаб берди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан олинган 4 миллион 705 минг доллар миқдоридagi кредит маблағи эвазига бу ерда чиқиндиларни саралаш ва қайта ишловчи «Roodell recovery» корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Йилига 146 минг тонна чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилди, 100 га яқин иш ўрни яратилди.

Мазкур корхонада ҳар куни 400 тонна чиқинди қайта ишланадиган корхонада асосан ёшлар меҳнат қилади. Жуда қисқа фурсатда бунёд этилган завод чиқиндиларни

саралайдиган, қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар, чиқиндиларни ташийдиган махсус автомашиналар билан таъминланди. Корхона қурилишининг иккинчи босқичида қурилиш материаллари, автошиналар ишлаб чиқарадиган цехлар бунёд этилади.¹

Шунингдек, чиқиндиларни қайта ишловчи ҳамда утилизация қилувчи корхоналарга камчиқим технологияларни олиб кириш соҳани ривожлантиришнинг энг самарали усулидир, – дейди Буюк британиялик халқаро эксперт Петер Боулдинг. – «Тошранг-метзавод» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишиш жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдик. Ушбу корхона рангли металлларни йиғиш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар, илғор технологиялар билан таъминланган. Корхонанинг халқаро сифат сертификатига эгалиги, нуфузли халқаро мукофотга сазовор бўлгани бу ерда самарали менежмент ва сифатни бошқаришнинг намунали тизими шакллантирилганидан далолатдир.²

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси унинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шимолий Европа мамлакатларида аллақачон чиқиндиларни алоҳида йиғиш йўлга қўйилган, натижада қоғоз, пластик, алюминий каби хомашёнинг катта қисми қайта ишлашга юборилади. Статистик маълумотларга кўра, Японияда резина ва кабел буюмларининг 34 фоизи, шиша буюмларнинг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндини қайта ишлаш эвазига олинар экан. Бу борада Хитой тажрибаси янада ҳайратланарли. Улар алюминий, темир, мис каби металллардан ясалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларининг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлашдан олишади.³

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорликнинг замонавий шаклларда ташкил этиш ҳар тарафлама ўзини оқлаши халқаро тажрибадан ҳам маълум бўлмоқда. Биринчидан, арзон хомашё базасига эга бўлиш, иккинчидан, тадбиркорлик учун янгича ёндашувнинг пайдо бўлиши, учинчидан, экологик вазиятнинг барқарорлашувига эришилади.

7.3. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ТУБДАН ЯНГИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Маълумки, инновацион фаолиятга ёндашган ҳолда, жамиятимизни янада барқарорлаштириш ва бу орқали мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустақамлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан юртимизда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ҳамда мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Айти пайтда давлатимиз кудратини оширишга, халқимиз фаровонлигини яхшилашга хизмат қилувчи инновацион технология ва ишланмаларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишини янада ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур йўналишдаги ислохотларнинг тадрижийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш

¹ Интернет маълумотлари асосида тайёрланган.

² «Халқ сўзи» газетасининг 25 октябр 2017 йилдаги веб-сайтидан олинди.

³ <http://parliament.gov.uz/upload/iblock/0d7/CHIQINDI-ipzbhu.arlwgngd.pdf>

тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони қабул қилинди. Бу эса амалга ошириладиган ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган муҳим ўзгаришлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатга кўра, бир қатор йўналишлар мамлакатимизни инновацион ривожлантиришнинг куйидаги асосий омиллари этиб белгиланди.

– мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узок муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

– давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш;

– ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

– инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

– илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

– мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларни, хусусан, чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

– табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, жумладан, муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва чучуқлаштириш, ундан оқилона фойдаланишнинг замонавий шаклларини кенг қўллаш орқали фаол жорий этиш;

– соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва самарали даволашга имкон берувчи илғор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс тизимни яратиш;

– аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

– иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

– инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан, уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хиз-

мат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш.

Халқаро инновация индексининг¹ 2017 йилда эълон қилинган ҳисоботида мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида олиб бораётган инновацион фаолияти ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар алоҳида эътибор билан ўрганиб чиқилган. Унга кўра, халқаро миқёсда инновацияларнинг ривожланишида олти холатнинг ўзига хос аҳамияти ажратиб кўрсатилади ва улар қуйидагилардан иборат:

1. Жаҳон иқтисодиёти туб бурилишлар остонасида турган бир вазиятда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун яратилган ва яратиладиган шарт-шароитлар.

2. Ривожланаётган иқтисодиётларда озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни баратараф этишда «ақлли (смарт) ва рақамли (дигитл)» қишлоқ хўжалигига асосланган инновацияларни яратиш ва жорий этиш.

3. Ривожланаётган иқтисодиётлар инновацион жараёнларни такомиллаштираётган бир пайтда халқаро миқёсда инновацияларнинг конвергенцияси талаб этилмоқда.

4. Шарқий Осиё инновацион йўлбарслари учун фаолиятни ривожлантириш имкониятлари вужудга келган бир пайтда Ҳиндистонда ҳудудий инновацион тармоқларнинг янада чуқурлашуви кузатилмоқда.

5. Жанубий Африка мамлакатларида инновацион импульс сақланиб қолаётган даврда Лотин Америкаси давлатларида инновацион потенциалдан фойдаланиш устуворлик касб этмоқда.

6. Токио-Йокогаму, Шэньчжэнь-Гонконг (Хитой), Сан-Хосе-Сан-Франциско ва Калифорния каби ҳудудларда инновацион фаолиятнинг йирик субмиллий кластер тизими вужудга келмоқда.

Қайд этиш лозим, инновацион фаолиятни ривожлантиришда мамлакатларнинг гуруҳларга ажратилган ҳолда шаклланиши юзага келмоқда. Ушбу мамлакатларнинг тенденцияларига эътибор қаратилса, қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацияларни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари шаклланимоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида тадқиқотларнинг амалга оширилиши, тадқиқотлар сифати ва кўлами, халқаро компанияларнинг ҳамкорлик даражаси каби кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боисдан юқорида қайд этиб ўтилган ҳужжатда ҳам янги ташкил этилган вазирликка аграр соҳада ҳам инновацияларнинг ривожлантиришга эътибор қаратиш вазифаси алоҳида белгилаб берилгани бежиз эмас.

Шунингдек, халқаро инновация индексида мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлиги борасида амалга оширилаётган инновациялар ва улардан олинаётган натижалар асосида тузилган рейтинг мавжуд. Унда глобал майдонда юз бераётган жараёнлар мамлакатлар ва турли кўрсаткичлар тизимида бериб ўтилган. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон ушбу рейтингда 127 мамлакат ичида инновацияларни кенг жорий этаётган давлатлар рўйхатида қайд этилмаган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги йўналишида Олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг жамига нисбатан энг юқори 5 та давлатдан иккинчи бўлиб қайд этилган. Бу эса, аграр соҳада истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини белгиловчи омиллардан биридир. Мазкур ҳисоботга кўра, Ўзбекистондаги жами талабаларнинг 7,5 фоизи айнан қишлоқ хўжалиги йўналишида таълим олмоқда.

¹ The Global Innovation Index 2017: Innovation Feeding the World.

Бу эса, ўз навбатида, нафақат янги ташкил этилган вазирлик, балки тадқиқотлар олдига ҳам юксак вазифаларни қўяди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентини инновациялар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида қуйидаги ўринли фикрларни билдириб ўтди: инновация, бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради.¹

Бу борада, Европа Иттифоқининг билимларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш ва шу асосда иқтисодий барқарорликка эришиш алоҳида эътибор билан амалга оширилади (7.1-жадвалга қаранг).

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи ва АҚШда интеллектуал капиталга инвестицияларнинг киритилиши меҳнатдаги ишлаб чиқаришнинг 20 фоиздан 34 фоизгача ўсишини ташкил этишини қайд этиб ўтади. Шу билан бирга, АҚШ, Япония, Хитой ва Европа Иттифоқи мамлакатларида илмий тадқиқотларга йўналтирилаётган давлат маблағларининг ЯИМга нисбатан ҳажми борасидаги хулосалар шакллантирилган. Мазкур кўрсаткич АҚШда ўртача 2,5 фоизни, ЕИда 1,8 фоизни ва Осиёнинг етакчи иқтисодиётларида 1,9 фоизни ташкил этаётганини қайд этади. Ўзбекистонда мазкур тенденциянинг ривожланишидаги рақам 0,3 фоиз экани, бу эса ҳали фойдаланиши лозим бўлган имкониятлар мавжудлигини англатади.²

7.1 - ж а д в а л

Европа Иттифоқи Комиссиясининг инновацион фаолият кўрсаткичлари³

Гуруҳлар	Кўрсаткичлар
<i>Инсон ресурслари</i>	<ul style="list-style-type: none"> – 20–29 ёшдаги ҳар 1 000 та аҳолида фан ва техника соҳасидаги битирувчилар; – 25–34 ёшдаги ҳар 1 000 та аҳолида фан ва техника соҳасидаги илмий даражага эга бўлганлар; – 25–64 ёшдаги ҳар 100 та аҳолида олий маълумотга эга бўлганлар; – 25–64 ёшдаги ҳар 100 та аҳолига таълимда ишловчилар; – ёшларнинг саводхонлик даражаси.
<i>Давлат рағбатлантириши ва молиялаштириши</i>	<ul style="list-style-type: none"> – давлатнинг ИТИларга харажати (ЯИМда фоиз); – хусусий сектор маблағи (ЯИМда фоиз); – хусусий кредитлар (ЯИМда фоиз).

ИХРТ (OECD) мамлакатлари миқёсида бошланғич таълимдан олий таълимгача ҳар бир таълим олувчига нисбатан давлат таълим муассасаларидаги харажат 9 552 АҚШ долларини, хусусий таълим муассасаларда эса 5 992 АҚШ долларини ташкил этиб, давлат муассасаларида юқори даражани кўрсатмоқда. Шу билан бирга, олий таълим тизимида бир талаба бошига тўғри келувчи ўртача харажатлар хусусий ОТМдаги худди шу кўрсаткичдан уч баробар кўп бўлиб, мос равишда 12 222 ва 4 136 АҚШ долларини ташкил этади (Education at a Glance 2016, pp 214).

¹ Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатнома. 2017 йил 22 декабрь.

² Ирматова А.Б. Хорижий давлатларда интеллектуал капитални ривожлантириш тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Тошкент: 2015. № 6.


³ European Innovation Scoreboard (EIS) 2009. European Union, 2010. – 76 p.

Таъкидлаш лозим, мамлакатимизда бир талабага тўғри келувчи харажатлар миқдори ИХРТ мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада кам бўлмоқда. Шу боисдан мазкур кўрсаткичнинг нафақат оширилишига, балки бу орқали олий таълимнинг камровини кенгайтиришга бўлган зарурият юзага келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда инсон капиталини шакллантиришда кўпроқ аҳолини қамраб олиш имкониятини яратиб беради.

Давлат харажатларининг таълим тизимидаги улуши юқори бўлаётган бўлса-да, талабага нисбатан сарфланаётган маблағлар улуши ИХРТ мамлакатлари билан солиштирганда, бирмунча кам эканини, хусусан, ушбу кўрсаткич Ўзбекистонда 4–4,5 баробар пастлигини кўрсатади. Германия ва Францияда 10 000 доллардан ошқ бўлса, Нидерландияда 12 505 ва Буюк Британияда 18 593 долларни ташкил этмоқда.¹ Зотан, бюджет харажатлари улуши паст бўлса-да, талабаларнинг ўзлари (ёки қарз ҳисобидан ва яқинлари) томонидан амалга оширилаётган таълим харажатлари ҳисобидан ЕИ мамлакатларида ушбу кўрсаткичлар мавжуд (7.1-расмга қаранг).

Ана шу тенденцияларни инобатга олган ҳолда, бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги Қарорига кўра, қабул ҳажми бакалаврлар учун 57 907 тадан 66 316 тага ошиб, бу ўсиш 15 фоизни ташкил қилди. Албатта, талабаларни қабул қилиш сезиларли даражада ўсишига эришилди. 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб ОТМ оширилган таълим тўлови бўйича қўшимча тарзида талабалар қабул қилинмоқда. Бу ҳам яхши тажриба.

Бундан ташқари, мамлакатимизда Фанлар академияси фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу тариқа илмий-тадқиқотлар ва инновацияларнинг янада ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.



7.1-расм. Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда таълим харажатлари тенденцияси (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)²

¹ Education at a Glance 2015, OECD.

² М а н б а: Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Human Capital for Sustainable Growth and Development, Uzbekistan маълумотлари асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4907-сонли Фармони-га мувофиқ, мамлакатимиз илм-фани нуфузини янада ошириш, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, Фанлар академияси аъзолари таркибини фаннинг устувор йўналишларида олиб бораётган фаол илмий-тадқиқот изланишлари натижалари билан республика ва халқаро илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган таниқли олимлар ҳисобидан кенгайтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ва янги мактаблар яратилишини таъминлаш мақсадида бир қатор академиклар Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. Ушбу рўйхат эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5293-сонли Фармони билан тасдиқланди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда дунё мамлакатлари сингари 2020 йилгача илмий тадқиқотлар ва илмий-техник ишларни молиялаштиришда давлат ва хусусий секторлар улуши нисбатини баъзи тебранишлар билан мос равишда 40:60 пропорцияга етказиш мақсадга мувофиқ. Бунда амалий тадқиқотларга ва тажрибавий-конструкторлик ишланмаларга, устувор илмий-техник йўналишларга, фундаментал тадқиқотларга нисбатан бир неча баробар кўп молиявий ресурслар ажратилиши лозим.

7.4. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жамият ҳамиша истеъмолга мойил бўлиб келган. Сон жиҳатдан доимий кўпайиб борадиган аҳолининг ноз-неъматларга бўлган талабини сўзсиз қондириш узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади. Бундай доимий такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи муҳим воситалардан бири эса инвестициялар ҳисобланади.

Мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини инвестицияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бугунги кунда шу нарса яққол намоён бўлмоқдаки, ҳар қандай давлатнинг бундан кейинги юксалиши инвестицияларни жалб этишига қараб белгиланади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, инвестициялар аслида пул маблағлари шаклида сафарбар этилади. Пул шаклидаги инвестицияларнинг манбаи асосан фойда (даромад) ҳисобланади. Лекин пулнинг ўзи ишлаб чиқариш омили бўлмагани учун уни керакли моддий воситаларга алмаштириш зарурияти туғилади.

Шунингдек, айрим ҳолларда янги активлар ва бойликларни яратиш учун инвестициялар пул маблағи шаклида ҳам сафарбар этилиши талаб этилади. Шунга кўра, пулсиз янги активлар ва бойликларнинг ҳосил бўлиши асло юз бермаслигини оддийгина англаб олиш мумкин. Агар инвестициялар киритилмас экан, моддий ва номоддий бойликлар юзага келмайди. Демак, у пул маблағлари шаклида қолиб кетаверади. Моддий ва номоддий бойликлар муайян фаолиятни амалга ошириш мақсадида қўлланилмас экан, капитал қийматининг ўсиши таъминланмайди.

Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни ҳар қандай объектларга ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби – мавжуд объектларни ва корхоналар акцияларини чет эллик инвесторларга сотиш мамлакатимизга инвестицияларнинг кириб келишини англамайди, «...чунки бундай битимлар мавжуд бўлган активларга бўлган мулк ҳуқуқини шунчаки

беришни англатади»¹. Бу эса, мулк қийматининг кўпаймаслигидан далолат беради. Мавжуд активларни қайта сотиш ҳам айнан шундайди.

Умуман олганда, инвестицияларни амалга ошириш инвестиция жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади ва у инвестиция ресурсларини ҳосил қилиш натижасига таянади. Кўзланган мақсадга эришиш иштиёқи инвесторни капитал тўплаб, сўнг уни шу мақсад йўлида сафарбар этишга ундайди. Модомики, мақсад муайян натижага қаратилар экан, натижа ҳам, ўз навбатида, муайян мақсадларни келтириб чиқаради ва инвестиция жараёнини акс эттирадиган кетма-кетликни ҳосил қилади. Инвестицияларнинг бу тарзда ҳаракатланиши инвестиция фаолияти орқали юз беради.

Инвестиция фаолияти унинг субъектлари томонидан инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуаси бўлгани ҳолда, бу ҳаракатларни субъектлар томонидан фақат инвестицияларни қўйиш билан боғлиқ ҳаракатлар сифатида тушунмаслик лозим. Бунда мазкур ҳаракатлар инвестицияларни амалга оширишнинг мақсади ва йўналишларини аниқлаш, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, уни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларни жалб этиш манбаларини аниқлаш, жамғариш ва самарали сарфлаш каби кенг жараёнларни ўз ичига камраб олишини мантиқан тушуниш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлаб, яъни фойда олиш мақсадида ҳаракат қилади. Чунки юқори фойда инвесторнинг капитал қийматининг ўсишига имкон беради.

XX асрнинг 70-йилларигача дунё мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасидаги ривожланиш суръатлари ёхуд уларнинг ўзаро муносабатлари даражасидан иборат жараён сифатида талқин этилар эди. Глобаллашув даврига келиб эса, тараққиёт борасида ўзгача қараш – воқеа-ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади.

Ушбу жараёнда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъи назар, халқаро меҳнат тақсимооти тизимига уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилади.²

Хўш, бугун глобаллашув жараёнидан кимлар, яъни қайси давлатлар кўпроқ манфаат топмоқда? Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатлар бошқа ривожланаётган ва учинчи давлатлардан кўра кўпроқ ютуққа эга бўлмоқда. Тараққий этган давлатлар билан ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўртасидаги тафовут катта эканини кузатиш мумкин.

Француз тадқиқотчиси Т.Фабрнинг маълумотларига кўра, XX асрнинг охирида 20 фоиз энг бой давлатларнинг улушига жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 86, экспортнинг 82, инвестицияларнинг 68 фоизи тўғри келган бўлса, 20 фоиз энг қашшоқ мамлакатларда мос равишда ҳар учала кўрсаткич бир фоиздан ҳам ошмаган.³ Шундай вазият ва ҳолатларда мамлакатлар аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари ва ўз эҳтиёжларини тўлақонли таъмин-

¹ Киселева Н.В., Боровикова Т.В., Захарова Г.В. и др. Инвестиционная деятельность: Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2005. 432 с.

² Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: «Маънавият», 2006.

³ Stalker P. Travailleuts sans frontieres // Travail. Geneve, 200, # 34.

лашлари учун тенг шароитларни муҳайё этиш ҳар бир давлатнинг асосий вазифасига айланади. Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари ўртасида чекланган ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш борасида том маънодаги кизгин кураш кетмоқда. Айнан шу курашда катта манфаатга эришиш, аҳолининг турмуш шароитларини юқори сифатга кўтариш учун билимлар асосида иқтисодиётни ривожлантиришга, фан-техниканинг юқори натижаларини татбиқ этиш орқали, кам харажат қилиш эвазига имкон қадар кўп натижага эришиш усуллари ривожланган мамлакатларнинг асосий стратегияси ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистоннинг имкониятларига, унинг салоҳиятига назар соладиган бўлсак, мамлакатимиз олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфорит, каолин каби фойдали қазилмалар захиралари бўйича фақат МДХда эмас, балки бутун дунё бўйича етакчи ўринларда туради. Олтин захираси бўйича дунёда тўртинчи, уни қазиб олиш даражаси бўйича эса еттинчи ўринни эгаллайди. Мис захираси бўйича 10–11, уран бўйича 7–8-ўринни, уни қазиб олиш бўйича 11–12-ўринда туради.¹

Топилган конларнинг захиралари ичида ёқилғи-энергетика, тоғ кон рудалари ва кимёвий хомашё, қурилиш моллари, 370 дан ортиқ нефть ва газ конлари, шахталар, карьерлар, саёз конлар, очиқ конлар ва 300 га яқин ерости чучук сув ҳавзалари бор.²

Ўзбекистонда асосий энергетика ресурси табиий газ ҳисобланади, унинг захираси 2 триллион куб метр. Бундан ташқари кўмир (Ангрен кўмир кони 1,9 миллиард тонна кўнғир кўмир захирасига эга), уран (умумий захираси 230 минг тонна) ва гидроэнергия (Чирчиқ, Оҳангарон, Сурхондарё дарёлари ва кўпгина кичик дарёлар) ресурслари мавжуд.³

Энг асосий кўрсаткичлардан бири бўлмиш меҳнат ресурсларига келадиган бўлсак, мамлакатимиз аҳолисининг 39 фоизини ёшлар, 54 фоизини меҳнатга лаёқатлилар ва 7 фоизини катта ёшдаги аҳоли ташкил этади.⁴ Юқорида зикр этилган шарт-шароитларнинг барчаси мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти катталиги ва хорижий инвесторларнинг бундай ўлкага бўлган қизиқишининг юқорилигидан далолат беради.

Чунончи, иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, корхона ва ташкилотларни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни инвестицион маблағларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борадаги ишларнинг самарадорлиги эса давлат томонидан амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг аниқлиги, уни самарали амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган стратегиянинг тўғрилигига боғлиқ.

Маълумки, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтармасдан туриб одамларнинг турмуш тарзини, уларнинг эҳтиёжларини тўла қондиришнинг имкони йўқ. Инсон тараққиёти концепциясини фақат таълим ва соғлиқни сақлаш, гендер ривожланиш ва қашшоқликка қарши курашиш каби ижтимоий мезонлар статистикаси ва кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш етарли эмас. Агар мазкур кўрсаткичлар қаторига жамғариш, инвестициялар, ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, савдо ва технологиялар каби кўрсаткичлар киритилмас экан, инсон тараққиёти тўғрисида тўлиқ тасаввур шаклланмасдан қолади.

Жамиятнинг ривожланиши унинг самарадорлигига, яъни одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ресурслардан оптимал фойдаланишига

¹ *Одинаева З.* Қизилқум саҳросида баҳор. – Т.: «Мухаррир», 2008.

² www.uznature.uz/index.

³ Ўша манба.

⁴ www.mfer.uz.

қараб баҳоланади. Шу сабабли инсон тараққиётининг бош уч компонентидан биттаси фаровонлик ҳисобланади. Инсоннинг реал эркинликларининг кенгайиши унинг раванқ топиши билан ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини оширишни, иқтисодий ўсишни талаб қилади.

Мамлакат иқтисодиётини технологик жиҳатдан янгилаш ижтимоий меҳнат тақсимоти ва унумдорлигини ошириш, ялпи ички маҳсулотга кетган энергия, материал сарфини қисқартириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тубдан ошириш ҳамда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтказишнинг моддий асосларини яратиш имконини беради.

Иқтисодиётни таркибан модернизация қилиш эса, ёқилғи ва хомашё тармоқлари, яримфабрикатларни ишлаб чиқаришни қисқартирган ҳолда, юқори технологияни ўзида мужассамлаштирган тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, бу экспорт таркибида хомашё, ёқилғи улушини қисқартирган ҳолда, тайёр, инновацион маҳсулот ва хизматлар улушининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади. Натижада, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида «билимлар иқтисодиёти» улушининг ортиши ва миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши юз беради.

Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион муҳит жозибadorлиги, мутлақ ва нисбий устунликка эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айнан ушбу кўрсаткичларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Худудларнинг инвестицион жозибadorлигини аниқлашда мутахассислар турли услублардан фойдаланиб келмоқда. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгилайдиган кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларда иқтисодиётни модернизациялаш, бунинг учун эса фаол инвестицион сиёсат юритишнинг ўрни жуда муҳимдир. Шунга кўра, республика худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг инвестицион жозибadorлиги, салоҳиятини баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, худудларнинг ривожланиш тенденциясига разм соладиган бўлсак, бугунги республика иқтисодиётини модернизациялаш шароитида худудлар ўртасида табиий-демографик, маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жабҳалардаги тафовутлар юқорилигича қолаётгани, қатор вилоятларнинг бозор муносабатлари қонунларига ҳалигача мослаша олмаётгани туфайли ҳамон субвенцияда тургани, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекислиги, ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлаштирилмагани, аҳоли даромадларидаги фарқнинг бири-биридан юқорилигича қолаётгани каби муаммолар илмий изланишлар учун муҳим тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

Шуни эътироф этиш жоизки, мустақиллик шароитида кечган йиллар давомида иқтисодиётда маъмурий-бўйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар, қулай шароитлар яратди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида (*бешта йўналишнинг учинчи йўналиши ҳақида гап бормоқда*) қуйидаги вазифалар (йўналишлар) белгилаб берилди:¹

- ❖ макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;
- ❖ таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш;
- ❖ қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;
- ❖ иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш;
- ❖ вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён эканини ҳисобга олиб, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлайдиган индикаторларни аниқлаш, инвестицион муҳит жозибадорлигига таъсир кўрсатадиган омилларни таснифлаш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий-услубий ва амалий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда ҳудудларда амалга оширилаётган комплекс тадбирлар, тадбиркорлик учун яратилган шароитлар ҳамда рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қиладиган институционал тузилмаларнинг ривожланганлиги ялпи ҳудудий маҳсулотнинг йилдан-йилга ошиб боришига, иқтисодий банд аҳоли даромадларининг ортишига, фирмалар фойдасининг ва давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайишига олиб келади. Даромаднинг кўпайиши эса, ўз навбатида, товар ва хизматларга бўлган талабнинг ўсишига хизмат қиладди. Ҳудудларда яратилган бойлик мамлакат иқтисодийнинг юксалишига тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ўз тадқиқотларида эконометрик таҳлиллар орқали исботлаб беришган.

Миллий даромад кўрсаткичининг аҳолининг табиий ўсишига нисбатан юқорирок даражада кўпайиши жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ортишига олиб келади. Бир томондан олганда, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

берилаётган шарт-шароитлар, иқтисодий сиёсатнинг адолатлилик принципи асосида олиб борилаётгани, шунингдек, ҳудудий инвестицион дастурларнинг ўз вақтида тўғри ва тезкорлик билан татбиқ этилиши иқтисодиётда янги иш ўринларининг кўпайишига, оқибатда эса, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таъминланишига хизмат қилмоқда.

7.5. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ БАҲОЛАШ: БИЗНЕС ЮРИТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ

Жаҳон банки гуруҳининг йиллик нашри «Бизнесни юритиш» ҳисоботи 2003 йилдан буён эълон қилиниб келинади. У жаҳон мамлакатларидаги ишбилармонликнинг фаоллигини, бизнесни юритиш хусусиятларини, бизнесни юритиш учун мавжуд чекловларни баҳолайди.

7.2 - ж а д в а л

Doing Business кўрсаткичлари

START-UP	БИЗНЕСНИ КЕНГАЙТИРИШ (EXPANSION)	ЖАРАЁНЛАР (OPERATIONS)	БАНКРОТЛИК (INSOLVENCY)
1. Бизнесни очиш <i>Бизнес очиш учун талаб этиладиган минимал капитал, таомиллар, вақт ва харажат.</i>	2. Мулкни рўйхатдан ўтказиш <i>Талаб қилинадиган таомиллар, вақт ва харажат.</i> 3. Кредит олиш <i>Кредит ахборот тизимлари Кўчар мулкни гаровга олиш бўйича қонунчилик.</i> 4. Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш <i>Аффилланган шахслар билан шартномаларни ошкор қилиш ва жавобгарлик.</i> 5. Шартномалар бўйича ҳуқуқий жавобгарлик <i>Тижорий низони ҳал қилиш учун талаб қилинадиган таомиллар, вақт ва харажат.</i>	6. Қурилишга рухсат олиш <i>Таомиллар, вақт ва харажат.</i> 7. Солиқ тўловлари <i>Тўловлар, вақт ва солиқ юки</i> 8. Халқаро савдони амалга ошириш <i>Талаб қилинадиган ҳужжатлар, вақт ва харажат</i> 9. Электр тармоғига уланиш <i>Таомиллар, вақт ва харажат</i> 10. Ходимларни ишга ёллаш (илова)	11. Банкротликни расмийлаштириш <i>Талаб қилинадиган вақт, харажат ва капитал қайтими даражаси.</i>
<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; width: fit-content;">Бозорга кириш</div>	<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; width: fit-content;">Мулкий ҳуқуқлар; Инвесторларни ҳимоялаш; Кредит олиш</div>	<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; width: fit-content;">Маъмурий юклама; Ишга ёллашнинг осонлиги</div>	<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; width: fit-content;">Капитал қайтими даражаси Активларни қайта жойлаштириш</div>

Ҳисоботда хусусий корхоналарнинг ҳаётий циклида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳаларидаги тартибга солиш нормалари баҳолаб борилади. Хусусий сектор субъектларининг бизнес юритиш даражасидаги шарт-шароитлар ва имкониятлар дастлабки даврда бешта кўрсаткич бўйича 108 мамлакатда амалга оширилган бўлса, эндиликда жаҳоннинг 190 мамлакати бўйича ҳисобот тайёрланмоқда. Жаҳон банки гуруҳи ўзининг йиллик ҳисоботлар туркумидаги бизнесни қўллаб-қувватловчи ва унга тўсқинлик қилувчи қонунчиликка оид тартиб-қоидаларни ўлчашга бағишланган 15-ҳисоботини «Doing Business 2018: Reforming to create Jobs» (Бизнесни юритиш 2017: иш ўринларини яратиш ислохоти) рукни остида кенг оммага тақдим этди. Янгиланган рейтингда 190 та давлат ичида Ўзбекистон 13 поғонага кўтарилиб, 87-ўриндан 74-ўринга чикди.

Мулкни рўйхатга олишдаги ижобий ўзгаришга мазкур соҳада ахборотнинг шаффофлигини ошириш натижасида эришилди. Ўзбекистонда мулкчилик ва назорат

тузилмаларининг такомиллашгани эса миноритар инвесторларни ҳимоя қилишнинг кучайганлигини кўрсатди. Иш берувчи томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ва корпоратив даромад солиғи ставкасининг пасайиши эса солиқларни тўлаш йўналиши бўйича рейтинг кўрсаткичини яхшилади. Айтиш жоғди мезонлар сони ҳам 2015 йилгача 11 тага етган бўлса, 2016 йилдан бошлаб кўрсаткичлар сони 10 тага келтирилди. Бирок 11-мезон бўлган меҳнат бозорини тартибга солиш кўрсаткичи бошқа кўрсаткичлар ичига сингдирилиб юборилди. Яъни, 2018 йил рейтингини ҳисоблашда ушбу мезон алоҳида кўрсаткич сифатида қайд этилмаган. 10 та баҳолаш кўрсаткичларининг (индикаторлар) таркиби 7.5.1-жадвалда келтирилган.



7.2-расм. Subnational Doing Business (SNDB).

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳудудлари бўйича ҳам ишбилармонлик индексларини аниқлаш трендга айланиб бормоқда. Ушбу ўзгаришлар сабаб Ўзбекистон ҳудудлари бўйича ҳам ишбилармонлик индекси рейтингини аниқлаш бўйича турли хилдаги илмий-методик тадқиқотлар, ёндашувлар амалга оширилмоқда. Ушбу индекснинг амалиётга киритилиши натижасида бир қатор самараларга эришилмоқда.

Республикаимиз ўз рейтингини яхшилаш бўйича энг яхши кўрсаткичга эришган 5 та мамлакат қаторига кирди. Аввало шуни айтиш керакки, республикаимизда бизнес муҳитини яхшилаш соҳасидаги ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларга рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этиш таомиллари соддалаштирилмоқда.

Интернет тармоғи орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган тизимини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда «ягона дарча» тизимини янада такомиллаштириш орқали Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш йўналиши бўйича 12 поғонага юқорилаб, 11-ўринни банд этди. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш 6,5

кунни, Европа ва Марказий Осиёда бу кўрсаткич ўртача 10 кунни, бошқа иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш мамлакатларида 8,3 кунни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган бизнесни ташкил этиш тартибларини соддалаштириш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда бизнес очиш учун Япониядагидан 1,5 баробар, Россия ва Германиядагидан 1,6 марта, Греция ва Исроилдагидан 2 марта, Испаниядагидан 2,2 марта, Украинадагидан 2,8 марта, Ҳиндистондагидан 4,5 марта, Хитойдагидан 4,8 марта ва Бразилиядагидан 12,8 марта камроқ вақт сарфланмоқда.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси экспертларининг фикрига кўра, Ўзбекистон судларда ҳўжалик низоларини ҳал этиш бўйича энг кам вақт сарфланадиган дунёнинг 4-мамлакати ҳисобланади.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси экспертлари томонидан тақдим этилган жорий йилги ҳисоботда 10 та кўрсаткичдан сезиларли равишда яхшиланганлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: қурилишга рухсатномалар олиш (147-ўриндан 135-ўринга) +12; миноритар инвесторларни ҳимоя қилишда +16 поғона (78-ўриндан 62-ўринга); мулкни рўйхатга олишда +8 поғона (81-ўриндан 73-ўринга); солиқларни тўлашда +61 поғона (139-ўриндан 78-ўринга) ва халқаро савдода – 2 поғонага (166-ўриндан 168-ўринга) силжиш кузатилди.

7.3 - ж а д в а л

Ўзбекистоннинг «Doing Business» бўйича рейтинг кўрсаткичлари динамикаси

№	Кўрсаткич номи	Ўрни		фарқи	Ўрни		фарқи
		2016	2017		2017	2018	
1.	Бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	25	23	+2	23	11	+12
2.	Хусусий мулкни рўйхатга олиш	75	81	-6	81	73	+8
3.	Кредитлар олиш	44	42	+2	42	55	-13
4.	Солиқ солиш	138	139	-1	139	78	+61
5.	Шартномалар ижросини таъминлаш	38	37	+1	37	39	-2
6.	Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш	77	72	+5	72	87	-15
7.	Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш	70	78	-8	78	62	+16
8.	Электр таъминоти тармоғига уланиш	83	78	+5	78	27	+51
9.	Қурилишга рухсатномалар олиш	147	147	0	147	135	+12
10.	Халқаро савдо	165	166	-1	166	168	-2
УМУМИЙ КЎРСАТКИЧ		82	87	-5	87	74	+13

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа органлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан давлатнинг бошқа органларидан мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан, солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар нусхаларининг талаб қилиниши тақиқланди. Натижада Ўзбекистонда бугунги кунда кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш Франция, Бельгия, Исроил, Аргентина, Ҳиндистон, Словения ва шу каби давлатларга нисбатан анча қисқа муддатларда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз солиққа тортиш мезони бўйича ўз мавқеини 61 поғонага юқорилатиб, 139-ўриндан 78-ўринга кўтарилди. Яъни, тадбиркорлик субъектларига солиқ юқини

камайтириш ҳисобидан мамлакатимиз рейтингда солиққа тортиш кўрсаткичи бўйича 61 поғонага кўтарилди.

Электр таъминоти тармоғига уланишда ҳам юқорига: 78-ўридан 27-ўринга +51 поғонага кўтарилди. Қурилишга рухсатномалар олишда 147-ўридан 135-ўринга +12 поғонага кўтарилди.

Ҳисоботда акс этишича, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда жиддий муаммолар мавжуд. Булар: тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш (87-ўрин, – 15 поғона), кредит олиш (55-ўрин, – 13 поғона), шартномалар ижросини таъминлаш (39-ўрин, – 2 поғона), халқаро савдо (168-ўрин, – 2 поғона).

Албатта, келгусида давлат бошқаруви идоралари томонидан рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича изчил ислохотлар олиб борилишига шубҳа йўқ. Бунда онлайн-дўконларга янада кенг йўл очадиган «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш ҳам жиддий ижобий таъсир қилишини айтиб ўтиш лозим.

7.6. ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ, ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТ ВА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИККА ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН ОМИЛЛАР

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири – чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйлаб мақбул даражада бир текис жойлаштиришдир. Ҳудудларнинг табиий шарт-шароити, у ерда яратилган бизнес муҳит, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-бошқарув принципларининг адолатли йўлга қўйилгани, аҳолининг бизнес юритишга ва тадбиркорликни амалга оширишга бўлган иштиёқи, рискка мойиллиги ҳамда меҳнат ресурсларининг малакаси, турли хилдаги институционал тузилмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ривожлангани каби омиллар инвестицион жозибадорликни намоён этадиган муҳим шартлардан ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналар яратиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ўзига хослиги кўплаб омилларга боғлиқ: ташкил этиш хусусиятлари, бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизми, жойлашган мамлакат ва регионнинг географик муҳити, ҳудуд типи, майдоннинг катта-кичиклиги ва ҳоказолар.

Аммо, ЭИЗнинг муваффақиятли фаолияти, биринчи навбатда, давлат олиб бораётган зонал сиёсатга боғлиқ. Бундан ташқари, пухта олиб бориладиган зонал сиёсат мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга жуда катта ёрдам беради, хориждан катта миқдорда инвестициялар оқиб келишига имкон беради, мамлакатнинг экспорт потенциалини оширишга олиб келади.

Тадқиқотчилар зонал сиёсатнинг жаҳон амалиётида пайдо бўлиши ва ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир қилишини таъкидлашган: иқтисодий наф, замонавий техника ва технологияни жадал суръатда яратиш ва қўллаш, сиёсий омиллар, геосиёсий сабаблар, мамлакатлар ўртасида объектив интеграциянинг зарурлиги ва бошқалар.

Эркин иқтисодий ҳудуд яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали куралидир. ЭИЗ, бу – мамлакатнинг имижи ҳам. ЭИЗлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қилади. ЭИЗга оқилона ёндашилганда, унинг фаолият юритиш механизмлари чуқур ўрганилиб, оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан юқориқ даражага олиб чиқиш имконини беради. ЭИЗ қайси мамлакатда, унинг қайси ҳудудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун

қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради, жумладан:

- хорижий инвесторлар билан мулоқот қилишга имкон берувчи фирмалараро коммуникацияни яратади;
- иқтисодий маданиятни, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятини халқаро даражага кўтаради;
- ҳудудда янгича ишлаётган мутахассис кадрлар илғор тажрибани ўзлаштириб, секин-аста уни ҳудуддан ташқаридаги корхоналарга ҳам ёйдилар;
- мамлакатдаги инфраструктуранинг фойдали иш коэффициенти кўтарилади;
- мамлакатда рақобат самараси юзага чиқади, яъни ҳудуддаги корхоналар ҳудуддан ташқарида жойлашган корхоналарни ўзлари билан рақобат қилишга мажбур қилади;
- «Тадбиркорлик сифати самараси»ни беради, яъни ЭИЗ атрофида халқаро стандартлар таркиб топади, ривожланади (маҳсулот сифатида, инфраструктура даражасида, бизнес муносабатларида, профессионал менежмент масалаларида).¹

Амалий ҳаётда чет эл инвесторлари бирор бир мамлакат иқтисодиётига инвестицияларини киритиши билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиши учун ўша мамлакатларнинг бизнесни ташкил этиш ва уни юритиш учун яратган шарт-шароитлари, инвестицион муҳитни соғломлаштириш бўйича олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати, хусусан, хорижий компанияларнинг ҳеч қандай монеликсиз кириб келиши, фаолият олиб бориши учун эркин иқтисодий ва махсус зоналарнинг ташкил этилгани, солиқ ва бошқа молиявий имтиёзларнинг мавжудлигига эътибор қаратишади. Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган трансмиллий компаниялар (ТМК) тўғридан-тўғри инвестицияларни бирор бир мамлакат иқтисодиётига киритишдан олдин халқаро рейтинг агентликлари томонидан эълон қилинадиган, хусусан, Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш»², Бутунжаҳон иқтисодий форумининг «Глобал рақобатбардошлик индекси», Тинчлик учун жамғармасининг «Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси» каби рейтинг кўрсаткичларига жиддий диққат қаратишади (7.4-жадвал).

7.4 - ж а д в а л

Инвесторлар учун инвестицион муҳит ва мамлакатларнинг жозибадорлигини намоён этадиган рейтинглар³

РЕЙТИНГ	РЕЙТИНГНИ ТУЗУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР	БАҲОЛАНДИГАН ПАРАМЕТРЛАР	АХБОРОТЛАР МАНБАИ
Бизнесни юритиш	Жаҳон банки	Бизнесни юритиш учун ҳуқуқий муҳит	Статистик ва ҳуқуқий ахборотлар, экспертлардан сўровномалар
Глобал рақобатбардошлик индекси	Бутунжаҳон иқтисодий форуми	Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий параметрлари	Статистик ахборотлар ва компания раҳбарларидан сўровномалар
Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси	Тинчлик учун жамғармаси	Мамлакатда истиқомат қилаётган инсонлар ва фаолият юритаётган компаниялар учун мавжуд хавфлар	Ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг ички тизими

¹ Хамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. – Т.: «Фан», 2008.

² <http://www.doingbusiness.org>

³ <http://www.doingbusiness.org>, <http://weforum.org>, <http://ffp.statesindex.org> интернет сайтлари орқали тайёрланган.

Мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлиги бир қанча омилларга, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ташкилий-ҳуқуқий ва жуғрофий омилларга боғлиқдир. Ушбу омиллардан келиб чиқиб, инвесторлар мамлакатга инвестицияларни киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилишади. Жаҳон банки томонидан ҳар йили эълон қилинадиган «Doing Business» ҳисоботида турли мамлакатларнинг 6700 дан ортиқ экспертлари томонидан 189 мамлакатнинг бизнесни юритиш бўйича (жами 10 индикатори) рейтинг эълон қилиб борилади (*булар бўйича тўлиқ маълумот монографиянинг 4-бобидан ўрин олган*).

Мазкур рейтингда акс этган барча кўрсаткичларни ҳам мукамал деб бўлмайди, албатта. Уларда қуйидаги муҳим омиллар: макроиқтисодий сиёсат, инфратузилмаларнинг сифати, ишчи кучининг малакаси, валюта курсларининг тебраниб туриши, инвесторларнинг фикри, коррупциянинг хавфи ва унинг даражаси билан боғлиқ омиллар акс этмасдан қолган.

Жаҳон банки томонидан эълон қилиб бориладиган рейтингда бизнесни очиш ва уни юритиш бўйича давлат томонидан яратилган маъмурий таомиллар ўрин олган бўлиб, унда ҳам мамлакатнинг иқтисодий потенциалига тегишли бўлган асосий омиллар (бозор ҳажми, ишчи кучининг нархи ва б.), шунингдек, потенциал инвестор дуч келиши мумкин бўлган хавфлар инobatга олинмаган.

Бутунжаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинадиган рақобатбардошлик индексида мамлакат ва унда мавжуд бўлган институтларнинг ўрта муддатли даврда барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш имкониятлари бўйича маълумотлар эълон қилиб борилади. Жуда катта ҳажмдаги статистик маълумотлар банки ва компаниялар бошқарувчиларидан ўтказиладиган сўровномалар асосида жами 113 номдаги ўзгарувчилар бўйича Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index) ҳисоблаб чиқарилади. Умумий фойдаланиш мумкин бўлган статистик маълумотлар жами маълумотларнинг 1/3 қисмини ташкил этади, қолгани эса, турли хилдаги анкета-сўровномалари асосида тўпланади.¹

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ўрта муддатли стратегиясини, ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиши ва уни изчил, комплекс ва тезкорлик билан амалга ошириши мамлакат тараққиётининг кейинги босқичи учун пойдевор бўлишини инobatга олиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида айнан, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган масалалар устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги сарф-харажатларнинг йўналтирилиши режалаштирилган:² 2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада, кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

¹ Schwab K. World Economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World Economic Forum, 2013.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади. Жами харажатлар учун 37687,8 миллиард сўм ва 8349,3 миллион АҚШ доллари ажратилади. Шундан:

№	Молиялаштириш	Миллий валютада, миллиард сўм	АҚШ долларида, минг доллар
1.	Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	5 263,1	1 625,8
2.	Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари	15 423,0	311 510,0
3.	Тижорат банклари кредитлари	16 941,2	–
4.	Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва бегараз ёрдам	60,5	8 036 157,8

Бир жиҳатни қайд этиш лозимки, хорижий инвесторлар диққатини тортиш учун мамлакатимиз ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш лозимдир. АҚШнинг Гарвард мактаби мутахассисларининг таъкидига кўра, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига баҳо беришда: хорижий ва миллий инвесторлар учун яратилган қонунчилик базаси, капитални мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетиш имконияти, миллий валютанинг барқарорлиги, мамлакатдаги сиёсий вазият, инфляция даражаси ва миллий капиталдан фойдаланиш имконияти каби омиллар таъсир кўрсатади.

Йиллар ўтгани сайин потенциал инвесторларнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган омиллар ривожланиб борди. Бизнинг наздимизча, бугунги глобаллашув шароитида кўшимча сифатида куйидаги муҳим омиллар ҳам инвестицион жозибадорликка етарлича таъсир кўрсатмоқда. Булар: мамлакат/ҳудуднинг иқтисодий тизими, макроиқтисодий кўрсаткичлар (ЯИМ, иқтисодиётнинг таркиби ва б.), табиий ресурсларнинг ҳолати, инфраструктуранинг ривожланганлиги, ташқи савдонинг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги иштироки.

Ушбу омилларни ҳисобга олиб, ҳар йили мунтазам равишда *ATKearney*¹ компаниясининг расмий сайтида инвесторлар учун мақбул ва жозибадорлиги юқори бўлган мамлакатларнинг рўйхати эълон қилиб борилади. Худди шундай рейтинглар, яъни инвестицион рисклар ва мамлакатларнинг ишончилиги бўйича кўрсаткичлар *Euromoney*² журнали томонидан йилда икки маротаба (март ва сентябрь ойларида) эълон қилиб борилади. Рейтингни аниқлашда журнал мутахассис-экспертлари куйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратишади: иқтисодиётнинг самарадорлиги; сиёсий рискларнинг даражаси; давлатнинг ташқи қарзи ва унинг ҳолати; қарз маблағларидан фойдаланиш/фойдалана олмаслик; кредит бериш имконияти; банк кредитларини олиш имконияти; қисқа муддатли молиялаштириш манбаига эга бўлиш; узоқ муддатли ссуда капиталига эга бўлиш имконияти; форс-мажор ҳолатларининг юзага чиқиш эҳтимоллиги.³

¹ *Изоҳ:* А.Т. Kearney компанияси 1926 йилда АҚШнинг Чикаго шаҳрида ташкил топган. Компания 91 йиллик тарихи давомида бошқарувчи кадрлар учун энг яхши консалтинг хизматларини кўрсатиб келади. Расмий сайти: <https://www.atkearney.com>

² *Изоҳ:* *Euromoney* журнали 1969 йилда ташкил топган бўлиб, бир йилда 12 та сони нашр этилади. 1991 йилдан бўён банк, молия ва инвестициялар соҳасида «Awards for Excellence» соврини такдим этиб келади. Ҳар йили турли мамлакатларда 40 дан зиёд конференцияларни ташкил этади. Расмий сайти: <http://www.euromoney.com>

³ <http://www.raexpert.ru/researches/regions/investclimate>.

Келтирилаётган омилларга қўшимча қилиб ушбу омилларни ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: сиёсий барқарорлик; ҳукукий-қонуний база, унинг тез-тез ўзгариб туриши; ички бозорнинг ҳолати ва мамлакатнинг молиявий тизими; солиқ юки ҳажми; аҳолининг тўлов қобилияти; ишчи кучининг малакаси; ресурслар нархи (хомашё, меҳнат ва молиявий); ахборот таъминоти; халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар олдида мамлакатнинг қарздорлиги ва мажбурияти.

Бир нарсани очиқ тан олиш лозимки, инвестицион жозибадорлик бўйича мамлакатларнинг рейтингларини эълон қилишда Ўзбекистоннинг ўрни умумий давлатлар рўйхатидан жой олмасдан келмоқда.

Худди шунингдек, инвесторлар молиявий сармояларни бирор-бир мамлакатнинг иқтисодиётига киритишидан олдин мамлакат фонд бозорининг фаоллигини намоён этадиган индексларга ҳам эътибор қаратишади. Буларга: DowJones ва NASDAQ (АҚШ), EuroStoxx 50, FTSE (Лондон), XETRA DAX (Германия), CAC-40 (Франция), SMI (Швейцария), AEX (Голландия), MIBTel (Италия), IBEX (Испания), Nikkei (Япония), HANGSENQ (Гонконг), ММББ-РТС (Россия) ва б. Ушбу индекслар бўйича ҳам Ўзбекистон қуйи поғонадан жой эгаллаб келаётгани ҳам ачинарли жиҳатлардан ҳисобланади. Нимага деганда, Ўзбекистон фонд бозори бугунги кунда унчалик ҳам ривожланмаган ва бу борадаги ислохотлар секинлик билан кечмоқда.

Бир томондан олганда, ҳозирда ҳукуматимиз томонидан асосий устуворлик ТТХИ-ларга қаратилмоқда. Аслида реал секторнинг ривожланишини таъминлаш, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш молия бозорининг ривожланишига ҳосилавий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт ҳажмини кенгайтириш орқали молия бозорининг фаоллигини ошириш бўйича ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ушбу йўналишда ҳам катта ўзгаришлар бўлишини таъминлашга қаратилган бир нечта вазифалар белгилаб берилди: халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; чет эл капитални яқинлаштиришда акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш; эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш; акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш; етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.¹

¹ «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармони.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида давлат улушига эга акциядорлик жамиятларининг давлат улушлари хусусий секторга ўтказилиши жараёни амалга оширилди. Унга кўра, 1856 та корхона ва объектдаги давлат улушлари хусусий секторга ўтказилиши режалаштирилди. Хусусан, 68 та ташкилотнинг давлат улушлари хорижий инвесторларга таклиф этилди, 353 та корхонадаги давлат улуши маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун очиқ савдога қўйилди ва 512 та давлат объекти хорижий ва маҳаллий инвесторларга «ноль» қийматда маълум инвестиция киритиш шартлари орқали берилиши белгилаб қўйилди.¹

Биз бу масалаларга кўп тўхталишимиздан мақсад шуки, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестициявий жозибадарлигини ошириш бўйича унда ғоят муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу вазифаларни амалга оширишда эса дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги юқорида таъкидланган тажрибалар, етакчи хорижий банклар ва компаниялар билан самарали ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади.



¹ *Ислом Каримов*. «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2016.

★

8-БОБ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

8.1. «ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН КУТИЛАЁТГАН МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланди. Мурожаатномада, аввало, йил давомида мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилгани алоҳида таъкидланди.

Ҳа, шубҳасиз, бу борада «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлар, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Хусусан, мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарор халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилинмоқда. *«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»* деган ғоя давлат ва жамият фаолиятининг мезонига айланмоқда.

Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланиш амалиёти жорий этилди. Шу маънода, 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди. Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси *фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.*

Юқорида айтилганидек, қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди.

Президент Мурожаатномада бу борада бошқа муҳим масалалар қаторида давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг муносиб ижтимоий таъминот тизимини

яратиш, айна вақтда мансабдор шахслар жавобгарлигини оширишни ҳам кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир, деб таъкидлади.

«Давлат бошқаруви тўғрисида»ги Қонундан мақсад: бошқарув соҳасида, **биринчи навбат**да ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишдир. **Иккинчидан**, ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилашдир. **Учинчидан**, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан кенг фойдаланиш. Яъни давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, бу борада бозорга хос механизмларни ишлаб чиқиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказишдир. **Тўртинчидан**, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш ҳамда давлат хизматларини бевосита қуйи бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш, бу борада мавжуд тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шакллари жорий этишдир. **Бешинчидан**, давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш керак. Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишдир.

Мурожаатномада юқорида зикр этилган вазифаларни бажариш учун *Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси*ни оғишмай амалга оширишимиз даркорлиги таъкидланди.

Маълумки, мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ушбу йўналишда алоҳида қонун қабул қилинган эди. Шу асосда аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ана шундай ишларимиз натижасида 2017 йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Мурожаатномада Президент: «Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт» деб қатъий таъкидлади.

Шундай қилиб, давлат хизмати тушунчасининг замонавий фалсафаси Мурожаатномада қуйидаги тамойиллар билан янгича мазмун касб этди:

1. Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун деган тамойил яна бир бор олдинга сурилди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, одамлар турмуш даражасини ошириш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилиб берилди. Бу билан очиқ жамият қуриш тамойили тобора чуқурлашаётгани, фуқароларнинг бошқарув органлари билан алоқаларининг мустақамланаётгани борасидаги янгича ёндашувлар кўрсатиб ўтилди. Халқ қабулхоналарининг ташкил этилгани, фуқароларнинг кундалик ташвиш ва муаммоларини ҳал қилиш бўйича кенг имкониятлар яратилгани замонавий бошқарувнинг стратегик мақсади экани қайд этилди. Жамиятда соғлом ва ишончли маънавий муҳитга, фуқароларнинг истиқболдаги фаровон ҳаётга ишонч-эътиқоди ошиб бораётгани ижобий ходиса экани таъкидланди.

2. Ўзбекистонни ривожлантириш ва жадал тараққиёт стратегияси буюк келажак сари дадил ва самарали ҳаракатлар дастури сифатида дунёга келганлиги уқтирилди.

Унда ифода этилган бешта йўналиш жамият ҳаётининг ҳамма кирраларини қамраб олгани ва унинг асосида ривожланишнинг аниқ концепцияси ишлаб чиқилгани эса ҳозирги Ўзбекистоннинг келажакдаги буюк қудратига тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Айтилиши аниқки шу Ҳаракатлар стратегияси мамлакат ички ҳаётида ҳам, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам янги, кенг кўламли, ғоят таъсирчан бунёдкорлик имкониятларини кенгайтиради.

3. Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади. Бу ҳаётий ҳақиқат замонавий Ўзбекистон тараққиёти учун асос қилиб олинди. Зотан, халқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаидир. *Халқнинг интеллектуал салоҳияти, ижтимоий ҳаёт даражасининг юксаклиги, сиёсий фаоллиги ва ислохотлар жараёнидаги фаол иштироки давлатнинг қудратидир.* Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Жамиятда ялпи тадбиркорлик ривожланса, ҳар бир фуқаро ўзининг бунёдкорлик ва яратувчилик қобилиятини намоён этса, давлат сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланади. *Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идораларини халққа хизмат қилдириш тамойили олдинга сурилди.* Бунда аҳолининг барча қатлами ўзининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий эҳтиёжларини жамоат ташкилотлари орқали ўзи қондириш имкониятларига эга бўладики, бу мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқади. Очиқ жамиятнинг кадр-қиммати янада ошади.

8.2. ПАРТИЯЛАРАРО РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАШ, БАРЧА СИЁСИЙ СУБЪЕКТЛАР УЧУН ТЕНГ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ – ПАРЛАМЕНТ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Маълумки, жамиятни ислоҳ қилиш ва демократик ислохотларни чуқурлаштиришда *сиёсий партиялараро рақобат ролини* ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айтилиши аниқки Ўзбекистонда сиёсий партиялар ваколатлари қонун билан кенгайтирилган, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки тўла таъминланган. Бироқ, яхлит жамиятнинг гоёвий савияси, сиёсий билим даражаси, сиёсий савия ва сиёсий онг муаммоси ҳали долзарб бўлиб турибди. Сиёсий партияларнинг электорати ҳажми кескин ошмаяпти. Мавжуд электорат сиёсий онги, сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳали етарли эмас. Бу бевосита жамият сиёсий элитасини – сиёсий фаол қатламини бутун чоралар билан кенгайтиришга монелик қилмоқда. Ваҳоланки, айнан сиёсий элитага – жамиятнинг фаол, ҳаракатчан, жараёнларни муносиб баҳолай биладиган, сиёсий эътиқодли, мафкуравий жиҳатдан чиниққан, давлат ва жамият манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, уни ҳар қандай шароитда ҳимоя қила оладиган қатламини кенгайтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Сиёсий партиялар одамлар қалбида фуқаролик туйғусини кучайтиришга, жамият ва давлат тақдирига тақдирдош эканини чуқур англайдиган, ўзининг, оиласининг, фарзандларининг истиқболини шонли, шуқуҳли Ватани, қудратли давлати тақдири билан боглиқ ҳолда тушунадиган аҳоли қатламини кенгайтиришга хизмат қилмоғи лозим. Сиёсий савия, сиёсий онг ҳар бир фуқаро қалбини жунбушга келтириши, унинг иймонини уйғотиши, инсонлик шаъни билан боглиқ бўлган, ўзини-ўзи қадриятга айлантира оладиган мафкуравий иммунитетини, ички ҳис-туйғусини, инсоний инстинктини жонлантимоғи лозим.

Бугун сиёсий партияларга ўзларининг парламентдаги вакиллари – фракциялар аъзолари орқали мамлакат Президенти томонидан тақдим этилган Бош вазир номзоди

юзасидан ўз фикрини билдириш йўли билан Бош вазирни тайинлаш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Фракцияларнинг Бош вазирни лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этиш масаласи ташаббусчиси бўлиш бора-сидаги ваколатлари ҳам муҳимдир. Бош вазирнинг вазифасидан озод этилиши айтиб берилган вақтда Ҳукумат истеъфога чиқишига олиб келади. Амалдаги қонунда сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг Ҳукумат аъзоларининг улар фаолиятига оид масалалар юзасидан ахборотларини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи алоҳида айтиб ўтилган. Ана шу ваколатларнинг амалга оширилиши сиёсий партияларга Ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси ишига тегишли баҳо беришдан ташқари умуман Ҳукумат иши самарадорлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини ҳам беради.

Сиёсий партиялар нодавлат ташкилоти сифатида фуқароларнинг сиёсий эҳтиёжини қондирадиган, сиёсий манфаатларини ҳимоя қиладиган ва, айтиб беришда, жамиятда сиёсий қарашлар тизимининг мустаҳкамланишига хизмат қиладиган уюшмадир. Шунингдек, улар жамиятда сиёсий тафаккурнинг шаклланишига, фуқаролар сиёсий фаоллигининг оширилишига, уларнинг давлат ва ҳокимият органлари тизимининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшишади. Натижада бу сиёсий элитанинг – жамиятнинг сиёсий фаол қатламининг кенгайишига олиб келади.

Маълумки, биз яқин ўтмишимизда бир партияли тизим шароитида яшадик. Битта партия бутун давлат ҳокимиятига тегишли барча ваколатларни эгаллаб олган эди. КПСС ҳам сиёсий, ҳам бошқарув ва ҳукм чиқариш ваколатларига эга эди. У давлат номидан гапирар, иш юритар ва қарорлар қабул қилар эди. КПССнинг энг қуйи ташкилотидан тортиб энг олий органигача бўлган яхлит тизимда партиянинг ҳар қандай қарорини бажариш мажбурий эди, уни муҳокама қилиш мумкин эмасди.

Эндиликда партиялараро рақобат ғоялар, мафкуралар хилма-хиллиги курашига, умумий мақсад ва манфаатлар атрофида турлича хулосаларга эга бўлишга имкон яратади. Буни биргина сайловлар тизимида яққол кўриш мумкин. Айтиб беришда ана шу сиёсий кампания жараёнида давлат ҳокимияти ва вакиллик органларига муносиб номзодни танлаб, сайлаш сингари демократик қадрият юзага келади. Ана шу тарзда парламент ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг таклиф ва истакларини инобатга олиш каби соф инсонпарвар турмуш тарзи қарор топади.

Демак, давлат кўппартиявийлик асосида шаклланадиган ғоялар, мафкуралар хилма-хиллиги ва қурилишидан манфаатдор бўлади.

Маълумки, мавжуд Қонунчиликка кўра, парламентдаги партия фракцияларининг эркин фаолият юритиши, жамият сиёсий маданияти ва фаоллигини оширишга доир жаҳон тажрибасини жорий этиши назарда тутилган: «Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Фракциялар фракциянинг раҳбари берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлис томонидан рўйхатга олинади.

Сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси куйидаги ҳуқуқларга эга:

- сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш;

- сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

– тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш;

– Олий Мажлис раҳбарлигига, кўмита ва комиссиялар раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

– сессияда муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш. Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Олий Мажлис Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Котибияти томонидан таъминланади¹.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, демократиянинг миқёси, кўлами ва даражаси сиёсий партиялар сонининг кўплиги ёки озлиги билан белгиланмайди. Аксинча, партияларнинг қай даражада жамият ичига кириб борганлиги, мумкин қадар кўпроқ электорат қатламига эгаллиги мафкураси ва дастурида кўтарилган масалаларнинг жамият тараққиёти билан боғлиқлигида кўринади. Шу билан бирга сиёсий партияларнинг асосий ва бирдан-бир тамойили давлатнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ҳаракатлар стратегиясида жамиятда сиёсий партиялар таъсирини ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти бошқарувидаги иштироки самарадорлигини кучайтириш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилиш борасидаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилган. Унда, яъни янги таҳрирда қабул қилинадиган қонунда маҳаллий ҳокимият органлари таркибидаги сиёсий партиялар гуруҳлари фаоллигини ошириш, ижро ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг қониқарсиз фаолияти ҳақида асосли хулосаларни тақдим этиш ҳуқуқини бериш ва бошқа ваколатлар берилиши кўзда тутилган.

Шу ўринда сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги борасида қабул қилинган 6 та қонун ва бир қатор қонуности ҳужжатлари, афсуски, ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган. Шу сабабли халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган **ягона Сайлов кодексини** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги Мурожаатномада таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (Бизнес-омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш алоҳида вазифа қилиб кўйилган. Айтиш мумкинки, Бизнес-омбудсман институти Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда бутунлай янги ҳодиса сифатида дунёга келди.

Қонун устуворлигига эришиш мақсадида ва жамиятда соғлом маънавий-руҳий ишлаб чиқариш муҳитини янада мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Пре-

¹ Сиёсий партиялар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Халқ сўзи», 1997 йил 7 январь.

зиденти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрда қабул қилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони халқ ҳокимиятчилигини янада такомиллаштириш имконини берди. Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳарлар ва туманларда Президентнинг халқ қабулхоналари ташкил этилди. Бу бевосита давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг кундалик ўй-ташвишларига давлат ҳокимияти органлари бефарқ эмаслигини таъминлашга имкон яратди.

Яна бир муҳим масала – барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, бу жараёнда ҳам рақамлар кетидан қувиш амалиётидан воз кечиш лозимлиги айтилди.

8.3. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПРИНЦИП ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим қисми ҳисобланади. Давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини янада такомиллаштириш, унинг амалдаги қонунлар доирасида самарали фаолиятини ташкил этиш, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, шунингдек, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлиги, бошқарувчилик салоҳияти, раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти нуқтаи назаридан уларга ёндашиш, моддий ва ижтимоий таъминоти даражасини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш масалаларига эътибор берилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган чора-тадбирларни самарали амалга оширишда *ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолият олиб бориши* фоят муҳим аҳамиятга эга.

Мурожаатномада вазирликлар билан тенг мақомда фаолият олиб бораётган, ҳукумат ва парламент билан бевосита ҳамкорлик қилаётган агентликлар, кўмита, инспекция ва марказларни тегишли вазирликларга бўйсундириш талаб этилади. Шунинг назарда тутган ҳолда, Ҳукуматнинг вазифа ва тузилмасини танқидий қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш лозим. Бундай ўзгаришлар давлат ва хўжалик иши соҳасида деярли бир хил вазифаларни бажараётган юздан ортиқ бошқарув органлари сонини тубдан қисқартириш имконини беради.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, кредит ва молия воситаларини ажратиш, маҳаллий даражада кўпгина муҳим қарорларни тасдиқлаш борасида ҳам шундай ҳолатлар кузатилмоқда. Маҳаллий ҳокимлик органлари оддий масалаларни ҳал этишда ҳам ваколатга эга бўлмаса, буни қандай тушуниш мумкин? Буларнинг барчаси маҳаллий тузилмаларга ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича мустақил иш олиб боришда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги шароитда айнан очиқлик ва ҳисоб бериш масъулияти давлат аппаратини самарали шакллантиришнинг муҳим шартини ҳисобланади. Ҳозирги замондаги жаҳон давлатчилигига хос илғор тажрибалар ва миллий давлатчилигимизнинг бир неча минг йиллик анъаналари синтезлашган замонавий цивилизация асосидаги давлат бошқаруви

ютуқларидан фойдаланган ҳолда «Давлат бошқаруви асослари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай давлат бошқаруви ўзининг миллий, маънавий, географик, тарихий асосларига эга. Ана шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда шаклланаётган давлат бошқаруви тизимининг сиёсий, ҳуқуқий ва маъмурий маданияти тарихан шу маконда яшаб келаётган халқ турмуш тарзи, қадриятлари, анъаналари, руҳияти ва ҳаётий эҳтиёжларини нечоғлиқ назарда тутгани билан белгиланади. Шу билан бирга, қадимий Мовароуннаҳр – Турон – Туркистон – Ўзбекистон бир неча минг йиллик давлатчилик тажрибасига эга. Мустақиллик йилларида ҳозирги замон цивилизацияси талаблари ва ўз қадриятларимиз асосида янги ўзбек миллий давлатчилигига асос солинди. Энди уни ривожлантириш, такомиллаштириш чораларини кўриш Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида белгиланган. Демак, давлат бошқаруви тизимининг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маъмурий маданияти асосий мезон қилиб олинган. Бунда, албатта, минг йилликлар мобайнида шаклланган миллий онг, мафкуравий мезонлар, турмуш тарзидаги ақидалар, шарқона тафаккур тарзи, маънавият ва ахлоққа таянган ўзбекона талаб ва меъёрлар асос қилиб олинган.

Миллий қадриятлар ва жаҳон давлатчилигидаги ҳозирги замон ютуқлари асосида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш ва модернизация қилишнинг асосий йўналишлари Ҳаракатлар стратегиясида аниқ ва равшан кўрсатилган. Улар қуйидагилардан иборат:¹

Биринчидан, демократик давлат бошқаруви мезонларини белгиловчи асосий тамойилларни изчиллик билан ҳаётга жорий этиб бориш, бунда, албатта, ҳар қандай демократия, ҳар қандай эркинлик қонун доирасида бўлишини таъминлаш талаб этилади. Бошқарувда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги, давлат бошқарувида халқнинг кенг иштирокини таъминлаш ва фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш орқали эришиш, бошқарувда очиқ-ошкоралик, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот тамойилларидан фойдаланиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш;

Иккинчидан, давлат бошқаруви аппаратининг ҳуқуқий базасини яратиш, уни замонавий давлатчилик талаблари асосида такомиллаштириш;

Учинчидан, ижро ҳокимияти тизими фаолиятини янада мустаҳкамлаш, унинг вазифаларини аниқ белгилаш. Бунда давлат бошқарувидаги бир-бирини такрорлайдиган ва бир-бирининг ишига халақит берадиган тузилмаларнинг вужудга келишининг олдини олиш;

Тўртинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари, яъни нодавлат ва ноижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаган эди: *«Олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларга етишиш учун кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди,*

¹ Қ а р а н г: 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ва «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга ошириш Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Т.: «Маънавият», 2017. 23–24-бетлар.

деб ўйлайман. Асосий вазифа, бу – юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарор қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат».

Бу талаб бевосита кадрлар тизимини бутунлай янгилаш, касб маҳорати юқори, раҳбарлик истеъдодига ва бошқарув салоҳиятига, замонавий билимларга эга бўлган қобилиятли бошқарувчи истеъдодли раҳбарларнинг янги авлодини етиштириш билан боғлиқ. Давлат бошқарувида эса бу муҳим аҳамиятга эга.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш
 Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим бандларидан биридир. Замонавий давлатчиликда каттаю кичик бошқарув идоралари аҳоли билан мустаҳкам алоқада бўлишади. Ўзаро ҳамкорлик бошқарув услубига, мазмуни ва маданиятига айланган. Мустақилликнинг ўтган даврида Ўзбекистонда бундай замонавий давлатчиликнинг асослари яратилди. Энди уни ривожлантириш, такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Аҳоли давлат бошқаруви органлари фаолиятдан мунтазам ва доимий хабардор бўлиши, маҳаллий давлат бошқаруви органлари қарорларини қабул қилишда унинг фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир фуқаронинг ўз тақдири, оиласи ва болалари тақдири ҳамда уларнинг истиқболига боғлиқ бўлган қарор ва ҳужжатлар қабул қилишда, албатта, унинг иштирокини таъминлаш халқ ҳокимиятчилигининг муҳим талабидир.

Ҳозирги жадал ислоҳотлар жараёни, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасини тубдан ислоҳ қилиш эҳтиёжи ушбу қонуннинг зоятда долзарб эканлигини яна бир бор кўрсатди. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши юқорида зикр этилган қонуннинг нақадар ҳаётий зарурат эканлигини тасдиқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони давлат бошқарувининг замонавий механизмини яратишни тақозо этмоқда. Зотан, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат бошқарувининг мутлақо янги ва самарали фаолият юритувчи тизимини яратишни талаб қилади. Фармонга кўра, қуйидагилар белгилаб берилди:

– бир қатор идораларнинг вазифалари декларатив хусусиятга эгаллиги ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, мавжуд вазиятни юзаки қайд этиш ва умумий маълумотларни тўплашдан иборат бўлиб қолган самарасиз тизимнинг мавжудлиги, жойлардаги ҳаққоний ҳолатни аниқ таҳлил қилолмаслиги;

– ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари, мажбуриятлари ва ролининг пасайишига олиб келувчи давлат бошқарувининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги;

– ортиқча расмиятчилик, буйруқбозлик, қоғозбозлик ва катта миқдордаги сарф-харажатларга йўл қўйилаётганлиги, инновацион ривожланишнинг қониқарсизлиги;

– хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши туфайли соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи имтиёз ва преференцияларни танлаб тақдим этиш амалиётининг сустлиги;

– айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги, раҳбарлик салоҳияти ва билим даражасини заифлиги ҳудудлар ривожланишига монелик қилаётгани; Ушбу камчиликлар иктисодиёт тармоклари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган чора-тадбирларни самарали амалга оширишда *ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолият олиб бориши* фоят муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, бугунги кунда фаолият йўналишидаги жавобгарлик даражаси, ваколат механизмлари аниқ чегаралаб, белгилаб қўйилмагани ишимизга халақит бермоқда. Шу муносабат билан давлат бошқарувида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш лозим.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «*Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида*»ги Фармон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади ҳамда, моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб берди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар концепциясида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг олти асосий йўналиши белгилаб берилди. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи йўналиш ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг институтчионал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган. Мазкур соҳадаги чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутди:

– ижро ҳокимияти органларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

– кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ижро ҳокимиятининг жойлардаги органларини оптималлаштириш;

– *маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг мустақиллигини таъминлаш билан бирга уларнинг Вазирлар Маҳкамаси олдидан жавобгарлик асосидаги ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;*

– давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчил такомиллаштириш ва «Электрон ҳуқумат» тизимини янада кенг жорий этиш;

– маъмурий адлияни ривожлантириш ва мурожаатларни эшитишнинг ошкоралигини ҳар томонлама таъминлаш.

Иккинчи йўналиш ижро ҳокимияти ва унинг маҳаллий органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутди. Шу муносабат билан қуйидаги масалалар бўйича чора-тадбирлар қўрилади:

– ривожланиш дастурларини шакллантиришда ва уларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашда ҳудудий ижро ҳокимияти органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш;

– барча даражадаги ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳоланишнинг мақсадли индикаторларга эришишга асосланган принципиал янги тизимини жорий қилиш;

– ишни ташкил этишнинг халқаро амалиётда муваффақиятли қўлланилаётган, шу жумладан, сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг каби замонавий услубларидан фойдаланиш;

– ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шаклларини жорий этиш.

Учинчи йўналиш иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда қуйидагилар режалаштирилмоқда:

– хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишни чеклаш ва амалдаги давлат корхоналарини қайта кўриб чиқиш;

– иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

– ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш;

– айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш.

Тўртинчи йўналишда, жумладан, қуйидагилар орқали вертикал бошқарув тизими ва ижро ҳокимияти органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган:

– *давлат бошқарувини босқичма-босқич қисқартириш ва эркинлаштириш;*

– *маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш;*

– *ҳудудий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.*

Бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган. Мазкур чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

– давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш;

– инвестицияларни инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқишга фаол жалб этиш;

– замонавий илмий-тадқиқот ва инновацион ютуқларни муваффақиятли жорий қилиш учун зарур бўлган ривожланган инфратузилмани яратиш;

– табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

Олтинчи йўналишда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш белгиланган. Уларга эришиш учун қуйидагилар режалаштирилган:

– давлат хизматининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш;

– давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини жорий этиш орқали уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш.

Маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга эришишга қаратилган:

Биринчидан, жадал тараққиёт даврида ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммо-

ларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни ҳозиржавоблик билан ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденциялари талабларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутиш:

- ортикча ваколатларни қискартириш, такрорийлик ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;
- давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, қарорлар қабул қилиш тизимини такомиллаштириш ва шаффофлигини ошириш;

- стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини такомиллаштириш ва замонавий усул-услугларини жорий этиш;

- иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қискартириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва аҳолининг фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

- жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишнинг самарали механизмининг жорий этиш.

Иккинчидан, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини ва ижро ҳокимияти органлари фаолиятдан қаноатланганлик даражасини янада ошириш. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

- давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

- ижро ҳокимияти органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

- «Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

- жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш имконини беради.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши **«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»** деган улуғвор ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.¹

«Электрон ҳуқумат» тизимининг такомиллаштирилиши, унинг давлат бошқаруви тизимига тўлақонли жорий этилиши давлат бошқаруви очиклигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Интернет тизими кундалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ ва кенг миқёсда кириб бораётгани сайин замонавий цивилизация имкониятларидан кенг фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. «Электрон ҳуқумат» тизими ана шу цивилизация ҳодиса ва замонавий давлатчилик илғор тажрибаларининг энг самарали,

¹ Қ а р а н г: «Халқ сўзи». 2017 йил 9 сентябрь.

энг ҳозиржавоб ва энг таъсирчан воситасидир. Чунки ана шундай шароитда ушбу тизим давлат бошқаруви фаолиятдан фуқароларнинг ва фуқаролик жамияти субъектларининг ҳозиржавоблик билан хабардор бўлишларига имкон беради. Ушбу масалага аниқлик киритиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур деб ўйлаймиз. Чунончи, электрон ҳукуматнинг жорий этилиши:

– Ҳукуматнинг қарор қабул қилишда очик-ойдинлигини ва ҳисобот бериш мажбуриятини таъминлайди. Ошкораликнинг бундай шакли жамиятда, фуқаролар орасида соғлом маънавий-руҳий вазиятни вжудга келтиради;

– давлат органлари ва фуқаролар орасида ахборот олиш эркинлигини таъминлайди, ахборот алмашиш самарадорлигини оширади. Одамларни давлат бошқаруви фаолиятининг кундалик натижаларидан, яъни турли ҳужжатлар, статистик маълумотлар ва жорий қарорлардан хабардор бўлади;

– фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлигига осонлик билан йўл очиб беради. Уларнинг кенг иштирокини таъминлаш имкониятини кенгайтиради. Ўзаро ахборот алмашиш жараёнларини осонлаштиради;

– кичик ва ўрта бизнеснинг турли кундалик юмушларини, муаммоларини ҳал қилишда кенг имконият беради. Тадбиркорлар оддий бир ҳужжат ёки муаммони ҳал қилиш учун вақт сарфлаб идорама-идора юришмайди. Йўл босиб қишлоқ ва марказ ўртасида сарсон бўлишмайди, вақтни тежайди, харажатларини камайтиради;

– фуқароларнинг давлат бошқаруви органларига мурожаатлари ва талаблари тезкорлик билан етиб боради. Ушбу мурожаатларнинг кўриб чиқилиши ва уларнинг ҳал этилишини назорат қилиш имконияти давлат органлари учун кенгайтирилади. Натижада фуқаролар тез ва осонлик билан муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлишади. Маҳаллий ҳокимият органлари ҳам ортиқча қоғозбозликдан қутулишади.

– фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан турли сансалорлик, буйруқбозлик, тўрачилик ва, ҳатто, тамагирлик иллатлари йўқолади. Фуқаро ўз уйида туриб муаммоларини бошқарув органлари билан электрон мулоқотда осон ҳал этади;

– давлат хизматларидан фойдаланишда кўп босқичли, «отанга бор, онангга бор» қабилида иш тутиш ўрнида тезкор ва самарали мулоқотлар механизми вжудга келади ва бошқалар.

Улуғ бобокалонларимиз Абу Наср Форобий ва соҳибқирон Амир Темур давлат бошқаруви ошкоралик ва очикликнинг аҳамияти, фуқаролар билан мулоқотнинг зарурати тўғрисида гапириб, бошқарув органлари вакилларининг ўн икки фазилатини алоҳида санаб ўтишади. Улар, асосан, турли тоифадаги раҳбарларнинг аҳоли билан мулоқоти, улар олдида ҳисобот бериб туриши, аҳолининг кундалик юмушлари, ташвишлари ва мақсад-муддаоларидан хабардор бўлиб туриши каби мажбуриятларни алоҳида таъкидлашади.

Бир неча минг йиллик давлатчилик тажрибасига эга бўлган халқимиз бугунги кунда улкан тарихий тажрибаларни замонавий цивилизация талаблари асосида бойитиш, ривожлантириш йўлидан бормоқда. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятчилиги тамойилини янада чуқурлаштириш, унинг энг замонавий механизмларини яратиш ва ҳаётда жорий этиш Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим талабидир. Ана шу талабдан келиб чиқиб, Президент Ш.Мирзиёев: *«Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб очик ва самимий гапларини, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда афсуски охирги ўринга тушиб қолди»*, деб таъкидлаган эди.

8.4. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН САМАРАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, юқорида айтилганидек, халқ ҳоқимиятчилиги, кенг жамоатчиликнинг, ҳар бир фуқаронинг давлат бошқарувида иштирокини ҳуқуқий асослаб «давлатнинг бирдан-бир ва ягона манбаи халқдир», деб алоҳида таъкидланган. Асосий қонуннинг ана шу талабларидан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва **жамоатчилик назоратининг** ролини янада кучайтириш масалалари жиддий равишда кўтарилган. Мурожаатномада бу фикрлар амалий жиҳатдан янада ривожлантирилди.

Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда «Нуроний» жамгармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Аmmo ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

Мурожаатномада нодавлат нотижорат ташкилотлари айтилган танкидий гаплардан хулоса чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясайди, деб ишонч билдирилди.

Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Бунда фуқароларнинг жамоат уюшмаларига бирлашиши, давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиши каби конституциявий ҳуқуқлари таъминланган. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг турли шакллари – жамоат фондлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, хайрия ташкилотлари кабиларни тузиш имкониятини берадиган қонунчилик базаси барпо этилган. Ўтган давр мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақомини, роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Маълумки, ННТнинг жамият ичига чуқур кириб бориши ва самарали фаолият кўрсатишида 2007 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, бу соҳанинг институционал базаси ҳам шакллантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Республика байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ташкил топди.

Яна бир томони – жамоатчилик назорати шаклланган ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг барча тизими қонунлар асосида шакллангани сабабли уни назорат қилиш айнан қонун устуворлигини жамиятда қай даражада эканлигини билдиради. Қонун устуворлиги эмас, балки зўравонликка асосланган, таҳдид солувчи, назоратсиз бўлган ҳокимият жамият учун хавfli ҳисобланади. Айнан шу сабабдан ҳам ҳар бир шаклланаётган ёки шаклланган жамиятда ишончли демократик назорат зарур.

Давлат ташкилотлари фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилишдан мақсад фуқароларни давлат ташкилотлари, ўз фаолияти жараёнидаги қонуний ҳуқуқи, эркинлиги ва манфаатларига риоя қилдиришигина эмас, балки жамоатчиликнинг эҳтиёж ва иродаси давлат миқёсидаги ваколатлари амалга оширишнинг меъёрий механизмини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Лекин бунда масъулият ва жавобгарлик тамойилларигина эмас, балки ҳуқуқий муносабатлар субъектининг зиммасидаги назорат масъулияти ва назорат тарзида юкланган фуқаролик мажбуриятларини психологик қабул қилиш ҳам ҳисобга олиниши шарт.

Жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсадларга эришиш учун назорат ташкилотлари олдида турган вазифаларни аниқ ойдинлаштириб олиш муҳим аҳамият касб этади. Давлат ташкилотларини назорат қилишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, давлат ташкилотлари томонидан меъёрий талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

иккинчидан, давлат ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини назорат қилиш;

учинчидан, давлат ташкилотлари фаолиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши бўйича бошқарувга оид қарорларининг жамият манфаатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

тўртинчидан, давлат ташкилотлари учун белгиланган бурч, масъулият, хизмат интизоми, ҳамда уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилишини назорат қилиш;

бешинчидан, давлат ташкилотларининг кадрлар таркибини танлаш, жойлаштириш, малакасини ошириш бўйича назорат;

олтинчидан, фуқароларнинг қонун томонидан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини назорат қилиш;

еттинчидан, моддий, молиявий ва бошқа захираларнинг оқилона тақсимланиши ва ишлатилишини ҳамда тежамкорликка амал қилишни назорат қилишдир.

Қонунчиликнинг ҳозирги тизимига мувофиқ, давлат ташкилотларининг фаолиятини ижтимоий-ҳуқуқий назорат қиладиган субъектлар сифатида.

1) Давлат ҳудудида белгиланган қонуний тартибда рўйхатга олинган жамоатчилик ташкилотлари (сиёсий партиялар, ижтимоий барлашмалар, касаба уюшмалари, ҳуқуқий ҳимоя ҳаракатлари);

2) ижтимоий кенгашлар (палаталар);

3) оммавий ахборот воситалари;

4) давлат фуқаролари амалга оширади.

Жамоатчилик назорати субъектлари бир пайтнинг ўзида ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий назорат механизмларидан фойдаланишлари мумкин. Ҳуқуқий механизмлар қўлланилганда, жамоатчилик назорати субъектлари давлат ташкилотлари ёки фуқаролар хизматида бўлган масъул шахслар томонидан қонун бузилишлари аниқланган ҳолатларда зарур чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида турли давлат ҳокимияти ташкилотларига нисбатан конституциявий ҳуқуқни ишга туширишади. Хизматчи фуқаролар фаолиятида камчиликлар аниқланган ҳолатларда эса назорат таъсири жамоатчилик фикри институти (референдум, сайловлар, давлат муаммоларини ҳал қилишда жамоатчилик иштироки, сўровлар, анкеталар ва бошқа тадбирлар) орқали амалга оширилади.

Ахлоқий меъёрларга асосланган мазкур ижтимоий институтдан фойдаланган ҳолда, жамоатчилик назорати субъектлари тартиббузарлик ҳолатларини аҳолига ошқора қилишади ва уларга нисбатан салбий муносабат шакллантиришади, яъни сиёсий объективлик вазиятини юзага келтиришади. Кўп ҳолларда давлат томонидан мажбурлашдан кўра жамоатчилик танбеҳи ва айблови таъсирчан бўлади.

Ана шу тарзда фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва тамойилларини рўёбга чиқариши ва такомиллаштириш, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлашга, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга муҳим аҳамият берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепция доирасида бир қатор муҳим қонунлар, жумладан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар ННТ фаолиятини кучайтириш билан бирга, учинчи секторнинг давлат органлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилиши, табиатни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтди. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг самарали ва эркин фаолият кўрсатиши учун бир қанча имтиёзлар берилди. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва бошқа солиқлардан, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг амалдаги қонунларга зид ҳаракатлари ёхуд бефарқлиги, сансалорлиги ва ўзибўларчилик иллатлари устидан судга шикоят қилганда давлат божи тўлашдан озод этилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган ислохотлар натижасида ННТ тизимини кенг ривожлантириш, энг муҳими, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш борасида ортиқча тўсиқлар олиб ташланди, бюрократик иллатларга, ортиқча қоғозбозликка барҳам берилди. Шунингдек, ННТ учун қонунчиликдаги айрим ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида 2013 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорга

мувофиқ рўйхатдан ўтказиш соҳасида ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби такомиллаштирилди ҳамда тўлов миқдорлари камайтирилди.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш даврида жамоат бирлашмаларининг фаолияти асосан қуйидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилади.

– жамоат ташкилотлари фаолиятининг Конституция ва мавжуд қонунлар доирасида бўлишини таъминлаш;

– жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамиятимизда сиёсий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш, жамиятни ҳар томонлама ислоҳ қилиш ғояларини ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этиши;

– ўз фаолиятининг устувор йўналишларини бозор муносабатларига ўтиш, жамиятимиздаги боқимандалик, лоқайдлик, ижтимоий пассивлик, мутелик руҳиятини барҳам топтириш, халқимизда миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик, янги комил инсонни шакллантириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик фазилатлари ва хислатларини шакллантиришга сафарбар этиш;

– жамоат бирлашмалари аъзоларининг ўз низомларидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини қондиришга имкониятлар яратиш;

– жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари қарорларини тайёрлашда кенг иштирок этиши;

– жамоат бирлашмалари билан давлатнинг ҳамкорлигини ривожлантириш, уларни илғор мамлакатлар тажрибаси асосида фаолият кўрсатиши учун ўзи ўзини мустақил бошқариш, демократик меъёрларга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиш бўйича тажриба ва анъаналарни эгаллаш.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан нодавлат ноғижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги ҳуқуқий ислоҳотлар давом эттирилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси 2017 йилнинг 25 апрелида парламент томонидан қабул қилинди. Шуни таъкидлаш керакки, энди ННТ давлат органлари учун фақат назорат объекти эмас, балки, энг фаол ҳамкорларга, хусусан, Адлия вазирлиги ўзининг барча асосий фаолият йўналишлари бўйича ННТ билан ҳамкорлик қиладиган масъул расмий-ҳуқуқий органга айланди. Жумладан, ҳуқуқий тарғибот, инсон ҳуқуқларини, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, уларни экспертиза қилиш йўналишларидаги ННТ масъулияти оширилди. Натижада вазирлик қатор йирик ННТлар билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзолади.

Шу тариқа Ҳаракатлар стратегияси асосида юртимизда давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, халқ ҳокимиятчилиги бўйича энг муҳим талабдир. Зотан, жамоатчилик бошқаруви – давлат бошқарувини эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг асосий шарти. Аҳолининг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш уни эркинлаштиришнинг асосидир.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши эса давлат бошқарувида янги босқични бошлаб берди.



9-БОБ. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

9.1. ЖИНОЯТ-ИЖРО ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тизимида мавжуд бўлган, тегишли қонунлар асосида тасдиқланган 16 кодекснинг иккитаси – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси нормалари доирасида ҳам кейинги вақтларда жиддий ўзгартишлар амалга оширилди. Бу жараён ҳамон давом этмоқда ва келгусида ҳам давом эттирилади. Чунки баъзи бир қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш борасида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, дунё давлатлари тажрибасида эришилган илғор анъаналарни эътиборга олиб, халқимизнинг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган менталитетига асосланиб, шунингдек, жиний жазоларнинг бош вазифаси айбдор деб топилган шахсларни азобга солиш эмас, балки уларни тарбиялаш эканлиги принципига таянган ҳолда қонунчиликда тегишли ўзгартишларни амалга оширишга эҳтиёж сезилади. Шундай экан, ушбу масалага ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозимдир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон парламенти аъзоларига қилган Мурожаатномасида **2018–2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш лозимлиги тўғрисида** гапирди. Бу борадаги энг муҳим вазифалардан бири, бу – жиний жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш вазифасидир. Алоҳида жиний қилмишларни декриминаллаштириш ва жиний жазоларни инсонпарварлаштириш бўйича жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либерализация қилиш, уларнинг ижросини таъминлашга олиб келади. Бу эса, юқорида қайд этилганидек, халқимизнинг кечиримли бўлиш ва бағрикенглик каби азалий қадриятларидан келиб чиқади, албатта.

Мазкур масалада 2017 йилда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиний жазо тугатилди. Вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиний жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ишлари амалга оширилди. Қилмишнинг жинийлигини истисно этадиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунни қўллаш тартиби белгиланди. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланишининг амалдаги муддатлари қисқартирилди. Ярашув муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилиш институти кенгайтирилди. Ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилган «мажбурий жамоат ишлари» жиний

жазоси киритилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, бозор муносабатлари асосларига мувофиқ келмайдиган ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишини ва иқтисодий айланмани тўхтатиб турувчи айрим иқтисодий жиноятлар декриминаллаштирилди.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилди. Вилоят миқёсидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинди. Ишни назорат тартибида кўриб чиқадиган суднинг ишни биринчи инстанция судига ёхуд апелляция ёки кассация инстанцияси судига янгидан кўриб чиқиш учун юборишга оид ваколатлари аниқлаштирилди.

Моддий ва процессуал қонун нормаларини бузганлик ҳолатларини аниқлаш ҳолатларидан ташқари, қўйи инстанция судлари томонидан тайинланган жазоларни қайта кўриб чиқиш бўйича кассация ва назорат суд инстанциялари ваколатлари чекланди. Хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриб чиқиш асослари тартиби такомиллаштирилди, шу жумладан, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари бўйича янги очилган ҳолатлар юзасидан қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бериш мумкин бўлган энг кўп муддат аниқлаштирилди ва қисқартирилди. Буларнинг барчаси фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқишни такомиллаштириш, бир-бирини такрорловчи мажбурият ва инстанцияларни қисқартишга, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари бўйича янги очилган ҳолатлар юзасидан қайта кўриб чиқиш механизмларини аниқлаштиришга хизмат қилади.

Электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усуллари, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланиш, шунингдек, процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турлари кенгроқ жорий этиладиган бўлди. Электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усуллари жорий этилди.

Судьялар мустақиллигини таъминлаш масаланинг бир қирраси бўлса, масаланинг иккинчи бир қиррасини уларнинг профессионал даражада фаолият юритишларини таъминлашга хизмат қиладиган, уларнинг малакаларини мунтазам ошириш ишини фаол йўлга қўядиган тизимни яратиш ташкил этади. Шу маънода **Ўзбекистон Республикаси Оид судлов академияси**ни ташкил этиш зарурияти юзага келади (9.1-расм).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигига 25 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев айбдор деб топилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазонинг бош мақсади уларни қайта тарбиялаш эканлигига алоҳида урғу берган эди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бундан кейин Ўзбекистонда ҳибсга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш, руҳий ҳамда жисмоний босим ўтказиш, бошқа ғайриинсоний зўравонликка мутлақо йўл қўйилмайди. Бундан биров олдинроқ, аниқроғи 2017 йилнинг 30 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сонли Фармони қабул қилинган эди. Фармонда белгиланганидек, қонун ҳужжатлари талаб-



9.1-расм.

ларига оғишмай ва қатъий риоя этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали вазифасидир. Қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар, яъни маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган қўшимча механизмлар яратиш мақсадида амалдаги **жиноят-ижро қонунчилиги янада такомиллаштирилади**. Ўзбекистон Президенти бу борада алоҳида дастур қабул қилиш лозимлиги хусусида тўхталди: **«Жазони ижро этиш муассасалари тизимини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш доирасида 2018–2022 йилларда тегишли чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш режалаштирилмоқда»**.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида барча вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади. Бу ҳақда юқорида номи келтирилган Президент фармонида алоҳида белгилаб қўйилди.

Бундан кейин Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йўл-патрул ва пост-патрул хизматларини амалга оширувчи ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳолатларни содир этмасликлари учун ўз хизмат вазифасини бажариш, айниқса, фуқаролар билан мулоқот жараёнини қайд этиш имконини берадиган видеокамералар билан таъминланади. Бундай тартибнинг йўлга қўйилиши мазкур соҳадаги мавжуд тамагирлик ва суистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини беради, эътирозли ва баҳсли ўринларни қайта текшириш ва исботлаш имконини яратади.

Мамлакатимизнинг бир вилоятдан унга қўшни бўлган бошқа вилоятига ўтиш – чегара жойларида ўрнатилган постларнинг ҳаддан ташқари кўп эканлиги савдо-иқтисодий

муносабатлар, ички ва ташқи туризм ривожига салбий таъсир кўрсатаётганлиги сир эмас. Шу ўринда мамлакатимиз Президенти баъзи рақамларни келтирди: *«Ўзингиз ўйланг, бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 60 дан зиёд бундай постлар мавжуд. Энди тасаввур қилинг, оддий одам Хоразмдан Тошкентга машинада келмоқчи бўлса, йўлда 17 та постдан ўтади. Фарғона водийсидан келаётган киши эса 8 та ана шундай постга дуч келади. Шу муносабат билан вилоятлар чегарасидаги барча йўл-патрул постларини тугатиш, патрул хизмати стационар постлари сонини кескин камайтириш лозим».*

9.2. ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2017 йилда юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат талаблари ишлаб чиқилди. Юридик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолияти янада такомиллаштирилди. Тошкент давлат юридик университетининг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Университетнинг жамоатчилик бошқарув органи — Ҳомийлик кенгаши тасдиқланди, унинг таркибига суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ходимлари, ННТ, таълим ва тадқиқот муассасаларининг вакиллари киритилди, унинг зиммасига университетни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга, халқаро ҳамкорликни кучайтиришга, ўқув жараёни шакллари ва методларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш вазифалари юкланди.

Халқаро суд ва арбитражларида иштирок эта оладиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган юридик кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида етакчи халқаро ташкилотлар, халқаро таълим муассасалари, илмий тадқиқот муассасалари, маслаҳат марказлари, олим ва мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бугунги кун талабидир.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ишларида ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган *ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини* такомиллаштириш керак.

Сўнги йилларда миллий олий юридик таълимни модернизациялаш, мазкур соҳага халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, долзарб ҳуқуқий муаммолар бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, таълим олаётган ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича самарали тизимни яратиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тошкент давлат юридик университетида кўрилган чоралар ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, талабалар билимини баҳолашнинг самарали тизимини жорий қилиш имконини берди. Университет битирувчилари мамлакатда содир бўлаётган давлат қурилиши ва жамиятни демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларини амалга ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнларига фаол жалб этилган. Шу билан бирга, мамлакатда давлат ҳокимиятини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича амалга оширилаётган

кенг кўламли ислохотлар юқори малакали юридик кадрларга бўлган зарурият ва юқори эҳтиёжни тақозо этмоқда. Бунда олий юридик таълим тизимини янада ривожлантирмасдан ислохотлар талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш имкони мавжуд эмас.

Ҳозирги вақтда юртимиздаги олий таълим муассасаларига юридик мутахассислик бўйича бир йилда 600 га яқин талаба қабул қилинмоқда. Бу жами олий ўқув юртларига қабул қилинадиган талабаларнинг атиги бир фоизини ташкил этади. Бу эса давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳуқуқшунос мутахассисларга бўлган, тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун етарли эмас. Бу борада Тошкент Давлат юридик университетининг ўқув-методик базасини кенгайтириш ҳамда юртимизда мазкур йўналишдаги йирик ва нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш лозим.

Шу ўринда айтиш жоизки, адвокатурани ривожлантириш бўйича ҳам ишлар янада самарали йўлга қўйилиши керак. Хўш, адвокатура қандай тузилма? Адвокатура ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

Жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларининг кўрилишида адвокатнинг ролини кучайтириш мақсадида адвокат томонидан далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш механизми, судгача ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш тартиби аниқлаштирилди. Фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида, шунингдек, жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат иштироки кенгайтирилди. Суд ишини юритишда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби қайта кўриб чиқилди. Натижада судда иш юритишда томонларнинг тенг ҳуқуқчилиги ва тортишуви тўлиқ таъминланди, юридик ёрдам кўрсатиш борасида адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилди, фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида, шунингдек, жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат иштироки кенгайтирилди.

Адвокатура институтини янада мустаҳкамлаш мақсадида адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари аниқлаштирилди. Адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларини солиққа тортиш тизими мақбуллаштирилди. Адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг роли камайтилди. Адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиш, тугатишнинг суд тартиби босқичма-босқич жорий этилмоқда.



9.2-расм.

Адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий этиш, шу жумладан, хорижий адвокатлик тузилмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имконияти яратилди. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтинглар ривожлантирилмоқда. Бунинг натижасида адвокатлик фаолиятининг кафолатлари янада кучайтирилди, адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий этиш орқали халқаро-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий ва ҳўжалик-ҳуқуқий масалалар бўйича ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган ҳуқуқий хизматларнинг сифати янада оширилди. Лекин буларнинг барчаси режалаштирилган ишларимизни амалга ошириш учун ҳали етарли эмас.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «эндиликда адвокатларнинг консалтинг хизмати, яъни маслаҳат бериш ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўришимиз лозим. Адвокатлар томонидан юридик хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятни кенгайтириш даркор. Жумладан, тадбиркорларга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш, давлат органларида вакиллик қилиш, низоларни судгача ҳал этиш, меҳнат ҳуқуқи бўйича юридик хизматлар кўрсатиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш каби йўналишларда бундай хизматларни кучайтириш керак».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларининг ишлаши учун ишончли кафолат тизими. Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири – бу «Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли кафолатлар яратиш» вазифасидир. Бунинг учун нима қилиш керак? Бунда энг муҳими – ҳар бир орган ўз вазифаси билан шуғулланиши керак. «Ички ишлар – жамоат

тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик – давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шугулланиши лозим. Прокуратура эса қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур. Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим» (Ш. Мирзиёев). Ана шунда тартиб-интизом бўлади, ана шунда бир давлат органи томонидан бажарилаётган вазифа бошқа давлат органи томонидан такрорланмайди. Бу эса жуда муҳимдир. Бу борада 2017 йилда бир талай ишлар амалга оширилди. Лекин бу борадаги асосий камчилик шундан иборатки, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳали тўлиғича ҳаётга татбиқ этилганча йўқ. Бунга эришиш эса 2018 йил ва ундан кейинги йилларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардандир.

Мамлакатимизда «Ички ишлар органлари тўғрисида» Қонун қабул қилинган бўлса-да, ички ишлар органлари ҳали халқнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ. Прокуратура органлари тўғрисида ҳам бундан ортиқроқ гап айта олмаймиз (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган). Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) 1991 йилда қабул қилинган низом асосида фаолият юритиб келмоқда. Бу низом бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шундай экан, МХХ фаолиятини янгича асосда белгилаб берадиган қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Бу хусусида мамлакатимиз Президенти «Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида» Қонун, шунингдек, «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида» Қонун қабул қилиш лозимлигини таъкидлади. *«Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда фаровон ҳаёти кафолатларини янада мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий пойдевор яратади» (Ш. Мирзиёев).* Суд органлари борасида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида юқорида анча батафсил ёзилди. Бир қатор ишлар бу борада ҳам амалга оширилаётган бўлишига қарамай ҳали ишлар кўнгил тўларли даражада эмас. Айтиш мумкинки, суд ҳали адолат қарор топадиган масканга айлангани йўқ. Демак, бу соҳада ҳам ислохотлар келгусида изчил давом эттирилади. Юқорида номлари қаламга олинган давлат органларининг бош вазифаси – фуқароларнинг хотиржамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, адолат қарор топишига эришишдир. Шундай экан, улар фаолиятига фақат халқнинг ўзи холисона баҳо беради.





10-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

10.1. ЎЗБЕКИСТОННИ ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЧКИ БОЗОРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ГОЯ ВА МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ АҲАМИЯТИ

Технологик ривожланиш саноатни, қишлоқ хўжалигини ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини модернизация қилишда асосий рол ўйнайди. Янги капитал билан кириб келадиган технологик ривожланишлар иқтисодий ўсишга ижобий таъсир этиши ҳам назарий ҳам эмпирик тадқиқотларда ўз исботини топган. Янги ва фаннинг сўнгги янгиликлари асосида барпо этилган капиталлар учун инвестиция қилиниши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этилиши биринчи галда маҳсулдорлик ва самарадорликни оширади ва булар, ўз навбатида, иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади. Инвестицион дефицит мавжуд бўлганда эса капиталнинг ҳолати нафақат ёмонлашади балки технологик эскиради ҳам. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидай мамлакатимиз газ ва электр энергия соҳасидаги капиталнинг технологик эскирганлиги ва модернизация қилинмаганлиги сабабли газ ишлаб чиқаришда 20–23 фоизгача табиий газнинг ҳамда электр узатишларда эса 15–20 фоизгача электр энергиясининг исроф бўлаётгани жудда ачинарлидир. Бебаҳо бойликларимизни исроф бўлишининг олдини олиш учун технологик қолақ ва самарасиз ишлаб чиқариш жараёнларидан воз кечшимиз даркор.

Капитал янгиланмас экан, технологик ривожланиш ҳам бўлмайди. Шунини қайд этиш керакки, капитал янги бўлгани билан унинг ишлаш технологияси эски бўлса, унинг самараси бўлмайди. Чунки эски технология асосида бўлаётган ишлаб чиқаришда рақобатбардош маҳсулот бўлмайди, самарадорлик бўлмайди, шунингдек, нуқсонли маҳсулотлар ва ишлаб чиқаришда узилишлар кўп бўлади. Бундан ташқари капитал қариб бориши билан унинг эксплуатация ва сошлаш харажатлари кўпайиб ишлаб чиқариш жараёни харажатларини кўпайтиради. Капитал эскиришининг яна бир салбий жиҳати шуки, капитал эскириши билан малакали кадрларга бўлган талаб ҳам пасайиб боради ва бу, ўз навбатида, мамлакатдан малакали кадрларнинг чиқиб кетишига олиб келади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан иқтисодиётимизда бундай муаммоларнинг йиғилиб қолганлиги туфайли ресурслардан фойдаланишнинг самарасизлиги ва кадрлар сифатининг пасайиб кетганлиги бот-бот такрорланмоқда.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаларида *«Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий гоая, миллий дастур керак»*лигини таъкидладилар. Бундай дастурнинг яратилиши мамлакатимизда фан ва технологияларнинг ривожланишига ҳамда иқтисодиётимизни модернизация

қилишга улкан ҳисса қўшади. Чунки бундай дастурнинг амалиётга татбиқ этилиши инновацион ғояларга кенг йўл очиб берибгина қолмай малакали кадрлар етишиб чиқиши ва иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳан ва технологияни ривожлантириш дастурлари ва уларнинг ютуқларни амалиётга кенг жорий этиш орқали ўз ривожланиш йўлини мустаҳкам қурган давлатлар дунёда талайгина.

Шундай давлатлардан бири Жанубий Корея бўлиб, 1960 йилларда дунёнинг қашшоқ мамлакатларидан бири бўлган давлат технологик ривожланиш ва иқтисодиётини модернизация қилиш орқали дунёда кучли иқтисодиётга эга 20 та давлатнинг бирига айланди. Жанубий Корея ўз иқтисодиётини модернизация қилишнинг беш йиллик дастурлари асосида 1962 йилдан 1992 йилга қадар ислохотларнинг илк даврларида энгил саноатга, сўнгра оғир саноатга ва, ниҳоят, юқори технологияларга асосланган иқтисодиётни барпо этди. 1999 йилда эса 25 йилга мўлжалланган «2025 йилгача Ҳан ва технологияларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли мақсадлари» стратегик дастурини қабул қилди. Ушбу дастурнинг асосий мақсадлари инновацияларга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини ошириш, шунингдек, инфорацион технологиялар ҳамда биотехнологиялар соҳасидаги амалга оширилаётган илмий инқилобларга ҳисса қўшиш орқали ривожланган давлатлар қаторидан жой олишдир.

Иқтисодиётларини технологик ривожлантириш дастурлари орқали қоқоқ ва аграр иқтисодиётдан ривожланган ва саноатга асосланган иқтисодиётга айлантирган давлатлар сифатида яна Малайзия, Хитой ва бошқа ривожланаётган давлатларни келтириб ўтиш мумкин. Ривожланаётган давлатлар ўзларининг иқтисодиётни модернизация қилиш дастурлари орқали ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиш учун кучли рақобатга киришишса, ривожланган давлатлар ўз позицияларини йўқотиб қўймаслик учун ўзларининг миллий дастурлари орқали иқтисодий самарадорликни оширувчи технологик ўзгаришларни давомли тарзда амалга оширишади. Бунга мисол қилиб Европа Иттифоқининг «Horizon 2020» дастурини келтириш мумкин.

Ҳозирги глобаллашув ва шиддатли рақобат муҳити мамлакатлар узлуксиз ва изчил тарзда инновацияларни ҳамда технологик ўзгаришларни амалга оширишини тақозо этмоқда. Ҳукуматимиз раҳбарияти буни жуда яхши тушунган ҳолда инновацион фаолият учун кенг имкониятлар яратмоқда, шулардан айримлари сифатида «Mirzo Ulugbek Innovation Center» ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилганлигини қайд этиш мумкин. Кучли миллий дастурсиз технологик ривожлантириш ва модернизация жараёнларининг изчил бўлмаслиги ушбу ташкилотларнинг самарадорлиги паст бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам технологик ўзгаришларни замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражага кўтариш учун миллий дастурнинг яратилиши ғоят муҳимдир.

Президентимиз ўз Мурожаатномаларида айтганларидай иқтисодиётимизнинг бошқарув тизими эскириб кетган ва у бугунги замон талабларига, қолаверса, бозор иқтисодиёти тамойилларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам, инновацион ғояларни патентлаш ва уларнинг тижоратини йўлга қўйиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва иқтисодий жараёнларнинг самарадорлиги ошириш бўйича механизмлар ўз вақтида жорий қилинмаганидан мамлакатимизда технологик қоқоқлик даражаси кўтарилиб, унинг ташқи дунё билан рақобатбардошлиги пасайиб кетган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиздан инновацион ва креатив ғояларга эга малакали кадрларнинг чет элларга чиқиб кетишига сабаб бўлган.

Шунингдек, хорижий кредитлар мамлакат технологик ривожланишини юқорига кўтарадиган, кадрлар малакасини оширишга имкон берадиган, инновацион фаолиятни рағбатлантирадиган лойиҳаларга йўналтирилмаганлиги, шунингдек, халқ манфаати бирламчи қилиб белгиланмаганлиги ортидан самарасиз бўлганлигини ва мамлакатимиз ривожига салбий таъсир кўрсатаётганлигини мамлакатимиз раҳбари ўз Мурожаатномаларида айтиб ўтдилар. Бундай самарасиз лойиҳаларнинг ижтимоий дастурларда ҳам мавжудлиги ва уларнинг аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши учун хизмат қилмаганлиги ҳам ғоят ачинарлидир.

10.2. МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси кишилиқ жамияти тараққиётининг илк босқичларидаёқ пайдо бўлган ва маданий тараққиётга мос равишда ривожланиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да барча тирик табиатнинг, биологик унсурларнинг яшаши учун бирламчи манба бўлган сув ва тупроқ, ҳаво ва оловнинг муқаддас унсур сифатида эътироф этилиши инсониятнинг



бу соҳадаги илк қадамларидан бўлган эди. Зардушт пайғамбар сифатида инсониятга биринчи бўлиб ушбу тўрт муқаддас унсур ҳақидаги тушунчани олиб келди. Илоҳий нур (Ахурамазда) бутун борлиқни ушбу муқаддас унсурлардан яратди деб таълим берди Зардушт ўз қавмларига. Бу унсурларнинг муқаддаслиги Тангри таолонинг уларга поклаш қудратини берганлиги сабабли бўлиб, бу муқаддас покловчи унсурларни бўлғамаслик, пок сақлаш ғояси кейинги тарихий даврларда ҳам аждодларимиз томонидан муқаддас гоё сифатида сақлаб келинди, аждоддан авлодга етказилди. Ўзбек халқининг турмуш тарзига бу унсурларга хурмат миллий қадрият сифатида, халқимиз экологик маданиятининг муҳим бир қисми сифатида кирди, бойитилди, асраб-авайланди. Қадимги аждодларимиз орқали бу таълимот, бу маданият қўшни ўлкаларга, халқларга ҳам ёйилди.

Муқаддас динимиз бўлган Ислом таълимотида ҳам «азизу муқаррам қилинган Бани Одам авлодларига» фақат ҳалол ва пок нарсаларни истеъмол қилиш буюрилган. Шундай улуғ мерос қанотида тарбия топган халқимиз азалдан покликка интилиб яшаган, ҳаромдан ҳазар қилган, ҳалол ва тоза озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирган, сотган, харид қилган, фарзандларини ҳам шунга ўргатган. Шу сабабли, бугунги кунда халқаро майдонда кенг қўлланилаётган «Озиқ-овқат хавфсизлиги» тушунчасини ўзбек халқи менталитетида азалдан мавжуд қадрият сифатида қараш мумкин.

XX аср ўрталарига келиб, дунёнинг ривожланган мамлакатларида сув ва ҳавонинг, тупроқнинг ифлосланиш даражаси ниҳоятда ошиб, жиддий экологик танглик вужудга кела бошлади. Деҳқончиликда, боғдорчиликда, мева ва сабзавотлар етиштириш жараёнида кимёвий ўғитлардан фойдаланишнинг муттасил кенгайиб бориши етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаёт учун хавфлилик даражасини белгиланган меъёрлардан анча ошиб кетишига олиб келди. Бу ҳолат халқаро миқёсда

кучларни бирлаштириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги учун биргаликда курашишни тақозо қиларди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига бағишланган биринчи халқаро анжуман 1974 йилда Европанинг энг қадимий шаҳри Римда бўлиб ўтди. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО томонидан ташкил этилган бу халқаро конференцияда «Озиқ-овқат хавфсизлиги» тушунчаси, унинг белги ва меъёрлари, бу соҳада дунёда минтақалари ва мамлакатларидаги мавжуд ҳолат таҳлил этилди, бу ўткир ижтимоий муаммони ҳал қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда биринчи галда аҳолини физиологик меъёрларга мос равишда истеъмол товарлари билан таъминлаш тушунилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг биринчи меъерий кўрсаткичи аҳолини соғлом турмуш кечириши учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатли, оқсил ва витаминларга бой бўлишидир. Соҳа мутахассислари фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги меъёрларининг бузилишига бир қанча факторлар таъсир кўрсатади. Улар ичида озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 1990–1992 йилларда 1 миллиард 10 миллион (18,6 фоиз), 2000–2002 йилларда 929,6 миллион (14,9 фоиз), 2005–2007 йилларда 942,3 миллион (14,3 фоиз), 2010–2012 йилларда 820,7 миллион (11,8 фоиз), 2014–2016 йилларда 794,6 миллион (10,9 фоиз) киши очлик ёки тўйиб овқат емасликдан азият чеккан. Агар бунга дунё аҳолисининг 30 фоиздан ортиғи етарлича миқдорда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига эга емаслигини, дунёнинг айрим минтақаларида истеъмол қилинаётган маҳсулотларнинг керакли оқсил, микроэлемент ва витаминларга бой емаслигини ҳам қўшсак озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш халқаро миқёсда долзарб масала эканлигини кўрамыз.

Иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари, Ғарбий Осиё ва Марказий Африкадаги айрим мамлакатларни қамраб олган сиёсий беқарорлик, шунингдек, глобал миқёсдаги қурғоқчилик, саҳролашув ва бошқа табиий омиллар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини келтириб чиқарувчи факторлардан биридир. Бугунги кунда, БМТнинг мингйиллик ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган вазифалардан бири, яъни тўйиб овқат емаслик билан боғлиқ муаммо аста-секин ҳал этилмоқда. Дунёнинг ривожланаётган 129 та мамлакатдан 72 тасида очлик билан боғлиқ муаммо барқарор сиёсий шароит ва иқтисодий ўсиш ҳисобига яхшиланмоқда. Аҳолининг қашшоқ қисмининг ҳаёт тарзини яхшилаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик фермерлик хўжаликлари даромадини ошириш, ижтимоий ҳимоя каби омиллар бунда асосий ўрин тутмоқда.

Мутахассислар фикрича, агар бирор-бир мамлакатнинг ички бозорига хориждан 20 фоиздан кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилинса, бу ушбу мамлакатнинг четдан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига қарамлигини келтириб чиқаради. Шу сабабли, дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ бу муаммонинг ечимини гени ўзгартирилган маҳсулотлар (ген муҳандислиги асосида сунъий равишда ўзгартирилган организм, генотип) ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали ҳал қилиш масаласи ҳам келиб чиқди. Маълумотларга кўра, гени ўзгартирилган ўсимликларни етиштириш дунёда 1996 йилдан бошланган. International Service for the Acquisition of Agri-biotech Applications ташкилотининг ҳисоботида келтирилишича, 1996–2012 йиллар мобайнида, яъни 16 йил ичида гени ўзгартирилган ўсимликлар етиштирилган

майдонлар 100 баробарга (1996 йилда 1,7 миллион га., 2012 йилда 170,3 га.) кўпайиб, дунёдаги жами экин экиладиган ерларнинг 12 фоизини ташкил қилмоқда.¹

Трансген маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали ҳосилдорлик ортмоқда, уларнинг турли зараркунандаларга чидамлилиги боис, экинзорларда захарли киёвий ўғитлар, пестицидлар ишлатилиши камаймоқда. Лекин, озиқ-овқат танқислиги, хавфсизлиги билан боғлиқ муаммонинг бу ечими қандай оқибатларни келтириб чиқармоқда? Мутахассисларнинг огоҳлантиришича, гени ўзгартирилган маҳсулотларни мунтазам равишда истеъмол қилиш инсоннинг ақлий фаолиятга салбий таъсир ўтказиши ва, энг ачинарлиси, инсон генида, оқибатда наслида тиклаб бўлмас бузилишлар келиб чиқиши мумкин. БМТнинг озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалигига ихтисослашган ташкилоти (ФАО) гени ўзгартирилган маҳсулотларнинг кишлоқ хўжалигидаги потенциал устуворлигини тан олди. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эса 2005 йилдаёқ табиий маҳсулотлардан кўра трансгенларнинг инсон саломатлигига катта хавф солиш эҳтимоли юқорилиги тўғрисида хулоса берди.

Европанинг айрим мамлакатлари (Австрия, Швейцария, Греция, Польша ва бошқалар) бундай маҳсулотларни экиш ва истеъмол қилмаслик йўлини танламоқда. Европада гени ўзгартирилган маҳсулотлардан холи ҳудудлар тушунчаси пайдо бўлмоқда.

Саноати юксак ривожланган айрим мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш аҳоли сони ва эҳтиёжларидан орқада қолаётган бир вазиятда Ўзбекистонда бу ўтқир муаммо ечими бўйича қатор ишлар амалга оширилди, келажакка йўналтирилган вазифалар белгилаб олинди.

Дунёнинг барча маданий мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга давлат аҳамиятига эга бўлган устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу борада қабул қилинган кўплаб фармонлар, қарорлар шундан далолат беради. 1997 йил 30 августда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги 483-І-сонли Қонун мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрларини қатъий белгилаб берди. 18 моддадан иборат мазкур Қонунда озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг давлат томонидан бошқаруви, нормалаш, технологиялар, ускуналар, буюм ва воситаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, сертификатлаш, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ва текшириш, тадбирларини режалаштириш, янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқариш, озиқ-овқатларни қадоқлаш, ўраш ва тамғалаш, сақлаш ва ташиш, реализация қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотини олиб кириш, озиқ-овқат маҳсулотини олиб қўйиш, қоидалар ва нормаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш ҳамда уни йўқ қилиб ташлаш, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.²

¹ Гени ўзгартирилган ўсимликлар етиштиришда дунёда Бразилия, умумий экилган майдон бўйича АҚШ етакчилик қилмоқда. АҚШда 2012 йилда 96,5 миллион гектар ерга маккажўхори, соя, пахта, қанд лавлаги, ковоқча (кабачки) каби гени ўзгартирилган ўсимликлар уруғи қадалган. Гени ўзгартирилган ўсимликлар, шунингдек, Аргентина (23,9 миллион га. ерда), Канадада (1,6 миллион га. ерда) ва Хитойда (4 миллион га. майдонда пахта, помидор, ширин гармдори) етиштирилмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 239-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 16-сон, 265-модда.

Ушбу Қонун аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Қонунга кўра, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Ушбу Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги – озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мослиги давлат назоратида бўлишини таъминлайди.

Шу тариқа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина давлат сиёсатида устувор вазифага айланганлигини таъкидлаш керак.

Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали хорижий давлатларнинг озиқ-овқат таъминотига муносиб ҳисса қўшаётгани халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилмоқда. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг 2015 йил июнь ойида Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган 39-конференциясида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришган давлатларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон 14 давлат қаторида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда эришган мислсиз ютуқлари учун махсус мукофот билан тақдирлангани фикримиз тасдиғидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «...*озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар этиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта ҳушёрликка чақирishi керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур*»¹ деб қатъий таъкидлаб ўтдилар. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда бу борада катор ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида Марказий Осиёда ягона бўлган «Инвитро» лабораториясининг ишга туширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур институт олимлари, мутахассислари томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида мева ва узумнинг 28 та серҳосил нави яратилиб, Давлат реестрига киритилган бўлса, олма, нок, шафтоли, ўрик, гилос, бодом, ёнғоқ, қорағат (смородина) ҳамда қулупнайнинг яна 36 та янги нави яратилиб, Ўзбекистон Республикасида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш ва районлаштириш учун тақдим этилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи». 2017 йил 23 декабрь.

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг селекционер олимлари томонидан ҳар хил муддатда пишадиган ҳосилдор, юқори сифатли ҳамда касалликларга чидамли сабзавот экинларининг 41 та, полиз экинларининг 5 та, картошканинг 6 та янги нави яратилди.

Кейинги йилларда дунё бўйича иқлим ўзгариши, минтақамизда чўллашув жараёнининг кўчайиши сабабли сув танқислиги ва қурғоқчил шароитга мослашувчан, турли зараркунанда ва касалликларга чидамли, шу билан бирга, юқори ҳосил берадиган навларни кўпайтириш давр талабига айланиб бормоқда. Истиқболли навлар яратилаётгани Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу тариқа, мамлакатимизда уруғчилик тизимини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлашда илғор технологияларнинг жорий этилиши сўнгги йилларда қайта ишланган маҳсулотлар ҳажмининг қарийб 5 маротаба ошишига олиб келди.

Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш йўлидан бораётган Ўзбекистонда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги масалалардан биридир. Маълумки, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқлардан яна бири чорвачилиқдир. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 42,2 фоизи чорвачиликка тўғри келади. Чорвачилиқни ривожлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати натижасида чорва моллари сони ҳамда гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил равишда ортиб борапти. 2017 йил якуналарига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар сони 1991 йилдагига нисбатан 2,4 баробарга, жумладан, сигирлар сони 2 баробар, паррандалар сони 1,8 марта кўпайгани бунинг исботидир.

Мамлакатимизда чорвачилик фермер хўжалиқларини ривожлантириш, уларда насли қорамоллар подасини кўпайтириш мақсадида биргина кейинги ўн йил мобайнида Польша, Австрия, Голландия, Германия каби Европа мамлакатларидан 60 мингдан ортиқ насли сигирлар келтирилди. Бу, ўз навбатида, чорвачилиқда маҳсулдорликнинг ошишига катта туртки бўлди. Бу Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бошланган ва бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган ва узоқни кўзлаган сиёсат, ҳаётий дастурларнинг бекиёс самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг мамлакат парламенти-га қилган мурожаатномасида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммоларга тўхталиб ўтди. Жумладан, «қишлоқ хўжалигини янада ислох қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта ҳушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур» деб таъкидлади Президент ўз Мурожаатномасида. Мурожаатномада, шунингдек, «Бозор иқтисодиёти шароитида тенг ва ҳалол рақобат муҳитини

яратиш мақсадида «Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди» деб қайд қилиб ўтилди.¹

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида дунёга ўрнатилган бўладиган даражада ишлар қилинмоқда. Аввало шуни қайд этиш керакки, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмоқда. Мамлакатимизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, халқаро миқёсда қабул қилинган истеъмол меъёридан уч баробар кўпроқни ташкил этиб, ортиқча маҳсулотлар катта миқдорда хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.²

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бу соҳага бағишланган кўплаб халқаро анжуманлар ва кўргазмалар ташкил этилмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг 5–6 июнь кунлари Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусида нуфузли халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Жозе Грациану да Силва иштирок этиб, ўз нутқида «2000 йилларнинг бошларидан бугунги кунгача Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида улкан тараққиётга эришди» деб эътироф этди.

2015 йил 13 ноябрда Тошкентда Миллий матбуот марказида Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан «Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – устувор вазифа» мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилиб, озиқ-овқат хавфсизлиги – аҳоли эҳтиёжини маълум меъёрларга мувофиқ ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондириш, миллий хавфсизликнинг асосий қисми эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Агар 1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобига қондирилган бўлса, ҳозирги кунда бу талабнинг 96 фоизини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қопламоқда. 2015 йилнинг 9 ойи мобайнида республикаимизда 10 триллион 114,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шундан уюшма таркибидаги корхоналар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ҳажми 3 триллион 230 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу 125,8 фоиз ўсиш демакдир. Айниқса, қандолат маҳсулотлари (178,8 фоиз), шакар (141,3 фоиз), сут ва сут маҳсулотлари (117,5 фоиз) ишлаб чиқаришда юқори суръатларга эришилган.

Республика аҳолиси асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаяпти. Жумладан, аҳолининг (жон бошига йилига истеъмол меъёри 40 кг) гўшт маҳсулотига бўлган йиллик талаби 1,2 миллион тоннани ташкил қилгани ҳолда, амалда 1,9 миллион тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари етиштириляпти. Сут ва сут маҳсулотлари етиштириш меъёрига кўра 4,8 миллион тоннани ташкил этади. Амалда эса йилига ўртача ҳисобда 8,6 миллион тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мам-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи». 2017 йил 23 декабрь.

² Ўтган йилларда аҳоли жон бошига ўртача 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум етиштирилиб, 180 турдан ортиқ мева-сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотлар 80 дан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

лакатимизнинг ҳар бир фуқаросида ёши ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, ўзига керакли маҳсулотни харид қилиш имконияти мавжуд. Таҳлилларга кўра, республикамизнинг ҳар бир фуқароси бир ой давомида 40 дан ортиқ номдаги маҳсулотни сотиб олади. Бунга ўртача ойлик маошнинг 40 фоизи сарфланмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 марта, саноат усулида



қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмоли деярли 4 баробарга ортди. Бу ҳолат аҳолимизнинг яшаш шароити тобора яхшиланиб, истеъмол дастурхони фаровонлашиб бораётганидан шохидлик беради.

Мутахассисларнинг билдиришича, маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик мезони озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий устувор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Хомашё ва тайёр маҳсулот сифати ўрнатилган талабларга тўлиқ жавоб бериши шарт ҳамда овқатланиш хавфсизлигини кафолатлаши лозим. Истеъмолчи зарур маҳсулотларни харид қилаётганда унинг хавфсизлигига амин бўлиши керак. Бугунги кунда мамлакатимиз озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан 3 мингдан ортиқ номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, маҳсулот турларининг сони эса ҳар йили 80-90 тага ошяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилашга катта эътибор қаратиляпти. Шу мақсадида 363 та корхонада ISO-9001 халқаро стандартига мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизими ҳамда ISO-22000 стандартларига мувофиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими жорий этилган ва сертификатлаштирилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган оқилона давлат сиёсати озиқ-овқат саноатининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мева ва сабзавот етиштириш йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бу эса қайта ишлаш саноатида янги ва қўшимча қувватларни ишга тушириш имконини беради. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми аҳоли эҳтиёжига қараганда анча кўп. Бу мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир.

2017 йилнинг 22 ноябрида Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига ихтисослаштирилган «UzAgroExpo – 2017» ҳамда «UzProdExpo – 2017» XIII халқаро кўргазмалари бошланди. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзбекозиқ-овқатхолдинг» холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Корея Республикаси, Германия, Россия, Исроил, Испания, Италия, Туркия, Финляндия, Голландия, Ҳиндистон, Беларусь, Латвия, Украина ва Қозоғистон каби давлатлардан 120 компания вакиллари иштирок этди. Бундай кўргазмалар қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий минитехнологияларни кенг жалб қилиш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

«UzAgroExpo – 2017» кўргазмасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, дехкончилик, чорвачилик, паррандачилик, ветеринария технологиялари ва маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташишга ихтисослашган корхона-ташкilotлар маҳсулотлари намойиш этилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарининг кенг экспозицияси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ер эгалари Германия, Россия, Беларусь каби етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг янги қишлоқ хўжалиги техникалари билан танишдилар.

Озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш жараёнида бир қатор таҳдидли (рискли) вазиятларни эътиборда тутиш талаб этилади. Уларга энергия ресурслари ва бошқа моддий-техник воситалар нархининг ошиб кетиши билан боғлиқ бўлган макроиктисодий таҳдид, маҳаллий ишлаб чиқариш базаси ривожли даражасининг ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан ортда қолиши натижасида келиб чиқадиган технологик таҳдид, ички бозорда нарх-навонинг кескин ўсиб ёки пасайиб кетишига сабаб бўладиган ташқи савдо таҳдиди ва бошқалар киради. Бу таҳдидлар инновация лойиҳаларини амалга ошириш, энергия тежовчи янги технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш имкониятларини маълум маънода чеклаши, маҳсулот хавфсизлиги ҳамда назорат тизимида бўлган талаблар ўртасида тафовутни келтириб чиқариши, ва умуман, етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ мазкур таҳдидлар халқимизнинг фаровон турмуши ва истеъмол даражасига раҳна солмаслиги учун барча чоралар кўриломоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатимизда озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш учун хомашё етиштириш миқдори ошириляпти. Шунингдек, етарли ҳажмда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маҳаллий корхоналарни барқарор ривожлантириш, юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун ўрнатилган истеъмол меъёрларига мувофиқ миқдорда ва ассортиментда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имкониятларини янада кучайтиради.

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 11 апрель кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Йиғилишда бу соҳада тўпланиб қолган қатор муаммолар, жойларда бу масала ечимига етарли эътибор қаратилмаётганлиги хусусида фикр алмашилди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида маҳаллий аҳолини ҳудудда етиштирилаётган мевалар билан таъминлаш даражаси 71 фоизни, Сирдарё вилоятида 85 фоизни ташкил этаётгани, Навоий вилоятида 27 фоиз, Самарқанд вилоятида 45 фоиз, Бухоро вилоятида 47 фоиз, Жиззах вилоятида 50 фоиз томорқа ерларида озиқ-овқат экинлари ва мевали дарахтлар экилмаганлиги танқид қилинди. Президент Ш.Мирзиёев томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал этиш йўлларида бири сифатида аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланишни кенгайтиришнинг аҳамиятига урғу берилди. Таркибида аминокислоталар, витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошқа моддалар мавжуд бўлган мева, сабзавотлар етиштиришни кўпайтириш пировард натижада миллатнинг соғломлигини, наслнинг тозаллигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди. Президент томонидан ўртага ташланган масала озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни таъминлайди, халқимиз фаровонлиги, турмуш даражасини оширади.

Шу ўринда Ўзбекистонда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг дунё рейтингдаги ўрни бўйича маълумотларга назар ташлаш жоиз. 2016 йилда АҚШнинг The Economist Intelligence Unit изланишлар маркази ўтказган тадқиқотга кўра, Ўзбекистонда аҳоли эҳтиёжидан 13 баробар зиёд озиқ-овқат етиштирилиб, мамлакатимиз озиқ-овқат «хавфсизлиги» рейтингда дунёнинг 109 мамлакати ичида 64-ўринни эгаллади. Рейтингни белгилашда мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи, ҳажми ва сифати ҳисобга олинди. Унга кўра, озиқ-овқат нархи бўйича Ўзбекистон 57-ўрин, озиқ-овқат ҳажми бўйича 65-ўринни банд этди. Агар рейтингда кўриб чиқилган 109 мамлакат билан солиштирсак, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўртача бўлиб, арзон ҳам, қиммат ҳам эмаслигини кўрамиз. Яна бир муҳим жиҳат, изланувчилар фикрича, Ўзбекистонда аҳоли сонига кўра кунига 39 000 калория озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилар экан. Агар 18–40 ёшли эркек киши учун кунига 3 000 калория истеъмол қилиш етарли эканлигини ҳисобга олсак, демак, Ўзбекистон ўз аҳолисидан 13 баробар кўп аҳолини боқиси ёки катта миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиши мумкин.

Учинчидан, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати кўрсаткичи бўйича, гарчи Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари жуда юқори сифатли бўлса-да, мамлакатимиз 83-ўрин эгаллади. Бу ерда америкалик мутахассислар ушбу кўрсаткични маҳсулотларнинг ҳақиқий сифатига қараб эмас, балки крахмалсиз маҳсулотлар сони, парҳез таомлар хилма-хиллиги, ўғитлар ишлатилиши устидан назорат ва миллий озиқ-овқат стратегияси каби иккиламчи кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаган. Ушбу рейтингда МДнинг бошқа давлатлари ҳам киритилган, Қозоғистон (56-ўрин), Тожикистон (88-ўрин) ва Россия (43-ўрин). Биринчи ўринда эса АҚШ, Сингапур, Ирландия, Австрия ва бошқа мамлакатлар эгаллаган.¹

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити, қуёшли кунларнинг бир йилда тахминан 320 кунни ташкил этиши, унумдор тупроқ, деҳқончиликда, боғдорчиликда бой тажрибага эга бўлган меҳнаткаш халқимиз ҳукуматимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш борасидаги сиёсатини амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутди. Бугунги кунда Ўзбекистон мева-сабзавотлар экишни кўпайтириш, интенсив боғлар барпо этиш орқали, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлабгина қолмасдан, мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш ҳажмини ҳам муттасил кўпайтириб бормоқда. Маълумотларга кўра, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси таркибидаги ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси 2017 йилнинг биринчи чорагида 101,8 минг тонна мева-сабзавотни хорижга экспорт қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,7 минг тонна кўпдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда етиштирилган мева ва сабзавотлар сархил ва қайта ишланган ҳолатда 50 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.² Демак, серқуёш Ўзбекистонда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига халқаро майдонда ҳам талаб ва таклиф ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда озиқ-овқат маҳсулотларини керакли микроэлементлар билан бойитиш (саплимитация қилиш, фортификациялаш),

¹ Ўзбекистонда озиқ-овқат «хавфсизлиги» рейтингда // «Жамият» газетаси, 2016 йил 4 февраль.

² Толмасов Ш. Озиқ-овқат хавфсизлиги – долзарб муаммо: озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги таъминланмоқда. «VATANPARVAR». 2016 йил, 11 июль.

тузни йод билан бойитиш, ўсимлик мойини ретиноп ёки А витамини билан саплимитация қилишга йўналтирилган дастур ҳам муҳим аҳамият эга бўлди.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги сиёсати, хусусан, кам таъминланган уй хўжаликлари орасида ер ва чорва молларини тақсимлаш, озиқ-овқат дастурларини соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш бўйича амалга оширилган ишлар халқаро майдонда илғор тажриба сифатида эътироф этилди ва БМТ томонидан бошқа ривожланаётган мамлакатларга тавсия этилди.

Глобаллашув жараёнлари, халқаро ва миллий иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда янги таҳдидларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу ўрта ва узоқ муддатли истиқболда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги қатор талабларни ҳисобга олишни кун тартибига қўймоқда. 1. Аҳолининг кўпайиши ва даромадларининг муттасил ошиб бориши, турмуш тарзи ва демографик ўзгаришлар келажакда озиқ-овқатга, овқат таркибига бўлган талабнинг ўсишига олиб келиши кутилмоқда. 2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сув таъминоти муаммоси вужудга келишини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Шунингдек, иқлим ўзгариши, аридизация жараёнларининг кўчайиши, тупроқ сифатининг ёмонлашуви, жойларда аграр секторни бошқариш билан боғлиқ муаммоларнинг сақланиб қолиши, трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланишда келиб чиқиши мумкин бўлган эҳтимолий таҳдидлар ва бошқа геосиёсий омиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда хавфсизлигини таъминлашда қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. 3. Учунчи дунё мамлакатларида озиқ-овқатга бўлган талабнинг ошиши натижасида жаҳон бозорларида озиқ-овқат нархининг ошиши, биоёқилғи ишлаб чиқаришнинг кенгайиши сабабли таклифнинг қисқариши ва бошқа омилларни келиб чиқиш эҳтимоли мавжудлиги.¹

Шу сабабли ҳам, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда янги ёндашув ва сиёсий воситаларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199 сонли «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 7-бандига кўра Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда «2018–2020 йилларда республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш» вазифаси юклатилди.

Маълумки, ҳукуматнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсатида озиқ-овқатнинг мавжудлиги, етарлилиги ҳамда мувозанати ва сифати асосий ўрин тутати. Ўзбекистон ҳукумати келажакда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол баланси мувозанатини сақлаб қолиш, эҳтимолий тақчилликнинг олдини олиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш йўлидан бормоқда. Бу Президент Ш.Мирзиёевнинг боғдорчилик ва сабзавотчиликнинг интенсив усулларини кенг жорий қилиш, рентабилсиз экин майдонларида пахта экишни қисқартириш ҳисобига озиқ-овқат экинлари етиштиришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган сиёсатида яққол кўзга ташланмоқда. Дон экинларига бўлган талабни ҳисобга олиб, 2025 йилга келиб уларнинг ўртача ҳосилдорлигини 42,4 центнердан 55 центнергача

¹ ФАО прогнозларига кўра, 2012–2020 йилларда ғалла нархи 2000 йилга қараганда 15–40 фоиз, ўсимлик ёғи нархи эса 40 фоизга ўсади.

ошириш, ғалла экин майдонларини 1500 минг гектаргача кўпайтириш талаб этилмоқда. Бу ўзгаришларни мева ва сабзавотлар етиштиришга ҳам жорий қилиниши режалаштирилган.

Ўзбекистон ўзининг иқлим шароитига кўра айрим озиқ-овқат экинларини етиштиришда устунликка эга мамлакат ҳисобланади. Бу мева ва сабзавотларнинг кўпгина турларини экспорт қилиш учун етиштиришни кўпайтиришга олиб келади. Бунинг учун 2025 йилга келиб меваларнинг ўртача ҳосилдорлигини гектаридан 200 центнергача, сабзавотлар ҳосилдорлигини эса 300 центнергача ошириш талаб этилади. Умуман олганда, мева-сабзавот маҳсулотларини 2025 йилга қадар зарур миқдорда мавжуд бўлишини таъминлаш учун ҳосилдорликни ўртача 47 фоизга ошириш, экин майдонларини 20 фоизга кўпайтириш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигини, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни мақбул даражада ривожлантириб бориш учун сувдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қўшни давлатларда гидроэнергетика соҳасида режалаштирилаётган лойиҳаларнинг тўлиқ амалга ошиши ёки қурғокчилик йилларида сув таъминотида тақчиллик юзага келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун 2025 йилда камида 1,012 миллион гектар суғориладиган ерда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда. Томчилатиб суғориш минерал ўғитлар ҳажмини камайтиришга, тупроқнинг сифатини яхшилашга, маҳсулот таннархининг пасайишига, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришдан олинадиган фойданинг кескин ошишига олиб келади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда самарадорликни оширишда замонавий агротехнологиялар жорий этишни рағбатлантириш ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турибди. Жумладан, кейинги йилларда тупроққа лазер орқали ишлов бериш тизими кенг жорий этилмоқда. «Chirchiq Mash Agro» корхонасида лазерли ер текислаш ускунаси ишлаб чиқарилиб, мамлакатимиздаги фермер хўжаликларига тегишли шартнома асосида етказиб берилмоқда. Лазер технологиялари орқали экин далаларини текислаш жараёнида механизация харажатларини 14 фоизга, иш кучи харажатларини 23 фоизга, сув сарфи 39 фоизга, суғориш харажатлари (электр энергия, насослар) 22 фоизга қисқарган ҳолда ҳосилдорлик (буғдой ҳосилдорлиги) гектарига 4 центнерга ошган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти аҳолининг барча қатламларининг хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишини таъминлаш билан боғлиқ. Бунинг учун, аграр секторда институционал ўзгаришларни амалга ошириш, хўжаликлар ўлчамларини мақбуллаштириш талаб этилади. Бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199 сонли «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳукуматнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатида асосий ўрин тутиб келди. Бу соҳада эришилган ютуқлар ичида ғалла мустақиллигига эришиш (XX асрнинг 90-йилларида Ўзбекистон ғаллага бўлган эҳтиёжининг 80 фоизни хориждан олиб келган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 5 фоиздан ошмайди), аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавотлар етиштиришнинг кўпайиши, асосий озиқ-овқат турларининг мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилиши таъминланганлигини қайд этиш мумкин.


**10.3. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ СОТИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири миллий қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш орқали иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш ва аҳолининг хусусий инвестициялардан даромад олиш манбаларини яратиш ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори корхоналарида модернизация ва инновацион янгилаш дастурларини молиялаштиришда инвестиция бозори воситаларини ривожлантириш ва замонавий бозор инфратузилмасини бунёд қилиш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Миллий фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори айланмаси йилдан-йилга ўсиб келмоқда (10.1-расм). Шу билан бирга, ушбу бозор республика




10.1-расм. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори айланмаси динамикаси, миллиард сўм ҳисобида¹



10.2-расм. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори айланмасининг жами асосий капиталга инвестицияларга нисбати, фоиз ҳисобида

¹ www.uzse.uz.




10.3-расм. «Тошкент» Республика фонд биржасининг йиллик айланмаси, миллиард сўм ҳисобида

инвестиция бозорининг секин ривожланаётган секторларини ташкил қилмоқда. Ушбу бозорнинг жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши ҳамон кичик эканлигини эътироф этиш мумкин (10.2-расм).

Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар улуши миллий капитал бозорларининг энг катта ва тез ўсувчи секторларидан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори айланмаси ЯИМга нисбатан 100–200 фоизни ташкил этмоқда. 2020 йилдан кейин эса 300 фоизгача етиши башорат қилинмоқда.


Ривожланган мамлакатлар қимматли қоғозлар бозорининг муҳим сектори, бу – қимматли қоғозларнинг биржа бозоридир. Дунёнинг таниқли биржаларида айланмаси ЯИМ даражасида бўлмоқда. «Тошкент» Республика фонд биржасида қимматли қоғозлар айланмаси ўсувчи, аммо беқарор тенденцияга эга бўлмоқда (10.3-расм).

Шу билан бирга, биржа бозорининг жами қимматли қоғозлари бозоридаги улуши пасайиб бормоқда (10.4-расм). Ушбу ҳолат жами асосий капиталга инвестицияларда қимматли қоғозлар бозори салмоғининг паст бўлиб келаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.



10.4-расм. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори айланмасида биржа бозорининг улуши динамикаси, фоиз ҳисобида¹

¹ www.uzse.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.




10.5-расм. Ўзбекистон корпоратив облигациялар бозори динамикаси, миллиард сўм ҳисобида¹

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори ривожланмаётганини яна бошқа омилдан ҳам кўришимиз мумкин. Дунё қимматли қоғозлар бозорининг 80–85 фоизини қарз қимматли қоғозлар ташкил қилмоқда. Одатда стратег-инвесторлар инвестиция киритиш учун облигацияларга мурожаат қилмайдилар. Шунинг учун, корпоратив облигацияларни портфель инвесторларнинг сармоялаш воситаларидан бири деб қабул қилишимиз мумкин. Ўзбекистон корпоратив облигациялар бозорини, 2011–2013 йиллардаги қисқа муддатли кичик жонланишни ҳисобга олмаганда деярли ривожланмаган деб баҳолаш мумкин (10.5-расм).

Ушбу ҳолатга биринчи навбатда эмитентларни айбдор қилиш мумкин:

– Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари деярли корпоратив облигацияларни чиқармайдилар. Барча акциядорлик жамиятларининг 90 фоиздан ортиғи умуман ҳеч қачон корпоратив облигация чиқармаган;

– корхоналарнинг қимматли қоғозлар бозорида жойлаштирган корпоратив облигацияларнинг фоиз даромадлилиги жуда паст бўлгани учун потенциал портфель



10.6-расм. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг РЕПО-битимлари сектори динамикаси, миллиард сўм ҳисобида²

¹ www.uzse.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

² www.uzse.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

инвесторларни қизиқтирмаган. Муомалада бўлган корпоратив облигациялар бўйича белгиланган фоизлар қайта молиялаштириш ставкасидан кичик бўлган. Ушбу ҳолда банк депозитларига маблағ қўйиш потенциал инвесторлар учун самарали бўлган.

Қимматли қоғозлар бозори ликвидлигини кучли даражада оширадиган яна бир омил РЕПО-битимлари бозори ҳисобланади. Республикада бундай битимларни амалга оширишнинг қонунчилик ва ташкилий асослари яратилган. Қимматли қоғозлар бозоридаги акциялар ва облигациялар айланиши нисбатан суст бўлгани учун қимматли қоғозлар бозоридаги РЕПО-битимларининг йиллик ҳажмлари ҳам ўсмаяпти (10.6-расм).

2017 йил 21 декабрь ҳолатига кўра, республикада 607 акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг жами эмиссия ҳажми 47 528,98 миллиард сўмлик 4 510 445,10 миллион дона акцияни ташкил қилган. Шў жумладан:

10.1 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятлари асосий тоифаларининг устав фондлари ҳажмлари

		АЖ сони	Эмиссия ҳажми (миллиард сўм)	Акциялар (миллион дона)
Молиявий сектор:		55	10 076,18	2 490 385,65
1.	Банклар	26	9 736,77	995 727,26
2.	Биржалар	4	64,76	2 993,63
3.	Инвестиция фондлари	9	2,32	11,81
4.	Лизинг компаниялари	7	140,24	75,55
5.	Суғурта компаниялари	9	132,08	1 491 577,40
Реал сектор:		552	37 452,79	2 020 059,44

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, миллий иқтисодиётнинг молиявий сектори нисбатан кучсизроқ ривожланган. Ушбу ҳолат иқтисодиёт реал секторининг инновацион ўсишини лозим даражада молиялаштиришга имкон бермаяпти. Шунинг учун, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ миллий молия бозорини ривожлантиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражасига уни давлат томонидан тартибга солиниш тартиблари ва механизмлари кучли таъсир қилади. Шунинг учун, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш даражасини оптималлаштириш ва механизмларини такомиллаштириб бориш талаб қилинади. Амалдаги қонунчиликда қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш:

- ҚҚБдаги профессионал фаолиятни ҳамда биржа фаолиятини лицензиялаш ва (ёки) бундай фаолиятга нисбатан мажбурий талаблар белгилаш;
- қимматли қоғозлар чиқарилишларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда чиқариш тўғрисидаги қарорларда назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларга эмитентларнинг риоя этишлари устидан назорат қилиш;
- қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилинишини таъминлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

– ҚҚБ профессионал иштирокчиларининг мутахассисларини аттестациядан ўтказиш;

– ҚҚБ иштирокчиларининг фаолияти устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилиш орқали амалга оширилади.

Ҳозирда ҚҚБ профессионал иштирокчилари ўзлик капитали учун белгиланган минимал лицензион талаблар юқори бўлмоқда, жисмоний шахсларнинг профессионал фаолиятини аттестациядан ўтказиш ўта кучайтирилган талаблар билан амалга оширилмоқда. Ушбу ҳолатда ҚҚБнинг давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ва усуллари миллий фонд бозорининг илдам ривожланиши учун тўсик бўлмоқда. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «юртимизда фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим», – деб бежиз айтмаганлар.

2017 йил охирига келиб жами рўйхатдан ўтган акциядорлик жамиятларининг 172 тасининг устав фондида 38,12 триллион сўмлик давлат акция пакетлари мавжуд, яъни республика жами акциядорлик капиталининг 80 фоизи давлат эгалигида сақланмоқда. Демак, бутун республика акциядорлик жамиятларида давлат иштироки ўта юқори бўлиб, ушбу масаладаги жаҳон тажрибаси асосида уни оптималлаштириш масаласи долзарб бўлмоқда.

Ҳозирда корхоналарда давлат активларининг сақланиши асосан икки шаклда амалга оширилмоқда:

– давлат унитар корхонаси;

– корпоратив корхона устав фондида иштирокчилик.

Давлат ўз унитар корхонасини бевосита бошқарса, акциядорлик жамияти каби корхоналарни бошқариш учун унинг корпоратив бошқарувида иштирок қилиши лозим бўлади. Шу билан бирга, давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштироки қуйидаги механизмлар асосида амалга оширилмоқда:

– *биринчидан*, заруриятга қараб корпоратив бошқарувнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини ҳосил қилиш ва такомиллаштириш ҳамда АЖ томонидан қонунчилик меъёрларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш ёрдамида;

– *иккинчидан*, давлат улуши мавжуд АЖлар корпоратив бошқарувида бевосита иштирок қилиш ва «олтин акция» қўлланилиши ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинган АЖни бошқаришда қатнашиш.

Бунда давлат акциялар пакетларини бошқариш аниқ мақсадларга бўйсундирилган:

– давлат бюджетининг солиқдан ташқари даромадларини ошириш;

– табиий монополияларни тартибга солиш, мамлакат муҳофаа қобилиятини ва хавфсизлигини ошириш, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш;

– ишлаб чиқаришнинг ривожланишига шароит яратиш, хўжалик жамиятлари фаолиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, инвестициялар жалб қилиш;

– иқтисодиётда институционал ўзгаришларни амалга ошириш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун давлат акциялар пакетларини бошқариш қуйидаги асосий тамойиллар асосида амалга оширилмоқда:

– аниқ АЖ акция пакетларининг давлат эгалигида қолдирилиши зарур бўлган мақсадларнинг аниқланиши ва мос равишдаги ҳуқуқий ҳужжатларида аниқ ёритилиши;

- минимал етарлилик;
- самарали бошқариш орқали ресурсларни имкон даражасида тежашга эришиш учун корхона устав фондида давлат иштирокининг зарурияти;
- бошқарувнинг профессионализи, давлат акция пакетларини бошқаришга юқори малакали мутахассисларнинг жалб қилиниши назарда тутилиши;
- давлат акция пакетларини бошқарувчилар билан самарали ўзаро муносабатда бўлиш тизимининг мавжудлиги.

Ўзбекистон акциядорлик жамиятларидаги давлат акция пакетларини бошқаришда жаҳон амалиётида кенг тарқалган уч вариант (модел) қўлланилмоқда:

– акциядорлик жамиятлар бошқарув органларига давлат хизматчиларини сайлаш (тайинлаш). Бу вариант Ўзбекистонда 1998 йилдан бери қўлланади. Давлат улуши 25 фоиздан ошадиган ҳар бир акциядорлик жамиятларида акциядорлар умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида қатнашиш учун давлат ишончли вакиллари тайинланади;

– давлат акция пакетларини шартнома асосида ишончли бошқарувга бериш (Америка модели). 1998 йилгача бу йўл билан барча давлат акция пакетлари бошқариш эди. Ишончли бошқарувчилик вазифаси, бошқарилувчи акция пакетлари устав фондларига берилмаган ҳолда, бозор ислохотларининг дастлабки йилларида тугатилган тармоқ вазирликлари негизида ташкил қилинган уюшмалар, корпорациялар ва бошқа хўжалик бирлашмалари зиммасига юклатилган эди. 1998–2002 йилларда хўжалик бирлашмалари ишончли бошқарувида 25 фоиз ва ундан кам миқдордаги акция пакетлари берилган эди. Кейинчалик ушбу акция пакетларини профессионал бошқарув компанияларига ишончли бошқарувга бериш бошланди;

– ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) бир жинслилиги, кооперацион алоқалар яқинлиги ва бошқа белгилар бўйича устав фондида давлат улуши иштирок қилган корхоналарни тармоқ (кўп тармоқли) давлат холдинг компанияларига бирлаштириш (Италия модели).

Шу билан бирга, корпоратив корхоналарда давлат улушининг юқори даражада сақланиши ва ушбу билан боғлиқ равишда вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан корхона фаолиятига эски маъмурий-буйруқбозлик шаклларида тазйик ўтказишга уриниш ҳоллари сақланиб келмоқда. Шунинг учун, ҳукумат томонидан корпоратив корхоналарда давлат улушини қисқартириш ва унинг даражасини асослашдек вазифа қўйилмоқда.

Миллий қимматли қоғозлар бозори ва давлат инвестиция активларини бошқаришнинг институционал асосларини такомиллаштириш борасида мувофиқ қонунчилик-меъёрий асослари янада ривожлантирилиши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу жабҳадаги энг долзарб йўналишга 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ қабул қилиниши билан асос солинди. Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган йўналиши инвесторларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлатнинг иқтисодий реал секторида инвестор сифатида иштирокини оптималлаштиришга қаратилган. Ҳаракатлар стратегиясида:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган.

– фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш;

– инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

– корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш масалаларини ҳал қилиш белгиланган.

Ушбу Фармоннинг 8-илоvasи билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига биноан:

1. Давлат мулкidan самарали фойдаланишда бошқарувнинг энг замонавий турларини жорий этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мулкани бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Лойиҳада:

– давлат мулкidan самарали фойдаланишда бошқарувнинг энг замонавий турларини жорий этиш;

– давлат унитар корхоналарини бошқаришга бизнес бошқарув усулларининг энг илғор шаклларини (бенчмаркинг) жорий этиш;

– устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда корпоратив бошқарувнинг илғор усулларини жорий этиш назарда тутилади.

2. Капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган. Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилиши белгиланган:

– мустаҳкам молиявий институтлар (банклар, суғурта компаниялари, йирик давлат компаниялари, акциядорлик жамиятлари)га қимматли қоғозлар (облигациялар, векселлар ва бошқалар) чиқаришга рухсат бериш;

– қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг молия бозорининг замонавий воситалари ролини кучайтириш, яъни мазкур органи назорат органи сифатида эмас, балки қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида фаолияти самарадорлигини ошириш;

– қимматли қоғозларни дастлабки ва қўшимча эмиссия қилишни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш;

– алоҳида миллий корхоналар акцияларининг хорижий нуфузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишига эришиш (IPO), уларнинг хорижий капитал бозорига чиқишини таъминлаш.

10.4. СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН БАЗАНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Солиқлар аксарият давлатларда бюджет даромадларининг асосий манбаи бўлгани ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат, ҳудудий ва маҳаллий дас-турларини молиялаштириш воситаси ҳисобланади. Солиқ тушумлари даражасини эса устувор равишда иқтисодиётдаги солиқ солиш базалари белгилаб беради.

Маълумки, солиқ базаларини кенгайтиришнинг иккита йўналиши мавжуд: ҳуқуқий ва иқтисодий.

Биринчи йўналиш «кафолатланган» бўлиб, бунда давлат ё мавжуд солиқлар базаси таркибини кенгайтириш, яъни унга янги элементларни қўшиш ёки бевосита янги солиқларни киритиш йўлидан боради. Мазкур ҳолатда солиқ солиш базалари фақат давлат назоратидаги, яъни ҳисобга олинган (олиши мумкин бўлган) иқтисодиёт доирасидагина ошади. Ушбу йўлнинг кафолатланганлиги шундаки, мавжуд солиқ солиш базаларининг кенгайтирилиши ёки янги солиқларнинг киритилиши солиқ юкининг ошиши ҳисобига давлат бюджетига солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади. Бироқ, бу йўл билан давлат солиқ тушумларини фақат маълум бир нуқтагача ошириб бора олади. Шундан у ёғига солиқ юкини ошириб бориш иқтисодиётга зарар келтиради ҳолос. Солиқ юкининг оғирлашуви яширин иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.

Демак, солиқ тушумларини кўпайтириш учун солиқларнинг базаларини ҳуқуқий кенгайтириш ёки солиқ ставкаларини кўтариш ҳисобига солиқ юкини ошириш эмас, балки иқтисодиётда солиқ солиш базаларини кенгайтириш лозим. Бу, юқорида таъкидлаганимиздек, солиқ солиш базаларини кенгайтиришнинг иқтисодий йўналишидир. Бу йўналишнинг ўзида ҳам давлат икки томонлама йўл тутиши мумкин. Бир томондан, мавжуд солиқ тўловчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларига қулай солиқ муҳитини таъминлаш, уларнинг ўз бизнесини ривожлантиришини ҳар томонлама рағбатлантириш ҳисобига солиқ солиш базаларини кенгайтириш. Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бу борада жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида чуқур ислоҳотлар олиб борилди. Иккинчи томондан, иқтисодиётдаги норасмий даромадларни солиққа жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳисобига давлат солиқ базаларини кенгайтириши мумкин. Ҳисоби юритилмаётган ёки назоратга олинмаган даромадларнинг катта қисми эса яширин иқтисодиётда шаклланади.


Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланиш эволюциясига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ўтган йигирма олти йил мобайнида бир-бири билан таққослаб бўлмайдиган ҳар хил кўринишларда намоён бўлганини кўриш мумкин. Бу, албатта, моҳияти жиҳатидан мутлақо фарқланадиган икки хил иқтисодиёт ўртасидаги ўтиш даврига хос тенденциядир. Мамлакат солиқ тизими шаклланишининг таҳлили шуни кўрсатадики, у дастлабки даврлардаги фискаллик характеридан йиллар мобайнида иқтисодиётни тартибга солувчанлик тусига кириб борди.

Ўзбекистон солиқ тизимида шу пайтгача олиб борилган ислоҳотларни уларнинг моҳиятига кўра қуйидаги тўрт турга ажратиш мумкин:


- иқтисодиётга солиқ юкини камайтиришга қаратилган ислоҳотлар;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқ механизми воситасида рағбатлантиришга қаратилган ислоҳотлар;

- ресурслардан самарали фойдаланишни солиқ инструменти орқали тартибга солишга қаратилган ислохотлар;
- солиқ маъмурчилиги, хусусан солиқ назоратини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар.

Иқтисодийётга солиқ юкини камайтиришга қаратилган ислохотлар самарасини кўйидаги диаграмма орқали таҳлил қиладиган бўлсак, кўринадикки 1991 йилда солиқ юки ЯИМга нисбатан 41,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йил якунларига келиб бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларидагига нисбатан икки баробар қисқарган ва 20,6 фоизни ташкил қилган.



10.7-расм. Ўзбекистонда солиқ юки даражасининг ўзгариши (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)¹



10.8-расм. Ривожланган мамлакатларда солиқ юки даражалари (солиқ тушумларининг ЯИМдаги салмоғи, 2015)²

¹ *Манба:* 1) Альманах Узбекистан; 2) Финансы Узбекистана: статистический сборник; 3) www.mf.uz/mf-resources-menu/mf-state-budget-menu.html.


² *Манба:* http://en.wikipedia.org/wiki/List_of_countries_by_tax_revenue_as_percentage_of_GDP. (Data based on Heritage Foundation (2015) “2015 Macro-economic Data” and Index of Economic Freedom)

Ўзбекистонда шаклланган солиқ юки даражасини халқаро миқёсда солиштириб кўриш мақсадида, макродаражадаги солиқ юки кўрсаткичларини қатор мамлакатлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, юқори даражада ижтимоий ҳимоя йўлга қўйилган давлатларда солиқ юкининг энг юқори даражаларини кузатиш мумкин.

10.8-расмдан кўринадики, иқтисодиёти ривожланган давлатлар ичида макроиктисодий солиқ юки кўрсаткичининг энг юқори даражалари Скандинавия ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келади. Бу мамлакатларда солиқ тушумларининг ЯИМдаги салмоғи 40 фоиз ва ундан юқори даражани ташкил қилади. Бунинг сабаби шундаки, айнан ушбу мамлакатларда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси юқори даражада таъминланган, солиқлардан сезиларли миқдорларда стандарт ва ўзгарувчан ижтимоий чегирмалар мавжуд бўлгани ҳолда, юқори солиққа тортиш даражаси кузатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, солиқ юкининг юқори даражаси албатта шу давлатда кучли ижтимоий ҳимоя йўлга қўйилганлигидан далолат бермайди. Мамлакатдаги юқори фискаллик, аксинча, айрим давлатларда яширин иқтисодиётнинг кучайганлигидан бўлиши ҳам мумкин. Чунки, иқтисодий фаолият турлари, оборотлар, даромадлар, мулклар ва бошқа солиққа тортиш мумкин бўлган объектларнинг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги охир-оқибатда ялпи солиқ базаларининг торайишига олиб келади. Тор солиқ базаси эса юқори солиқ ставкаларини талаб қилади.

10.9-расмдан кўринадики, Зимбабве ва Куба каби давлатларда солиқ юки даражаси иқтисодиёти юксак бўлган қатор мамлакатларникидан анча юқори. Бундан ташқари, давлатлар бўйича солиқ юки даражасининг қиёсий таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, солиқ юки кўрсаткичи иқтисодиётнинг қай даражада ривожлангани ёки мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг қай даражада таъминланганига баҳо беришга ягона асос бўла олмайди. Бу кўрсаткичнинг даражаси мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий сиёсати хусусиятлари, уларда табиий ресурслар ҳолати, аҳолиси, географик жойлашуви ва бошқа қатор омиллар таъсирида шаклланади.




10.9-расм. Ривожланаётган мамлакатларда солиқ юки даражалари (солиқ тушумларининг ЯИМдаги салмоғи, 2015)¹

¹ Манба: http://en.wikipedia.org/wiki/List_of_countries_by_tax_revenue_as_percentage_of_GDP. (Data based on Heritage Foundation (2015) «2015 Macro-economic Data» and Index of Economic Freedom)

Ўзбекистоннинг расмий эълон қилиб бориладиган солиқ юки даражасини бошқа давлатлар билан солиштирадиган бўлсак, кўринадикки, қатор Европа мамлакатларидагидан бу кўрсаткич икки марта кам, Покистон, Эрон, Саудия Арабистони ва Қувайт каби давлатлардагидан эса анча юқори. Демак, солиқ юки Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг халқаро миқёсдаги даражалари қаторида ўртароқдан жой олган, дейиш мумкин. Бироқ, биз қиёслаётган солиқ юки кўрсаткичи Ўзбекистонда фақат солиқ тушумлари, яъни давлат бюджетининг мақсадли жамғармаларсиз солиқ даромадларининг ЯИМга нисбатини акс эттиради. 2- ва 3-расмларда келтирилган халқаро солиқ юки кўрсаткичларида эса давлат бюджетининг барча солиқ даромадлари, шу жумладан, мажбурий ижтимоий тўловлар ҳам ҳисобга олинган.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқ юкини тўлақонли баҳолаш учун фақат давлат томонидан «солиқ» деб ном берилган мажбурий тўловларни эмас, балки номланишидан қатъи, назар, солиқ моҳиятига эга бўлган ва, энг асосийси, солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан «солиқ» деб тан олинган барча мажбурий тўловларни таҳлилга киритиш лозим. Шу жиҳатдан қараганда, республикамизда солиқ юки даражаси сал бошқачароқ рақамларда гавдаланади.

Таҳлилга давлат мақсадли жамғармаларининг солиқ (солиқ характеридаги) даромадлари, яъни ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари, реализация ҳажмига нисбатан (оборотдан) мажбурий ажратмалар, автотранспорт воситаларини олганлик ёки республика ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик ҳамда уларнинг транзити учун йиғимлар ҳам киритилган ҳолдаги жамланган солиқ юки даражасининг динамикаси охириги ўн йилда қуйидагича бўлганлигини кўриш мумкин.



* 2015–2016 йил ҳисоб-китоблари прогноз параметрлари асосида амалга оширилган.

10.10-расм. Ўзбекистонда жамланган солиқ юки даражаси динамикаси (ЯИМга нисбатан фойзда)¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг статистик манбалари (stat.uz/index.php/interaktiv/dinamicheskie-ryady; mf.uz/mf-resources-menu/mf-state-budget-menu.html; Альманах Узбекистан; Финансы Узбекистана. Статистический сборник) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Диаграммадан кўринадики, жамланган солиқ юки даражаси 2005 йилда 30,6 фоиз бўлгани ҳолда, 2013 йилда қарийб 32 фоизни ташкил қилган. Демак, сўнгги ўн йил мобайнида бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ўзбекистонда жамланган солиқ юки даражаси халқаро кўрсаткичлар билан таққосланганда ривожланган давлатлар бўйича ўртача, дунё бўйича эса ўртачадан юқорироқ ўринда. Бироқ, ривожланаётган ва ривожланиш даражаси Ўзбекистонга яқин бўлган мамлакатлар билан таққослаганда республикамызда солиқ юки даражаси анча юқори эканлигини кўрамыз.

Бундан ташқари, амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат солиқ тизими иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг ҳозирги талабларига ўз вақтида ва тўлиқ жавоб беролмай қоляпти. Хусусан, солиқ қонунчилиги тез-тез ўзгараётгани солиқ тизимидаги нобарқарорликни келтириб чиқараётган бўлса, солиқ тизимининг турли режимларга асослангани солиққа тортишнинг корхоналар мақоми ва иқтисодий фаолият турларига қараб табақаланишига, бу эса иқтисодиётда солиқ юкининг нотекис тақсимланишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодиётда барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Солиқ юкини барча тадбиркорлик субъектларига мутаносиб тақсимлаш ва бир хилда камайтириш солиққа тортишдаги бош мезон, яъни адолат принципига риоя этилишини таъминлайди. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, мамлакат солиқ тизимини унификациялаш лозим. Чунки, амалдаги солиқ тизими турли солиқ режимларига асослангани сабаб, Ўзбекистонда солиққа тортиш ҳаддан ташқари табақаланиб кетган. Бундай шароитда солиқ юкини адолатли тақсимлашнинг иложи йўқ.

Солиққа тортишдаги асосиз табақалашув Ўзбекистон солиқ тизимини мураккаблаштириб, халқаро андозалардан анча йироқлашиб кетишига олиб келди. Натижада мамлакатимиз солиқ тизимининг дунё миқёсидаги рейтинги тушиб кетиб, бизнес юриштиш имкониятлари нуқтаи назаридан ҳам Ўзбекистон рейтингининг қуйи поғоналарда бўлиб келишига сабаб бўлди.

Бир қатор тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда солиқларнинг асосий оғирлиги умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи хўжалик субъектларига, хусусан йирик саноат-ишлаб чиқариш корхоналарига юкланган. Йирик бизнес субъектлари солиқ юки кичик бизнесниқига нисбатан оғирроқ бўлиши табиий, буни аксарият давлатлар амалиётидан ҳам кўриш мумкин. Бироқ, бизнинг республикамыздаги солиқ юки даражаларидаги кескин тафовут назарий жиҳатдан ҳам асосланмаган, халқаро амалиётда ҳам кузатилмайдиган ҳолатдир.

Амалдаги умумбелгиланган солиққа тортиш тизими кичик корхоналарнинг рақобатбардош бўлиши ва йириклашувига имкон бермайди. Чунки кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг ягона мезони, бу – ишловчиларнинг чегараланган сони бўлиб, ходимлар сонининг мазкур чегарадан оширилиши кичик корхоналар учун содалаштирилган солиқ режимдан умумбелгиланган солиқ режимига ўтиш мажбуриятини юзага келтиради. Бу эса улар учун солиқ юкининг 2–3 баробар ошиб кетиш хавфини туғдиради. Оқибатда кичик корхоналар ҳар қандай йўл билан бўлса-да «йириклашмасликка» ва шу орқали «қулай солиқ муҳити»да қолишга интилади. Бу эса, амалдаги солиқ тизимининг рақобатбардош йирик корхоналар кўпайишига асосий тўсиқ эканлигини асослайди.

Шу сабабдан ҳам, *Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатнома-сида тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириши сиёсатига ўтиш лозимлигини таъкидлагани бежизга эмас*. Буларнинг барчаси мамлакатимизда солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бунда амалиётда синалган илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Солиққа тортишнинг хориж тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, республика-мизда солиқ юкини барчага мутаносиб тақсимлаш, солиққа тортишни соддалаштириш, мулк, ер, сув ва табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва, ўз навбатида, солиқ солиш базаларини кенгайтириш учун, энг аввало, солиққа тортишнинг соддалаштирилган ва бошқа махсус режимларини босқичма-босқич бекор қилиб, барча тадбиркорлик субъектларини умумбелгиланган солиқ режимига ўтказиш орқали солиқ тизимини унификациялаш лозим.

Солиқ юки тақсимотидаги тенгсизликни, шунингдек, солиқ бўйича қарздорликларни бартараф этиш учун, биринчи навбатда, солиққа тортиш борасида барча тадбиркорлик субъектларига бизнес юритишлари учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратилиши лозим.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, Шавкат Мирзиёев «*Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак*»лигини таъкидлади.

Барча тадбиркорлик субъектларини умумбелгиланган солиқ режимига ўтказишда амалга оширилиши лозим бўлган биринчи ва муҳим вазифа, бу – умумбелгиланган режимдаги солиқлар сонини қисқартириш ва юкини камайтиришдир. Бироқ, солиқ тизимида ислоҳотларни шошма-шошарлик билан, муқобил вариантларни ишлаб чиқмасдан амалга ошириб ҳам бўлмайди. Шу сабабдан ҳам *республика раҳбари 2018 йил-да солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечилишини таъкидлади*. Чунки ислоҳотлар даврида давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарорлиги сув билан ҳаводек зарур.

Кичик бизнес субъектларини босқичма-босқич умумбелгиланган солиқ режимига ўтказиб боришда, биринчи навбатда, *кичик корхоналар учун қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтишни рағбатлантириш шарт*.

Ўзбекистон солиқ тизимининг рақобатбардошлиги ва адолатлилигига путур етказаетган муаммолардан яна бири, бу – индивидуал характердаги солиқ имтиёзлари беришга ружу қўйилганлигидир.

Барча бизнес субъектлари ва, умуман, иқтисодиётга солиқ юкини камайтиришдан кутилиши мумкин бўлган бюджет йўқотишларини қоплашнинг муҳим йўналишларидан бири, бу – қатор иқтисодий асосланмаган ва самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилишдир. Амалдаги солиқ қонунчилигига биноан юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилинган. Бироқ, имтиёзларнинг фақат айрим фаолият турларига ёки тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга берилиши албатта қолган бошқа солиқ тўловчиларнинг зиммасидаги солиқ юкининг янада оғирлашувига сабаб бўлади. Республика-мизда амалда бўлган айрим солиқ имтиёзлари айнан шундай ҳолатни юзага келтирмоқда.

Солиққа тортишдаги назарий принциплардан энг асосийси адолат принципи бўлиб, у солиққа тортишдаги умумийлик ва тенгликни назарда тутди. Бундай принцип Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳам ўз аксини топган бўлиб, 8-модда

«солиқ солишнинг адолатлилиги принципи»¹ деб номланади. Унга кўра, солиқ солиш умумийдир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари *Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни таклиф этди.*

Энг муҳими, инвесторлар назари билан қараганда, солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун солиқ тизимида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим.

10.5. БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ОЧИҚ ВА ОШКОРА БЎЛИШINI ТАЪМИНЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз бюджет тизимини қайта кўриб чиқишимиз, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очик ва ошкора бўлишини таъминлашимиз зарурлиги таъкидлаб ўтилган.²

Шунингдек, мазкур Мурожаатномада Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги давлат бюджети ҳамда солиқ тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ муҳим қонунлар маъқулланганлиги, Президент томонидан ушбу қонунларда халқимиз манфаатларини тўла акс эттириш, тадбиркорлар ва инвесторлар учун янада қулай шароит яратиш, ҳудудларимизни ривожлантириш бўйича аниқ чоралар назарда тутилишига алоҳида эътибор қаратилганлиги, шу билан бирга, керак бўлса, бу қонунларни оддий одамларимиз ва тадбиркорларимиз манфаати нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга ҳам тайёр эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда 2017 йилни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши барча даражадаги давлат органларини фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини тубдан ўзгартиради.

Шу ўринда, 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётини муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил сифатида тарихга кирганлиги алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Мазкур тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналарига қилинган фуқаролар мурожаатлари натижасида уларнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда ўз ифодасини топаётганини яна бир бор кўрсатиб берди. Бундан ташқари жойлардаги раҳбарлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси: 8-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 52 (I)-сон, 2007, декабрь. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь.

Ахборот олиш ҳуқуқи мамлакатнинг олий қонун ҳужжатлари билан кафолатланган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларидан биридир. «...Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир» (29-модда). «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим» (30-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига (7-моддаси) мувофиқ ошкоралик Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Ушбу тамойил давлат бюджетининг тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартибини жамият ва оммавий ахборот воситаларига очиқ бўлишини ҳамда тасдиқланган давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ва уларнинг ижроси эълон қилинишини назарда тутди.

Мазкур тамойилнинг амалга оширилиши мамлакатимизда Ўзбекистонни 2017–2021 йиллар учун янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиниши ҳамда 2017 йилни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан долзарб масалага айланди.

Янги ташаббуслар маълумотларни ошкор қилиш ва Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш жараёнларига фуқароларни жалб қилиш механизмларини жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бюджет тўғрисида маълумотларни ошкор этиш ва фуқароларнинг бюджет жараёнига жалб қилиниши ҳукуматнинг бюджети юзасидан қабул қилинадиган қарорлари асосланганлигига аҳолининг ишончи ошади ва, умуман, жамиятнинг давлатга ишончини оширади, олиб борилаётган давлат сиёсатидан қониқарлилик даражаси ортишига ҳамда солиқ тўловчиларнинг масъулияти ва интизомига ижобий таъсир этади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг давлат органлари фаолиятига жалб этилиши нафақат бюджет харажатларининг самарадорлигини оширишга, балки коррупцияни камайтиришга, шунингдек, катта харажатларни талаб қиладиган, аммо ижтимоий фойдали бўлган ишларни молиялаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Турли давлатларнинг ҳукуматлари давлат молияси бўйича кенг доирадаги маълумотларни очиқ берадилар. Бунга солиқлар йиғиш ва давлат маблағларини ишлатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш, ички ва ташқи қарзини бошқариш, давлат корхоналарига инвестициялар ажратиш ва уларнинг фаолиятдан кўриладиган фойда ва бошқа маълумотлар киради. Бундай маълумотларнинг чоп этилиши давлатнинг кредит лаёқатини аниқлаш ва тасдиқлаш ҳамда унинг кредит рейтингини яхшилаш имконини беради. Шу билан бирга маълумотлар очиқлиги давлат фаолиятида мавжуд бўлган муаммоларга жамоатчилик диққат-эътиборини қаратиш ва зарур бўлса муаммоларнинг эрта олдини олиш имконини беради.


Шу муносабат билан сўнгги йигирма йил давомида давлат ва маҳаллий бюджетларнинг тузилиши, тасдиқланиши ва ижро этилиши, шунингдек, ҳукуматлар томонидан солиқларни йиғиш, қарз олиш ва бюджет маблағларини сарфлаш учун янада самарали ҳисобдорлигини таъминлаш бўйича тадбирлар бутун дунёда кучайиб кетди.¹

¹ *Petrie M., Shields J. Producing a Citizen's Guide to the Budget: Why, What and How? // OECD Journal on Budgeting. 2010. Vol. 2. P.1–13.*

Очиқ бюджет тадқиқотида дастлабки сўровдан буён катнашаётган давлатлар сони 2006 йилда 59 мамлакатдан 2015 йилда 102 та давлатга қадар кенгайтирилди ва бюджет очиклиги индексини ўзгариши бюджет ошкоралигининг ўсишини кўрсатди. Мисол учун, кўриб чиқилган ўн йил мобайнида Россия бюджетнинг очиклиги бўйича ўрни (59 мамлакат орасида) 11 (102 мамлакат орасида) поғонага кўтарилди. Ушбу баҳолашда Ўзбекистон ҳали иштирок этгани йўқ.

Бюджет жараёнининг самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг давлат бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларининг янги шаклларига ўтиш учун бюджет тизими, барча даражадаги бюджетларни, давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш ва ижро этиш тўғрисида фуқароларга кенг маълумот беришни таъминлаш зарур.

Маълумот турли мақсадли гуруҳлар (илмий жамоалар, журналистлар, ишбилармонлар, ёшлар, нафақахўрлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлар ва бошқалар) манфаатларига мувофиқ гуруҳланган ва содда тилда ёзилган бўлиши керак. Бу бюджет сиёсатининг мақсад ва устувор йўналишларини англашни аниқ тушунишни таъминлайди, шунингдек бюджетни муҳокама қилиш ва унинг ижроси устидан назорат қилиш жараёнига фуқароларни жалб қилишни осонлаштиради.



Бугунги кунда бюджет очиклигини таъминлаш, асосан 4 жиҳатни ўз ичига олади ва булар куйидагилардир:

- бюджет очиклиги индекси, бу – ҳукумат бюджет ҳужжатларини жамоатчилик эътиборига қанчалик ўз вақтида ҳавола қилгани, ҳар бир ҳужжат қай даражада тўлиқ ёритилганини баҳолашдир;
- қонун чиқарувчи ҳокимият органлари фаолиятининг бюджетни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнидаги самарадорлигини баҳолаш;
- бюджет жараёнида олий назорат органининг самарадорлигини баҳолаш;
- бюджет жараёнида жамоатчиликнинг иштироки самарадорлигини баҳолаш.

Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг асосий тенденцияларидан бири, бу – барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклигидир. Бу давлат молияси соҳасига ҳам тегишли бўлиб, бу борада маълумотлар очиклигининг зарур шарти бюджет, унинг шаклланиши ва ижроси тўғрисида ишончли ва тўлиқ маълумотнинг кенг оммага эълон қилиниши ҳисобланади.

Нима учун фуқаролар давлат бюджети ҳақида билиши керак?

Улар солиқларни нима учун тўлаётганини, тўланган солиқлар нимага сарфланаётганини, давлат томонидан қандай мажбуриятлар ва кафолатлар олинганини, улар қандай бажарилаётганини, бюджет маблағлари давлат томонидан қанчалик самарали ва одилона тақсимланаётганини, давлат харажатларида қандай устувор йўналишлар мавжудлигини, улар аҳоли турмуш тарзида қандай акс этишини *тушуниш учун*, шунингдек, бюджетни муҳокама қилиш ва режалаштиришда, бюджет маблағларини сарфлаш йўналишларини белгилашда *иштирок этиш учун ва жамоат назоратини амалга ошириш учун*. Бюджет сиёсати, бюджет жараёни ва давлат молияси соҳасидаги аҳоли иштирокини ошириш халқаро ҳамжамият томонидан барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарти сифатида эътироф этилмоқда.

Нима учун давлат бюджет ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиши керак?

Бу олиб борилаётган сиёсат, давлат дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун, жамоат назоратини ўрнатиш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш учун, жамиятда тотувлик ҳамда давлат хизматларидан қониқиб руҳини таъминлаш учун керак.

Жаҳон амалиётида очиқлик бўйича бюджет тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишнинг турли усулларидан фойдаланаётган кўплаб лойиҳалар мавжуд. Буларга махсус веб-сайт ёки бюджетга бағишланган очиқ маълумотлар портали, босма оммавий ахборот воситаларидаги нашр ёки электрон оммавий ахборот воситаларидаги кўрсатув, ижтимоий тармоқлардаги саҳифа, мобиль иловалар, ижтимоий реклама ва бошқалар бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда бюджет тўғрисидаги маълумотлар махсус порталлар ва идоралар расмий веб-сайтларида жойлаштирилади ва бюджет жараёнида ишлатиладиган норматив ҳужжатлар, бюджетнинг асосий параметрлари (даромадлар ва харажатлар, умумий макроиқтисодий прогноз ва бошқалар), таҳлилий ва изохли материалларни ўз ичига олади. Бироқ, барча ҳолатларда, оддийгина бюджет маълумотларини нашр этиш етарли эмас.

Бюджет, бу – одатдаги фуқаро тушуниши мумкин бўлмаган махсус атамалар, кодлар ва рақамлар тўпламларини ўз ичига олган мураккаб техник ҳужжатдир. Давлат бюджети ташкил этувчи ҳужжатнинг ҳажми ҳам бир муаммо бўлиши мумкин. Ҳукумат томонидан парламентга тақдим этиладиган бюджет материаллари ва тасдиқланган бюджет минглаб бетдан иборат бўлиши мумкин ва оддий фуқаро уни ўқиб чиқа олмаслиги мумкин.

Масалан, 2018 йилга мўлжалланган Германия федерал бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси 2980 бетдан иборат.¹

Шунинг учун бу борада асосий масала техник бюджетни рақамлар ва молиявий терминлар тилидан оддий фуқароларга тушунарли тилга ўгириш, шунингдек, улар учун энг муҳим ва фойдали ахборотни танлашдир. Жаҳон амалиётида ушбу масалани ҳал қилиш фуқаролар бюджетини тайёрлаш ва нашр этиш орқали амалга оширилмоқда.

Бюджетнинг очиқлиги бўйича халқаро ташкилотлар фуқаролар бюджетининг чоп этилишини бюджетнинг очиқлиги мезонларидан бири деб ҳисоблайди. Шундай ташкилотлардан Халқаро Бюджет Ҳамкорлиги ташкилоти (ХБХ) (International Budget Partnership) бюджетнинг очиқлик индексини белгилашда фуқаролар бюджетининг мажбурий чоп этилиши лозим бўлган бюджет ҳужжатлари қаторига киритган.

Ўзбекистонда 8 та бюджет ҳужжатининг ХБХ томонидан эълон қилиниши тавсия этилган (фуқаролик бюджети бундан мустасно) 7 таси тайёрланади, лекин фақат иккитаси чоп этилади: қабул қилинган бюджет ва бюджет ижроси тўғрисидаги маълумот.

Фуқаролар бюджети, бу – кўриб чиқиладиган бюджет (бюджет лойиҳаси) ёки қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланган бюджет, шунингдек, унинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар қисқача ва тушунарли тарзда акс эттирилган ҳужжатдир.

«Фуқаролар бюджети» тушунчаси бугунги кунда жуда долзарб бўлиб бормоқда, чунки давлат сиёсатига оид кўпгина муаммоларни ҳал қилиш кенг жамоатчилик иштирокини талаб қилади.

Фуқаролар бюджетини чоп этишдан мақсад бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари, бюджетни шакллантириш ва ижроси, даромад манбалари ва бюджет харажатлари, бюджет маблағларидан фойдаланиш натижалари билан фуқароларни таништириш, шунингдек, уларни бюджет жараёнига жалб қилиш каби мақсадлар кўзда тутилади.

¹ <http://dipbt.bundestag.de/dip21/btd/18/130/1813000.pdf>


ФУҚАРОЛАР БЮДЖЕТИ КОНЦЕПЦИЯСИ

Фуқаролар бюджети нима?

Мақсадлар: нима учун фуқаролар бюджет ҳақида билиши керак?

Мақсадлар: нима учун давлат фуқароларга бюджет ҳақида ахборот бериши керак?


Мақсадли гуруҳлар



Фуқароларга қандай маълумотлар берилиши керак?

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Яқин истиқболда давлат сиёсати қайси соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилади? ➤ Биринчи навбатда нимага эътибор берилади?
Умумий бюджет сиёсати	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Бюджет сиёсатининг мақсадлари. ➤ Бюджет сиёсатини амалга оширишдаги мавжуд имкониятлар ва чекловлар.
Бюджет даромадлари	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Қандай солиқ ва тўловлар бюджетни шакллантиради? ➤ Уларнинг ставкалари.
Бюджет харажатлари	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Бюджет маблағлари қандай мақсадлар учун сарфланмоқда? ➤ Қайси соҳалар устувор ҳисобланади ва нима учун? Бу фуқароларга қандай таъсир этади?
Бюджет баланси ва давлат қарзи	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Бюджет натижаси қандай ва нима учун? Давлат нима ҳисобидан дефицитни қоплайди? ➤ Давлат қарзи миқдори нима? Давлат қарзи фуқароларга қандай таъсир этади?
Бюджетлараро муносабатлар	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Маҳаллий бюджет республика бюджетидан қандай шаклда ёрдам олади?
Давлат мақсадли фондлари	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Давлат мақсадли фондларини ташкил этишдан мақсад нима? ➤ ДМФнинг қандай хизматларидан ва қанча миқдорда фойдаланиш мумкин?
Давлат дастурлари	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Давлат дастурларининг мақсад ва вазифалари. ➤ Давлат дастурларини амалга оширилишидан фуқароларга қандай фойда бор?

Ахборотларни тақдим этиш ва визуализация усуллари



Тарқатиш шакллари ва каналлари

ОАВ	➤ Ахборотнома, мақола ва брошюралар кўринишида нашр этиш.
Интернет	➤ PDF форматда МВ сайтига жойлаштириш. ➤ Интерактив кўринишида. МВ веб-сайтида бюджет тегишли саволлар бўйича фуқаролар билан мулоқотни таъминлаш имконини берувчи ойнага эга бўлади (форум, савол ва жавоблар).
Конференция, учрашув, «давра суҳбати»	➤ Фуқаролар учун бюджет асосида тайёрланган буклет, брошюралар
Телевидение ва радио	➤ Фуқаролар учун бюджет мазмуни ҳақидаги маълумотлар. ➤ Бюджет муҳокамасига бағишланган радиозиттириш ва телекўрсатувлар.

10.11-расм.

Фуқаролар бюджети, бу – батафсил маълумотларни чоп этиш дегани эмас, лекин у оддий фуқароларга ҳукумат режалари ва ҳаракатларини билиш ва тушуниш, уларни назорат қилиш, давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш имконини беради. Фуқаролар бюджетини чоп этиш бюджет жараёни билан шуғулланидиганлар доирасини сифат ва миқдор нуқтаи назардан кенгайтириш имконини беради.

Фуқаролар бюджетини тайёрлашда фуқаролик жамияти институтлари ёки хусусий тузилмалар иштирок этиши мумкин. Бунга яхши мисол машҳур консалтинг ва аудиторлик компанияси Делоитте бошқарадиган <http://www.ukbudget.com> веб-сайти ҳисобланади. Сайтда Буюк Британия бюджети бўйича янгиликлар, таҳлиллар, шарҳлар чоп этилади. Бирок, ХБХ стандартларига мувофиқ фуқаролар бюджети ҳукумат томонидан тайёрланиши ва тақдим этилиши керак. Бу орқали ҳукуматнинг жамоатчиликка ахборот беришни мажбурияти ва олиб бораётган сиёсат учун масъул экани намоён бўлади.

Жорий йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳамкорлигида Фуқаролар бюджети (Халқ бюджети)ни тайёрлаш ва чоп этиш концепцияси ишлаб чиқилган.

Мамлакатимиз учун фуқаролар бюджетини тайёрлаш концепцияси қисқача қуйидаги 10.11-расмда келтирилган.

Ўзбекистонда кенг жамоатчиликка фуқаролар бюджетининг нашр этилишининг аҳамияти ва долзарблиги қуйидагилар билан изоҳланади:

10.2 - ж а д в а л

ХБХ томонидан чоп этиш учун тавсия этилган бюджет ҳужжатларини тайёрлаш ва чоп этиш

Бюджет ҳужжатлари	Тайёрланади	Чоп этилади
Бюджетнинг дастлабки лойиҳаси	✓	
Бюджет лойиҳаси	✓	
Қабул қилинган бюджет	✓	✓
Фуқаролик бюджети		
Жорий ҳисоботлар	✓	
Ярим йиллик ҳисоботлар	✓	
Йиллик ҳисобот	✓	✓
Аудит ҳисоботи	✓	

1. Халқ билан мулоқот ва фуқароларни давлат сиёсатини муҳокама қилиш ва амалга оширишга жалб этишга йўналтирилган (2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси)¹ янги ташаббуслар (ислоҳотлар), хусусан, Давлат дастурининг биринчи, яъни «Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш» деб номланган йўналишини амалга оширишда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини янада кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш назарда тутилган. Маълумки, халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек, маҳалланинг жамиятдаги ролини кучайтириш назарда тутилган.

2. Ёш авлоднинг ижтимоий роли ва фаоллигининг ошиши.

3. Жойлардаги маҳаллий органлар учун Ўзбекистонда ягона бюджет тизими амал қилиниши билан боғлиқ. Бу борада маҳаллий ҳокимият органлари ўз даромад манбалари ва харажатларини амалга ошириш ваколатларига эга бўлиб, бюджет тизимидаги бюджетларнинг барча даромадлари Ягона ғазна ҳисобварағига киритилади ва уларнинг харажатларини тўлаш ушбу ҳисобварақдан амалга оширилади.

4. Нотижорат ва нодавлат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши.

5. Қонунчилик ҳокимиятининг роли ва парламент назоратининг кучайиши.

6. Халқаро ташкилотлар ва донорларнинг Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислоҳотларга қизиқишларининг тобора ортиши ва уларнинг фаолиятининг фаоллашуви.

10.6. ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПУХТА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН, УЗОҚ МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЗАРУРАТИ


Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон иқтисодиётини замонавий бозор муносабатлари асосида қайта қуриш учун амалга ошириладиган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири иқтисодиётнинг реал соҳаларида фаолликни жонлантиришга ёрдам берувчи инвестиция оқимлари учун шароит туғдириш, давлат инвестицияларини амалга ошириш ва корхоналар инвестиция жозибадорлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда катта ютуқларга эришилган бўлиб, охириги йилларда миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг юқори суръатларини сақлаб келишга муваффақ бўлинди.

Хусусан, охириги йилларда АҚШ ва Хитой каби давлатларнинг иқтисодиётига киритилган инвестициялар миқдори катта салмоқни ташкил этганлигини кўриш мумкин (10.3-жадвал). Ушбу мамлакатлар ЯИМ ҳажмларини ҳисобга олсак, уларнинг 20–45 фоизи ҳам катта миқдорни ташкил қилади.

Бу борада Африка давлатларида кўрсаткичлар бошқа қитъаларга нисбатан кам салмоққа эга бўлиб келаётганини кўришимиз мумкин.

Хорижий инвестицияларнинг ҳудудлар иқтисодиётига киритилиши билан боғлиқ хориж тажрибаси барча мамлакатларда турли воситалар орқали амалга оширилади. Лекин

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.



10.12-расм. 2007–2016 йилларда мамлакатлар томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими¹

10.3 - ж а д в а л

Дунёнинг нисбатан ривожланган мамлакатларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМга нисбати, фоиз ҳисобида²

Мамлакатлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
АҚШ	23,2	23,3	22,4	20,8	17,5	18,4	18,5	19,4	19,8	20,0	20,3
Хитой	41,4	40,9	41,5	43,3	46,4	47,6	47,7	47,2	47,4	47,0	45,4
Япония	24,7	24,7	24,5	24,5	21,3	21,3	22,1	22,7	23,2	23,9	23,9
Буюк Британия	17,7	18,0	18,5	17,3	14,7	16,0	15,9	16,1	16,7	17,4	17,2
Германия	18,8	19,8	20,7	20,9	18,1	19,6	21,1	19,3	19,5	19,8	19,2
Франция	22,4	23,2	24,1	24,1	21,3	21,9	23,2	22,6	22,3	22,5	22,4
Россия	20,1	21,2	24,2	25,5	18,9	22,6	23,1	22,9	21,1	22,2	22,4
Италия	21,1	21,9	22,2	21,8	19,4	20,5	20,5	17,9	17,0	16,9	17,0
Канада	22,7	23,7	24,0	24,1	22,0	23,5	24,2	24,9	25,0	24,6	23,8

айрим давлатлар иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция сиёсатини олиб бориш борасида ўхшаш жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳудудий инвестиция сиёсатини юритишда молия институтлари ва молия ташкилотлари томонидан ажратилган сармоялар ва ишлаб чиқилган асосий йўналишлар аъзо мамлакатларнинг юқори ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган дастур ва стратегиялар ҳудудлар учун асос бўлиб хизмат қилади ва амалиётга татбиқ этилади.³ Масалан, Францияда «Давлат-ҳудуд» йўналишидаги режа асосида инвестицияларга субсидия берилади. Бу борада янгидан ташкил топаётган саноат корхоналарига, баъзи

¹ www.unctad.com: UNCTAD, World Investment Report 2015. 9 p.

² http://data.worldbank.org/indicator/NE.GDI.TOTL.CD.

³ Исмаилов Д.А. Иқтисодиётни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш: замонавий тенденциялар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил.

ҳолатларда хизмат кўрсатадиган фирма ва ташкилотларга бериладиган субсидиялар ҳам назарда тутилиб, ҳар бир ҳудудда яратилган иш ўрнига 50–70 минг франк миқдорига маблағ тўланади. Бундан ташқари, фирма ва ташкилотларга ажратилган субсидия миқдори ялпи инвестицияга нисбатан чегараланган бўлиб, бу нисбий кўрсаткич 17 фоиздан 34 фоизгача белгиланган.¹

Дунё давлатларида хорижий инвестицияларни жалб этишда қулай инвестициявий муҳит яратиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар яратиш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинган.

Ҳитойда кучли марказлаштирилган тартибда давлат инвестиция сиёсати юритилиши натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўсиши барқарор динамикага эга бўлмоқда (10.4-жадвал). Шу билан бирга, офшор зонаси ҳисобланган ва инвестиция жараёнлари деярли тартибга солинмайдиган Британия Виргин оролларида хорижий инвестицияларнинг беқарор оқимларини ва ҳатто тесқари оқимларини кузатамиз.

АҚШ иқтисодий моделида давлат молияси бошқарув тизимининг хўжалик жараёнларига асосий таъсир этувчи дастаги ҳисобланади. Бюджет ҳажми билан аниқланадиган давлат молияси фаолияти ҳажмининг ўсиб бориши натижасида бугунги кунга келиб хусусий бизнес жадал тарзда ривожланган.

10.4 - ж а д в а л

2015 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда етакчилик қилган мамлакатлар, миллион АҚШ доллари, фоиз ҳисобида²

Мамлакат	1990	1995	2000	2005	2010	2015
АҚШ	48422,0	58772,0	314007,0	104773,0	198049,0	379894,0
Гонгконг	3275,1	6213,4	54581,9	34058,0	72319,1	174892,1
Хитой	3487,1	37520,5	40714,8	72406,0	114734,0	135610,0
Ирландия	621,9	1442,9	25779,4	-31689,3	42804,1	100542,4
Нидерланд	11063,3	11723,7	63855,0	39047,2	-7184,5	72648,8
Швейцария	5483,9	2222,5	19255,3	-951,2	28744,2	68838,0
Сингапур	5574,7	11942,8	15515,3	18090,3	55075,8	65262,4
Бразилия	988,8	4405,1	32779,2	15066,3	83749,0	64647,9
Британия Виржиния оролл.	18,4	-576,7	8097,4	-7142,3	51225,9	51605,7
Канада	7582,3	9254,8	66795,1	25691,6	28400,4	48642,8
Ҳиндистон	236,7	2151,0	3588,0	7621,8	27417,1	44208,0
Франция	16506,2	23562,5	27495,0	33228,7	13890,1	42882,6

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлиги учун масъулиятни ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорига биноан «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом» ва «Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом» тасдиқланган эди.³

¹ Штульберг Б.М., Введенский В.Г. Региональная политика России: теоретические основы, задачи и методы реализации. – М.: ГЕЛИОСАРВ, 2000, с.79.

² www.unctad.com: UNCTAD, World Investment Report 2015. 9 p..

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган капитал куйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида» 2003 йил 11 июндаги 261-сон Қарори.

Давлат инвестиция дастурларини молиялаштиришнинг қонунчилик-меъёрий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2005 йилда «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида» Низом тасдиқланди.¹ Ушбу Низомга кўра, Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида кредит қўмитаси қарор қабул қилган тақдирда, банк ушбу битимга бошқа банкларни жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Инвестиция дастурларини молиялаштириш маблағларини ўзлаштиришни мониторинг қилиш муҳим бўлгани учун, Давлат Инвестиция дастуридаги лойиҳаларнинг тайёрланиши ва амалга оширилиши устидан давлат мониторинги² зарур бўлиб, мониторинг мувофиқ вазирликлар, давлат идоралари томонидан амалга оширилади.

Давлат статистика ҳисоботларида инвестиция лойиҳалари ҳусусида маълумотларнинг ҳам тақдим этилиши белгиланган:³

- Манзилли инвестиция дастурига киритилган, ижтимоий соҳа объектлари қурилишининг бориши тўғрисида ҳисоботи;
- Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисоботи;
- Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисоботи;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган асосий инвестициялар тўғрисида ҳисобот;
- Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳисоботи шакллари тақдим этилиши назарда тутилган.

Шунингдек, Давлат инвестиция дастурларини шакллантиришда экологик ва энергия тежамкорлик талаблари инобатга олинади.⁴

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3240-сон Фармони⁵ бажариш юзасидан ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш, қурилишда нархларни шакллантириш механизмини такомиллаштириш, инвестиция жараёни барча қатнашчиларининг пировард натижалар, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлиги учун

¹ «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 августда 1509-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 251-сон 2005 йил 15 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида» Низом.

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 2 ноябрдаги 4-мб-сон Қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 06.12.2006 йилдаги ПҚ-525-сон Қарори.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони.

жавобгарлигини ошириш мақсадида¹ «Объектларни куриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом» ҳамда «Объектлар курилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда курилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом» қабул қилинган бўлиб, ушбу меъёрлар инвестиция лойиҳалари харажатларини назорат қилиш жараёнини лойиҳа ҳаёт циклининг дастлабки босқичларида амалга оширишга имкон беради.

Шунингдек, иқтисодийнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишни амалга оширишда тежамкорликни таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон Қарорига биноан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал курилишда танлов савдолари тўғрисида Низом» ҳам қабул қилинган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 395-сон Қарорининг 2-иловасига биноан² «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига курилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида Низом» қабул қилинган.

Давлат инвестицион дастури харажатларининг мақсадлилигини таъминлашнинг институционал-ташкилий асосларини кучайтиришда 2017 йилда Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ташкил қилиниши³ навбатдаги йирик қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг асосий вазифалари қаторида қуйидагилар ҳам белгиланган эди:

– ягона давлат инвестиция, жумладан, хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

– хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишда иштирок этиш;

– хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш ва амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия институтлари, етакчи хорижий компания ва банк тузилмалари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномаларини ўрнатилган тартибда тайёрлаш, келишиш ва имзолашда иштирок этиш;

– тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги комплекс дастурлар, инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестициялар жалб этиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида» 11.06.2003 йилдаги 261-сонли Қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 04.04.2017 йилдаги ПҚ-2868-сонли Қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 06.12.2006 йилдаги ПҚ-525-сонли Қарори.

– инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни баргараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

– халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар молия институтларининг жалб этиладиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашишга қаратилган маблағлар (грантлар), Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

– инвестиция лойиҳалари доирасида технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларни харид қилиш учун тендер (танлов) савдолари ўтказиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган илғор технология бўйича жаҳон бозоридаги вазиятнинг чуқур таҳлилидан, таклиф этилган нархларнинг дунё бозоридаги ўртача баҳо ва юзага келган бозор конъюнктурасига мос келиши, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳалар қиймати таклиф этиладиган технологияга қанчалик мувофиқ эканидан келиб чиққан ҳолда, тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тендер таклифларини баҳолашда қатнашиш;

– лойиҳаларни амалга ошириш доирасида сотиб олинadиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичларини экспертизадан ўтказиш.

Республикага инвестицияларни жалб қилиш кўлами кенгайиб бориши билан улар бўйича амалга ошириладиган харажатларни назорат қилишнинг қонунчилик-меъёрий асослари янада ривожлантирилиши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши талаб қилинади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ қабул қилиниши билан республикада инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш сифатан янги даражага кўтарилди. Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган йўналиши инвестиция жараёнларини жадаллаштиришга қаратилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида:

– инвестиция лойиҳаларига сармоя қўйган инвесторлар манфаатларини ҳимоялаш кафолатларини мустаҳкамлаш;

– хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш,

– хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайитириш ва корпоратив назоратни кучайитириш;

– инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган.

– корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш масалаларини ҳал қилиш белгиланган.

Ушбу Фармоннинг 8-илоvasи билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига биноан:

1. Давлат мулкidan самарали фойдаланишда бошқарувнинг энг замонавий турларини жорий этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мулкани бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Лойиҳада:

– давлат мулкidan самарали фойдаланишда бошқарувнинг энг замонавий турларини жорий этиш;

– давлат унитар корхоналарини бошқаришга бизнес бошқарув усулларининг энг илғор шакллари (бенчмаркинг) жорий этиш;

– устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда корпоратив бошқарувнинг илғор усулларини жорий этиш назарда тутилади.

2. Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган. Лойиҳада куйидагилар назарда тутилиши белгиланган:

– қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг молия бозорининг замонавий воситаларини жорий қилинишдаги ролини кучайтириш.

Давлат инвестиция дастурларининг ҳуқуқчилик асосларининг яратилиши ва қўлланилиши республикада инвестиция жараёнларини режали асосда ва барқарор равишда ривожлантиришга имкон берди.


Давлат инвестиция дастурларининг бажарилишининг узоқ муддатли ривожланиш тенденцияларини олиб қараганимизда куйидаги ҳолатларни кузатамиз (10.13-расм):



10.13-расм. Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар динамикаси, миллиард сўм ҳисобида¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


- йилдан-йилга жами асосий капиталга инвестициялар ҳажми ошиб бормокда;
- жами асосий капитал тузилмасида марказлаштирилмаган инвестициялар улуши юкори бўлиб, тобора ошиб бориш тенденциясига эга;
- 2003 йилда жами марказлаштирилган инвестицияларнинг деярли 100 фоизини давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва бюджет маблағлари ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб, уларнинг ҳажми бир неча баробар ошган бўлса-да ушбу манбаларнинг улуши 50 фоиз даражасига тушиб қолган (10.14-расм);
- 2004 йилдан бошлаб бюджетдан ташқари махсус фондлар ташкил этилди ва уларнинг асосий капиталга инвестициялардаги ўрни ошиб борди, ва 2017 йилга келиб улар ҳисобига жами инвестицияларнинг чораги амалга оширила бошлади;
- айниқса, 2008 йилда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси иш бошлаганидан кейин республикада инвестиция жараёнлари жадаллашиб кетди ва инвестиция дастурини молиялаштиришнинг янги манбаи вужудга келди. Охириги йилларда ушбу жамғарма ҳисобига жами марказлаштирилган инвестицияларнинг қарийб йигирма фоизи амалга оширилди;



10.14-расм. Ўзбекистон Республикасида жами асосий капиталга инвестицияларнинг марказлаштирилган манбалари тузилмасининг ўзгариш тенденцияси, фоиз ҳисобида¹

- марказлаштирилмаган манбалар асосида амалга оширилган асосий капиталга инвестициялар тузилмасида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (10.15-расм);
- марказлаштирилмаган инвестицияларда корхоналар маблағларининг улуши икки баробар қисқарди;
- инвестицияларга қаратилган аҳоли маблағлари барқарор ўсди ва умумий инвестициялардаги улуши ўзгармади;
- марказлаштирилмаган тартибда жалб қилинган хорижий инвестициялар улуши секин ўсиш тенденциясини намоён қилди;
- тижорат банкларининг асосий капиталга инвестициялардаги улуши илгари жуда кичик бўлган, бироқ 2018 йилга келиб банк секторининг жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 20 фоизгача чиқиши прогноз қилинмоқда.

¹ Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



10.15-расм. Ўзбекистон Республикасида жами асосий капиталга инвестицияларнинг марказлаштирилмаган манбалари тузилмасининг ўзгариш тенденцияси, фоиз ҳисобида¹

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган давлат иқтисодий стратегиясининг асосий йўналишларидан бири, инвестиция оқимларини рағбатлантириш орқали иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва халқ турмуш фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев айтганларидек: «Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиётимизни юксак суръатлар билан барқарор ривожланишини қандай катта аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши тушунамиз»² – деган эдилар. Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори корхоналарини халқаро бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарилиши улушини ошириш масаласи уларни модернизациялаш заруриятини, ва мос равишда катта инвесторлик капиталини жалб қилишни талаб қилади.

Давлат инвестиция дастурини молиялаштиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлашда лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш мулкчиликнинг корпоратив кўринишида амалга оширилгани учун мамлакатда ушбу соҳада мулкчилик муносабатларининг қонунчилик йўли билан тартибга солинишига катта аҳамият берилмоқда ва мувофиқ қонунчилик-меъёрий асослари янада ривожлантирилиши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳадаги энг янги йўналиш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси³ қабул қилиниши билан боғлиқ. Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган йўналиши хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтиришга қаратилган. Ҳаракатлар стратегиясида:

¹ Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминдаш – юрт тараққиёти ва Халқ фаровонлигининг гарови. www.press-service.uz.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган.

– фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

– инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш масалаларини ҳал қилиш белгиланган.

Ушбу Фармоннинг 8-илоvasи билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига биноан бевосита Ҳаракатлар стратегиясининг¹ бажарилишини таъминлаш юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш:

– ҳудудларда истиқболли инвестиция лойиҳаларини излаш ва уларни молиялаштиришга хорижий ҳамкорларни жалб қилиш (Стратегия, 3.1-банд);

– банкда лойиҳавий молиялаштириш ва синдициялашган кредитлаш қўламини кенгайтириш (Стратегия, 3.1-банд);

– банкнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантиришга қаратилган инвестицион-кредит сиёсатини қайта кўриб чиқиш (Стратегия, 3.5-банд) белгиланган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ қуйидагиларни амалга ошириш тавсия қилинади:

– вилоятлардаги АКТ йўналишидаги маҳаллий компанияларни молиялаштиришни кенгайтириш (Дастур, 34-банд);

– бошқарув ва банк таваккалчилиги тизими, шу жумладан, илғор хорижий амалиётлари асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш (Дастур, 121-банд);

– халқаро инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтириш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш доирасида устувор ижтимоий-иқтисодий, инфраструктура ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чет эл ҳукумат ташкилотларининг Хитой экспорт-импорт банки, Корея экспорт-импорт банки билан ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини тиклаш, имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш (Дастур, 130-банд);

– ҳудудлар хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидаги соҳалардаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга устуворлик бериш (Дастур, 132-банд):

– мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш;

– рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш;

– кимёвий хомашёларни чуқур қайта ишлаш;

– углеводород хомашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш;

– тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган.

- фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларига инвестициялар киритиш (Дастур, 141-банд).

Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш давомида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, бошқариш ва назорат қилиш бўйича қатор давлат меъёрий ҳужжатлари ва акциядорлик жамиятлари ички корпоратив ҳужжатларига ўзгартириш киритиш орқали инвестиция дастурлари лойиҳаларини молиялаштиришнинг мақсадлилигини таъминлашнинг институционал асосларини такомиллаштириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида республикада давлат инвестиция дастурларининг шакллантирилиши ва амалга оширилишидаги муаммолар ҳамда республикада инвестиция жараёнларини жадаллаштириш олдида турган тўсиқларни аниқ ва рўйирост очиб бердилар. Хусусан, ушбу соҳадаги асосий камчиликлар қуйидагилардан иборатлиги таъкидланди:

- инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқ;
- ҳар бир давлат ташрифида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бир неча миллиард долларлик келишувларга эришилмоқда, бироқ уларни амалга ошириш жуда сусткашлик билан бормоқда, бу борада аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмас;
- амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойиҳага оид маълумотлар йўқ;
- Дастурларни шакллантиришда вазирликлар ва маҳаллий ҳокимликлар фақат рақамлар ортидан қувиш билан банд сабабли, иқтисодий наф бермайдиган, истиқболи йўқ, молиялаштириш манбалари аниқ бўлмаган лойиҳалар дастурга қўшиб юбориш, лойиҳа нархини асоссиз ошириб кўрсатиш ҳодисалари содир бўлмоқда.

– мамлакатимизнинг инвестиция соҳасидаги жозибасини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга кўмаклашиш бўйича элчихоналар ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаяпти, улар учун иқтисодиёт, инвестиция масалалари, иккинчи даражали бўлиб қолган, элчихоналарда иқтисодиёт, молия, инвестиция масалалари бўйича мутахассислар етишмайди;

– бугунги кунда мамлакатимизнинг 9 та туманида хорижий инвестиция иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этилмаган, тўғридан-тўғри инвестициялар асосан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Фарғона водийсига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, юртбошимиз хорижий тажрибалар асосида барча инвесторлар учун туну кун ишлайдиган бепул мобиль телефонлар алоқасини ташкил этиш, чет эл инвесторлари учун ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундайдиган рағбатлантириш тизимини яратиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш, ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг инвестицияларни жалб этиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, иш ўринлари яратиш бўйича фаоллигини ошириш зарурлигини айтиб ўтдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти:

– республика ҳудудларини жадал иқтисодий ривожлантириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, имконият ва жавобгарлигини кенгайтиришни;

– шошма-шошарлик билан ишлаб чиқиладиган сохта инвестиция дастурларини қабул қилиш амалиётидан бутунлай воз кечишни;

– иқтисодий ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш бўйича муҳим вазифани бажариш мақсадида Интернет тармоғида маҳаллий ва хорижий инвесторларни керакли статистик ахборотлар билан таъминлайдиган, бизнес юритиш учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот берадиган «Инвестиция портали» очишни тақлиф этди.

Фикримизча, инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган концепцияни ишлаб чиқишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

1) Давлат инвестиция дастури самарадорлигини таъминлашнинг институционал асослари ва инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий мақсадларини 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган вазифаларга мувофиқ такомиллаштириш.

2) Давлат инвестиция дастурига киритиладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштириш усулида инвестициялаш, инвестиция лойиҳалари харажатларини мақсадлилиги ва натижадорлигини назорат қилишда корпоратив мониторинг ва контроллинг усуллари кенг фойдаланиш.

3) Давлат инвестиция дастурига фақат молиялаштириш манбалари билан юз фоиз таъминланган, шу жумладан, ташқи молиялаштириш манбалари билан аниқ таъминланиши белгиланган лойиҳаларни киритиш.

4) Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг ҳудудлар бўйича мутаносиб тақсимланишига асосий эътиборни қаратиш, инвестиция дастурларини шакллантириш ҳудудларда аниқ мезонлар асосида олиб бориш.

5) Капитал қурилишда ишлар қийматини аниқлаш механизмининг бозор механизмига асосланган усуллар билан такомиллаштириш.

6) Элчихона ходимларини молия ва инвестициялар соҳасида малакасини ошириш бўйича Банк-молия академияси каби республика етакчи таълим марказларида ўқув курсларини ташкил этиш.

7) Ҳудудлар инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда ҳокимликларнинг республика етакчи иқтисодий олий таълим муассасалари билан илмий-услубий ҳамкорликни йўлга қўйиш.

10.7. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ўзининг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари билан етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бугун мамлакатимизда ислохотларнинг янги даври 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, « ... биз иқтисодий модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозорида муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмоқдамиз. ... Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндашувлардан воз кечиш, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспорт-

га йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум»¹.

XX асрнинг сўнги чорагига келиб қишлоқ хўжалигида қадим анъаналарга, бой тажрибага эга бўлган Ўзбекистон ва қўшни республикаларнинг аграр соҳасида кескин муаммолар мавжудлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Собиқ Иттифок раҳбарияти томонидан деҳқончилик маданиятида маҳаллий шарт-шароитни, асрий тажрибаларни ҳисобга олмаслик, ер ва сувдан нотўғри фойдаланиш, пахта ва бошқа сувни кўп талаб қиладиган техник экинларни етиштиришга ружу қўйилиши Ўзбекистонда жиддий иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқара бошлади. Миллий давлатчиликнинг қайта тикланишидан кейингина бу муаммолар ечимига киришиш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар бошлаш, ер ва сувга янгича муносабат концепциясини ишлаб чиқиш ва зудлик билан амалиётга жорий этиш имкониятини берди. Аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқларда яшаб, асосан қишлоқ хўжалигида банд бўлган Ўзбекистон учун ер ва сувга янгича муносабат муаммоси ислоҳотларнинг бош масаласи эди. Қишлоқ хўжалигида 1991–2010 йилларда олиб борилган дастлабки босқич ислоҳотлари натижасида ерга хусусий мулкчилик қарор топди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни ерга мулкчилик масаласини ҳал қилмасдан туриб ечиб бўлмаслиги аён эди. Собиқ Иттифок даврида мавжуд бўлган, ер ва сувга мулкчилик масаласини бутунлай издан чиқарган «совхоз» ва «колхоз»лар ўрнига қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиётга асосланган янги муносабатларни олиб кириш ислоҳотларнинг бош масаласи эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «Ер тўғрисида»ги Қонун ва бошқа норматив актлар асосида қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бошланди. Ерни унинг эгаси бўлган деҳқонга бериш, фермер хўжаликларини барпо этиш орқали қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Хусусан, ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашда бош қомусимиз бўлган конституциядаги тегишли моддалар, қабул қилинган бир қатор қонунлар ва қонуности норматив ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси конституциясида (55-модда) «Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб қатъий белгилаб қўйилган.² «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун³, Олий Мажлиснинг X сессиясида (1997 йил декабрь) қабул қилинган «Ер кодекси», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ҳамда «Ер кадастри тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши ҳам Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳукумат дастури қабул қилинган. Бу соҳани янги ривожлантириш бўйича республикада турли хил қарор ва қонунлар қабул қилинди, қилинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республика Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» №9. 2017. 1–2-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. 19-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. № 5.

оқилана фойдаланиш тўғрисида»ги Қарорнинг, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги «Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2015 йил 29 августдаги «2015–2018 йиллардаги Оролбўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Орол ҳалокати оқибатларини енгиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар комплекс дастури тўғрисида»ги Қарори ва бошқалар шулар жумласидандир.¹

Ер ва сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш бугунги кунда глобал муаммолар қаторида турибди. Дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи аҳоли сони ўсишига пропорционал равишда ошиб бормоқда. Бу муаммо ер ва сувга янгича муносабатни глобал миқёсда қарор топтириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Иқтисодиётида аграр соҳа устуворлиги сақланиб турган Ўзбекистонда бу масала бугунги давр ислохотларида ҳам бош мавзуга айланган.

Сўнгги ўн йилликларда пахта майдонлари деярли 2 баробар қисқартирилиб, уларнинг ўрнига дон, сабзавот, полиз, мойли экинлар экилиб, боғ ҳамда тоқзорлар барпо этилмоқда. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан, 2009 йилда 75,8 минг гектар, 2012 йилда эса яна 30,1 минг гектар пахта майдонлари қисқартирилиб, бу майдонларда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирила бошланди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «2016–2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ислохотларнинг узвий давоми бўлди. Унга кўра, 2016–2020 йиллар мобайнида 170,5 минг гектар пахта ва 50 минг гектар ғалла майдонлари ўрнига озиқ-овқат экинлари экилиши белгиланиб, жорий йилнинг ўзида пахта майдонлари 30,5 минг гектарга қисқартирилди. Олиб борилган ислохотлар натижасида мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди, хусусан, картошка 7 марта, мева қарийб 4,1 марта, сабзавот 2,8 марта, сут ва сут маҳсулотлари 1,7 марта, гўшт 1,3 баробар ўсди.

Агар 1990 йилда юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, импорт ҳисобига қондирилган бўлса, бугунги кунда уларнинг деярли барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига қопланмоқда. Ўтган даврда аҳоли сони 11 миллиондан зиёд ўсганига қарамай, жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,5 карра, картошка 1,9 марта, сабзавот 2,6 баробардан зиёд, мева 6,3 марта ортгани қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг натижаси бўлди.

Энг муҳими, Ўзбекистон жуда қисқа вақт ичида ғалла мустақиллигини қўлга киритиб, дон ва дон маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатлар сафидан ўрин олди. Агар Ўзбекистонда 1990 йилда атиги 1 миллион тоннадан зиёдроқ ғалла ҳосили етиштирилган бўлса, деҳқон ва фермерларимиз 2017 йилда 8 миллион 377 тонна ғалла етиштиришга эришдилар.²

¹ Турдибоева М. Ер ва сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш: муаммолари, тарихи ва натижалари // Маънавий-маърифий ва сиёсий етуклик – жамият таракқиётининг гарови. – Т.: 2016. 165-бет.

² Шавкат Мирзиёев. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi». №12. 2017. 3-бет.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида қатор институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Улар ичида самарасиз совхоз ва колхозларнинг тугатилиб, фермер хўжаликлари ташкил этилиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотишда хусусий секторнинг улуши ошгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мелиорация жамғармаси ташкил этилиши ҳам қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг самарасини оширишга хизмат қилди.

Ўзбекистонда сўнгги икки йилда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони кўпайиб, 75 мингга етди. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга олиб келишдан ташқари аҳолисининг катта қисмини иш билан таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда сабзавот, полиз, картошка экинлари, шунингдек, боғ ва тоқзорлар майдонлари кенгайтирилиши билан бирга, ушбу тармоқларда ишни тўғри ташкил қилиш орқали унинг самарадорлигини ошириш учун барча зарурий шарт-шароит яратиб берилган. Яъни деҳқон ва фермер хўжаликлари, аҳоли томорқаларида экинлар экилиши бўйича мониторинг юритиш механизми йўлга қўйилиб, зарурий миқдордаги уруғлик, минерал ўғит, ёнилги-мойлаш маҳсулотлари, мевали дарахтлар кўчатлари етказиб беришнинг мақбул тизимига асос солинган.

Мамлакатимизда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда уларни етакчи кучга айлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлар самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоиздан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилмоқда. 2017 йилда олиб борилган ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Ўтган йили 8 миллион 377 минг тонна ғалла, 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мевасабзавот, 13 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари олишга эришилди. 2017 йилда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган яна бир янгилик шу бўлдики, галладан бўшаган 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилиб, 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди.¹

Қишлоқ хўжалигида ютуқлар билан бирга кўплаб муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тизимга бозор механизмларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини барқарор ошириб бориш ва ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар учрамоқда. Уларни бартараф этиш мақсадида Президентимиз томонидан 2017 йилда қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003-сонли *«Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги **Қарори** қабул қилиниши аграр соҳадаги ислоҳотларнинг сифат жиҳатдан янги даврини бошлаб берди. Қарорда қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, ихтисосли олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ва илмий-техник салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнига

¹ *Шавкат Мирзиёев*. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги bosқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi». №12. 2017. 2-бет.

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, илмий-педагогик кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини тизимли ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 августдаги ПФ-5134-сонли *«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги Фармони¹ ҳамда ПҚ-3172-сонли *«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги Қарори² қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни сифат жиҳатдан янада юқори даражага кўтаришда, тармоқдаги таркибий ўзгаришларни мақбуллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқ хўжалигидаги янги давр ислохотларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир Фармон 2017 йилнинг 9 октябрида имзоланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 октябрдаги *«Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги ПФ-5199 сонли Фармони қишлоқ хўжалиги тараққиётида янги саҳифа очди. Мазкур Фармонда «икки ой муддатда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари лойиҳаларини киритсин» деб белгилаб қўйилиши қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Фармонда фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2018–2021 йилларда фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилди ҳамда 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши белгилаб қўйилди.

Президентимизнинг 2017 йил 10 октябрдаги *«Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»*ги ПҚ-3318-сонли Қарори ҳам қишлоқ хўжалигидаги ислохотларда муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги «Республика-мизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3327-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ичида ўзига хос ўрин тутувчи мазкур тармоқнинг бошқарувни такомиллаштириш, етиштириладиган асал турлари сони ва сифатини ошириш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш каби масалалар ечими белгилаб берилди.

Умуман олганда, 2017 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, соҳани бошқарув тизимини янада мақбуллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

¹ Қ а р а н г: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 793-модда, 797-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 06/17/5250/0284-сон.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 797-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 06/17/5250/0284-сон)

етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорга сифатли маҳсулотлар етказиб беришни тубдан такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ходимларининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди.

Мамлакатнинг энг янги даври тарихида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси ўта муҳим воқеа сифатида муҳрланиб қолди. 2017 йил 22 декабрда Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат ташкилотлар фаоллари иштирок этди. Мурожаатномада 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топди.

Ўзининг кўлами, моҳияти ва аҳамияти халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилган бу Мурожаатномада Президентимиз қишлоқ хўжалигидаги институционал ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятига ҳам тўхталиб ўтди. Мурожаатномада таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда «2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоиз кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларига етди». Бу, авваламбор, давлатимизнинг оқил ва одил йўлдан бораётгани, халқимиз, одамларимизнинг даромади кўпаяётгани, турмуш фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Президент Мурожаатномасида иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ – қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, «...ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшаса-да, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 17 фоиздан ошмаслиги, ... аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга» ҳам етмаслиги Мурожаатномада бизни қониқтирмайдиган ҳолат сифатида қайд этиб ўтилди. Чунки дунёнинг *«ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта хушёрликка чақиритиши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур»¹*, деб таъкидлаб ўтилди.

Мурожаатномада пахта етиштириш, тўқимачилик саноати соҳасидаги муаммоларга ҳам тўхтаб ўтилди. *«Маълумки, мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикамиздаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ қоплай олади. Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжуд. Бу эса пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабелликнинг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришга оид алоҳида*

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь, № 258 (6952).

фармон қабул қилинди. Бугунги кунгача ўзимизнинг тўқимачилик корхоналаримизга пахта хомашёсини фақат «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти орқали сотар эдик. Фармонга мувофиқ тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини энди тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида бевосита фермерлардан сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш доирасида пахта хомашёсини бозор талаблари асосида етиштириш, нарх-навони шакллантириш ва сотишни ташкил этиш бўйича тажриба бошланди. Келгусида бундай ижобий тажрибани бутун мамлакатимиз миқёсида жорий қилишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда», деди Президентимиз.

Мурожаатномада, шунингдек, чорвачилик соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда *«қорамол ва парранда сонини кўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратишимиз зарур. Яқин истиқболда ҳар бир туманда ихтисослаштирилган бўрдоқчилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиши лозим»,* деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Мурожаатномада эътибор қаратилган яна бир йўналиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилиш билан боғлиқ масалалар бўлди: *«Биз ҳозирги вақтда 1,5–2 миллиард доллар миқдоридида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнаши лозим.*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш жуда муҳим масаладир. Шу мақсадда фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарур».

Эътибор қаратилган яна муҳим бир жиҳат, бу – *«худудларни жадал иқтисодий ривожлантириш»* масаласи бўлди. Халқаро алоқалар жадал ривожланаётган бугунги кунда *«мамлакатимизнинг 9 та туманида хорижий инвестиция иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этилмаган. Тўғридан-тўғри инвестициялар асосан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Фарғона водийсига тўғри келмоқда»* деб маълумот берди Президент. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун *«худудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни давлат-ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш орқали тўлиқ амалга оширишимиз зарур. ... Шунинг учун Давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак».*

2017 йилда саноат корхоналарини қуриш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 300 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ўз-ўзидан аёнки, тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги муҳим соҳага айланди. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбарининг 2018 йилга *«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»,* деб ном берганида катта маъно мужассам. Бу 2018 йилда Ўзбекистонда олиб бориладиган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилашга ҳам хизмат қилади.

Мамлакатимизда бу соҳада ҳали ишга солилмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Шу боис тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантирадиган бутунлай янги муҳит шакллантирилмоқда.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги манфаатдорлиги оширилиб, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича масъулияти кучайтирилди.

Президент ўз Мурожаатномасида *«Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий гоя, миллий дастур керак»*лигини алоҳида қайд қилиб ўтди. Шундан келиб чиқсак, қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳам олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Шу ўринда қишлоқ хўжалигида экин майдонларини текислашда лазерли ер текислаш ускуналарининг кириб келиши ҳам муҳимдир. Ўзбекистонда бундай ускуналар «Chirchiq mash Agro» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилиб, фермер хўжаликлариغا етказиб берилмоқда. Ҳайдалмаган ерга ишлов бериш жараёнида лазерли текислаш ускунасида фойдаланиш натижасида ер текис бўлиб, сув бир маромда тарқалади. Бу ҳосилдорликни гектарига ўртача 20 фоизгача ошириш имконини беради. Лазер технологиялари орқали экин далаларини текислаш жараёнида механизация харажатларини 14 фоизга, иш кучи харажатлари 23 фоизга, сув сарфи 39 фоизга, суғориш харажатлари (электр энергия, насослар) 22 фоизга камайишига эришилгани амалиётда яққол исботланди. Харажатлар қисқарган ҳолда буғдой ҳосилдорлиги гектарига 4 центрга ошгани ҳам лазерли ер текислаш ускуналарининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнида тармоқни модернизация қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, иссиқ ва қуруқ иқлимли Ўзбекистонда сув ресурслари чеклангани боис деҳқончиликда сувни тежайдиган технологияларнинг кенг жорий этилаётгани эътиборга лойиқдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда 240 минг гектарга яқин далаларда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган. Бу жараёни келажакда янада кенгайтириш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ўзининг кўлами ва моҳияти билан ҳайратланарли бўлмоқда. Биргина 2017 йилда *«қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 5 та қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди. 2 та янги қўмита ва 3 та уюшма тузилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди»*¹. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуриш, модернизациялаш, инновацион технологиялар олиб кириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин ошириш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини юксалтиришга олиб келмоқда. Қўлга киритилган ютуқлар ва ечимини кутаётган муаммолар таҳлили асосида қишлоқ хўжалигини янада ислох қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш навбатдаги вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу мамлакатимизнинг истикболига, тараққиётига хизмат қиладиган Дастур бўлиши шубҳасиздир.

¹ Шавкат Мирзиёев. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. № 12. 2017. 3-бет.

11-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

11.1. «ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ» ТУШУНЧАСИНИ ҚОНУНЧИЛИКДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

Аҳолининг реал даромадларини ва ҳаёт даражасини ошириш учун «истеъмол саватчаси» тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш долзарб ҳисобланади.

Дастлаб «истеъмол саватчаси» тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушуниб олсак. Истеъмол саватчаси дейилганда ўртача бир киши (ёки бир оила) бир ойда (бир йилда) истеъмол қиладиган товарларнинг ҳисоб-китоб учун олинган миқдори ва таркиби тушунилади.

Дунё мамлакатлари тажрибаси асосида истеъмол саватчасини 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Агар ҳисоб-китоб учун олинган товарлар ва хизматлар миқдори инсон истеъмолининг энг қуйи даражасида олинган бўлса, яъни, ейиш, ичиш, кийиниш ва бошқа истеъмол миқдорининг қуйи чегараси назарда тутилса, бундай истеъмол савати энг кичик истеъмол савати (ёки яшаш минимуми) дейилади.

2. Агар ҳисоб-китоб учун олинган товарлар ва хизматлар миқдори инсон истеъмолининг ўртача даражасида олинган бўлса, яъни, ейиш, ичиш, кийиниш ва бошқа истеъмол миқдорининг меъёрий ўртача даражаси назарда тутилса, бундай истеъмол саватчаси ўртача (ёки «оқилона») истеъмол саватчаси (ёки «оқилона саватча») дейилади.

3. Агар ҳисоб-китоб учун олинган товарлар ва хизматлар миқдори инсон истеъмолининг ўртача чегарасидан юқори даражада олинган бўлса, яъни, ейиш, ичиш, кийиниш ва бошқа истеъмол миқдорининг меъёрий ўртача даражасидан юқори даражани назарда тутса, бундай истеъмол саватчасини юқори даражадаги истеъмол саватчаси дейиш мумкин.



Истеъмол саватчасининг шу даражаларига мос равишда аҳолининг истеъмол бюджети (даромадлари миқдори) шаклланади. У ҳолда минимал, оқилона ва юқори даражадаги истеъмол бюджетини фарқлаш лозим бўлади.

Табиийки, минимал истеъмол бюджети ҳисоб-китоб учун олинган товарлар ва хизматлар миқдори инсон истеъмолининг энг қуйи даражасини таъминлашга етиши зарур. Агар аҳолининг муайян тоифалари даромадлари яшаш миниму-

мини таъминлашга етмаса, у ҳолда аҳолининг бундай тоифалари ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли сифатида давлатнинг ижтимоий ёрдами билан муҳофазаланади.

Истеъмол саватчасини тузишдан мақсад қуйидагилардан иборат:

а) жамиятдаги ҳаёт қийматининг чегараларини, жумладан, қуйи даражасини белгилаш (яъни, яшаш минимумини ёки тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни расман белгилаш);

б) белгиланган чегарада, ундан кам ва кўп даражада яшаётган аҳоли сонини статистик ҳисоблаш;

в) мос иш ҳақини ҳисоблаш ва белгилаш;

г) давлатнинг ижтимоий сиёсати параметрларини аниқлаш, белгилаш ва бошқалар.

Дунёдаги деярли ҳар бир давлатда аҳолининг яшаш минимумини ҳисоблашнинг ўз усуллари мавжуд. Ушбу усулларни умумлаштирилса, яшаш минимумини ҳисоблашнинг тахминан бешта усули мавжудлиги кўринади (11.1-расм).

АҚШда истеъмол саватчасига 300 номдаги, Германияда 475 номдаги, Англияда 350 номдаги, Россияда 156 номдаги товар ва хизматлар турлари киради.

АҚШда Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан тузиладиган «озик-овқат режаси» (*Food Plan*) тушунчаси мавжуд. У 4 вариантда тузилади: тежамли, паст, ўрта ва эркин режа. Шулар орасидан тежамли режа (*Thrifty Food Plan*) асосида аҳолининг кам таъминланган тоифаларига озиқ-овқат талонлари тарқатилади.

Истеъмол саватчасини уч асосий таркибий қисмга: озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ва хизматларга ажратиш мумкин.

Аҳолининг яшаш минимумини ҳисоблашнинг ўзига хос усуллари

Статистик усул. Аҳолининг 10–20 фоиз кам таъминланган фуқароларининг ўртача даромади даражасидаги яшаш минимуми. Бу усул юксак ривожланган давлатларда қўлланилади.

Социологик усул. Зарур минимал даромадлар ҳақидаги аҳоли фикрига таяниб белгиланади. Одатда, давлатнинг яшаш минимумини ўрнатиш имкониятлари билан аҳоли фикри тўғри келмайди. Бироқ бу усул аҳолининг истеъмолини тўғри белгилайди.

Ресурс усул. Иқтисодиётнинг имкониятларидан келиб чиқиб яшаш минимумини белгилаш. Бу усул ҳам юксак ривожланган давлатларда қўлланилади.

Норматив усул. Давлат томонидан минимал истеъмол бюджети қонун ёки ижтимоий нормативлар билан белгиланади.

Аралаш усул. Юқоридаги усуллар аралаш ҳолда қўлланилади.

Нисбий усул. Нисбий усулда ривожланган давлатнинг аҳолиси сони даромад миқдорига кўра тенг иккига бўлинади (ярми – кам ва қолган ярми – кўп даромадли олувчи аҳоли). Аҳолини иккига ажратувчи даромад (медиана даромади ҳам дейилади) асосида яшаш минимуми ҳисобланади.

11.1-расм. Аҳолининг яшаш минимумини ҳисоблашнинг ўзига хос усуллари.



Одатда, ривожланган давлатларда саватчанинг 20 фоизга яқини озиқ-овқатга тўғри келади. Статистик маълумотлар Россияда бу кўрсаткич 50 фоиздан иборат эканлигини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқатга аҳоли даромадларининг камида ярми тўғри келади (яъни, мамлакатда аҳолининг ўртача даромадлари ҳали жуда кам даражада).

Жаҳон тажрибасида куйидаги қонуният аниқланган: аҳолининг даромадлари ортган сайин даромадлар таркибида озиқ-овқатга сарфланадиган харажатлар улуши камайиб бориши керак. Хусусан, ҳаддан зиёд бойлар даромадининг тахминан 1–5 фоизини озиқ-овқатга сарфлайди; бойлар – 5–10 фоизини, ўртача даражадаги аҳоли – 10–30 фоизини, камбағаллар – 30–60 фоизини, қашшоқлар – 60–80 фоизини.

Одатда, яшаш минимуми физиологик (жисмоний) ва ижтимоий қисмлардан иборат. Физиологик минимум яшаш минимумининг тахминан 80–85 фоизини ташкил қилади. Аҳоли минимал даромадининг қолган қисми – 15–20 фоиз – маънавий бойликларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга етиши керак.

Яшаш минимумини белгилашга қўйиладиган талаблар (қонунчилик ҳужжатини тайёрлашдан олдин ва уни ишлаб чиқиш жараёнида шу мезонларга қараш керак) уч гуруҳга ажратилади:

а) иқтисодий талаблар – иқтисодиётнинг мавжуд ривожланган даражаси муайян минимал истеъмол саватчаси даражасини таъминлай оладими?

б) ҳуқуқий талаблар – тан олинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга (Инсон ҳуқуқлари Бутунжаҳон декларацияси, халқаро конвенциялар ва пактлар) риоя қилинадими?

в) ижтимоий талаблар – иш ҳақининг ўртача даражаси, минимал иш ҳақи ва минимал истеъмол саватчасининг миқдори бир-бирига тенглиги ёки яқинлиги таъминланганми?

Хорижий мамлакатларнинг «истеъмол саватчаси» тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш борасидаги тажрибасини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Масалан, Россия Федерацияси тажрибасининг Ўзбекистон учун куйидаги жиҳатлари муҳим (11.1-жадвал):

– Россия Федерациясининг истеъмол саватчаси, айниқса озиқ-овқат таркибининг Ўзбекистондаги истеъмол таркиби билан ўхшашлиги;

– истеъмол саватчасидаги маҳсулотлар оқилона миқдорининг Ўзбекистон шароитида ҳам қўллаш мумкинлиги;

– истеъмол саватчасини ҳисоблаш учун белгиланган аҳоли тоифаланишининг универсаллиги ва ҳ.к.

Келтирилган 11.1-жадвал Россия Федерациясининг «Россия Федерациясида истеъмол минимуми тўғрисида»ги Федерал Қонуни билан 1997 йил тасдиқланган.

Ушбу Қонунга кўра, истеъмол саватчасининг қолган элементлари озиқ-овқат саватчасининг ҳудудлар географик жойлашувига кўра 45–60 фоиз миқдорида белгиланган.

Истеъмол саватчасига кирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби ва миқдори.

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Ўртача бир йилда бир кишига тўғри келувчи истеъмол миқдори		
		Меҳнат қобилиятли аҳоли	Пенсионерлар	Болалар
Нон маҳсулотлари	кг	126,5	98,2	77,6
Картошка	кг	100,4	80,0	88,1
Сабзавот-полиэ экинлари	кг	114,6	98,0	112,5
Мевалар	кг	60,0	45,0	118,1
Шакар ва қандолат	кг	23,8	21,2	21,8
Гўшт маҳсулотлари	кг	58,6	54,0	44,0
Балиқ маҳсулотлари	кг	18,5	16,0	18,6
Сут ва сут маҳсулотлари	кг	290,0	257,8	360,7
Тухум	дона	210	200	201
Ёғлар	кг	11,0	10,0	5,0
Бошқа	кг	4,9	4,2	3,5

М а н б а: Россия Федерациясининг «Россия Федерациясида истеъмол минимуми тўғрисида»ги Федерал Қонуни // <https://rg.ru/2012/12/07/korzina-dok.html>.

Аҳолининг турли гуруҳлари бўйича мамлакат ва унинг ҳудудлари учун истеъмол саватчасини ҳисоблаш услубияти ҳукумат қарори билан кучга киритилган.

Қозоғистонда 1999 йилда «Яшаш минимуми тўғрисида» Қонун қабул қилинган, у 2015 йил 19 май куни Қозоғистон Республикасининг «Минимал ижтимоий стандартлар ва уларнинг кафолатлари тўғрисида» Қонуни қабул қилиниши билан ўз кучини йўқотган. Қонун минимал ижтимоий стандартлар тизимида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Қонуннинг мақсади, биринчидан, ижтимоий ҳуқуқлар ва ижтимоий кафолатларни амалга ошириш; иккинчидан, минимал ижтимоий стандартлар тизимида давлат сиёсатини амалга ошириш; учинчидан, минимал ижтимоий стандартлар тизимида тамойилларни белгилаш ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг вазифалари: бюджет маблағлари ва Қозоғистон Республикасининг қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа манбалар шаклланиши ва ижтимоий эҳтиёжлар учун ишлатилишини меъёрий таъминлаш; ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш; аҳоли турмуш даражасини баҳолаш.

Беларусь Республикасида 1999 йилда «Беларусь Республикасининг яшаш минимуми тўғрисида» Қонун қабул қилинган, у яшаш учун зарур минимал пул миқдорини белгилаш, турмуш даражасини тартибга солишнинг давлат сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда, ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга оширишда ундан фойдаланиш учун ҳуқуқий асосни белгилайди.

Яшаш минимуми аҳоли турмуш даражасини таҳлил қилишда ва прогнозлашда фойдаланилади, яшаш учун зарур минимал пул миқдорининг бюджети қуйидагилар учун фойдаланилади: аҳолининг даромадлари даражасини, иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорларини баҳолаш; кам таъминланганлик даражасини ва кўламларини аниқлаш; ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини прогнозлаш.

Беларусь Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги яшаш минимуми қийматини ҳар бир йил чораги учун, ҳар бир йил чорагининг охириги ойи нархларида ҳисоблайди ва тасдиқлайди.

Озарбайжонда 2004 йилда «Яшаш минимуми тўғрисида» Қонун қабул қилинган, у яшаш учун зарур минимал пул миқдорини белгилаш, яшаш учун зарур минимал пул миқдорини давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мувофиқ ошириш таъминлари ва тартибини белгилаб беради. Яшаш учун зарур минимал пул миқдори ҳар йили парламент томонидан қабул қилинади ва давлат Президенти томонидан тасдиқланади. «2017 йил учун яшаш минимуми тўғрисида» Қонунига мувофиқ, 2017 йил учун яшаш учун зарур минимал пул миқдори 155 манат даражасида белгиланган. Бунда яшаш учун зарур минимал пул миқдори меҳнатга лаёқатли аҳоли учун 164,5 манатни, нафақахўрлар учун – 130,2 манатни, болалар учун – 136,6 манатни ташкил этган.

Шундай қилиб, истеъмол саватчасига кирувчи маҳсулотларнинг пулдаги ифодаси мамлакат бўйича истеъмол бюджетининг умумий миқдорини белгилашга ва шу асосда ижтимоий сиёсатни амалга оширишга хизмат қилади.

Истеъмол саватчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш учун «Ўзбекистон Республикасида аҳолининг истеъмол бюджети» тўғрисидаги Қонунини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ. Қонуннинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар бўлиши лозим: 1. Умумий қисм (Қонуннинг мақсади, бу борадаги қонунчилик ҳужжатлари, асосий тушунчалар ва давлат сиёсати мазмуни); 2. Асосий қисм (Истеъмол саватчасининг умумий ва аҳоли гуруҳлари бўйича тақсимланиши, уни аниқлаш ва ўрнатиш механизми ва тартиби); Хулоса қисми (Ижтимоий сиёсатда ундан фойдаланиш механизми, қайта кўриб чиқиш ва расмий нашр қилиш).

Турли мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб қонунчиликда истеъмол саватчасини камида ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш механизмини жорий қилиш лозим.

Қонунни конкрет ҳудудларда ва шароитларда амалга ошириш, мамлакат ривожланиш стратегияси нуқтаи назаридан бу борадаги қонунчилик асосларини ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш Президент Фармонларида ва қарорларида, Олий Мажлис ҳужжатларида, Ҳукумат қарорларида ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилади.

Валюта сиёсатини либераллаштириш шароитларида республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5245-сон Фармони қабул қилинди.¹ Фармонга мувофиқ, 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баробар оширилди.

2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ойига қуйидагича белгиланди (11.2-расм):

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самара-

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.11.2017 й., 06/17/5245/0279-сон.



11.2-расм. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори

М а н б а: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5245-сонли Фармони.

дорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдори оширилди.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сонли Қарори¹ қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб:

– барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилди;

– 58 тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилди;

– олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи нақд шаклда берилди.

Бундан ташқари, ҳудудларда шаклланган иш ҳақини нақд шаклда ҳамда пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашда одамлар ўз иш ҳақидан фойдаланишда муаммоларга дуч келмаслиги ва ўзларига керакли товар ва хизматларни эркин харид қилишлари учун мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмаси ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Прогноз кўрсаткичлар 2018 йилда ижтимоий соҳани кўллаб-қувватлаш бўйича ишлар давом эттирилишидан далолат бермоқда. Хусусан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга сарфланадиган харажатлари 34,7 триллион. сўмни ташкил этади. Бу давлат бюджети харажатларининг 55,8 фоизини ташкил этади (11.2-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 73-модда.

2018 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркиби.

Т/р	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлари таркиби	Ўлчов бирлиги	Суммаси
1.	Таълим	миллиард сўм	19 504,3
1.1.	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар	миллиард сўм	1 077,2
1.2.	Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича олий ўқув юртларини қўллаб-қувватлаш фондига	миллион сўм	110,6
2.	Соғлиқни сақлаш	миллиард сўм	9 562
2.1.	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар	миллион сўм	803,6
3.	Маданият ва спорт	миллиард сўм	1 165,4
4.	Фан	миллион сўм	389,3
4.1.	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар	миллион сўм	26,5
5.	Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация учун пул тўловлари	миллиард сўм	3 150,8
6.	Жамоат ишларини ташкил қилиш	миллион сўм	714

Ма н б а: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорига илова

Жадвалдан кўринадики, 2018 йил ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланадиган харажатлари таркибида таълим (56,3 фоиз) ва соғлиқни сақлаш харажатлари (27,6 фоиз) устунлик қилади.

11.2. ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИДА «АҚЛЛИ ТИББИЁТ» ВА «ЯГОНА ТИББИЁТ АХБОРОТ МАРКАЗИ» КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистонда ақлли тиббиётни ривожлантириш бошланади. Бу Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосий вазибаларидан бири сифатида белгиланган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан, касалликларни илк босқичда аниқлашни ва масофадан профилактикасини таъминлайдиган илғор технологияларни, «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббиёт ахборот маркази» концепцияларини жорий қилиш орқали соғлиқни сақлаш тизимининг тезлаштирилган ривожланишига кўмаклашиши маълум қилинмоқда.

«Ақлли тиббиёт» – интеллектуал соғлиқни сақлаш концепцияси бўлиб, унинг замирида *eHealth* ва *mHealth* соҳасида энг янги мобиль ва рақамли фан ютуқларидан фойдаланиш, ақлли тиббиёт мосламаларини ривожлантириш ва улаш ётади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳоли учун тиббий хизматлар сифатида энг янги диагностика ва даволаш технологиялари: магнитли-резонансли текширишлар, ангиография ва турли бетакрор жарроҳлик амалиётларини ўтказиш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, онлайн тиббий хизмат кўрсатиш лойиҳаси жорий этилмоқда. Тиббиёт муассасаларининг сайтлари ишламоқда, бу ерда бемор соғлиқни сақлаш соҳасидаги охирги янгиликларни билиб олиши, мутахассисларга саволлар бериши, энг муҳими, амалга оширилган даволаш тўғрисида ўз фикрини қолдириши мумкин. Вақт ўтиб, беморларнинг онлайн шахсий кабинетларини очиш режалаштирилмоқда, уларнинг

ёрдамида уйдан чиқмай туриб, ўз текширувларининг натижаларини кўриш ва шифокорнинг қабулига ёзилиш мумкин.

Энди ақлли тиббиёт ёндашувидан фойдаланишнинг асосий усуллари ва йўллари мисоллар ва муайян далиллар ёрдамида кўриб чиқамиз:

1. Электрон рўйхатхона. Бу усулни кенг реклама қилиш ва муҳокама қилиш ушбу усулнинг машҳур бўлиб кетишига ва турли клиникаларда тарқалишига олиб келган. Бу усулнинг афзалликлари шундаки, беморлар уйдаги компьютердан ёки смартфондан фойдаланиб, интернет воситасида керакли мутахассиснинг қабулига ёзилиш ёки шифокорни уйига чақириш имкониятидир. Беморлар учун бу усул яхши ва қулай, лекин даволаш муассасасидан ишлаш методларини ўзгартириш ва маълум чекловларни киритиш талаб этилади. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, мутахассислар қабулига ёзилиш учун талонларга лимитлар ва чекловларни киритиш лозим, бу кўпроқ тор мутахассисларга тегишли, чунки уларнинг сони ва қабул қилиш вақти доимо чекланган бўлади, кўпинча уларнинг қабулига ёзилиш фақат тиббиёт ходимининг йўлланмаси бўйича амалга оширилади. Бу ҳолат қишлоқ шифокорлари беморни вилоят марказига маслаҳат олиш учун юборишда фойдаланиш учун жуда қулай бўлиб, қабул қилиш санаси ва вақтини аниқлаш, беморни қабулга ёзиш мумкин бўлади. Тор мутахассиснинг қабулига мустақил ёзилишда, бемор статистика маълумотига кўра 20-25 фоиз ҳолларда нотўғри йўналишда боради, бу иқтисодий йўқотишга айланади. Лекин бирламчи бўғин шифокорининг қабулига кириш талонларининг умумий миқдоридан, такрорий кўрик учун қабулига ёзилиш учун талонларни ва диспансер беморларини қабул қилиш учун вақтни ажратиш лозим, бу эса интернет орқали ёзилиш мумкин бўлган талонлар сони камайишига олиб келади. Бу, одатда, барча талонлардан 60–65 фоиз қисмини ташкил қилади. Бундан ташқари, реал амалиёт шуни кўрсатадики, интернет орқали ёзилган беморларнинг 15–20 фоизгача қисми қабулга келмайди, бу эса йўқотишларни камайтириш ва мутахассисларнинг қабулдаги юкланишини таъминлаш учун, даволаш муассасаларини беморларнинг келишини тасдиқлаш учун уларга қўнғироқ қилиш вазифасини рўйхатга олувчиларга юклатишга мажбур қилади. Демак, бу усул беморга қарорни қабул қилиш юзасидан юқорироқ масъулиятни юклайди, чунки бемор рўйхатхонага келиб, қабулга ёзилиш имконияти учун ўз вақтини ва кучини сарфлаган ҳолати ҳамда ўз уйида, иссиқ ётган жойида шифокорнинг қабулига ёзилишга қарор қилиши ҳолати орасида катта фарқ бўлади.

2. Беморнинг шахсий кабинети бўлиб, интернет орқали исталган компьютердан, кириш учун логин ва паролни билган ҳолда, беморнинг касаллик тарихидаги тиббий ёзувларга кириш имконини беради. Бу усулнинг сўзсиз афзаллиги – ҳар қандай тиббий ёзув билан исталган жойда, ҳам жойлашувига кўра, ҳам вақтига кўра чекланмаган ҳолда танишиш имконидир. Лекин, ҳар доимгидек, ушбу усул учун ҳам маълум чекланишлар бўлади, уларнинг биринчиси – ахборот хавфсизлиги ва беморнинг шахсий ахбороти-га кириш масаласидир. Бу усулнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд. Улар жумласига касаллик тарихидан нусха олиш, маълумотга назоратсиз кириш имконига эга бўлиш, беморни даволашнинг боришига ва методларига таъсир этиши ва ҳ.к. Иккинчи чекланиш – тиббий ёзувлар ва хулосаларнинг сифати, яъни шифокор фаолиятининг реал амалиётида вақт етишмаслиги ва ўз ёзувларини батафсил расмийлаштиришни истамагани сабабли, кўп ҳолларда касаллик тарихида ҳеч қандай аниқлашсиз ва шахсий маълумотсиз, тушунарсиз ёки маъносиз ёзувлар пайдо бўлади, бу эса шифокорнинг малакаси ёки ушбу ёзувнинг объективлиги юзасидан шубҳа туғдиради, ва ушбу усулнинг барча афзалликларини йўққа чиқаради.

3. Турли ўлчов асбобларидан беморнинг ҳолати ҳақидаги маълумотни олиш, ва бу ерда ўлчаш маълумотини олишнинг иккита усули мавжуд – ярим автоматик усули, бунда беморнинг ўзи шахсий кабинетнинг маълум бўлимида маълумотларни киритади ва тўлиқ автоматик усули, бунда ихтисослаштирилган асбоб билан маълумотлар олиниб, *Bluetooth* маълумот алмашиш баённомасидан фойдаланиб, беморнинг интернетга уланган смартфон билан маълумот алмашилади, у маълумотни автоматик равишда беморнинг шахсий кабинетига юборади. Бу усулда ҳам чекланишлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагича, биринчи чекланиш – молиявий харажатлар, барча беморлар бундай ихтисослаштирилган асбобларни сотиб олиш ва ижарага олиш ҳақини тўлашга ва смартфонни харид қилиш ва интернет учун харажатларни қоплашга тайёр бўлмайди, иккинчиси – асосан бундай кузатиш контингентини ташкил этадиган кекса ёшдаги шахслар учун интернет-технологиялар билан ишлашнинг маълум даражада мураккаб бўлишидир.

Кейинги чекланиш – ушбу усул билан олинадиган кўрсаткичларнинг объективлигидир – маълум шароитларда ҳар қандай ўлчаш натижасини олиш мумкин, бирор-бир шароитни билмаслик натижанинг нотўғри талқин этилишига олиб келиши мумкин, масалан: биз юрак қисқаришларининг тезлиги ва қон босими жисмоний ва рухий-эмоционал зўриқишда ортишини биламиз, асбобнинг ўзи эса ҳеч қачон ушбу зўриқиш бор-йўқлигини аниқлай олмайди ва, шунга кўра, беморнинг ўлчаш кўрсаткичларини олиш шароитларига риоя қилиш ёки ўлчаш маълумотларини билдириш ва уларни изоҳлаш юзасидан масъулияти ошиб боради. Даволаш муассасаси, шунингдек, ўз фаолиятининг тузилишига ва усулларига ўзгартиришларни киритиши лозим, бу кўпинча нозирлик маркази яратилишида ифодаланади, бу марказга ўлчов маълумотлари ёки камида ушбу бемор учун меъёридан четга чиқувчи ўлчаш натижалари йигиб борилади ва навбатчи шифокор беморга оддийгина қўнғироқ қилиб, мулоқотда ушбу вазиятни тартибга солишга эришишдан тортиб, ҳатто тез ёрдам ва шошилишч тиббий ёрдам бригадасига чақирув берилишигача, ушбу вазиятда нима қилиш лозимлиги юзасидан қарорни қабул қилиши лозим.

4. Беморнинг шифокор билан интернет-уланишдан фойдаланиб мулоқот қилиши, бунда дастурий таъминоти шахсий кабинет орқали электрон почтаси ёки Skype дастурига айнан ўхшашдир, бу мулоқот усули беморга анча қулайлик яратади, ва амалда уйдан чиқмаган ҳолда тиббий йўсиндаги масалаларни ҳал этишда ёрдам ва керакли маслаҳатлар олиш имконини беради. Лекин бу мулоқот усулида барча ахборот асосан беморнинг сўзидан шаклланиб боради ҳамда визуал тарзда ва асбоблар ёрдамида кўздан кечириш усуллари билан ҳеч қандай тасдиқланмайди, бундан ташқари, тиббиёт муассасаси ва шифокорнинг ўзи учун катта чекланишларни туғдиради, чунки шошилишч чақирувлар ихтисослашган марказнинг тузилишини ёки шифокорни режали ишлардан чалғишини талаб қилади ва режалаштириладиган тадбирларнинг кўчирилишига олиб келади, яна шуниси ҳам муҳимки, бундай ишларда меҳнат харажатларини ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш жуда қийин кечади. Реал воқеликда, агар хабарлар сони кескин ошиб борса, унда хабарларни кўриб чиқиш ва уларга жавоб бериш вақти кабинетда қабул қилиш вақтига яқин бўлиб қолади.

5. Вазиятни экспертлик таҳлил қилиш усулларидир, улар шифокорга беморни даволаш ва ташхис қўйишнинг оптимал йўллари ва усулларини кўрсатиб беради ва уларга имкон яратади ёки асоратлар ва кўзда тутилмаган реакцияларга йўл қўймасликка имкон беради. Ҳозирги пайтда ушбу усулларни қўллашнинг кўпгина мисоллари таъриф-

ланиб, кенг реклама қилинмоқда, лекин аслида уларни амалга ошириш жуда чекланган даражада бўлиб, булар маълум чекланишлар билан боғлиқ бўлади. Бу усулларнинг барчаси дастурий таъминотга киритилган маълумотга ва алгоритмларга асосланганлигини ва, шунинг учун ҳам, бу усулларнинг барчаси учун асосий чекланиш объективлиги, ҳаққонийлиги, ўз вақтида қўлланиши ва долзарб бўлиши соҳасида мавжуд бўлади. Ушбу усуллардан фойдаланиш бўйича баъзи мисолларни кўриб чиқамиз.

Клиник фармакология. Шифокорга беморнинг жинси, ёши, вазнига боғлиқ ҳолда, беморни фармакологик даволашнинг оптимал усулларини, даволаш схемасини, дозаларини ва ҳоказоларни аниқлашда ёрдам берувчи усул, лекин аввалига ахборот тизимида бу маълумотларни киритиш лозим: беморнинг жинси, ёши, вазни, қабул қилиш вақти, дориларни қабул қилиш схемаси ва дозалари, максимал бир марталик ва суткалик дозаси, бошқа препаратлар билан мос келмаслиги, ва ҳ.к. Препаратларнинг фармакологик рўйхати ҳар йили камида 10–15 фоизга янгиланиб боришини ҳисобга олсак, биз ҳаммамиз ушбу янгиланишнинг долзарб бўлишига ва ўз вақтида амалга оширилишига соғлиғимиз қанчалик боғлиқ бўлишини тушунамиз.

Беморнинг ҳаётий кўрсаткичларини клиник мониторинг қилиш – беморнинг ҳаётий кўрсаткичларини реал вақт режимда назорат қилиш ва зарур бўлганда вазият ўзгариши ҳақида билдириш, баъзи ҳолларда эса уларни автоматик равишда тартибга солиш имконини берувчи усулдир. Бу усул жонлантириш палаталарида койка ёнидаги мониторларда, муддатидан илгари туғилган чақалокларни парвариш қилиш кюветаларида, операция хоналаридаги наркоз-анестезиология жиҳоз-ускунасида ўрнатилган дастурий таъминотда амалга оширилган. Бу усул кенг тарқалган бўлиб, асосий чекланиши эса электр таъминотининг узлуксизлиги ва ушбу жиҳозлардан фойдаланувчи ходимларнинг малакасидадир.

Даволаш режаларининг намуналари. Бу усул шифокорга беморнинг ташхиси, ёши ва ҳолатини билган ҳолда, маълум касалликни даволаш учун диагностика ва даволаш муолажаларининг оптимал тўпламини таклиф қилади. Бу усулда шифокор беморни даволашда ўзи эгаллаган билимлардан ва ўзи билган даволаш схемаларидан фойдаланади. Бу ерда ахборот тизими, бир томондан, катта энциклопедия маълумотномаси вазифасини бажаради, иккинчи томондан, даволаш жиҳатидан ҳам, диагностика жиҳатидан ҳам хизматларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатилишини назорат қилади ва зарур бўлганда шифокорнинг ҳаракатини чеклаши ҳам мумкин.

Масофадан маслаҳат бериш ва диагностика усуллари. Телетиббиёт маслаҳат беришнинг турли усуллари бўлиб, улар анчадан бери ўзининг самарадорлиги ва оммавийлигини намоён қилди, лекин уларда ҳам ўз чекланишлари мавжуд. Асосий чекланишлар – ташкилий ва методологик жиҳатларидир. Бунга мисол келтирамиз: ҳар қандай телетиббиёт маслаҳат беришни ташкил этишда маслаҳат берувчи ва бемор интернет воситасида маълум вақтда, ҳар бири ўзининг маълум жойида бир-бири билан мулоқот қила олиши зарур бўлади, бунинг учун аввалдан келишиб олиш ва маълум ташкилий ишлар зарур бўлади, шунинг учун, бир марталик муомала анчагина силлиқ ўтса ҳам, бу жараён оммавий йўлга қўйилганда, асосий муаммолар ва турли келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Яна бир мисол – касалликни аниқлаш учун гистология намунасининг телетиббиёт маслаҳати. Бу ерда кўп нарса кесилиш ва бўяшнинг сифатига, ҳамда фотосурат қайси микроскопда ва қандай сифат билан суратга олинганига боғлиқ бўлади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ягона давлат ахборот тизими соғлиқни сақлаш тизимининг иштирокчилари фаолиятини услубий ва ташкилий таъминлашнинг ахборот

қўллаб-қувватланишини таъминлайдиган ахборот-технологик ва техникавий воситаларнинг йиғиндисидан иборат.

Тизимни яратишнинг асосий мақсади тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини бошқариш жараёнини ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнини самарали ахборот қўллаб-қувватлашни таъминлаш ҳисобланади.

Ҳозирги пайтга келиб, «Саломатлик» устувор миллий лойиҳасини амалга ошириш доирасида даволаш-профилактик муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда катта натижаларга эришилган, умуман олганда, соғлиқни сақлашни бошқариш органларини керакли ҳисоблаш техникаси билан жиҳозлаш масаласи ҳал этилган.

Шунга қарамай, ҳисоблаш техникаси воситаларининг кўп қисми тиббий ташкилотларнинг маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлаш мақсадида қўлланади, даволаш-диагностика жараёнининг ўзини автоматлаштириш учун компьютерлар ҳажмининг 20 фоиздан камроқ қисми фойдаланилади.

Соғлиқни сақлаш тизими органлари ва ташкилотларининг компьютер техникаси билан нисбатан таъминланганлигига қарамай, ишлатиладиган амалий тизимлар соҳани бошқариш ва аҳолига бевосита тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида долзарб вазифаларнинг ҳал этилишига қўмаклашишни тўлақонли таъминлашга имкон бермайди.

Бугунги кун тиббиётда ахборот-телекоммуникация технологияларини ривожлантиришга тизимли ёндашув, соғлиқни сақлаш жараёнларининг узлуксизлиги ва комплекслигини таъминлашга интилиш йўқлиги ушбу вазифаларнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилади.

Соғлиқни сақлашда ахборот ресурслари ва ахборотга ишлов бериш технологиялари ишларни марказлаштириш ва мувофиқлаштиришнинг талаб этиладиган даражаси таъминланмаган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Соҳавий стандартлар ва регламентлар тизими кам ривожланган, бунинг натижасида даволаш жараёни доирасида турли соғлиқни сақлаш ташкилотларининг ахборот йўналишидаги ўзаро муносабатлари умумий тарзда ҳал этилмаган, хусусий ҳолатларда эса унинг ҳал этилиши учун жуда мураккаб ва меҳнатталаб бўлиб, кўп харажатларни талаб қилади.

Тиббий ташкилотлар учун бозорда мавжуд бўлган амалий ечимлар асосан кам тартибга солинган маълумотлар билан ишлашга йўналтирилган. Сақланаётган электрон ҳужжатлар ва ёзувлар, камдан-кам ҳолатларни ҳисобга олмаса, қоғоз ташувчиларда расмийлаштирилган ҳужжатларга нисбатан иккиламчи тузилган бўлиб, юридик аҳамиятга эга эмас. Кўпчилик тиббий ахборот тизимларида ҳатто битта тиббий ташкилот даражасида изчил амалга ошириладиган иш жараёнларини қўллаб-қувватлаш таъминланмайди, ёки кам ривожланган бўлади. Бунда тиббий ахборот тизими деганда тиббий ташкилотнинг стационар, поликлиника, ёрдамчи (лаборатория, диагностика ва ҳоказо) ва бошқа хил бўлинмалари фаолиятини автоматлаштириш учун мўлжалланган, шу жумладан, беморга ягона электрон тиббий карта асосида кўрсатилган тиббий хизматларнинг шахсийлаштирилган ҳисобини юритишни таъминлайдиган дастурий таъминот тушунилади.

Соғлиқни сақлашни бошқариш доирасида асосан жамланган ахборотни умумлаштириш ва юқори даражага тақдим этиш жараёнлари амалга ошириб борилади. Бунда, биринчидан, бундай ахборотни ҳаққонийлиги жиҳатидан текшириш, иккинчидан, жамланган ахборотнинг тарқибини ва тақдим этишнинг шаклини ҳал этиладиган бошқариш вазифаларининг хусусиятига боғлиқ ҳолда тезкор ўзгартириш имконияти мавжуд эмас.

Соғлиқни сақлашда ахборот тизимлари ягона методология бўлмаган шароитларда марказлаштирилмаган тартибда лойиҳалаштирилади ва ишлаб чиқилади, шунинг учун улар умуман соғлиқни сақлаш тизимининг фаолиятини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш имконини бермайди.

Тиббий ташкилотлар катта ҳажмдаги, махфий бўлиши шарт бўлган ахборотни жамлайди. Айни пайтда, соғлиқни сақлашнинг ахборот тизимларини лойиҳалаштиришда ва ишлатишда ахборот хавфсизлиги масалалари тарихий жиҳатдан устувор бўлиб келмаган.

Санаб ўтилган муаммолар соғлиқни сақлашни ахборотлаштиришга ёндашувни тубдан ўзгартириш, давлатнинг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш ва соғлиқни сақлаш соҳасида ягона ахборот майдони яратилиши лозимлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтга келиб, жаҳон амалиётида соғлиқни сақлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг катта тажрибаси йиғилган. АҚШ, Канада, Европа ва бошқа кўпгина давлатларда соғлиқни сақлашни ахборотлаштиришнинг миллий дастурлари беш йилдан ортиқ вақт давомида амалга оширилади. Бир томондан, Россиянинг Ғарб давлатларидан бу масалада жиддий орқада қолаётгани сезилмоқда. Бошқа томондан, маҳаллий ишланмалар ва чет эл тажрибаси ҳақидаги ахборот мавжудлиги соғлиқни сақлашни бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва қисқароқ муддатларда ва бюджет маблағларини камроқ сарфлаган ҳолда тиббий ёрдам кўрсатишнинг юқорида даражасига тубдан, сифат жиҳатдан янги даражасига кескин чиқиш имконини беради.

Ушбу тизим қуйидаги йўналишлар бўйича вазифалар мажмуини ҳал этишни таъминлашга имкон беради:

- тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан харажатларни прогнозлаш ва режалаштириш вазифаларини ҳал этишни ахборот-технологик қўллаб-қувватлаш асосида ҳамда уни тақдим этишнинг ҳажмига ва сифатига кўра давлат кафолатларига риоя қилиш устидан назорат қилиш асосида соғлиқни сақлаш соҳасида бошқариш самарадорлигини ошириш;

- тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари фаолиятининг ахборот-технологик таъминотини такомиллаштириш, уларнинг ходимлари, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари ўқувчиларининг фаолиятини яхшилаш асосида тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифатини ошириш;

- тиббиёт ва фармацевтика ўрта махсус касбий ва олий ўқув ташкилотларининг, илмий-тадқиқот ташкилотларининг талабалари;

- тегишли ваколатланган органлар билан электрон ўзаро муносабатлар имкониятларини таъминлаш соҳасида фаолиятни амалга ошириш асосида, аҳолининг соғлом турмуш тарзини олиб бориш, касалликларнинг профилактикаси, тиббий ёрдам олиш, тиббиёт ташкилотларида хизмат кўрсатишнинг сифати ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида фаолиятни амалга ошириш масалалари юзасидан хабардорлигини ошириш.

Тизим барпо этилишидан кутиладиган ижтимоий-иқтисодий самараси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тиббий хатолар ҳамда беморлар соғлиғининг ҳолати ҳақидаги ва соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд ресурслар ҳақидаги ахборотнинг тезкорлиги, тўлиқлиги ва ҳаққонийлигининг паст даражаси билан боғлиқ бўлган ўлим, ногиронлик ва асоратлар ҳолатларининг камайиши;

– ўз вақтида ташҳиси қўйилмаган касалликларни даволаш учун қўшимча харажатларни, зарурий маълумот йўқлиги сабабли тиббий ёрдам тезкор берилишининг даражаси пастлиги билан боғлиқ бўлган, тиббий хатоликлар оқибатларини тузатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни, ногиронлик бўйича тўловларни ҳамда тиббий хатоликлар натижасида компенсация тўловлари билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш;

– касалликлар натижасида аҳолининг ўз меҳнат лаёқатини вақтинча ва доимий йўқотишини камайтириш ҳисобига миллатнинг меҳнат салоҳиятини ошириш;

– ортикча лаборатория текширувларининг сонини ва уларнинг такрорланишини қисқартириш ҳисобига, радиологик текширишларни ўтказишда рақамли технологиялардан фойдаланишга ўтиш, тиббий ходимларнинг бемор ҳақидаги керакли маълумотни излаш ва унга кириш учун, қийин ўқиладиган қоғоз тиббий ҳужжатлари билан ишлаш, ҳисоб юритиш ва ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш учун вақти сарфланишини камайтириш ҳисобига, тиббий-иқтисодий экспертизанинг ва бошқа молиявий назорат механизмларининг самарадорлигини ошириш ҳисобига тиббий ёрдамнинг қийматини камайтириш;

– қиммат нархли ва тез бузиладиган дори воситаларига бўлган эҳтиёжни режалаштириш аниқлигини ошириш ҳисобига дори таъминоти учун харажатларни камайтириш;

– соғлиқни сақлаш тизимида энг яхши амалиётларни жорий қилиш, стандартлаштириш ва тиббий ёрдамнинг ва ресурсларнинг керакли ҳажмларини режалаштириш ва тақсимлашнинг аниқлигини ошириш ҳисобига, шунингдек, мажбурий тиббий суғурталаш тизимида ишлайдиган тиббий ташкилотларнинг асосан бир каналли молиялаштиришга ўтиши ҳисобига, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва фойдаланиш мумкинлигини, дорилар билан таъминлашни ва аҳолини тиббий мақсадли буюмлар билан таъминлашни ошириш;

– соғлиқни сақлаш соҳасида ягона ахборот майдони доирасида энг яхши амалиётларни жорий қилиш, стандартлаштириш, марказлаштириш, ҳисоблаш ва телекоммуникация инфратузилмаси компонентларининг бир-бирини такрорлашини камайтириш ҳисобига харажатларни камайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2863-сонли Қарорига мувофиқ, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари 50 тадан 126 тага кўпайди. Стоматология ва косметология ташкилотларидан ташқари хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янги ташкил этиладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилиши қишлоқ ва олис туманларда хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш имконини берди.

Бунинг натижасида хусусий тиббиёт муассасаларининг сони 440 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 4 мингга етди.

Шу билан бирга, давлат тиббиёт муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, шунингдек, республикада ва чет элда тиббий кадрларнинг малакасини ошириш, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш тизимини жорий этиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини ривожлантиришни янада рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмларини янада кенгайтириш, хусусий тиббиёт соҳасига инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ давлат тиббиёт ташкилотлари функциялари давлат-хусусий шерикчилиги асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилади ва мамлакатимиз тиббиётига жорий этиш учун улар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Шунингдек:


– Тошкент шаҳрида Корея Республикаси етакчи олий тиббий таълим муассасаларидан бирининг фаолияти ташкил этилади;

– Корея Республикасининг тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда «AKFA MEDLINE» МЧЖ хусусий клиникаси негизда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва маҳаллий тиббиёт кадрлари малакасини ошириш Маркази ташкил этилади;

– Корея Республикасининг илғор клиникалари ва тиббиёт марказларининг диагностика, даволаш, сервис ва менежмент масалалари бўйича тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тажрибасини ўрганиш «AKFA MEDLINE» масъулияти чекланган жамиятининг ҳудудий филиаллари ташкил этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2018 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотларида ишловчи шифокор-пензионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

«Асака» акциядорлик-тижорат банки қошидаги нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг қуйидаги харажатлар нисбатини назарда тутадиган фойдаланиш тартиби тасдиқланди (11.3-расм).



11.3-расм. Нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатларининг нисбати.

Маъна: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги Қарори.



Хусусий тиббиёт ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини сотиб олиши, шунингдек, мутахассисларининг малакасини ошириш ва хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этишни ташкил этиши учун белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар бериш амалиёти жорий этилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва арзон нархларда дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш мақсадида нархлар шаклланишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика саноатини қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Хусусан, улгуржи ва чакана савдо учун чекланган савдо устамалари белгиланди, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган нархларда сотиш тизими жорий этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини оширилган нархларда сотиш ҳолатларини профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида товар чекларини бериш талаби киритилди.

Фармацевтика тармоғида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Шу билан бирга, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ва нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш истисно тариқасида «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича тендер савдолари ўтказилмасдан амалга оширилиши бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 31 октябридаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори амалиётга қандай жорий этилаётгани, кўзда тутилган вазифалар ижроси ва халқ учун яратилаётган қулайликлар ҳақида сўз боради.

11.3-жадвалдан кўринадики, Президент қарори билан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 343 номдаги дори воситалари, шу жумладан 98 номдаги маҳаллий ва 201 номдаги чет эл дори воситалари, 44 номдаги тиббий буюмлар, жумладан, 18 маҳаллий ва 26 номдаги чет эл тиббий буюмлари рўйхати тасдиқланган. Ўзбекистонда маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, истиқлолнинг дастлабки йилларида атиги икки корхона томонидан 30 га яқин дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 146 фармацевтик корхонаси томонидан 2200 дан ортиқ дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар сон.

Т/р	Кўрсаткичлар	Бирлик
1.	Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари	343 номда
1.1.	Маҳаллий дори воситалари	98 номда
1.2.	Чет эл дори воситалари	201 номда
2.	Тиббий буюмлар	44 номда
2.1	Маҳаллий	18 номда
2.2.	Чет эл	26 номда

М а н б а: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 31 октябридаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига илова.

Она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омил бўлган скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. 2018 йилда 46 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизда туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади. Улар замонавий тиббиёт ускуналари, юқори малакали кадрлар билан таъминланади. Тиббиёт



фани ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда, қишлоқ врачлик пунктларида касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий диагностика лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Ҳар бир халқнинг эртаси фарзандларининг саломатлиги, наслнинг тозаллиги билан чамбарчас боғлиқ. Юртимизда болаларнинг соғлигини асраш, уларнинг бекаму кўст, рисоладагидек униб-ўсиши учун барча шароит яратилмоқда. Давлатимиз бу борада эътиборни ҳам, маблағни ҳам аямаяпти. Ҳатто, ҳали туғилмаган зурриётимиз ҳомила давридаёқ давлатимизнинг ғамхўрлиги оғушида бўлади. Тарихий воқеадан уч кун ўтиб – 2017 йил 25 декабрда Президентимиз «2018–2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорга имзо чеккани ҳам юқоридаги фикримиз далилидир.

Ушбу ҳужжат, айтиш мумкинки, давлатимизнинг келажагимиз, халқимиз насли, «палагимиз тозаллиги»ни ўйлаб ташлаган муҳим қадамларидан яна бири бўлди. Аслида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланганини барчамиз яхши биламиз. Ўтган вақт мобайнида узоқ муддатли самарага – миллатимизнинг генофондини яхшилашга, оилада тиббий маданиятни, аҳоли ҳаёти сифатини оширишга ҳамда узоқ умр кўришига эришиш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан изчил чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. Мана шу туфайли юртимизда «Соғлом она – соғлом бола» концепцияси ҳамда Она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш миллий модели яратилди. Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар натижасида Она ва бола скрининг республика ҳамда ҳудудий марказлари замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. Бу эса кенг доирадаги ирсий касалликларнинг профилактикаси ҳамда уларни даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг оғир

ногиронликка ва ўлимга олиб келадиган ирсий касалликлар, ривожланишдаги туғма нуқсонлар билан туғилиши хавфи даражасини камайтириш имконини берди. Бир мисол: 2013–2017 йилларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида 2,1 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёл текширувдан ўтказилди. Уларнинг 65 минг нафарида ҳомила ривожланишининг туғма нуқсонлари аниқланиши муносабати билан ҳомиладорлик тўхтатилди. Бу жамиятимизда муқаррар 65 минг ногирон пайдо бўлишининг олди олинди, деганидир.

Скрининг марказларида эса туғишгача бўлган давр текширувидан ўтказилган 1,1 миллиондан зиёд ҳомиладор аёллардан ҳомиладорлик даври патологик кечган 210 минг нафари дори-дармонлар билан даволанди. Умуман олганда, ҳомиладор аёлларни туғишдан олдин текшириш ривожланишида туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар бўлган 21 минг нафардан зиёд бола туғилишининг олдини олиш имконини берди. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида туғма аномалияли болалар туғилишининг интенсив кўрсаткичи 2000 йилдагига нисбатан 1,8 баробар камайди.

Ушбу рақамлар соҳадаги ишлардан қониқиш ҳосил қилишга, хотиржамликка асос бўлолмайди, албатта. Сабаби – замон ўзгармоқда, хасталиклар янгиланяпти. Бу эса тиббий генетика ривожланишининг ҳозирги босқичи бўлажак оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик ёрдам кўрсатиш учун скрининг марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни, сифат жиҳатидан яхшилашни тақозо этмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ҳамда у билан тасдиқланган Давлат дастури болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш, соғлом авлод туғилиши, тарбияланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш ҳамда туғуруққа ёрдам берувчи муассасалар, скрининг марказларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Унда шаҳарлар

ҳамда туманлар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида ҳомиладор аёлларнинг туғишидан олдин оммавий ультратовуш текширувидан ўтказилишини жорий этиш назарда тутилган. Ҳомиланинг генетик синдроми бўйича хавф гуруҳини аниқлаш учун ҳомиладорликнинг эрта муддатларида 220 минг нафардан ортиқ ҳомиладор аёллар қонини босқичма-босқич биокимёвий, 310 минг нафардан зиёд аёлларни эса ҳомиладорликнинг иккинчи уч ойлигида туғишгача биокимёвий скринингдан ўтказиш кўзда тутилган. Тандем масс-спектрометрия усули билан ирсий алмашинув хасталиklarини тасдиқлаш учун 18 мингдан кўпроқ болани текшириш режалаштирилган. Нукус, Бухоро, Самарқанд ҳамда Фарғонадаги Она ва бола скрининг марказларида минтақалараро цитогенетик лабораториялар ташкил этилиши, уларни юқори технологик тиббиёт диагностика ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Беш йилликка мўлжалланган бу каби ўта муҳим тадбирлар халқимизнинг ёруғ оламга келадиган зурриётини скрининг текширувидан ўтказишни 95 фоизгача ошириш ҳамда ногиронликка сабаб бўлувчи ирсий касалликларга чалинган болаларни барвақт

аниқлаш бўйича диагностика ва даволаш тадбирларининг самарадорлигини янада кучайтириш имконини беради. Давлат дастурида белгиланган тадбирларни рўёбга чиқариш учун 31 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратилиши назарда тутилгани эса бу борадаги ишларни энг замонавий тиббий ускуналар асосида, юқори сифатда бажаришга моддий асос вазифасини ўтайди.

11.3. ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Мамлакатимизда аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар, яъни, 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бу, бир томондан, давлатимиз зиммасига улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан ёшларга оид мақбул сиёсат юритиш натижасида улкан имкониятлар ҳам беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ярмидан кўпи ёшлардир.

Ёшлар барча даврларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этиб келинган. Мунтазам шаклланиб боровчи бу қатлам доимий йўналтириб ва қўллаб-қувватлаб туришни талаб этади. Мазкур вазифалар қонунлар ижросининг кафолати саналмиш давлат томонидан амалга оширилади.

Давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизими ёшларга оид давлат сиёсатини англатади. Моҳиятан давлатни ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожлантириш, рақобатбардошлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзда тутувчи бу сиёсат дастурий, ташкилий, сиёсий ва иқтисодий механизмларга таянади.

2016 йил 15 сентябрда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг 1-банди ижроси юзасидан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди. Бу қонун «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг 1-банди ижроси юзасидан ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Мазкур қонун 4 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш, уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа салоҳиятларини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини ўзида мужассам этган. Унда белгиланган нормалар шу вақтгача қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ёшларга оид нормалари билан ўзаро боғланган ва улар ўртасидаги уйғунлик таъминланган.

Эътиборли жиҳати, республикамизнинг 650 дан ортиқ қонуни бўлгани ҳолда, фақатгина ёшларга оид қонуннинг номидагина «давлат сиёсати» деган сўзларни ўрин олган. Давлат суверенитетининг дастлабки давридаёқ, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилингани, мамлакат раҳбари томонидан 1993 йил 4 мартда таъсис этилган дастлабки орден «Соғлом авлод учун» деб номланиши, 1992 йилда ёшларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг инсонпарвар нормаларини ўзида жамлаган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг парламентимиз томонидан ратификация қилингани ҳам республикада ёшлар масаласига бўлган эътибор даражасини кўрсатади.

Ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларни тизимли, босқичма-босқич амалга ошириш стратегияси белгилаб олинди. Дастлабки босқичда собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган ёшларни ягона мафкура асосида тарбиялашга хизмат қилувчи маъмурий-бўйруқбозлик тизими ва унинг ҳуқуқий асослари тугатилиб, уларни тарбиялашнинг, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг демократик асосларига пойдевор қўйилди. Вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари яратилиб, зарур институционал тузилмалар шакллантирилди.

Кейинги босқичда ёшлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган дастурларни амалга татбиқ қилиш, биринчи навбатда, қишлоқ йигит-қизларини иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун имконият яратиш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларига эътибор кучайтирилди.

Энди, республикамызда ёшларга оид давлат сиёсатини белгилаб берувчи янги қонуннинг аввалгисидан фарқли жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

Авалло, ушбу қонун аввалгисидан ўзининг мазмун-моҳияти, ҳажми билан ҳам фарқ қилади: Аввалги қонуннинг номи «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» деб номланган бўлса, мазкур қонуннинг номи «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» деб номланди. Деярли барча моддаларнинг номи аввалгисидан фарқ қилади.

Иккинчидан, қонунда ёшлар билан боғлиқ: «ёшларга оид давлат сиёсати», «ёшлар (ёш фуқаролар)», «ёш оила», «ёш мутахассис», «ёшлар тадбиркорлиги» тушунчаларининг мазмуни очиқ берилган.

Учинчидан, мазкур тушунчаларнинг қонун билан белгилаб қўйилгани ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, аввалги қонундаги «30 ёшгача бўлган» деган ёш чегарасини аниқ белгилаб, 3-моддада «ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар» деб белгилаб қўйилганини қонуннинг энг катта ютуқларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин.

Тўртинчидан, қонуннинг яна бир янгилиги «ёш оила» деган тушунчага биринчи марта қонун орқали таъриф берилганидир. Тўғри, аввал ҳам турли қонуности ҳужжатларда мазкур тушунчага таърифлар берилган эди. Бироқ шу вақтгача олий юридик кучга эга бўлган қонун орқали унинг тушунчаси белгиланмаган эди. Қонуннинг 3-моддасига кўра «ёш оила – эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл)» – деб белгиланди. «Биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар» деган сўзлар ишлатилмади.

Бешинчидан, қонун давлат сиёсатини амалга ошириш учун ўзига хос инфратузилмани мустаҳкамлаб қўйди. Яъни ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтлари, ёшлар ижтимоий хизматлари, ёшларга оид давлат сиёсатини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг қонунчилик асослари қайд этилди.

Ёш фуқароларининг ижтимоийлашуви, ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ўзини масъул деб билган ҳар бир давлат ёшлар ҳаётига ёшларга оид сиёсати билан таъсир ўтказади. Ёшларни ижтимоий тўғри йўнал-

тириш, уларга ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун моддий ва маънавий шароит яратиб бериш асносида давлат ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар мустақамланиб боради ва бу, ўз навбатида, бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчларга риоя қилиш масъулиятини ҳам оширади.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33 моддасидан 15 таси ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтларига бағишланган.

Шунга ҳам эътибор қаратиш ўринлики, ушбу орган ва муассасаларнинг белгиланиши бошқа субъектлар бу жараёнда иштирок этмайди, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Қонуннинг 9-моддасига кўра, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар, муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкин.

Деярли барча органлар ваколатларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш белгиланган.

Қонуннинг энг муҳим нормаларидан яна бири, бу – ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳаллалар, нодавлат нотажорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ўрни аниқ белгилаб қўйилганидир. Айниқса, мазкур тузилмалар ҳуқуқларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш белгилангани муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, қонунда ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига алоҳида урғу қаратилиб, ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари чекланиши мумкин эмаслиги белгиланди. Яъни, қонуности ҳужжати билан ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши мумкин эмас.

Қонунда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар бериш; етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш; ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби аввалги қонунда бўлмаган кафолатлари белгиланди.

Шу билан бирга, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассаса ва ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланиши қайд этилди.

Бундан ташқари, қонунда ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни, ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ёшлар ижтимоий хизматига оид нормалар ўз аксини топган.

Ҳар бир давлат ёш авлодни демократик, умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбия қилишнинг урдасидан чиқиши, уларни ижтимоий жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватлаши шарт. Акс ҳолда мамлакат аҳолиси фақатгина ишсиз ва салоҳиятсиз фуқаролар ҳисобига ортиб, кескин криминоген вазият кескинлашиб боради.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳақида тўхталиб, жумладан, навқирон авлодни маърифат асосида тарбиялашнинг аҳамиятини аниқ мисоллар билан очиб берди. Айниқса, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этгани халқаро эксперт доиралари, чет элнинг нуфузли тадқиқот институтлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Юртбошимизнинг бутун дунёдаги давлатлар келажагига, равнақига дахлдор ушбу ташаббуси аҳолимиз, хусусан, ёшларимизда чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.

Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар меҳнат амалиётларини яхшилаш, механизациялаштиришни кучайтириш ва кам меҳнат талаб қиладиган ва кўпроқ даромад берадиган экин турларини етиштириб, қишлоқ хўжалигини диверсификациялаштириш орқали мамлакатга пахта етиштиришдан бошқа соҳаларга ўтиш ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш хавфини камайитиришда кўмаклашишга қаратилган.



ХМТ давлатимизнинг Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишни бартараф қилиш бўйича мажбуриятлари ва чора-тадбирларининг татбиқ этилишини мониторинг қилди ва *«Жаҳон банки томонидан қўллаб-қувватладиган қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларда ҳеч қандай болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатлари аниқланмаганини»* маълум қилди.

Ёшлар ҳаётидаги барча соҳаларни ривожлантириш мақсадида, жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича келгуси йилда кенг кўламдаги ишлар кўзда тутилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган олий спорт маҳорати мактаби, Урганчда «Ёшлик» спорт мажмуаси, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида универсал спорт комплекслари, Қарши шаҳрида спорт-соғломлаштириш мажмуаси, кўп тармоқли ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилиши режалаштирилди.

Бугунги кунда қанча-қанча ёшларимиз чет элларда таълим олмоқда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз йўлини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам кўп. Лекин Ватан соғинчи ҳар қандай одамни ҳам қийнайди. Шунинг учун улар билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

химоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтириши ҳақида Президентимиз 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлис палаталарига қилган мурожаатномаларида таъкидлаб ўтди.

Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароит яратиш, ёшлар хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тadbиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишимиз кераклиги таъкидланди. Бу эса ёшларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этишлари учун катта имконият яратади. Шунинг учун келгуси йили Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш кўзда тутилмоқда.





12-БОБ. МИНТАҚАВИЙ ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНҒЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

12.1. МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР: ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМЛАРИ

2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида қайд этилган масалалар, муаммолар, уларнинг ечимлари билан боғлиқ вазифалар қўйилиши, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар мутлақо янги, ҳал қилувчи босқичга кирганини яққол кўрсатмоқда. Мурожаатномада бошқа муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар қаторида ижтимоий тараққиётнинг асосий негизи бўлган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллий ва минтақавий хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълумки, тинчлик, барқарорлик бўлмаган жойда келажакда тараққиёт режаларини тузишга имконият бўлмайди. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб хавфсизлик ва барқарорликни халқаро майдонда ҳам Марказий Осиё минтақасида ҳам миллий хавфсизликни таъминлаш масаласи Ўзбекистоннинг давлат сиёсатидаги устувор йўналиш ва қатъий тамойили бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда имзоланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимизни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири сифатида унинг бешинчи йўналиши *хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари деб номланган.*

Бу – долзарб мавзу, Президентимиз томонидан 2017 йил 19 сентябрь БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан айтилди ва ташкилотга аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди.¹

2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ҳамда амалий ташқи сиёсат олиб борилаётганининг ва Ўзбекистон ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ҳамда аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш бўйича қатъий қадамлар ташлаётганининг яққол ифодаси бўлди.

Президентимиз минтақадаги хавфсизлик масаласига алоҳида тўхталар экан, жумладан, шундай деди: «...*Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш*

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нуқти. «Халқ сўзи», 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).

мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир. Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда... Хавфсизликка таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «яхлит хавфсизлик» тамойилига риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз»¹.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев конференцияда алоҳида қайд этганидек, бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон яқин қўшничилик, дўстлик тамойилларига таянган ҳолда, фаол ҳамда прагматик сиёсат олиб бормоқда.

Юртбошимиз ташаббуси туфайли минтақа мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари жадал суръатларда ривожланиб борапти. Масалан, йил бошидан буён Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан товар айланмаси ўртача 20 фоиз, айрим давлатлар билан эса қарийб 70 фоиз ўсгани ҳам бу саъй-ҳаракатларнинг амалий тасдиғидир.

Форум иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон баҳсли, таъбир жоиз бўлса, ўта жиддий ҳамда нозик масалаларни тезроқ ҳал қилиш ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш бўйича сиёсати ҳамда интилиши қатъий эканлигини сўзда эмас, амалий ишлари билан исботламоқда. Ўзбек – қирғиз давлат чегарасининг 85 фоизи бўйича келишувга эришилгани, чегара-ўтказиш постлари фаолияти қайта тиклангани, чегарадош вилоятлар аҳолисининг ўзаро борди-келдиси анча енгиллашгани бунинг яққол тасдиғидир. Буларнинг барчаси Марказий Осиёда сиёсий ишонч муҳитини мустаҳкамлади, одамларимизнинг келажакка бўлган ишончини янада кучайтирди.

Давлатимиз раҳбари халқаро конференцияда минтақада тинчлик ва барқарорликни, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ҳамда мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган амалий ташаббусларни илгари сурди.

Халқаро анжуманда экспертлар минтақада хавфсизликка эришиш учун қўшни давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттириш, мамлакатларимизда маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил қилиш, таълим ҳамда сайёҳлик соҳасидаги алмашинувларни «халқ дипломатияси»нинг энг муҳим воситаси сифатида ривожлантириш Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланишини таъкидлади. Шу маънода, оддий ҳамда очиқ инсоний мулоқот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган эзгу ташаббуслар пировардида олий мақсадга, яъни «Марказий Осиё» деб аталган умумий уйимизда тинчлик ҳамда барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган.²

2017 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан келган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи / «Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 11 ноябрь № 228 (6922) сон.

² Ўша манба.

Ашраф Ғани расмий ташрифи давомида ҳам ўзаро манфаатли алоқалар ва хавфсизлик масалалари алоҳида муҳокама қилинди.

Икки давлат раҳбарлари ва ҳукуматлар делегациялари ўртасидаги мулоқотлар чоғида савдо-иқтисодий, транспорт, транзит, энергетика, кимё, агросаноат, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг Қўшма баёноти имзоланди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, фан, таълим ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган 20 та ҳужжат имзоланди. Хавфсизлик масалалари бўйича қўшма комиссия тузиш, Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам, Сурхон – Пули Хумри электр узатиш линиясини қуриш, Мозори Шариф – Шибирғон – Маймана – Ҳирот темир йўлини барпо этиш, юк ташиш, божхона соҳасидаги алоқалар тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ташриф доирасида умумий қиймати 500 миллион доллардан зиёд бўлган 40 дан ортиқ экспорт шартномаси имзоланди.

2017 йил 6–7 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистонга давлат ташрифи давомида ҳам икки давлат ва минтақа ҳаёти, хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама марказида бўлди.

Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига асос бўлмоқда. Ўзбекистон – Туркменистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил тараққий этмоқда.

Олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир. Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг бу галги учрашуви Биринчи Президентимиз Ислон Каримов асос солган ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги мақсад ва ёндашувлари муштараклиги, томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келяпти.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Туркменистоннинг ташқи сиёсати бетарафлик, тинчликсеварлик, яхши қўшничилик тамойилларига қурилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳам изчил ҳамкорлик қилинмоқда.

Мамлакатларимизнинг қўшни Афғонистонда фақат сиёсий йўл билан барқарорлик ўрнатилиши борасидаги фикри ҳам муштарак эканлиги тасдиқланди. Терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. «Буюк Ипак йўли» лойиҳаси доирасида ўзаро саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2018–2020 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум, 2017–2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, 2017–2018 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникалари ва кимё маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Хоразм вилояти билан Дашовуз вилояти, Бухоро вилояти билан Лебап вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Шунингдек, Президентимизнинг Туркменистонга 19-20 май кунлари бўлган амалий ташриф давомида ҳам шу каби масалалар муҳокама қилинди ва тегишли шартномалар имзоланди. Икки давлатнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро муаммолар борасида бир-бирини қўллаб-қувватлаши, турли таҳдидларнинг олдини олиш масалаларига ёндашувлари ўхшашлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам терроризм, диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш тарафдори. Ташриф якунлари мамлакатларимизнинг вақт синовидан ўтган ва изчил ривожланиб бораётган ҳамкорлигига янги суръат бахш этади.¹

Айрим экспертларнинг фикрича, Марказий Осиё истикболда 2040 йилгача энг тез ўсувчи минтақалардан бирига айланиши мумкин. Бироқ имкониятлар ҳамда бу ўсиш сифати минтақа давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик шакли ва унинг даражаси билан белгиланади. Бугунги кунда уч давлат (Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон) саноатлаштиришни жадаллаштириш сиёсатини фаол равишда амалга оширмоқда. Ўзбекистон 2030 йилга қадар иқтисодиётнинг стратегик соҳаларида умумий қиймати 40 миллиард доллардан кўпроқ бўлган 657 лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Бу рўйхатга саноатдаги, шунингдек, транспорт инфратузилмасини модернизация қилишга йўналтирилган лойиҳалар қиради. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш ЯИМ тузилмасидаги саноат соҳаси улушини 2016 йилдаги 32,9 фоиздан 2030 йилгача 40 фоизга қадар етказиш имконини беради. Бу эса «Ўзбекистон-Қозоғистон», «Ўзбекистон-Туркменистон» иқтисодий бўғинларини яратиш ва янги «Ўзбекистон-Туркменистон-Қозоғистон» конфигурациясини яратиш мумкин.²

Бугунги кунда МДХ мамлакатлари хавфсизлик хизматлари орасида жуда яқин ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. 2017 йил 5 апрелда Москвада МДХ мамлакатлари хавфсизлик хизматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда бугунги кунда террорчилар ҳужуми барча МДХ мамлакатларига хавф солаётгани таъкидланди. Террорчилик билан курашиш учун барча мамлакатлар махсус хизматлари яқиндан ҳамкорлик қилиши муҳимлиги қайд этилди.

¹ <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/10227-zbekiston-turkmaniston-ardoshlik-rishtalari-musta-kamlanib-amkorlik-yuksak-natizhalar-bermo-da>

² <http://kun.uz/news/2017/04/22/uzbekiston-turkmaniston-kozogiston-angi-ucburcak-sakllanadimi>

Санкт-Петербургда ва бошқа айрим жойларда бўлиб ўтган фожиалар мисолида террорчилик хавфини инкор қилиб бўлмаслиги айтилди. МДХ мамлакатларига террорчиликдан бошқа яна бир неча хавфлар таҳдид солмоқда. Улар орасида уюшган жиноятчилик, наркотрафик, коррупция ва давлатлар ички сиёсатида ташқаридан аралашиб қаби хатарлар бор. Бугунги кунда МДХ мамлакатлари хавфсизлик хизматлари орасида жуда яхши ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган.¹

Суриядаги ИШИДнинг асосий кучлари йўқ қилиниши туфайли у ердан қочиб, тўзиб кетган жангарилар ўз қонли ҳаракатларини Покистон, Афғонистонда давом эттирмоқда. Уларнинг ва Марказий Осиёга таҳдиди ортаётгани сабабли хавфсизлик хизматлари раҳбарлари тез-тез учрашиб туришга зарурият пайдо бўлмоқда. Яна шундай учрашув 2017 йил 19 декабрда Москва шаҳрида бўлиб ўтди. Унда томонлар Афғонистон ҳудудлари орқали Марказий Осиё республикалари ва МДХ ҳудудларига жиддий хавф пайдо бўлиши билан боғлиқ маълумотлар ва уларга қарши чоралар режаларини келишиб олдилар.²

12.2. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ КАФОЛАТЛАШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Президентимизнинг Мурожаатномасида миллий хавфсизликни таъминлаш ва уни кафолатлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Табиийки, барқарорлик ва хавфсизликни таъминламасдан туриб, бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли Президентимиз деярли ҳар бир тадбирда бу долзарб мавзунини четлаб ўтмайди. 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармонининг³ бешинчи йўналиши Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларга бағишлангани катта аҳамиятга молик. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Ҳаракатлар стратегиясидаги шу долзарб масаланинг мантиқий давоми сифатида яна Хавфсизлик муаммоси кўтарилди.

Мурожаатнома ва Ҳаракатлар стратегиясида Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида куйидаги масалаларни ҳал қилиш вазифалари кўйилган:

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб ҳаракатларни ташкил этиш;
- фуқаролар, миллатлар ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;
- давлатнинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;

¹ <http://sputniknews-uz.com/society/20170405/5133386/MDH-xavfsizlik-xizmatlari-uchrashuvi.html>

² <http://www.tvc.ru/news/show/id/129616>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.

- атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зарар етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар масаласида эса:

- давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида холис ахборот етказиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- давлат чегарасини демилитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш.

Мамлакатимиз хавфсизлигининг ишончли таянчи бўлган миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотларимизнинг самарасини оширишда янгидан қабул қилинаётган Мудофаа доктринаси муҳим роль ўйнайди. Ушбу доктрина Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойилини, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришни ифода этади. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкам ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Миллий гвардия барпо этилди, армияни янги қурол-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, 2017 йилда ҳарбий хизматчилар учун 56 та кўпқаватли уй барпо этилганини ва бу ишлар келгуси йилда янада катта ҳажмда давом эттирилишини таъкидлаш жоиз.

Ҳаракатлар стратегиясида яна бир янгилик сифатида давлатимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, армиямизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Қуролли Кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш учун **Мудофаа-саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш давлат дастурини қабул қилиши** зарурлиги белгилаб қўйилди.

Хавфсизлик ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойили ҳар қандай можарони тинч, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишни назарда тутаяди, куч ишлатиш, куч билан таҳдид қилиш каби усулларни қатъий рад этади. Миллий хавфсизлик кўп жиҳатдан минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни сенаторлар томонидан маъқулланди. Ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка таҳдидлар кўлами ўзгаришига, ҳарбий-сиёсий вазият шарт-шароитларига ҳамда ҳозирги ҳарбий низолар хусусиятига, мамлакатимиз ҳарбий тузилмасини ривожлантириш вазифалари ва йўналишларига қараб Мудофаа доктринасининг айрим қоидаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлик киритилиши ва тўлдирилиши мумкин. Бунда ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат фаолиятининг устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан аниқлаштирилади. Мудофаа доктринаси очик хусусиятга эга, бу эса шунга ўхшаш концептуал ҳужжатлар қабул қилиш борасидаги чет эл тажрибасига мос келади. Ҳужжат Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиклиги, яқин кўшнилар билан амалий муносабатларни ривожлантириш устуворлигини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради, шунингдек, мамлакатимиз мудофаа сиёсатининг шаффофлигини таъминлайди, хавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа чет давлатлар билан самарали ҳарбий-сиёсий муносабатлар ва ҳамкорлик қилиш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратди.¹

Минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ташаббускор давлатларидан бири Ўзбекистон бўлиб, халқаро хавфсизлик коллектив тарзда ишончли, кафолатли бўлишига ишонади.

ШХТнинг энг муҳим ҳужжатларидан бири – «Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш тўғрисида» Конвенция қабул қилинади. ШХТнинг 2002 йилги саммитида унинг Хартияси қабул қилинади ва Тошкентда жойлаштирилган ШХТнинг Минтақавий Аксилтеррор тузилмаси яратилади. ШХТнинг Котибияти Шанхайда жойлашган. 2000-йилларга қадар ташкилотнинг фаолияти анча кенгайиб келди ва, айти пайтда, унинг кун тартибида аъзо далаатларнинг иқтисодий, маданий, транспорт, энергетика ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорлик масалалари доим муҳоамада турибди.

Халқаро тизимда Ўзбекистон ҳам ўз ўрнига эга бўлишга интилмоқда. Давлатимизнинг ташқи сиёсати мустақилликнинг дастлабки йилларидан буён бир неча босқичлардан ўтди. Дастлабки босқичда янги мустақил давлат учун халқаро тизимга мослашиш, мустақил сиёсат юргизишни ўрганиш, мамлакатни ва халқни дунёга танитиш каби вазифалар муҳим аҳамият касб этди. 1994 йилда «Ўзбекистон ташқи сиёсат тамойиллари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: янгиланиш ва тараққиёт йўли» деб номланган асарида илгари сурилган тамойиллар ўз аксини топди. Улар куйидагилардан иборат:

- ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда ўз миллий манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, бирон-бир буюк давлатларнинг таъсир доираларига кирмаслик;
- одамлар ва давлатлар орасидаги муносабатларда умумбашарий қадриятлар устуворлигини таъминлаган ҳолда, республика халқаро саҳнада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун ҳаракат қилади;
- тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаат, бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-лашмаслик;

¹ <http://www.uza.uz/oz/politics/mudofaa-doktrinasi-senatorlar-tomonidan-ma-ullan-21-12-2017>

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи сиёсатда очиклик тамойилини таъминлаш;
- халқаро ҳуқуқ меъёрларининг миллий ҳуқуқдан устуворлиги;
- тўла ишонч асосида икки ва кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлашириш.

Ўзбекистон халқаро сиёсатга кириб боргани сари унинг халқаро масалалар борасидаги фаоллиги, ташаббускорлиги тобора ошиб борди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси 100дан ортиқ халқаро ташкилотга аъзо бўлди. Шулар орасида БМТ, ШХТ, МДХ, ЕХХТ, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида буюк давлатлар билан бўлган муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. 2002 йил 12 мартда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида «Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида» Декларация имзоланди. Икки йилдан сўнг, 2004 йил июнь ойида Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари Стратегик шериклик тўғрисидаги битимга имзо қўйишди. Ўзбекистон Хитой, Япония, Европа Иттифоқи билан ҳам ўз муносабатларини айнан стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарган.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати мураккаб халқаро муҳитда шаклланиб ва ривожланиб келмоқда. «Совуқ уруш» даври тугаганидан сўнг шаклланаётган янги жаҳон тартиботи Марказий Осиё давлатлари ва, айниқса, Ўзбекистонга ҳам жиддий таъсир қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳам минтақада янгича авж олаётган геосиёсий курашдан холи эмас. ХХI аср бошида давлатимиз янги жаҳон тартиботи ва, умуман, халқаро тизимга мослашиб, мустақил сиёсат юргизишдек муҳим синовдан ўтмоқда.

12.3. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – КЎПМИЛЛАТЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Мурожатномада мамлакатимизнинг тенгсиз бойлиги унинг кўпмиллатли халқи экани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шундай экан, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакиллари ўртасида ҳамжихатлик, тотувлик тамойиллари асосида бир оила каби яшаш янада бебаҳо неъмат экани уқтирилди.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асоси бўлган миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан ҳисобланади.

Мурожатномада жаҳонда кескин иқтисодий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бораётганлиги, дунёнинг турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашув ва низолар давом этаётганлиги, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари камайиш ўрнига кўпайиб кетаётганлиги ташвиш билан айтилди. Афсуски бундай можаролар, биродаркушлик урушларини асосий ҳаракатга келтирувчи кучлари сохта, ўта мутаассиблик, жоҳиллик ботқоғига тушиб қолган, сиёсийлашган ва ҳарбийлашган диний мафкуралар билан қуролланган гуруҳлардир. Янада ачинарлиси, бундай жаҳолат ботқоғига айрим юртдошларимизнинг ҳам тушиб қолганлигидир. Ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимизнинг шартлари ва вазифалари мурожатномада уқтирилди.

Авалло, шу йўналишда шаклланган тизим самарадорлигини янада оширишимиз, айниқса, диний масалалар билан бевосита шуғулланадиган ҳоким ўринбосарлари, му-

тасадди ташкилотлар масъулиятини янада кучайтиришимиз зарур. Хусусан, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари – барча-барчамиз биргаликда иш олиб боришимиз лозимлиги таъкидланди.

Мурожаатномада диний экстремизм ғоялари таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича ишларни янада такомиллаштиришимиз лозимлигига алоҳида тўхтаб ўтилди. Ахборот ресурслари орқали тарқатилаётган бузгунчи ғояларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибида алоҳида бўлинмалар ташкил этиш зарур. Жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжихатлик ва фуқаролар тотувлигини мустақамлашни биз бундан буён ҳам энг долзарб ва эзгу вазифамиз деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимиздаги диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш чоралари ишлаб чиқилиши белгиланиши муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Дунёнинг турли минтақаларида миллий, диний, этник бошқа ижтимоий-иқтисодий низолар оқибатида кечаётган хунрезликлар туфайли кўплаб бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётганлигидан сабоқ чиқариш жуда муҳим эканлигини англашимиз зарур. Халқимизда, «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади» деган ҳикмат бор. Зеро, юртимизга ёғилаётган қут-бараканинг асосий сабаби ҳам Оллоҳнинг бизга кўрсатган иноятидир.

Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб, ҳам ички ҳаётда, ҳам ташқи сиёсатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш энг муҳим масала бўлиб келмоқда. Ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мантиқий давоми ва янги босқичида бу муҳим масалага янада жиддийроқ қараш эҳтиёжи туғилди. Чунки, Ўзбекистон замонавий дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатлари каби, кўпмиллатли ва турли динлар вакиллари истиқомат қиладиган мамлакатдир. Юртимизда бугунги кунда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ва 16 дан ортиқ диний жамоалар вакиллари истиқомат қилади. Бундай ҳолда миллатлараро ва динлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат, юксак маданият, бағрикенглик ва айниқса қатъий қонунлар асосида олиб бориш зарурияти туғилади. Ташқи омил сифатида эса, Ўзбекистон дунёнинг муҳим геостратегик минтақада жойлашганлиги ва бу ерда барча йирик ташкилот ва давлатларнинг манфаатлари кесишганлигини айтиш зарур. Ўзбекистон ўзи аъзо бўлиб кирган халқаро ва минтақавий ташкилотлар минбаридан туриб доимо тинчлик, барқарорлик, ҳар қандай можарони тинч музокаралар йўли билан ечиш тамойилига содиқлигини таъкидламоқда.

Бундай тамойилнинг изчил давоми сифатидаги фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 октябрда бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлари вазирлари кенгаши 43-сессияси очилиш маросимидаги маърузаси¹ ва 2017 йил 19 сентябрида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги маърузасида² баён қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз ичида миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик барқарорлик асоси эканлиги хусусида 2017 йил 24 январда Республика байналмилал

¹ Шавкат Мирзиёев. Тинчлик ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл /Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 26–41-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи// «Халқ сўзи» 2017 йил 20 сентябрь, №189 (6883).

маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқида алоҳида таъкидланди.¹

Жумладан, унда шундай фикрлар бор: «Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар чоп этилмоқда. Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданий марказлар етакчи роль ўйнамоқда»².

Бугунги кунда юртимизда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ ва модернизация қилиш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.

12.4. ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – МАМЛАКАТИМИЗДА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Диний бағрикенглик масаласи бошқа даврларда бўлгани каби, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг янги босқичида ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан устувор йўналиш сифатида эътироф этилди. Президентимиз ҳар бир учрашув ёки тадбирда, халқаро ёки минтақавий ташкилот анжуманларида ва давлат раҳбарлари билан учрашувларда бу мавзунини муҳим муаммо сифатида таъкидлаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳам асосий мавзу диний бағрикенглик масаласи бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг айнан ана шу нутқлари Ўзбекистон тарихида чин маънода буюк ҳодиса бўлди.

2017 йил 15 июнь кунини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда Президентимиз «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги маърузаси юртимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, фарзандларимизни турли ёт ғоя ва таъсирлардан асрашга қаратилгани билан қалбимизда чуқур жой олди. Бизнинг эзгу ғояларимизни Президентимиз дадил оҳангда «биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз»³ деган сўзлар билан баён қилди.

¹ Шавкат Мирзиёев. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг ҳаётбахш манбаи // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 295–305-бетлар.

² Ўша манба, 296–297-бетлар.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // «Халқ сўзи», 2017 йил 20 сентябрь.

Биз ҳозирги вақтда йирик бир лойиҳа – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш бўйича катта ишларни бошлаб юбордик деди Президентимиз.

Бу марказ, аввало, халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиқ бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади.

2017 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори имзоланди. Бу борада ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида улкан ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, 2017 йил 11 сентябрь куни Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқида ҳам ислом динини ривожлантириш бўйича буюк аждодларимизнинг тарихий хизматлари алоҳида таъкидланди.

Динлараро бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади. Инсонларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида диний бағрикенглик муаммоси жаҳон ҳамжамияти давлатлари учун ғоят долзарб масалалардан бири ҳисобланади. **1995 йил 16 ноябрда** БМТнинг фан, таълим ва маданият бўйича ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО томонидан Бағрикенглик принциплари декларациясининг қабул қилиниши бунинг ёрқин далилидир. Ушбу декларацияда эътиқод ва виждон эркинлигига ҳам эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Асосий қонунимизда ушбу ҳуқуқнинг акс эттирилиши мамлакатимизда инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланишининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тарихий илдиз ва мустаҳкам қонуний асосларга эга бўлиб, дунёвий давлат ва дин орасидаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деб белгиланган. Ушбу

моддани амалга ошириш механизми 1998 йил 1 майда қабул қилинган «*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида*»ги Қонунида кенг ёритиб берилган. Унинг 3-моддасига кўра, виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: «Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яққа тартибда, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади», деб белгиланган. БМТ томонидан динлараро бағрикенглик ғоясини бутун дунёга тарғиб этиш мақсадида 2011 йилнинг 1–7 февраль кунларини бутун Динлараро муносабатлар уйғунлиги бутунжаҳон ҳафталиги деб эълон қилинган эди.

Ўз нутқида муҳтарам юртбошимиз буюк аллома, муҳаддислар султони, Ислом оламининг энг ёрқин намояндаларидан бири Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» китоби Қуръондан кейин дунёда иккинчи манба деб тан олинганлигини эслатганларида ўзгача фахрланиб кетдик.

БМТ минбарида эслаб ўтилганидек, Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази, Ислом дини моҳиятини халққа етказиш учун келажақда қилинадиган салмоқли ишлар учун дебоча бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшмалар ва ақидапарастлар турли динлар, шу жумладан, христианлик, яҳудийлик, ислом динлари таълимотидан фойдаланмоқда.

Терроризм – жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва кўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ёвуз усулидир. У яширин руҳдаги ташкилотлар томонидан беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланади.

Мана шундай шароитда дин ниқоби остидаги айрим ғаразли кучлар Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқариш, мавжуд конституциявий тузумни ағдариш орқали ислом давлатини қуриш ғояларини илгари сурмоқда. Диний экстремистик кучлар жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидавий аҳкомлар тизимини инкор этиб, уларга зид бўлган «ғоялар» ва амалларни агрессив тарзда тарғиб қилишга интиломоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозир дунёда 500 дан ортиқ террорчилик ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг 80 фоизи ислом дини ниқоби остида фаолият юритмоқда.

Авалло кундан-кунга кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин. Мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор йуналишларидан бири – миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва бардавомлигини таъминлашда фаол иштирок этадиган авлодни вояга етказишдир. Шу боис ёшлар тафаккури софлигини сақлаш, уларнинг кайфиятлари, орзу-умидлари, интилишларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш ўта долзарб вазифадир. Диний экстремизм ва терроризм илдиз отиб бораётган бугунги кунда жамиятимизда ёшлар тарбиясига аҳамият қаратиш энг долзарб вазифадир. Ёш авлодни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация

манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, *фикрга қарши фикр, гояга қарши гоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда*¹, – деган фикрларини эсда тутишимиз лозим.

Бугунги кунда БМТнинг хавфсизлик ва терроризмга қарши курашиш бўйича махсус бўлинмалари фаолияти терроризмга қарши қаратилган асосий халқаро уюшмалар каторида етакчи ўрин эгаллайди.²

Ноанъанавий диний ҳаракатлар ва ташкилотларнинг кўпчилиги ХХ асрнинг 60–70-йилларида АҚШ ва Ғарбий Европада пайдо бўлди, кейин бутун дунёга тарқала бошлади. Диний жамоа аъзоларининг турмуш тарзи қатъий белгиланиб қўйилган тартиблар, ижтимоий ҳаётдан узоқлашганлиги билан ажралиб туради, ўз раҳбарларига сўзсиз бўйсунушлари талаб қилинади. «Севги оиласи» сектаси ҳеч бир чекланмаган муносабатлар воситасида «диний тозариш» йўли билан «худонинг ўғли» бўлишни тушунтириб беради. Жанубий Кореялик Сан Мун асос солган «Бирлашган черков» сектаси аскетик турмуш тарзини тарғиб қилади.³ «Кришнани англаш халқаро жамияти» ноанъанавий дини фан ва таълимга оид барча қадриятларни инкор қилади»⁴.

Ноанъанавий диний ҳаракатлар катта ташвиқот ва моддий ёрдам бериш орқалигина эмас, маънавий қашшоқлик, маиший бузуқлик каби омиллар туфайли ҳам айрим гуруҳларни ўз таъсир доирасига олади. «Янги диний ҳаракатларнинг асосчилари» фақат уларгина мутлақ ҳақиқатни, барча инсоний муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўлини, қайта туғилиш ва у дунёда ўлмаслик орқали абадий фароғатга эришишни билишларини даъво қиладилар. Уларнинг таълимотлари мистика, сирлилиқ билан йўғрилган. Масалан, Япониядан тарқалган «АУМ СЕНРИКЁ» деган диний оқим вакилларининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби, яъни манкуртга айлантириб қўйгани яхши маълум»⁵.

МДХнинг қатор мамлакатлари, хусусан, Украина, Қозоғистон, Россия ва Қирғизистонда ўсмирлар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳоллари кўпайиб бораётгани ҳақида бонг уришмоқда. Маълумотларга қараганда, турли ижтимоий тармоқларда «кўк кит» номи билан разил ғоялар тарқатадиган гуруҳ мавжуд. Уларнинг сони битта эмас, бир нечта экани ҳам маълум. Ачинарли ва ташвишлиси шундаки, улар ҳаётнинг аччиқ-чучуги нима эканини билмайдиган ва дунёқараши шаклланиш арафасида бўлган ўсмир ёшлардир. Россия, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ҳар бирида камида 15 нафар ўсмир ушбу ўйин қурбони бўлган»⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди ва вазифалар белгиланди. Унинг мақсади юр-

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.

² *Очилдиев А.С.* Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.

³ *Межуев В.М.* Культурология как наука: за и против (материалы обсуждения). «Вопросы философии», 2008. №11, с. 15.

⁴ *Ислом Каримов*. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 6–7-бетлар.

⁵ *Круглов. А.А.* Основы религиоведения. – Минск: «Тетра системс», 2002. С.151–158.

⁶ www.kun.uz.

тимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдир.

Ўзбекистонда ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан жой олишига барча шароит яратиб берилган. Бошқача қилиб айтганда, фарзандларимиз дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбанд таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбияланмоқда.

2015 йил 25 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда «Халқаро бағрикенглик куни»га бағишланган «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик» мавзусида талабалар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда диний таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, талабаларнинг диншунослик соҳаси бўйича билимларини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш мақсадида ўтказилган ушбу анжуманда Тошкент ислом институти, «Кўкалдош» ва «Хадичаи Кубро» ўрта махсус ислом билим юртлири, Тошкент ислом университети, Тошкент православ ва христиан семинариялари талаба ва ўқитувчилари иштирок этди.



12.1-расм. Ўзбекистондаги диний жамоалар.¹

¹ www.islamcenter.uz

Анжуманга «Глобаллашув шароитида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойилларининг ўрни», «Ёш авлод онгида бағрикенглик туйғуларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари», «Ўзбекистондан етишиб чиққан мутафаккирлар ижодида диний бағрикенглик масалаларининг ёритилиши», «Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови» ва «Диний экстремизм, терроризм ва миссионерликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари» мавзулари доирасида мақолалар тақдим этилди.¹

Бу каби саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз ва минтақамизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг асосий пойдевори бўлган ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликка олиб келади. Зеро, дунё тамаддуни тарихида бошқа минтақаларда учрамайдиган дунё динлари, маданиятлари, ўзига хос санъат чорраҳасида жойлашган мамлакатимиз учун ҳаёт давомийлиги ижтимоий тараққиёт кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мурожаатнома ва унинг мазмун-моҳияти мамлакатимизда қизгин муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар қилиниб, вазифалар белгиланмоқда.

Миллатлараро тотувликни таъминлашнинг бебаҳо аҳамияти хусусида кўплаб ҳамюртларимиз ўзларининг юрак сўзларини изҳор қилишмоқда. Улар орасида миллатдошларимиз билан бирга, юртимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари, дипломатик корпус вакиллари ҳам борлиги эътиборга молик. Эътиборли жиҳати шундаки, дунёнинг йирик, кўпмиллатли давлатлари раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, дипломатлар Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик соҳаларида эришилган юксак натижаларига ўзларининг холис баҳосини беришмоқда ва мамлакатимизнинг тажрибасидан фойдаланишни тавсия қилишмоқда. Уларнинг айримларини мисол сифатида келтириш мақсадга мувофиқ.



¹ www.muslim.uz



ЖАҲОН ЭЪТИРОФИ

Мен Сизнинг қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни фаоллаштириши бўйича саъй-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлайман. БМТ умумий мақсадларимиз, шу жумладан, барқарор ривожланиши мақсадларини бажариши, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва превентив дипломатияни илгари суриши борасида Сизнинг ҳукуматингизга ёрдам беришига тайёр.

**Антониу Гутерриш,
БМТ Бош котиби
(Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев номига йўллаган мактубдан)**

Бу стратегия ҳар томонлама, чуқур ўйланган ва жуда истиқболли. Унинг қабул қилинишидан аввал кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилингани, мутахассисларнинг фикрлари ва таклифлари ҳисобга олингани диққатга сазовор. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган мақсадлар амалга оширилишининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

**Сума Чакрабарти,
Европа тикланиш ва тараққиёт
банки Президенти**

Президент Шавкат Мирзиёев биринчи мартаба мамлакат парламентиغا Мурожаатнома билан чиқди. Давлат раҳбари ўз нутқида ортда қолаётган йил яқунлари хусусида атрофлича тўхталди. Бу давр мобайнида сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда улкан ишлар амалга оширилди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига ўз саволлари билан мурожаат қилган одамларнинг кўп сонли муаммолари ҳал этилди. Ўз мамлакатимнинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мен шу қадар узоқни кўра оладиган давлат раҳбари билан ишлаш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман ҳамда бу билан фахрланаман. Умид қиламанки, келгуси йили давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янада самарали бўлади.

**Нобуаки Ито,
Япониянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қалб тўридан чиққан жуда қизиқарли нутқини тингладик. Давлат раҳбари мамлакатда мавжуд бўлган, ҳал этилиши керак бўлган масалалар ҳақида лозим даражада очиқ сўзлади. Бу бюрократия, мансабдорларнинг бугунги воқеликларга тўғри келмайдиган эскича фикрлаши билан боғлиқ бўлди.

Биз Ўзбекистонда яқин келажакда амалга ошириш режалаштирилган давлат ва халқнинг мақсад ҳамда вазифалари ҳақида батафсил маълумот олдик. Хусусан, 2018 йил республикада «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинди. Ўйлайманки, бу ўринда фаол тадбиркорлик ёшлар ўртасида соҳа вакиллари сонини кўпайтиришни назарда тутди. Бу жиҳат Туркиянинг элчиси сифатида мен учун муҳимдир. Чунки мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда турк сармояларини жалб этиш ҳамда савдо юртиши мақсадларида бизнес доиралар вакиллари орасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйишига катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси келгуси йилда катта ишларни амалга оширишимиз кераклигини англатади.

**Аҳмет Башар Шен,
Туркия Республикасининг Фавқулодда
ва мухтор элчиси**

22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат тарихида илк бор парламентга Мурожаатнома тақдим этди. Ўзбекистон етакчиси кўплаб демократик давлатларда кенг ёйилган бундай шаклдаги ёндашув орқали мамлакат келажакда, тизимни ислоҳ қилишнинг йўналишлари ҳақида сўз юритди. Ушбу ташаббуслар ва янгича қарашлар стратегик характерга эгаллиги билан долзарбдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, Шавкат Мирзиёевнинг келгусида ўзгаришлар самарадорлигини ошириш учун «рақамлар кетидан қуввиш амалиётидан воз кечиш» ҳақидаги фикрлари барчада қизиқиш уйғотди.

**Саноат Кушқумбаев,
Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Қозоғистон Стратегик тадқиқотлар
институту директори ўринбосари**

Ушбу Мурожаатнома Ўзбекистон жамиятининг барча жабҳасини қамраб олди. Унда жорий йилда эришилган муваффақиятлар таҳлил қилиниши баробарида, 2018 йилнинг устувор йўналишлари ҳам баён этилди.

Давлат раҳбари билдирган жуда кўп фикрлар ЕХХТ доирасидаги фаолият билан яқиндан боғлиқ бўлиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешик устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги муҳим соҳаларга тааллуқлидир.

Биринчидан, Президентнинг одамлар адолатни ва яна бир бор адолатни исташи ҳақида айтган фикрлари менда катта таассурот қолдирди. Бу одил судлов, қонун устуворлиги, ҳуқуқ-тартибот ҳамда миллий хавфсизлик йўналишларидаги асосий ислохотлар билан боғлиқ бўлиб, мазкур соҳалар Ўзбекистон ва бутун жаҳонда инсонлар ҳаёти учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, республика аҳолиси ислохотларни қўллаб-қувватламоқда, шу билан бирга, амалий саъй-ҳаракатлар ҳамда натижаларни интиқлик билан кутяпти. Улар келажакда эмас, балки бугун ўзгаришлар бўлишини исташмоқда. Бунинг учун зарур чора-тадбирларни кўрмаган ва фақат кузатувчи бўлиб қолаётган мансабдорларни Президент дадиллик билан танқид остига олди.

Ўзбекистон раҳбари таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт соҳаларида республика учун намуна тариқасида тараққий топган мамлакатлардан қатор аниқ мисолларни келтирди.

ЕХХТ ҳар қандай жамиятдаги нодавлат ноҳукумат ташкилотларга алоҳида аҳамият беради. Ўзбекистон раҳбари мамлакатдаги 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш зарурлигини қайд этгани жуда қувонарлидир.

Иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳақида тўхталаркан, Шавкат Мирзиёев Уинстон Черчиллнинг қуйидаги фикрини келтиргани жуда ўринли бўлди: «Баъзилар тадбиркор деганда соғин сизирни, фақат саноқли одамларгина тадбиркор деганда оғир аравани тортаётган меҳнаткаш отни тушунади». Дарҳақиқат, тадбиркор оғир аравани тортадиган от мисолидир.

Шавкат Мирзиёев бутун Ўзбекистон иқтисодиёти учун мутлақ локомотивлар сифатида тадбиркорлар ўз фаолиятларига ижодий ёндашиши, инновацион тафаккурга эга бўлишлари зарур эканлигини теран англашини ҳам намоён этди.

Шунингдек, иқтисодиётни ривожлантириш нуқтаи назаридан қонун устуворлиги қўллаб-қувватланиши ҳамда тадбиркорлар учун давлат идоралари томонидан асоссиз текширувларни ва тўсқинлик қилишларни бартараф этиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни тинглаш ҳам бизни қувонтирди.

Ўзбекистон етакчиси бугунги кунга қадар етарли даражада фойдаланилмаётган миллий ресурсларни алоҳида таъкидлади. Шуниси муҳимки, Президент мамлакат олдидан турган вазифа ҳамда муаммоларнинг жиддий эканлигига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаш асносида халқаро рейтинглардан аниқ-равшан маълумотларни мисол тариқасида тилга олди. Масалан, унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва божхона ҳужжатларини расмийлаштириш муддатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эътирофга молик.

Президентнинг самимият билан айтган сўзлари менда катта таассурот қолдирди. Ҳақиқатан ҳам, Шавкат Мирзиёев фикрларига қаттиқ ишонади. У, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонга яхшиликлар олиб келади, шу билан бирга, одамларнинг истак ҳамда эҳтиёжларини тушунади. Буларнинг аксарияти Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили ҳамда хоҳ якка ҳолда, хоҳ жамоа бўлсин, одамларнинг овози эшитилишига имконият яратган Виртуал ва Халқ қабулхоналари фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Президент «Менинг фикрим» веб-саҳифасини яратиш бу йўналишидаги янги қадам бўлишини эълон қилди.

Умуман олганда, Шавкат Мирзиёев ҳамон кўпгина муаммолар мавжуд эканлиги, улар ҳал этилиши лозимлиги ҳамда кўпгина ислоҳотлар олиб бориш кераклиги юзасидан ҳеч қандай шубҳа қолдирмади. Агар мамлакатдаги барча одамлар ўзгаришларни жасдаллаштириш кераклигини, улар муаммолар ҳал қилинишида таркибий қисм эканликларини ватанпарварлик билан ҳис этсалар, салмоқли натижалар тайин, келажак ҳам порлоқ бўлади.

**Жон Мак Грегор,
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг
Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори**

2017 йил давомида Ўзбекистон халқи барча соҳада диққатга сазовор муваффақиятларга эришди: мамлакатда сиёсий барқарорлик ҳукм сурмоқда, иқтисодий ўсиш таъминланяпти, хорижий сармоялар кўпаяётир, аҳоли фаровонлиги даражаси муттасил ўсиб бормоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда кўндан-кўн давлатлар ҳамда ташилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни фаол ривожлантираётган Ўзбекистон Республикаси жаҳон сиёсатининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган.

Ўтган вақт давомида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли ислоҳотлар мамлакатнинг тўғри йўлдан ҳаракатланаётганини кўрсатяпти.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев вазиятни яхши томонга ўзгартиришни ис-тайди. Давлат раҳбари томонидан 2018 йил Ўзбекистонда «Фаол тадбиркорлик, инновацион зоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилингани хорижлик сармоядорларга республикада янада фаол иш олиб боришлари учун муҳим даъват ҳамда рағбатдир.

**Бен Же Ил,
«Корея – Ўзбекистон» парламент-дўстлик
ассоциацияси раиси (Корея Республикаси)**

«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилмоғи керак» деган зоя Ўзбекистон раҳбари фаолиятининг энг асосий тамойили бўлиб қолди. Виртуал ва Халқ қабулхоналари фуқаролар мурожаатлари билан иш-лаш бўйича ўзига хос демократия институтига айланди. Аҳолининг ўзи сайлаган етакчига бўлган ишончи республикада халқ ҳокимияти сўзда эмас, балки амалда эканлигини тасдиқлайди.

**Кудайберген Ержан,
Қозоғистон Республикаси парламенти
депутати**

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий адолат, халқ фаровонлиги ва инсон манфаатлари тамойили энг муҳим масалага айланган. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга тақдим этган мазкур Мурожаатно-маси – мамлакат демократлашуви ҳамда фаровонлашувидаги янги ҳамда муҳим босқич демак. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигида мутлақо янги шакл қарор топмоқда, яратувчанлик, янгича фикрлаш рағбатлантириляпти.

**Месут Эмре Каракоз,
Туркия Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги
Ахборот ва матбуот бошқармаси
эксперт-таҳлилчиси**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси тўла-тўқис ва кўп қиррали бўлди, барча соҳани ислоҳ қилиш бўйича янги ёндашувлар, таклифлар айтилди. Дарҳақиқат, депутатлар корпуси ҳамда сенаторлар олдига марказлашувга барҳам бериш, бу борада қабул қилинадиган қарорларга жавобгар кишиларнинг масъулияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдек катта вазифа қўйилди.

Давлат раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик зарур эканлигини таъкидлаб, жорий йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган Қозоғистон билан алоқалар аҳамияти ва бу борада бизларнинг стратегик шериклигимиз муҳим эканлигини таъкидлагани менга мамнуният бағишлади.

Кириб келаётган йил Ўзбекистонда «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилингани эътирофга сазовор. Чунки мамлакат рақобатбардошлиги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларидан бири сифатида белгиланган. Халқаро молиявий ташкилотлар билан ўзаро муносабатлар яхши йўлга қўйилган, сармоявий ҳамкорлик бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Ерик Утембаев,
Қозоғистон Республикасининг Фавқулодда
ва мухтор элчиси

Ўзбекистон Президентининг миллий парламент палаталарига Мурожаатномаси билан танишиб чиқдим. Унда мамлакатдаги ҳозирги вазият, шунингдек, жамият олдидан турган устувор вазифалар ўз ифодасини топган. Давлат раҳбари аҳолини ислохотлар жараёнига жалб этишга интилмоқда, токи уларнинг натижаларидан ҳамма бирдек баҳраманд бўлиши таъминлансин, деган хулосага келдим. Шуниси жуда муҳимки, Шавкат Мирзиёевнинг тараққиёт дастури барқарор ривожланиш йўллари ҳамда жамият ҳаётининг барча қиррасини қамраб олган.

Ўзбекистон етакчиси ислохотларни жадаллаштириш, қатор жабҳаларга мўлжалланган дастурларни ҳаётга татбиқ қилиш зарурлигини таъкидлади. Бу, шубҳасиз, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга, республиканинг умумий иқтисодий ривожланишига кўмаклашади.

Мен Ўзбекистон раҳбари кўтарган масалалар – минтақавий сиёсат, ижтимоий масалалар, хусусий жабҳани ривожлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш, энергия, нефть ҳамда газдан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш сингари долзарб масалалар юзасидан билдирган фикрларига тўла қўшиламан.

Менимча, назорат органларини ислоҳ қилиш, яъни қулай ва тўғри бошқарувни яратиш, маъмурий очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаш гояси Ўзбекистон Президентининг ушбу нутқидаги яна бир муҳим жиҳат бўлди. Айтиш керакки, ички ва ташқи статистика маълумотларидан хабардорлик Ўзбекистоннинг ишончли ҳамда очиқ шерик сифатидаги обрў-эътибори юксалишига кўмаклашади. Ўзбекистон раҳбарининг сиёсий баёноти бўлиб қолган бундай ёндашувни тўла қўллаб-қувватлайман.

Бугунги Ўзбекистон янги ва самарали иқтисодий тизимни қўллаш ҳамда миллий ресурслардан унумли фойдаланиш учун ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этаётган

намунавий барқарор давлатдир. Европа инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилинганини ҳамда уларнинг мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар жараёнидаги иштирокини қўллаб-қувватлайман.

**Андре Могни,
Молия ва иқтисодиёт эксперти,
Еврокомиссия ва Европа ташқи ишлар
хизматининг собиқ етакчи ходими (Бельгия)**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат парламенти палаталарига Мурожаатномаси менда улкан таассурот қолдирди. Ушбу мазмундор ва серқирра нутқда республика ҳаётининг барча жабҳаси қамраб олинган, халқ ҳамда тадбиркорлар учун эртага эмас, балки бугун сифат жиҳатидан янги бўлган шароитларни яратиш мақсади ўз аксини топган. Ишончим комилки, мазкур нутқ Ўзбекистоннинг ривожланган бозор иқтисодиёти асосидаги демократик ва ижтимоий йўналтирилган тараққиёти учун том маънода тарихий аҳамият касб этажак.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фуқаролар дуч келаётган долзарб муаммоларни ечиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишига риоя этиш бўйича илгари сурган ташаббуслари алоҳида эътиборга моликдир. Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган ислоҳотлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига жуда катта туртки берди. Бу ҳужжат пухта ўйланган ва жуда муҳим дастур ҳисобланади, унда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳамда одамларнинг турмуш даражасини ошириш энг муҳим устуворликлар сирасига кирган.

**Герберт Люгбауэр,
Ўзбекистон – Австрия дўстлик жамияти раиси,
«ASKIN&Co» компанияси бошқарувчи
директори (Австрия)**

Президентнинг нутқи маълумотларга ҳамда мазмунга беҳад бой, Ўзбекистон учун жуда муҳим бўлди. Чунки мазкур Мурожаатнома юртингиз тараққиёти учун устувор йўналишларни аниқ белгилаб берди. Шу билан бирга, давлат раҳбари бир нечта муҳим ташаббусларни илгари сурди. Бу ташаббуслар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳаётида ўта катта аҳамиятга эгадир. Ишончим комилки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқи билан биргаликда бу мақсад ва интилишларни ҳаётга татбиқ этишга муваффақ бўлажак.

**Дато Норайни бинти Абд Ҳамид,
Малайзиянинг Фавкуллода ва
мухтор элчиси**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур Мурोजаатномаси халққа хизмат қилиш, ишонч ва гамхўрлик кўрсатиш, унинг бахти ҳамда фаровонлиги учун қайғуриш руҳи билан сугорилган. Давлат раҳбари тилга олган барча устувор йўналишлар оқибатда аниқ-равшан муаммоларни ҳал этиш, иқтисодийни барқарор ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш, таълим беришининг юқори даражасини таъминлаш, аёллар, кекса авлод вакиллари ва болалар саломатлиги юзасидан гамхўрлик кўрсатишини назарда тутди. Мамлакатнинг ижтимоий барқарорлиги ҳамда иқтисодийнинг изчил ривожланиши ана шу муҳим масалаларнинг жавоби топилушига боғлиқдир.

Менимча, давлат органларини ислоҳ қилиш, иқтисодийдаги ривожланишга халақит берадиган омилларни бартараф этиш, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигида замонавий шаклларни ривожлантиришга йўналтирилган зоялар алоҳида эътиборга сазовордир.

Биз Хитойда Ўзбекистон ҳаётидаги иқтисодийни либераллаштириш, қонун устуворлигини, очиқлик ҳамда прагматизмни таъминлаш бўйича рўй бераётган ўзгаришлардан астойдил қувонамиз. Булар Хитой – Ўзбекистон ҳамкорлигининг янги босқичини ривожлантиришда, шу жумладан, «Бир минтақа, бир йўл» ташаббуси доирасидаги катта имкониятни намоён қилишда муҳим қирраларни очади. Минтақа мамлакатлари транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларни саноатлаштириш ва экспортни раванқ топтириш учун янги транспорт йўлаklarини яратиш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий устуворликлари «Бир минтақа, бир йўл» ташаббусидаги мақсадлар билан ҳамоҳангдир.

**Динь Сяосин,
Хитой Замонавий халқаро
муносабатлар академияси сектор мудир**

Менинг фикрим: «Меҳнат амалиётларини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва замонавийлаштириш узоқ муддатли жараён ҳисобланади ва биз Ўзбекистонга қишлоқ хўжалигини одамларга сифатли иш ўринлари таклиф қиладиган юқори даромадли ва муҳим ўсиш манбаига айлантиришда ёрдам беришга содиқлигимизча қоламиз».

**Лилиа Бурунсиус,
Жаҳон Банкнинг Марказий
Осиё бўйича минтақавий директори**

Мазкур Мурोजаатномада ривожланишининг янги босқичига олиб чиқишга қаратилган янги ва кучли зоялар кўпдир. Унинг мазмунини ўтган йиллар давомидаги чиқишлар билан таққослаб таҳлил қилиш мамлакатда давр ўзгарганлигини таъкидлаш имконини беради. Масалан, Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувида жиддий камчиликлар мавжудлигини дадиллик билан эътироф этар экан, концептуал муқобил тараққиёт йўлини ҳам таклиф қилди.

Давлат раҳбари тўпланиб қолган муаммоларни муҳокама этишдаги кўпгина тақиқларни олиб ташлади, Давлат бюджетини шакллантиришининг бугунги замон-

га мос келмайдиган тизими ҳамда молиявий кўрсаткичлар тузиши туфайли келиб чиқадиган хавф-хатарлар, вазирлик ва идораларнинг парламент билан ҳамкорлиги, ҳуқуқ-тартибот органларининг тадбиркорлар ҳамда оддий фуқаролар билан алоқаларига доир муҳим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Шунинг учун бугун ишонч билан айтиши мумкинки, Ўзбекистон ривожланишининг янги, демократик даражасига чиқиб олди, давлат органларининг халқ билан мулоқоти эса алақачон доимий меъёрга айланмоқда.

**Сулейман Эрдем,
«Sahipkiran» стратегик тадқиқотлар маркази
(SASAM) директори (Туркия)**

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимида қисқа вақт ичида улкан ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Халқ ва ҳукумат ўртасида кўприк вазифасини ўтаётган Виртуал қабулхонанинг дунёда муқобили йўқ. Бу шаффофликни, жамоатчиликнинг давлат тизимларига ишончини оширади, коррупцияни минимум даражага туширади. Иқтисодиёт соҳасида кўпгина янгиликлар рўй берди: валюта бозорининг либераллашуви, сармоя учун объект сифатида Ўзбекистон жозибадорлигининг ошиши, сайёҳлик имкониятларининг кенгайиши, солиқ тизими ҳамда божхона расмийлаштиришларидаги ўзгаришлар... Булар муҳим мисолларнинг айримларигина холос.

Бироқ, бу – ҳали бошланиши. Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни миллий парламентга Мурोजаатнома билан юзланаркан, ўзбек жамияти ҳаётининг барча соҳасини тубдан ўзгартиришни кўзда тутувчи концепциясини тақдим этди. Мамлакат раҳбари олдинда турган ислохотларни батафсил баён қилди, улар шу пайтга қадар давлатнинг ривожланишига халақит бериб келган тизимни ўзгартириши лозим. Бу дадил қадамдир. Ва бунда мамлакат етакчиси аҳоли томонидан қатъи қўллаб-қувватланаётгани баробарида, жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари ўртасида катта ҳурмат қозонаётир.

**Матиас Дорнфельдт,
Кавказ ва Каспий минтақалари тадқиқотлари
Европа институти директори (Германия)**

Куни кеча бўлиб ўтган нуфузли анжуманда иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг Мурोजаатномасини катта қизиқиш, иштиёқ билан тингладик. Тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириши, ишбилармонларга кўпроқ эркинлик бериши, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиши борасидаги ҳар бир фикрлари гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.

Айниқса, Юртбошимиз таклифи билан 2018 йилнинг мамлакатимизда «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланганидан бир қувонган бўлсак, барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириши 2 йилга тўхтатилганини эшитиб, ўн чандон севиндик. Бу биз, ишбилармонларга юксак ғамхўрлик ҳамда ишончнинг яна бир амалий тасдиғидир.

«Эко пром стандарт» бундан уч йил муқаддам Жанубий Кореянинг 400 минг АҚШ доллари миқдорига инвестицияси шитирокида ташкил қилинган бўлиб, нефть-газ соҳаси корхоналарига хизмат кўрсатишига ихтисослаштирилган. Президентимиз томонидан бизнес юритиш учун яратиб берилётган қулай шарт-шароитлар жамоамизни янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашга руҳлантирмоқда. Хусусан, биз ўз олдимизга 2018 йилда фаолиятимизни кенгайтириб, яна 20 та ши ўрни яратишни мақсад қилиб қўйдик.

**Равшан УМАРОВ,
«Эко пром стандарт»
Ўзбекистон – Жанубий Корея
қўшма корхонаси раҳбари
(Тошкент шаҳри)**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномасини зўр мамнуният билан эшитдик. Бу маъруза баландпарвоз гаплардан холи, ҳаётий мисолларга бойлиги ва, энг муҳими, самимийлиги билан қалбимиздан чуқур жой олди. Бу бежиз эмас. Негаки, давлатимиз раҳбари қаерда, қандай мақомдаги йигилиш ёки учрашув бўлмасин, ҳар доим эл-юрт манфаатини ўйлаб яшаи ҳамда бунинг учун фидойилик билан меҳнат қилиш зарурлигини бот-бот таъкидлайди. Ҳаммани шу эзгу ишга сафарбар этади.

Ана шундай улугвор ниятлар билан бошланган изчил ислоҳотларнинг самарасини эса барчамиз ўз ҳаётимиз, тақдиримиз мисолида кўриб турибмиз. Бинобарин, давлатимиз раҳбари яқинда Қорақалпоғистон Республикасига келиб, одамлар билан дилдан суҳбатлашди. Ёшларимиз учун яратилаётган шарт-шароитларни кўздан кечирди. Айниқса, Ибройим Юсупов номидаги мактабда ўқиётган ўқувчилар ҳузурда айтган гаплари ҳаммамизга куч-ғайрат, шижоат бағишлади. Чиндан ҳам, бундай улуг ижодкорларнинг бой меросини ўрганиш ёшларимизни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида ҳам ана шундай шоирларимиз номи билан аталувчи мактаблар ва у ерда сабоқ олаётган ёшларимиз ҳақида фахрланиб гапирдилар.

Умуман, ушбу Мурожаатнома замирида Президентимизнинг «Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур», деган гоёси мужассам эканлигини англадик.

**Шарап Уснатдинов,
Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий
фаолиятини қўллаб-қувватлаш
«Нуроний» жамгармаси Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши раиси,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби**

Мурожаатноманинг ўзи сингари Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналарида мазкур нутқ билан тўғридан-тўғри эфир орқали танишиши биринчи марта ташиқил этилди. Бу эса Ўзбекистонда давлат-ижтимоий муносабатлар либераллашуви ҳамда реал демократик ўзгаришлар рўй бераётганининг яққол далолатидир.

Маълумки, 2017 йил Ўзбекистонда «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун» шиори остида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Мамлакат етакчиси ўз Мурожаатномасида фуқароларни давлатни ислоҳ этишининг энг муҳим масалаларида, қонунлар муҳокамасида янада фаол, жумладан, янги ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда қатнашишига жалб қилиш зарурлигига яна бир бор урғу берди.

«Менинг фикрим» махсус веб-саҳифасини ташкил этиш гояси менга жуда ёқди. Унда ҳар бир киши ривожланиш, маҳаллий ҳамжамиятлар ва, умуман, мамлакат тараққиёти юзасидан ўз фикрини баён этиши, муайян таклиф ҳамда тавсиялар бериши мумкин бўлади.

**Ирина Черних,
Қозоғистон Стратегик тадқиқотлар
институти бош илмий ходими**

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглаб, тадбиркор сифатида гайратим ичимга сизмай кетди. Чунки кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳада учраб турган муаммоларни узил-кесил бартараф қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки иш ўрнини тадбиркор яратади, элни тадбиркор боқади. Фаол бизнес вакиллари қанчалик кўп бўлса, халқимиз шунчалик фаровон ҳаёт кечиради.

Ўзимиздан қиёс: корхонамиз иш бошлаганда 7 киши меҳнат қилар эди.

Бугунги кунга келиб, ишчи-ходимларимиз сони 200 нафардан ошди. Асосан, ёшлардан таркиб топган жамоамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Бундан 2 йил аввал фақат электр чойнақлари тайёрланган бўлса, ҳозирги пайтда электр плиталар, электр дазмолларнинг ўнлаб турлари маҳаллийлаштирилди. Натижада, жорий йилнинг ўтган даврида буюртмачиларга 600 миллион сўмликдан зиёд импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар етказиб берилди.

Юртбошимизнинг тарихий аҳамиятга эга Мурожаатномасидан руҳланиб, истиқболли режалар тузиб олдик. Ички бозорни машиий электр жиҳозлар билан тўлдиришидаги улушимизни кескин ошириш, экспортда янги бозорларни ўзлаштириш мақсад-муддаолар шулар сирасига киради.

**Рашид Турсунов,
Данғара туманидаги «Dangara Mega Cattle»
масъулияти чекланган жамияти раҳбари
(Фарғона вилояти)**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам изчил давом эттирилишини таъкидлагани кўнгилларимизни янада чарогон қилди.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, яқин дўст ҳамда қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз, маданий ва диний қадриятларимиз, анъанаю урф-одатларимиз муштарак. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳамда саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, халқларимизнинг дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари янада мустаҳкамланмоқда.

Ҳукуматлар ҳамда ҳудудлар даражасида делегациялар таширфлари амалга оширилаётгани улкан самаралар бераётир. Чегаралардаги назорат-ўтказиш пунктлари фаолияти қайта тиклангани натижасида икки халқ вакиллари бири-бириникига эмин-эркин бориб келяпти, тўйлар қилиб, қуда-анда бўлмоқда. Бундан барча беҳад хурсанд.

Бугунги кунда республикамизда қирғиз миллатига мансуб 300 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётир. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, уларнинг ҳар бири Ўзбекистонни ўз Ватани, унинг ривожига ҳисса қўшишни эса муқаддас бурчи, деб билади.

**Раҳматулла Жабборов,
Ўзбекистон қирғиз миллий
маданий маркази раиси**

Президентимиз Мурожаатномасида «Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз», дея алоҳида таъкидлади. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш мақсадида юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ҳамда асбоб-ускуналарни жорий этиш учун муносиб шароитлар яратиш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Чиндан ҳам, рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шиддатли замонда тадбиркор инновацион гоялар ва технологияларга таяниб иш юритмаса, бизнесда муваффақиятга эришолмайди. Шу боис муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз фаолиятида мазкур жиҳатга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган 10 йил давомида Германия, Жанубий Корея, Хитой давлатлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга энг сўнгги инновацион технологияларни жорий этишга муваффақ бўлдик.

Бугунги кунда тайёрланаётган замонавий қуёш батареялари, кўча ёритқичларига талаб катта. Айниқса, электромобиллар ишлаб чиқариш бўйича муваффақиятли амалга оширилган янги лойиҳамизга хорижий ҳамкорларнинг қизиқиши кучли.

Келажакда ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш борасида юрт-дошларимизни янги имкониятлардан, қулайликлардан баҳраманд этиш ниятидамиз. Фаол тадбиркорлик, инновацион зоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили ушбу орзу-умидларимиз рўёбига кенг йўл очади.

**Шухрат Йўлдошев,
Ургач шахридаги «ST-ENERJI» масъулияти
чекланган жамияти раҳбари (Хоразм вилояти)**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси барчамизнинг қалбимизга чўғ солди. Сабаби, унда парламентимиз, хусусан, биз, сенаторларнинг олдидан турган энг муҳим вазифалар, бугун ва келгусида қилишимиз лозим бўлган ишлар аниқ, таъсирчан баён этилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган қисқа даврда маҳаллий Кенгашлар депутатлари жойларда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари устидан чинакам депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиши лозимлигини бот-бот такрорлаб келяпти. Бу борада қатор ташаббусларни илгари сурди. Йил давомида жойларга бўлган таширфлари давомида аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, саноатни ривожлантириш, ҳудудларнинг инфратузилмасини янада такомиллаштириш, эркин ва кичик саноат зоналари, технопарклар ташкил қилиш борасида бир қатор тавсиялар берди. Ушбу топшириқларнинг ижросини таъминлашда, назоратини олиб боришда депутатлар ҳамда сенаторларнинг алоҳида ўрни бўлиши лозим. Ислоҳотларимиз самарасини оширишда парламент, депутат ва сенаторларнинг иштироки ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари шу йил 12 июлда Олий Мажлис аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига, ислоҳотларнинг ташаббускори ҳамда асосий ижрочисига айланиши зарурлигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмасди. Айни шу эзгу даъват ортидан депутат ҳамда сенаторларимиз ҳудудларга бориб, туман, шаҳар ва маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз туриб, уларнинг муаммолари билан танишдилар. Натижада, сайловда халқ ўзи ишониб, овоз берган депутатларини таниди, бевосита мулоқот чоғида дардини айтиш имконига эга бўлди.

Шу ўринда бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз. Бугун ҳар бир соҳада масъул бўлган раҳбарлардан шахсий масъулият, ўз устидан ишлаш ва фидойилик сифатлари талаб этилмоқда. Сабаби айни пайтда барчамизни бирдек ўйлантираётган муаммо – маҳаллаларда юз бераётган жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, турли салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши омилларини аниқлаш бўладими ёки одамларнинг турмуш шароитини яхшилашга доир талабларини қондириш бўладими – барчаси ана шундай фидойиликни, масъулиятни тақозо қилади. Ҳисоботларда эса сон кетидан қувишимиз эмас, балки сонларни келтириб чиқарган омилларни чуқур ўрганиб, таҳлил этишимиз, шу асосда аниқ манзилли чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада эскича ёндашувлар иш бермаслигини замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглар эканмиз, сенатор сифатида давлатимиз раҳбарининг «Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт», деган гапидан ниҳоятда тўлқинланиб кетдик. Дарҳақиқат, шундай. Нима учун чиройли ёзилган аксарият қонунларимиз амалда ишламаслигининг сабабини чуқурроқ ўйлаб қарасак, у халқимизнинг хоҳиш-истаклари, талаблари, муаммоларини тўла очиб бермагани аён бўлади. Шу сабабли Юртбошимизнинг талаби нақадар ҳаётий эканини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Бундан буён ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан – халқимиздан, оддий фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиши зарур, деб ўйлайман. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама этиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак. Бунинг учун ҳар бир сенатор уйғоқ бўлиши, халқ билан доимий мулоқотда бўлиб туриши лозим.

Бу қандай амалга оширилади?

Мурожаатномада қонунлар муҳокамасига кенг халқ оmmasини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши, жумладан, Интернет тармоғида махсус «майдон»лар яратиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Шу муносабат билан мамлакатимиз фуқаролари давлат ҳамда жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун «Менинг фикрим» деган махсус веб-саҳифа ташкил этилиши айни муддао бўлиши табиий.

Президентимиз айтганидек, ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-поқ бўлиб меҳнат қилсак, аминмизки, кўзлаган барча марраларимизга албатта етамиз.

**Гавҳар Алимова,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатининг Фан, таълим,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари**

Мурожаатномада ҳар бир соҳанинг бугунги аҳволига танқидий кўз билан қаралиб, олдинга силжишига тўғаноқ бўлаётган иллатлар бўй-басти билан очиб ташланди. Президентимизнинг гапларини тингларканман, беихтиёр кўз ўнгимда ўзимиз яшаётган ҳудуднинг ютуқ ва муаммолари гавдаланди. Ростини айтганда, тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳалламизда ҳам ечилиши зарур бўлган масалалар тўпланиб қолган. Масалан, фуқаролар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар етарли бўлмаганидан кўпчилик бекорчи, айрим ёшларимиз вазиятдан чиқиш учун хорихда меҳнат қилишмоқда. Чунки маҳалламизни қўя турайлик, бутун бошли қишлоғимизда ҳам саноат усулида ишлайдиган бирорта корхона йўқ.

Барча ишни давлат қилиб беради, дея узоқ йилларга мўлжалланган дастурга кўз тикиб ўтириш билан вазиятдан чиқиш қийин. Айтмоқчиманки, унчалик мураккаб бўлмаган вазифаларни кўпчилик кучи билан бажарса бўлади. Мисол учун, аҳолини

тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида шундай қилдик. Худудимизда бир пайтлар кавланган, бироқ ишга туширилмаган артезиан қудуғи бор эди. Сувини текширтириб кўрдик, ичишига яроқли экан. Бир гуруҳ жонкуяр фуқаролар интилиши билан кўпчилик ҳаракатга тушди. Асосий тармоқни кўчалар бошигача тортиб бўлдик. Яқин вақт ичида 500 дан ортиқ хонадонлар зилол сувдан баҳраманд бўлади.

Бу мисолни келтириш билан нима демоқчиман. Маҳалла – юртимизнинг бир бўлаги. Уни обод қилишга шу жойда яшаётган ҳар бир киши жон койитсагина, юрт обод бўлади. Бунинг учун, албатта, Мурожаатномадан зарур хулосани чиқармоғимиз шарт.

**Гайбулла Мамадалиев,
Тўрақўрғон туманидаги «Шовон»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси
(Наманган вилояти)**

Оила аъзоларимиз жам бўлиб, Мурожаатномани зўр эътибор билан тингладик. Каттаю кичик – ҳаммамиз унда кўтарилган ҳар бир масалада халқ манфаати устувор эканлигини чин дилдан англадик.

Бугун маҳалламизнинг қайси хонадонига кирманг, ким билан суҳбатлашманг, барча Президентимиз илгари сурган истиқболли ташаббуслардан чексиз хурсанд бўлганлигини изҳор этмоқда. Айниқса, биз, оналарнинг ҳурмат-эътибори юксак мақомга кўтарилганидан янада шодландик.

Жумладан, скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш хусусидаги ташаббус, ўйлайманки, вилоят марказларидан анча олисда яшаётган аёлларимизнинг дилидаги гап бўлди.

Биз, оналарни хурсанд қилаётган яна бир ҳолат шуки, Президентимиз ташаббуси билан барча ҳудудда мактабгача таълим муассасалари ташкил этилмоқда. Бу, албатта, фарзандларимизнинг келгусида етук инсонлар бўлиб етишишларида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

**Сорахон Холбоева,
Мирзаобод туманидаги Янгийўл
маҳалласида истиқомат қилувчи
меҳнат фахрийси (Сирдарё вилояти)**

**«ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗ ВАЪДАСИНИ БАЖАРИШДА ҚАТЪИЙ
ЭКАНИНИ НАМОЁН ЭТДИ»**

Буюк Британиядаги номдор «fDi Magazine» журналида Ўзбекистонга бағишланган мақола нашр қилинди. Бош муҳаррир ўринбосари Якобо Деттони қаламига мансуб материалда Ўзбекистон валюта бозорининг либераллашуви таҳлил этилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатга хорижлик сармоядорларни қайтариш бўйича кенг қамровли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбари хорижий сармоялар учун энг асосий тўсиқлардан бирини бартараф этиши мақсадида кўп йиллик валюта назоратидан воз кечди.

Ўзбекистон валюта режими ўтган йиллар давомида халқаро яққаланиш эвазига бўлса-да, миллий саноатни илгари суриши мақсадида тузилган кучли молиявий назорат тизимининг марказий қисми эди. Бироқ сўнгги йиллар давомида ўзбек сўмининг расмий курси билан «қора бозор» баҳоси ўртасидаги фарқ сезиларли даражада ўсиб кетганидан сўнг бу тизим борган сари самарасиз бўлиб қолди, деб ёзади британиялик эксперт.

2017 йил бошида Президент Шавкат Мирзиёев валюта алмашинуви либераллаштирилишини эълон қилгани ҳолда, бу тажрибага барҳам берди. Хорижлик кузатувчилар мазкур молиявий жараённи муносиб эътироф этдилар.

«Control Risks» консалтинг фирмасининг Россия Федерацияси ва МДХ бўйича етакчи ҳамкори Тим Стенлининг баён этишича, ушбу чора «муайян босқичда тўрт хил алмашув курси амал қилган (Марказий банк, пул айирбошлаш шохобчаси, биржа ва «қора бозор» баҳолари) бу тизимга хос бўлган сармоядорлар учун кўпгина фирибгарлик ва коррупция хатарларидан тозалайди. Бу тўғри йўналишидаги зарур чора эди».

Мақолада алоҳида таъкидланишича, Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни модернизация қилиши ва либераллаштириши бўйича ўз ваъдасини ваъжаришида қатъий эканини намоён этди. Ўзбекистон Президенти «пахта далаларида мажбурий меҳнатга барҳам берди, Европа тикланиши ва тараққиёт банки сингари халқаро институтлар билан ўзаро муносабатларини қайта тиклади, шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиши асносида маъмурий тизимни ислоҳ этишига интилмоқда».

«fDi Magazine» журнали «Moody's» халқаро рейтинг агентлигининг 2017 йил 11 сентябрдаги маърузасига мурожаат этар экан, сўмнинг кадр-қимматига бўлган ишончни тиклаш мақсадларидаги пул-кредит ва фискал сиёсатни самарали амалга ошириши пул кадрсизланишини тутиб туриши ва иқтисодиётни мустаҳкамлаш фавқулудда мураккаб кечади, деган фикрларни ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилган.

«Жаноб Мирзиёев ортга чекинмади, халқ хавф-хатарларга пешвоз чиқди», деб хулоса қилади буюк британиялик таҳлилчи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ЎН НАФАР ЕТАКЧИ РЎЙХАТИДА

Дунё жамоатчилиги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни диққат билан кузатиб бораётгани баробарида уларга юқори баҳо беришида давом этмоқда.

Хорижлик экспертларнинг фикр билдиришларича, мамлакатимизда кечаётган ҳозирги ўзгаришлар нафақат маҳаллий, балки умумий халқаро аҳамиятга эга бўлаётир.

Жумладан, Туркиянинг етакчи иқтисодий нашрларидан бири – «Derin Ekonomi» журнали шарҳловчилари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни ўз мамлака-

ти ва минтақасидаги вазиятлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишига қодир бўлган жаҳоннинг биринчи ўн нафар етакчиси рўйхатига киритди.

«Derin Eкопоті» журнали рейтингі Туркияда бошқа бир етакчи нашр – «Yeni Safak» газетаси томонидан ҳам кўчирилиб босилди.

Мазкур рўйхатдан муҳим аҳамиятга молик қарорлари билан ўз мамлакатлари ҳамда минтақаларидаги мавжуд вазиятни ўзгартириб юборадиган ва бу билан халқаро майдондаги вазиятга фаол таъсир кўрсатадиган ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг «нюсмеркири», яъни уларнинг диққат-эътибори объекти бўлиб келаётган етакчилари номлари жой олди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига сайланган биринчи кунларданоқ мамлакатни ялпи либераллаштириш, «ҳар ерда ҳозир нозир» бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини тартибга солиш, диний эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган чуқур ислохотларни ҳаётга татбиқ қилмоқда.

Таъкидланганидек, янги раҳбарият бошчилигида Ўзбекистонда мамлакатни амалда эркин бозор сари ҳаракатлантиришига ва ташқи савдо ҳамда валюта сиёсатини либераллаштиришига йўналтирилган ўта муҳим қарорлар қабул қилингани хорижлик сармоядорлар учун республиканинг жозибadorлигини оширди.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти лавозимидаги энг катта эътиборга муносиб қадамларидан бири бошқа давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни тубдан яхшилаш йўлини тутгани бўлди.

Турк нашрларида қайд этилишича, мазкур рейтингдан жой олган ўн мамлакат етакчиларининг исм-шарифлари, эҳтимол, шу пайтга қадар жаҳон ҳамжамияти учун таниқли бўлмагандир, бироқ 2018 йилда улар «ҳар бир кишига ўзларини таништиради».





ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. «Харакатлар стратегияси даври» деганда нимани тушунасиш?

- A) Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ислохотларининг бориши
- B) Таълим соҳасидаги ислохотлар
- C) Уй-жой коммунал соҳанинг ривож
- D) Ўзбекистоннинг бешта йўналиш бўйича ислохотлар ўтказиш даври*

2. Ўзбекистон минтақанинг нечта мамлакати билан умумий чегарага эга

- A) 1
- B) 2
- C) 3
- D) 4
- E) 5*

3. Президент Мурожаатномасида ташқи сиёсатда қўшнилар билан яхши қўшничилик тамойили қандай аталади?

- A) «Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш» тамойили
- B) Қўшнинг тинч – сен тинч
- C) Ватанни асраш – саодат
- D) Ўзбекистон – умумий уйимиз*
- E) Мен Ўзбекистон фуқаросиман

4. Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясига қандай таклиф билан чиқди?

- A) Ислон маданиятлараро цивилизацияси
- B) «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш*
- C) Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик
- D) Ислоний маънавият ва маърифат масалалари
- E) Тўғри жавоб йўқ

5. БМТ Бош Ассамблеясида қандай муаммо экологик оғриқ сифатида Президент Ш.Мирзиёев томонидан кўтарилди?

- A) Орол муаммоси*
- B) Терроризм муаммоси
- C) Ҳайвонот дунёсини асраш муаммоси
- D) Тўғри жавоб йўқ
- E) Чўллашиш муаммоси

6. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 312-бандида....

- A) Икки марта буюк цивилизациявий ҳодиса – Уйғониш даврини кўрган бу табаррук замин ҳақида сўз юритилган

В) Ўзбекистоннинг «Сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга доир «йўл харитаси» лойиҳаси*

С) Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан мустаҳкам алоқада экани, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириб бораётгани борасида

Д) А ва В жавоблар

Е) Тўғри жавоб йўқ

7. 2017 йилда ташқи сиёсат бўйича нечта олий даражадаги ташриф амалга оширилди?

А) 10 та

С) 21 та*

В) 15 та

Д) 19 та

8. 2017 йилда ташқи сиёсат масалалари бўйича нечта давлат вакиллари билан учрашувлар ўтказилди?

А) 50 дан ортиқ*

Д) 80 дан ортиқ

В) 60 дан ортиқ

Е) 100 дан ортиқ

С) 70 дан ортиқ

9. 2017 йилда ташқи сиёсат масалалари бўйича нечта битим ва келишувга эришилди?

А) 500 дан ортиқ

Д) 400 дан ортиқ*

В) 600 дан ортиқ

Е) 300 дан ортиқ

С) 700 дан ортиқ

10. 2017 йилда

А) 3 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди.

В) 2 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди.

С) 1 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди *

Д) Тўғри жавоб йўқ

Е) Савдо ва сармоявий шартномалар имзоланмади.

11. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида ...

А) 30 та «йўл харитаси» ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

В) 20 та «йўл харитаси» ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

С) 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди.*

Д) 40 та «йўл харитаси» ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Е) Тўғри жавоб йўқ

12. Дастурнинг 313-бандида қандай ҳужжат ва келишувлар акс этган?

А) Олий ва юқори даражадаги ташрифлар, учрашув ва музокараларни тайёрлаш ва ташкил этиш

В) Хавфсизликнинг долзарб масалалари бўйича тегишли вазирлик ва идоралар даража-сидаги маслаҳатлашувларни ўтказиш;

С) «Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан 2017 йилдаги савдо-иқтисодий, инвестицион-технологик ва молиявий-техник ҳамкорлиги тубдан ривожланишини ва кенгайишини таъминлашга доир «йўл харитаси» лойиҳаси

Д) Тўғри жавоб йўқ

Е) А ва С жавоблар*

13. «Халқ дипломатиясини фаоллаштириш, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши фаолиятини такомиллаштириш» Дастурнинг қайси бандида берилган?

А) Дастурнинг 313-бандида

Д) Дастурнинг 317-бандида

В) Дастурнинг 320-бандида

Е) Дастурнинг 316-бандида

С) Дастурнинг 315-бандида*

14. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар тарбияси масаласида қайси жиҳатларнинг диққатга молик эканлигини таъкидлаб ўтди?

А) Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

В) Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш

С) Тўғри жавоб йўқ

Д) А ва В жавоблар*

Е) Христиан-ислом мулоқоти бўйича давом этган учрашувларда жаҳон динларидаги толерантлик меҳр-мурувват, ҳалоллик ва виждон эркинлиги асослари борасида

15. Эркин иқтисодий зонага айлантирилган шаҳар ва туманлар – ...

А) Фарғона, Тошкент, Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота, Кўшкўпир туманлари

В) Сирдарё, Наманган, Гулистон шаҳарлари, Янгийўл, Чиноз туманлари

С) Жиззах, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Ғиждувон, Ургут туманлари *

Д) Қўқон ва Андижон шаҳри, Хўжаобод тумани

Е) Бухоро, Самарқанд шаҳри, Олот, Қўшработ туманлари

16. Маданий гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича жорий йилда адабиёт санъат ва оммавий ахборот воситаларига тааллуқли нечта муҳим ҳужжат қабул қилинди?

А) 9 та

С) 10 та

Е) 12 та *

В) 8 та

Д) 11 та

17. Тошкент шаҳридаги Миллий боғ ҳудудида қанақа хиёбон ташкил этилди?

А) Алишер Навоий

Д) А жавоб тўғри

В) Ижод боғи

Е) Саодат боғи

С) Адиблар хиёбони*

18. Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари муассасалари фаолияти қайси йилда ташкил этилди?

- A) 2011 йил
B) 2014 йил
C) 2017 йил*
D) 2016 йил
E) 2017 йил

19. Ўзбекистонда Ислом академияси ташкил этилган йил

- A) 2011 йил
B) 2014 йил
C) 2017 йил
D) 2016 йил
E) 2017 йил*

20. Президент Ш.Мирзиёев давлат бошқаруви тўғрисида мутлақо янги тизим яратиш учун қандай қонунни ишлаб чиқиш таклифини киритди?

- A) Таълим тўғрисида
B) Кадрлар тўғрисида
C) Давлат бошқаруви тўғрисида
D) Давлат хизмати тўғрисида*
E) Тўғри жавоб йўқ

21. 2017 йилда нечта олий таълим муассасасида махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилди?

- A) 9 та
B) 10 та
C) 15 та*
D) 14 та
E) 7 та

22. Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида ташкил этилган аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаблар номи

- A) Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Хоразмий *
B) Беҳбудий, Ибн Сино
C) Муҳаммад Хоразмий Амир Темур
D) Мактаблар ташкил этилмаган
E) Тўғри жавоб йўқ

23. Парламент қуйи палатасидан 2017 йил

- A) Экологик ҳаракат вакиллари учун махсус ўрин ажратишдан воз кечилди*
B) ЛиДеП учун махсус ўрин ажратилиши белгиланди
C) МТДП учун махсус ўрин ажратилиши кўзда тутилди
D) Адолат ва ХДП вакиллари учун махсус ўрин ажратилиши қатъий белгиланди
E) Тўғри жавоб йўқ

24. Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган агентлик

- A) Давлат хизматлари агентлиги*
B) Ички хизмат агентлиги
C) Сиёсий агентлик
D) Ҳуқуқий агентлик
E) С ва Д жавоблар тўғри

25. Ҳозирги кунда юртимизда мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотлар сони

- A) 10 мингдан ортиқ
B) 9 мингдан ортиқ*
C) 8 мингдан ортиқ
D) 7 мингдан ортиқ
E) 5 мингдан ортиқ

26. Юртимизда халқаро ва ноҳукумат ташкилотларнинг филиал ва ваколатхоналари сони қанча?

- A) 29 та
 B) 28 та
 C) 27 та
 D) 26 та*
 E) 25 та

27. Юртимизда фаолият кўрсатаётган ОАВлар сони ...

- A) 1 минг 500 дан ортиқ*
 B) 2 мингдан ортиқ
 C) 3 мингта
 D) 5000 та
 E) Тўғри жавоб йўқ

28. Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нечанчи йилда қабул қилинди?

- A) 2016 йил
 B) 2017 йил*
 C) 2014 йил
 D) 2015 йил
 E) 2013 йил

29. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Ўзбекистон дунё рейтингда нечанчи ўринда?

- A) 100-ўринда
 B) 150-ўринда
 C) 200-ўринда
 D) 187-ўринда
 E) 134-ўринда*

30. 2018 йил Ўзбекистонда қандай йил деб номланди?

- A) Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили*
 B) Оила ва ватан тараққиёти йили
 C) Ёшларни қўллаб-қувватлаш йили
 D) Тиббиёт соҳасини ривожлантириш йили
 E) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар йили

31. Юртимизда нечта маданий мерос объекти мавжуд?

- A) 2 мингта
 B) 600 мингта
 C) 7 минг 300 дан ортиқ
 D) 6 минг 500 дан ортиқ
 E) 1 минг 500 дан ортиқ*

32. Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона – ...

- A) Ҳуқуқий тизимнинг эскича услуби
 B) Фуқаролар мурожаати билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти*
 C) Фуқаролар учун фаолият мезони
 D) Авторитар кўриниш
 E) Д жавоб тўғри

33. Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири ...

- A) Муборак газни қайта ишлаш заводи*
 B) Олий таълим муассасалари
 C) Йирик саноат корхоналари
 D) Қорақалпоқ нефтни қайта ишлаш заводи
 E) Қўқон нефтни қайта ишлаш заводи

34. 2018 йили 18-Осиё ўйинлари қайси мамлакатда бўлиб ўтади?

- A) Берлинда
B) Индонезияда*
C) Куала Лумпурда
D) Мисрда
E) Кореяда

35. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочисига айланиши зарурлиги қайси йили ва қайси санада кимларга қарата айтилган?

- A) 2017 йил 12 июль Олий Мажлис аъзоларига*
B) 2017 йил 12 июль тиббиёт ходимларига
C) 2017 йил 12 июль таълим тизими ходимларига
D) 2017 йил 12 июль ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларига
E) Аниқ жавоб келтирилмаган

36. Ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловлар нечанчи йили ўтказилади?

- A) 2018 йил
B) 2019 йил*
C) 2020 йил
D) 2021 йил
E) Сайловлар ўтказилиши белгиланмаган

37. Президент Ш.Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга Мурожаатнома билан чиқилган йил қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) 2017*
B) 2018
C) 2012
D) 2014
E) 1989

38. Машҳур сиёсатчи ва давлат арбоби Уинстон Черчилнинг Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб келтирилган сўзлари қайси жавобда берилган?

- A) Сиёсат, бу – нозик масала.
B) Баъзилар тадбиркор деганда соғин сигирни, фақат санокли одамларгина тадбиркор деганда оғир аравани тортаётган меҳнаткаш отни тушунади.*
C) Ҳаёт машаққат ва юксалишлардан иборат экан, фақат курашмоқ керак
D) Инсон қонунларга бўйсунсагина омад ва толега эришиши мумкин.
E) Тўғри жавоб йўқ

39. Молиявий хўжалик фаолиятини текшириш неча йилга тўхтатилди?

- A) 1 йилга
B) 2 йилга*
C) 3 йилга
D) 4 йилга
E) 5 йилга

40. Мамлакатимиздаги тўқимачилик саноати неча минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга?

- A) 1 миллион 400 минг тоннагача*
B) 2 миллион 600 тоннагача
C) 3 миллион 200 минг тоннагача
D) 4 миллион тоннагача
E) 5 миллион тоннагача

41. Мурожаатномада қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш нечанчи йилгача деб белгиланган?

- A) 2019
B) 2020
C) 2030*
D) 2040
E) C ва D жавоблар тўғри

D) «Халқ» деганда маълум соҳанинг вакиллари йиғиндиси тушунилади, масалан: «талаба халқи», «ёзувчи халқи» ва ҳоказо.

57. «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида акс этган?

- A) 10-модданинг иккинчи қисмида
 B) 7-модданинг биринчи қисмида*
 C) 13-модданинг биринчи қисмида
 D) 11-моддада

58. Ким Бош вазир номзодини тақдим этиш ҳуқуқига эга?

- A) Қонунчилик палатасининг Спикери
 B) Амалдаги Бош вазир
 C) Ўзбекистон Президенти
 D) Қонунчилик палатасида энг кўп ўринни қўлга киритган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп ўринларни қўлга киритган сиёсий партиялар*

59. Кимлар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир?

- A) Чет элликлар
 B) Хусусий корхоналар
 C) Давлат органлари ва мансабдор шахслар*
 D) Солиқларни тўламаган қарздорлар

60. Ким ёки нима халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади?

- A) Фуқаролар
 B) Давлат*
 C) Барча инсонлар
 D) Мутахассислар

61. Нима учун Ўзбекистон халқи номидан фақат Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши мумкин?

- A) Чунки уларни халқ сайлаган*
 B) Чунки улар давлат ҳокимиятининг юқори органлари ҳисобланади
 C) Чунки демократик давлатларда ана шундай белгиланган
 D) Чунки бошқалар иш олиб боришга қодир эмас

62. Сайловларда иштирок этиш учун фуқаро неча ёшга тўлган бўлиши лозим?

- A) 25 ёшга
 B) 20 ёшга
 C) 17 ёшга
 D) 18 ёшга*

63. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ривожланиши учун шароитни ким яратиб беради?

- A) Ўзбекистон*
 B) «Ҳар ким ўз тақдирининг дурадгори»
 C) Чет эл элчихоналари
 D) Ҳеч ким яратиб бермайди

64. Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ким?

- A) Президент
 B) Халқ*
 C) Депутатлар
 D) Ҳокимлар

65. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ...

- A) қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат.*
- B) парламент, Президент ва Олий суддан иборат.
- C) ҳокимиятлар, Олий Мажлис ва Судьялар Олий кенгашидан иборат.
- D) судлар, ҳокимиятлар ва Қуролли Кучлардан иборат.

66. 2017 йилда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари неча фоизни ташкил этди?

- A) 5,5 фоизни
- B) 4,5 фоизни
- C) 8 фоизни
- D) 3 фоизни
- E) Тўғри жавоб берилмаган

67. 2017 йилда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ҳажми қанча фоизга кўпайган?

- A) 14,4 фоизга
- B) 12 фоизга
- C) 12,7 фоизга
- D) 8 фоизга
- E) 7,5 фоизга

68. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилишича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши...

- A) 17 фоиздан ошмайди
- B) 15 фоизни ташкил этади
- C) 12 фоизга яқин
- D) 10 фоизга тенг
- E) Тўғри жавоб берилмаган

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони қачон қабул қилинган?

- A) 2016 йил 8 сентябрда
- B) 2017 йил 7 февралда
- C) 2017 йил 10 ноябрда
- D) 2017 йил 31 августда

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Олий Мажлисига Мурожаатномаси қачон тақдим этилди?

- A) 2017 йил 15 декабрда
- B) 2017 йил 25 январда
- C) 2017 йил 22 декабрда
- D) 2017 йил 11 ноябрда

71. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча миллат ва элат вакиллари яшайди?

- A) 100 га яқин
- B) 100 дан ортиқ
- C) 130 дан кўпроқ
- D) 150 дан ортиқ

72. Ўзбекистонда қанча диний конфессия фаолият кўрсатмоқда?

- A) 16 та
- B) 50 та
- C) 10 та
- D) 20 та

73. «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади». Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида ўз аксини топган.

- A) 7-моддасида
- B) 8-моддасида
- C) 17-моддасида
- D) 28-моддасида

74. Ўзбекистонда қанча миллий-маданий марказ мавжуд?

- A) 70 дан ортик B) 100 га яқин C) 130 дан ортик D) 120 дан ортик

75. Миллатчилик, иркчилик, шовинизм, бу – ...

- A) Социалистик тузум иллатлари;
B) Тоталитар тузум иллатлари;
C) Ижтимоий иллат бўлиб, жаҳолатнинг кўринишларидан;
D) Фуқаролик жамиятига хос тушунчалар.

76. «Туркистон – умумий уйимиз» шиорининг муаллифи ким?

- A) Чингиз Айтматов B) Мухтор Шохонов C) Абдулла Орипов D) Ислом Каримов

77. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида 2017 йил 19 сентябрда сўзлаган нутқида таклиф қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини асосий мақсадини аниқланг?

«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

- A) Марказий Осиёда сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммоларни ҳал этиш масалалари.
B) Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялашнинг асосий йўналишлари;
C) Маърифат ва диний бағрикенглик – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат.

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси қайси орган ёки ташкилот томонидан тузилади?

- A) Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларининг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти томонидан тузилади.
B) Адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва Адлия вазирлиги томонидан тузилади.
C) Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида Конституцион ва Олий судлар томонидан тузилади.
D) Юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис томонидан тузилади.

79. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига қачон ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, матбуотда эълон қилинди?

- A) 2017 йил 11 сентябрда C) 2017 йил 7 февралда
B) 2016 йил 28 декабрда D) 2017 йил 8 сентябрда

80. Мурожаат (ариза, шикоят, таклиф)ларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари, бу – ...

- A) Қонунийлик, ўз вақтида, тўлиқ, нисбатан кўриб чиқиш, шаффофлигини таъминлаш
B) Халқ хокимиятчилиги, суверенитет, конституция ва қонунларнинг устуворлиги
C) Адолатлилик, ошкоралик, масъуллик
D) Яқкабошчилик, коллегиялик, демократик

81. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида қилган маърузасида (2017 йил 19 сентябрь) мамлакатимизда ташкил қилинган Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига ҳозирги кунга қадар қанча фуқаролар ўз долзарб муаммоларини ҳал қилганлигини баён этган эди?

- A) Бир миллиондан ортиқ
B) Бир ярим миллион
C) Бир миллион 400 минг
D) Бир миллионга яқин

82. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги низоларни ҳал этиш тартиби, бу – ...

- A) Низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.
B) Низолар бир ой ичида кўриб чиқилиб ҳал этилади.
C) Низолар уч ой ичида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.
D) Камида икки ой ичида ҳал этилади.

83. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасида қанча фуқароларнинг қилган мурожаатлари ижобий ечимини топганлигини таъкидлаб ўтди?

- A) 1,5 миллиондан зиёд
B) 1,3 миллиондан зиёд
C) 1 миллиондан ортиқ
D) 2 миллионга яқин.

84. «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 12 декабрь) Фармони билан:

- A) Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.
B) Олий Мажлис ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.
C) Президент девони ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.
D) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.

85. 2017 йил декабрь ойига келиб, фақат «Ягона дарча» марказлари орқали тадбиркорларга қанча давлат хизмати кўрсатилмоқда?

- A) 17 та давлат хизмати
B) 20 та давлат хизмати
C) 15 та давлат хизмати
D) 10 та давлат хизмати

86. 2018–2020 йилларда жорий этилишига қараб Давлат хизматлари марказларида «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиладиган қанча давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди?

- A) 58 та
B) 47 та
C) 36 та
D) 52 та

87. Ўзбекистон Республикаси Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифаси, бу – ...

- A) Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлаш, ҳуқуқий шароитлар яратиш.
B) Давлат органлари, ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.
C) Қонун талабларига риоя қилиб, ахборот хавфсизлигини таъминлаш.
D) Мурожаат этувчиларнинг сони, тоифалари, муайян давр учун лозим даражада бўлишини ҳисобга олиш.

ГЛОССАРИЙ

АВФ ЭТИШ – жазодан озод қилишнинг бир тури. Ўзбекистон Жиноят кодексининг 76-моддасига кўра, маълум бир шахсга содир этган жиноятлари учун тайинланган жазони қисман ўзгартириш, бошқа жазо билан алмаштириш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин. Авф этиш Президент фармони асосида амалга оширилади.

АДВОКАТ – олий юридик маълумотга эга бўлган, белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон фуқароси.

АҚЛЛИ ТИББИЁТ – юқори технологик жиҳоз-ускуналар ва инновацион дори воситаларидан фойдаланган ҳолда профилактик, даволаш ва бошқа хил тиббий жараёнларнинг мажмуаси ҳисобланади.

АМНИСТИЯ – юнонча *amnestia* сўзидан олинган бўлиб, «кечириш», «авф этиш» маъносини билдиради. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти унда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

АНОНИМ МУРОЖААТ – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат.

АРИЗА – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР – инсон ва фуқароларга яшаши, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўз манфаат ва

эҳтиёжларини қондириши учун имконият берувчи ҳуқуқ ва эркинликлар йиғиндисидир.

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ, бу – аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуидир.

АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДИ – пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади.

БЛОК – бир неча давлатларнинг бирлашмаси ҳисобланиб, уларнинг стратегик ва геосиёсий жиҳатдан эътиборли ҳаракатлари умумбашарий даражадаги ўзгаришларга олиб келади.

ВОТУМ (лот. *votum* – *хоҳиш, ирода*) – сайлов жамоаси ёки вакиллик муассасасининг кўпчилик овози билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикри ёки қарори. Масалан, сайлов вотуми – президент, парламент, муниципалитет ва бошқаларга сайловларда сайлов кампаниясининг натижаси. Бошқарувнинг парламентар шаклидаги давлатлар парламенти амалиётида вотум, қоидага кўра, қуйи палатанинг ҳукумат ёки алоҳида вазирнинг сиёсий йўли, муайян хатти-ҳаракати ёки қонун лойиҳасини маъқуллаши (ишонч вотуми) ёки маъқулламаслигидир (ишончсизлик вотуми). Ишонч вотуми тўғрисидаги масалани қўйиш ташаббускори ҳукуматнинг ўзи, парламент фракцияси ёки депутатлар гуруҳи бўлиши мумкин. Ҳукуматга ишончсизлик билдирилиши амалиётда шу ҳукуматнинг истеъфо беришига ва янги ҳукуматни тузишга (ҳукумат танглигига) ёки парламентни (қуйи палатани) тарқатиб, парламентга муддатдан олдин

сайловлар ўтказишга олиб келиши мумкин. Иккинчи вариант ҳукуматга парламентни муддатидан олдин тарқатиб юборишни пўписа қилиш ва шу орқали номаъқул қонун лойиҳаларини парламентдан ўтказиш имконини беради.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ – Исроил, Латвия, Япония, Шри-Ланка, Козоғистон, Туркманистонда ва қатор бошқа мамлакатларда ҳукуматнинг расмий номи. Ўзбекистон Республикасида ҳукумат «Вазирлар Маҳкамаси» деб номланган бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунга биноан, у Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимида ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тузилмаларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди.

ВАЗИРЛИК – республиканинг марказий ижро этувчи органи. Давлат бошқарувининг тегишли тармоғига (соҳасига) раҳбарлик қилади, шунингдек, қонунда белгиланган доирада тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

ВАТАН РАВНАҚИ – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир.

ВЕТО (лот. *veto* – *тақиқлайман*) – ҳозирги замон давлатларида қандайдир бир органнинг қарорини тўхтатиб қўядиган ёки кучга киришга йўл қўймайдиган ҳаракат. Давлат бошлиғига парламент қабул қилган қонунларга вето қўйиш (қарорларни тақиқлаш) ҳуқуқининг берилиши алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ветонинг мутлақ ёки резолютив (бунда давлат бошлиғи парламент қабул қилган қонунни узил-кесил қайтариш ҳуқуқига эга бўлади) ва нисбатан кечиктирадиган ёки суспенсив турлари фарқланади. Бунда давлат бошлиғининг қонунни тасдиқлашни рад этиши унинг кучга киришини тўхтатади холос, чунки парламентга

бу қонунни иккинчи марта овоз бериш билан қабул қилиш ҳуқуқини беради. Бунда қонун лойиҳасини иккинчи (якуний) овоз бериш билан қабул қилишда қатор парламентларда овозларнинг алоҳида кўпчилиги (масалан, АҚШ ва РФда ҳар бир палата аъзоларининг ⅔ қисм овози) талаб қилинади. Шунингдек, умумий ва қисман (танлов) ветолари ҳам бор. Умумий вето фақат ҳужжатнинг ҳаммасини бутунича рад этилишини, иккинчиси эса бирор ҳужжатнинг алоҳида қисми ёки моддаси рад этилганлигини англатади.

ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА – узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интер-актив ҳамкорлик қилиши.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар.

ГЕОСИЁСАТ – («Geopolitika») сўзи юнон тилидаги «geo» (ер) ва «politicos» (давлатни бошқариш санъати) жумлаларидан олинган. Давлат ва халқларнинг ўзлари жойлашган ҳудуднинг географик, табиий иқлим шароитларига мос равишда шаклланишини ифодаловчи мафкуравий фан. Геосиёсатнинг вазифаси сиёсий жараёнларнинг географик макондаги ўзаро алоқаларни, заминга ва маданий омилларга таъсирини ўрганиш, сайёравий маконни назорат этишдир. Бу жиҳатдан геосиёсатни амалий сиёсатни бошқариш ҳақидаги фан дейиш мумкин.

ГЕОСИЁСИЙ МИНТАҚА, бу – сиёсий, иқтисодий, маданий, савдо ва бошқа алоқалар учун қулай имкониятларга ва истикболларга эга бўлган географик майдон ҳисобланади.

ГЛОБАЛ ГЕОСИЁСАТ – умумбашарий хавфсизлик билан боғлиқ геосиёсий жараёнлар мажмуаси. Турли минтақа ва мамлакатлар ўртасида анъанавий тўсиқларнинг геосиёсий даражада бузилиб кетиш жараёнлари. Учинчи мингйилликда халқаро хавфсизликнинг барча параметрлари ўзгармоқда. Агар хавфсизлик илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон уруши таҳдидига, жумладан, қуролланиш пойғасини тўхтатиш каби геосиёсий омилларга боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирги пайтда ахборот қуроли билан боғлиқ янги глобал геосиёсат юзага келди. «Глобаллашув», «глобал ахборий макон» каби

атамаларнинг муомалага кириши эса замонавий дунёнинг сиёсий жараёнлари, уларнинг ривожланиш тенденцияларини муҳим масалага айлантди.

ГЛОБАЛЛАШУВ – иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ва бошқа турли соҳаларда миллий давлат чегараларининг шаффофлашув жараёни.

ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ – жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришдир. Ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил этади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНИ, бу – ҳокимият органлари тизимининг бир қисми бўлган, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш ва ижросини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган, бошқарув ҳаракатларининг махсус шакл ва услубларидан фойдаланиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оширадиган, тегишли тузилишга, ваколатларга ва давлат хизматчилари штатларига эга бўлган ташкилотдир.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ – Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим қисми ҳисобланади. Давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини янада такомиллаштириш, унинг амалдаги қонунлар доирасида самарали фаолиятини ташкил этиш, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, шунингдек, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлиги, бошқарувчилик салоҳияти, раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти нуқтаи назаридан уларга ёндашиш, моддий ва ижтимоий таъминоти даражасини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш масалаларига эътибор берилиши кўзда тутилган.

ДАВЛАТ БОШЛИҒИ – олий давлат лавозими бўлиб, у ижро ҳокимиятининг соҳиби ва ташқи муносабатлар соҳасида давлатнинг олий вакили. Монархияда (Буюк Британия, Дания, Швеция, Испания, Японияда) давлат бошлиғи монарх (қирол, император, амир) бўлиб, унинг ҳокимияти қоидага кўра, ҳукмрон шажаранинг бир вакилидан кейингисига қонунга биноан мерос тариқасида ўтказилади. Республикаларда (Италия, Франция, ГФР, АҚШ, Лотин Америкаси давлатларида) давлат бошлиғи президент бўлиб, у бевосита аҳоли

томонидан (Мексика, Панама, Колумбия) сайланади ёки билвосита (АҚШ, Аргентина) ёхуд кўп босқичли сайловлар (Италия, ГФР, Ҳиндистон) натижасида сайланади. Кўпчилик давлатларда индивидуал давлат раҳбари мавжуд, президентлик республикаларида давлат раҳбари айни пайтда ҳукумат раҳбари ҳам (АҚШ, Мексика, Аргентина, Африканинг айрим давлатларида) ҳисобланади.

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ТАШКИЛОТ – устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

ДАВЛАТ ОРГАНИ – давлат томонидан ташкил этиладиган, давлат номидан иш кўриб унинг манфаатини кўриқлайдиган тузилма. Давлат бошқарув органи давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, ўз бурчларини бажариш учун давлат томонидан фармойиш бериш ҳуқуқига эга.

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ – давлатнинг бошқа давлатдан, унинг ички ва ташқи ишлари ҳамда ташқи муносабатларида тўла мустақиллиги. Суверенитет давлат ҳокимиятининг муҳим белгиси саналади.

ДАВЛАТ ТИЛИ – давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг расман иш юритиш тили, муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимиятлари фаолиятида, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим бериш учун расмий белгиланган тил.

ДАВЛАТ ХУДУДИ – қонуний равишда давлат суверенитети остида бўлган ер қурра-сининг бир қисми. Давлат ҳудуди таркибий қисмларига давлат чегараси доирасида жойлашган куруклик, сув, ерости ва ҳаво кенгликлари қиради.

ДЕМАРКАЦИЯ – фр. ажратиб, чеклаб қўйиш – чегарадош давлатлар ўртасида тузилган шартнома ва битимларга асосан давлат чегараларини аниқлаш ва уни махсус чегара белгилари билан белгилаш. Демаркация чизиғи – сулҳ тузган икки душман армияси ўртасидаги чизик.

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР – жамиятнинг демократик тузумини барпо этишга хизмат қилувчи омил бўлиб, унга қуйидагилар қиради. 1) Сиёсий партиялар ва ижтимоий

ҳаракатлар. 2) Юридик мақомга эга бўлган муҳолифат. 3) Мулкчилик институти.

ДЕМОКРАТИЯ – конституциявий тузумнинг халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий плюрализм, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги кабиларини эътироф этишга асосланган давлатнинг сиёсий режими.

ДЕПУТАТ (лот. *deputatus* – вақил) – қонунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига сайланган шахс, аҳолининг маълум қисми – ўз сайлов органи сайловчиларнинг ёки бутун миллатнинг вакили. Депутат, бу – Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес, тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон фуқароси. Депутатнинг ваколатлари у тегишинча Олий Мажлисга, Жўқорғи Кенгесга, халқ депутатлари вилоят, туман ёки шаҳар Кенгашига сайланган кундан бошлади. Депутатнинг ваколатлари янги чақирик Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларининг депутатлари сайланган кунда ёки «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида» Қонунда назарда тутилган ҳолларда тугайди. Депутатнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас. Депутатлар ўз ваколатларини, қоида тариқасида, ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширадilar. Депутат сайловчилар олдида масъул ва ҳисобдордир. Депутат муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан баён қилган нуқтаи назари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ – фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузиладиган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар).

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўл-

ган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт, диний ташкилотлардаги ўта мутаассиб гуруҳларнинг ашаддий реакцион, динни ниқоб қилиб олган, унинг қонун-қоидаларига мафқуравий тус бериб, ундан ўзларининг стратегик геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида фойдаланишга қаратилган диний-сиёсий ҳодиса.

ДИНИЙ ЭЪТИҚОД – диннинг чинлигига иймон келтириш, диний қоида, анъана, ақидаларга ишониш.

ЖАМИЯТ – тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсули. У кишилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг маҳсули, улар ҳаётининг маълум бир ташкилийлиги, моҳият жиҳатидан кишилар ва уларнинг гуруҳлари ўртасидаги турли хил (иқтисодий, оилавий, маънавий, синфий, диний ва бошқа) муносабатлар ва алоқалар йиғиндисидир.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ – ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти органларининг фаолияти устидан юритиладиган ижтимоий назорат шакли; фуқаролар ва улар бирлашмаларининг давлат органлари устидан қонун ҳужжатлари доирасида олиб борадиган назорати.

ЖАҲОН СИЁСАТИ – халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари ўртасидаги фаол сиёсий фаолиятлар мажмуасидир. Халқаро сиёсат тузилиши жиҳатидан суверен, мустақил миллий давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти, минтақавий давлатлараро ва жамоатчилик тузилмалари, гуруҳлари ва иттифокдошлар

ўртасидаги алоқаларни ҳамда умумбашарий миқёсда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ва муассасалар фаолиятларини қамраб олади.

ЖУРНАЛИСТИКА – ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатишдек ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятни қамраб олувчи тушунча. Журналистика оммавий ахборот воситалари учун тезкор хабарлар ёзувчи кишилар касбини билдиради. Бугунги кунда ушбу тоифага муҳаррир, мухбир, масъул котиб, шарҳловчи, таҳририят билан жамоатчилик асосида ҳамкорлик қилаётган муаллиф ва бошқалар киради. Матбуот, телевидение, радио учун тайёрланган репортаж, шарҳ ва бошқа жанрларда ёзилган асарлар «журналистика» сўзининг учинчи маъносини англатади. Тўртинчи маъноси эса оммавий ахборот воситалари – матбуот (газета, журнал), телевидение, радио кабиларнинг йиғиндисидир. Журналистика сўзининг бешинчи ва энг муҳим маъноси уни жамиятнинг алоҳида ижтимоий институти сифатида тушунишдир.

ИЖТИМОЙ СОҲА – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуаси. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият муассасалари ва бошқа тузилмаларни киритиш мумкин.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжихатлиги.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – инсоннинг давлатга муносабати бўйича ҳуқуқий мақомини, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги имконият ва даъволарини ифодаловчи тушунча. Инсон ҳуқуқларини эркин ва самарали амалга оширилиши ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

ИНТЕГРАЦИЯ – геосиёсатда бир нечта ҳудудий бўлақларни бирлашишни ифода этувчи кўпқиррали шакл. Интеграция ҳарбий босқинчилик йўли билан ҳам, тинч йўл билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Геосиёсий интеграциянинг бир қанча – иқтисодий, сиёсий, маданий, тил, стратегик, диний ва ҳоказо йўллари мавжуд. Уларнинг барчаси ягона мазмундаги якуний натижага – блокнинг стратегик

жихатдан юксалишига ва ҳудудий жихатдан кенгайишига олиб келади.

ИСЛОМ сўзи арабча бўлиб, «худого ўзини топшириш», «итоат», «бўйсуниш» маъносини англатади.

ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ дейилганда ўртача бир киши (ёки бир оила) бир ойда (бир йилда) истеъмол қиладиган товарларнинг ҳисоб-китоб учун олинган миқдори ва таркиби тушунилади.

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ – фуқароларнинг конун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир.

ИШ ҲАҚИ – ишчи кучи баҳосининг пул ифодасидаги аниқ шакли ҳисобланади. Шунингдек, иш ҳақи ишчилар ўртасида сарфланган меҳнат миқдори ва сифатига қўйилган ҳақиқий ҳиссага мувофиқ тақсимланадиган ҳамда корхона ишининг пировард натижалари фойданинг асосий қисмидир.

КОНСЕНСУС – (лот. *битим*) фикр, мулоҳазалар бирлиги, ўзаро келишув, овоз берувчиларнинг барчасининг розилиги олинган ҳолдагина кучга кирувчи қарор қабул қилиш шакли.

КОНСТИТУЦИЯ – мамлакатнинг олий юридик кучга эга бўлган бош қонуни. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган ва Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида қўлланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

КОНФЕССИОНАЛ – (лот. *иқроп*) диний. Масалан, дунёвийдан фарқ қилувчи конфессиянал мактаб.

КУЧЛАР МУВОЗАНАТИ – турли давлат ва гуруҳларнинг кудратига боғлиқ ўзаро алоқадорликдан келиб чиқадиган ҳамкорликнинг натижасида пайдо бўлади. Кучлар мувозанати тенг вазнлилик эмас, балки динамик равишда турли ўйин элементларидан келиб чиқувчи кучлар муносабатидир. «Дарвоза мамлакат» тушунчаси орқали қулай шароитга эга бўлган ўрта миқёсдаги давлатнинг турли геосиёсий блоклар маҳоратларидан унумли фойдаланиши, минтақадаги кучлар нисбати муаммоси – ҳозирги халқаро журналистик таҳлилларнинг асосий мавзуси.

КАДРИЯТ – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий,

маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсон учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади.

ҚОНУН – энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ – Ўзбекистон Олий Мажлиси – қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистоннинг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан – Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади.

ҚОНУНИЙЛИК, бу – жамиятдаги барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун ва қонун ости ҳужжатларига тўла риоя қилинишидир. Қонунийликнинг принциплари: қонунийликнинг бирлиги – мамлакат ҳудудида қонун ва қонун ости ҳужжатлари бир хилда тушунилиши ва қўлланилиши; конституция ва қонунларнинг устунлиги – барча норматив ва индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунлар асосида қабул қилиниши ва уларга зид келмаслиги; инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлиги; қонунийликни маданият билан боғлиқлиги; қонунийликни мақсадга мувофиқлиги. Бунда мақсадга мувофиқлик билан қонунийлик ўртасида зиддият келиб чиқмаслиги зарур.

ҚЎШМА МАЖЛИС, бу – Олий Мажлис палаталари (Сенат ва Қонунчилик палатаси) аъзоларининг бир мажлисда биргаликда иштирок этиши. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масала-

лари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда, Бош вазир ва Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида $\frac{1}{3}$ қисми томонидан Ўзбекистон Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин. Палаталарнинг қўшма мажлиси очиқ ва ошқора ўтказилади. Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади. Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари юзасидан палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

МАДАНИЯТ – «маданий», «шаҳарлик» деган маъноларни билдиради. Кейинчалик «Маърифатли бўлиш», «Тарбияли», «Билимли бўлиш» маъноларида ҳам ишлатилган.

МАКОН – геосиёсатнинг асосий тушунчаси бўлиб, у миқдор ва сифат кўрсаткичига эга бўлмаган категория ҳисобланади. Маконнинг таркибий тузилиши тарихнинг таркибий тузилишини олдиндан белгилайди. Геосиёсатнинг фан сифатидаги асосий тезиси ана шундан иборат.

МАНСАБДОР ШАХС – ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

МАЪНАВИЯТ – (араб. *маънолар мажмуи*) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

МАЪРИФАТ. Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган

таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

МЕНТАЛИТЕТ – (лотинча «*mens*» – ақл, *идрок*) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

МИГРАЦИЯ – (лот.) жойини ўзгартириш, кўчиш (аҳоли, жонзотларнинг) силжиши, ҳаракати.

МИЛЛАТ – узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий жараёнда, аниқ худудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли. Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, худуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир.

МИЛЛАТЧИЛИК – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим.

МИЛЛИЙЛИК – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР – айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий худудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади.

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – жаҳоннинг у ёки бу минтақаларидаги мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, бунда давлатлар иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш шакллари ҳамда йўлларини ўзлари мустақил танлаш имкониятини қўлга киритадилар, урушлардан, иқтисодий ва сиёсий кўпуровчиликлардан, шунингдек, ўз ички ишларига ташқаридан бўладиган аралашувлардан холи бўладилар. Минтақавий хавфсизлик халқаро хавфсизликнинг таркибий қисми ва миллий хавфсизликни амалга ошириш шакли.

МУЛОҚОТ, бу – жамият аъзоларининг ўзаро биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган, турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан бўладиган муносабатларга киришиш жараёнидир.

МУРОЖААТНИНГ ДУБЛИКАТИ – аини бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси.

МУСТАҚИЛЛИК – 1) тазйикдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Ўзбек тилида Мустақиллик атамаси одатда истиқлол сўзи билан бир маънода қўлланилади ва узлуксизликни англаувчи чуқур, кенг қамровли жараённи акс эттиради.

МУХОЛИФАТ – (арабча «*мухолафат*» – *келтиришмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилик, зиддият*) – расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси. Мухолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; ёхуд в) сиёсий партиялар ичида.

НАФАҚАЛАР – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари;

ОДИЛ СУДЛОВНИНГ СИЁСИЙ ЖИҲАТИ, бу – бевосита давлат номидан ҳукм чиқариш ваколатига эга бўлишнинг мажбуриятини, жавобгарлигини ҳис қилишда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси номидан гапириш ваколатига эга бўлган судья ёнида давлат байроғи, бошининг устида давлат герби турган бир ҳолатда ҳар қандай ҳукм ўқилиши, бу – сиёсий ҳодиса эканлигини тушунмоғи ва номини тилга олаётган давлатни ҳаммадан кўра кўпроқ ҳурмат қиладиган, унга эътиқоди юксак бўлган шахс эканлигини ҳар лаҳзада намоён қила олмоғи керак.

ОҚСОҚОЛ – фуқаролар йиғини раиси. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошқоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда ту-

тилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

ОМБУДСМАН – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга қўмақлашади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ. Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлиб, у демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги воқеликка нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти, шунингдек, жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар, бўлаётган жараёнлар хусусида кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликка мувофиқ оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва электрон тарзда (теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланувдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситаси сифатида эътироф этилади.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ – давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахснинг жисмоний шахслар ва

юридик шахсларнинг вакилликлари билан оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати.

ОРТОДОКСАЛ – (гр.) қандайдир соҳада белгиланган қоида ва тамойилларга ҳеч иккиланмай эргашиш.

ПАРЛАМЕНТ – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистоннинг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ – мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезони ҳисобланган қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли рўёбга чиқаришга ҳамда жамиятда парламентнинг ролини юксалтиришга хизмат қилади.

ПАРТИЯЛАРАО РАҚОБАТ – ғоялар хилма-хиллигига, мафқуралар қарама-қаршилигига, умумий мақсадлар ва манфаатлар атрофида турлича ҳулосаларга эга бўлишга имкон яратади. Буни биргина сайловлар тизимида яққол кўриш мумкин. Айни ана шу сиёсий компания жараёнида давлат ҳокимияти ва вакиллик органларига муносиб номзодни танлаб, сайлаш сингари демократик кадрият юзага келади. Ана шу тарзда парламент ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг таклиф ва истакларини инобатга олиш каби соф инсонпарвар турмуш тарзи қарор топади.

ПЕНСИЯЛАР – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари;

ПРАГМАТИК – ўз амалий фаолиятида кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ аҳамият бериш зарур деб билгувчи шахс.

ПРЕЗИДЕНТ – давлат раҳбари. Бу атама латинча *praesidens* сўзидан келиб чиққан

бўлиб, «олдинда ўтирувчи» деган маънони билдиради. Америка Қўшма Штатлари президентлик лавозимини таъсис этган дунёнинг биринчи мамлакатидир. Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 мартда таъсис этилди. Ўзбекистон Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Президенти 5 йил муддатга сайланади.

РАДИКАЛИЗМ – (*радикал* – (лот.) *туб, асосий, кескин, қарама-қарши*) 1) бирор масалани ҳал қилишда кескин ҳаракат ва тадбирларни қўллаш, муросасизлик; 2) сўл қарашларни ифодаловчи оқим, ҳаракат.

РАТИФИКАЦИЯ – Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилинади. Ўзбекистоннинг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги Олий Мажлиснинг тўхтами – қарор шаклида қабул қилинади. Ўзбекистоннинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари; давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг давлатлараро иттифоқларда, халқаро ташкилотларда ва бошқа бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар; ижроси амалдаги қонунларнинг ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини тақозо этадиган, шунингдек, Ўзбекистоннинг қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган халқаро шартномалар ратификация қилинади.

РЕАЛ ДАРОМАДЛАР – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади.

РЕФЕРЕНДУМ – Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат

ҳаётининг энг муқим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ўтказилади. Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида жорий этилган ҳарбий вақт ёки фавқулодда ҳолат шароитларида, шунингдек, ҳарбий вақт тугаган ёки фавқулодда ҳолат бекор қилингандан кейин уч ой давомида референдум ўтказилмайди. Референдум натижалари расман эълон қилингандан кейин бир йил давомида, мазмун ёки маъносига кўра, худди шундай савол қўйилган референдум ўтказилмайди. Референдум фуқароларнинг ўз хоши-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Қонунлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

СЕНАТ – ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланадилар. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади. Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Сенатнинг ваколат муддати – беш йил.

СЕНАТОР – Ўзбекистон Олий Мажлисининг Сенатига сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону-

нига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек, Ўзбекистон Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон фуқароси. Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Сенатор Сенатнинг ваколатлари муддатига сайланади (тайинланади). Сенаторнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас. Сенатор қонун ҳужжатларига мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Сенатор Сенатнинг мажлисида кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

СЕССИЯ (лот. *sessio* – мажлис сўзидан; инг. *session*) – айрим давлатларда парламент (ёки унинг палаталари) ишининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ – Ўзбекистон фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир. Ўзбекистон фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин. Сиёсий партияларга аъзолик яқка тартибда қайд этилади. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

СПИКЕР – сайловдан кейинги биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига сайланган Қонунчилик палатасининг бошлиғи. Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партия фракцияси ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас. Спикер Қонунчилик

палатаси кўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас. Спикер яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин. Спикер ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

СТИПЕНДИЯ – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

СУВЕРЕНИТЕТ – давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги тўла мустақиллиги. Давлат суверенитети мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, ўз ҳудудининг дахлсизлигини таъминлаш; қонунларни қабул қилиш; уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш; суд ҳокимиятини амалга ошириш; мансабдор шахсларни тайинлаш; мустақил валютага эга бўлишни тақозо қилади. Давлат суверенитети ғояси БМТ ҳужжатларида, турли давлатларнинг конституцияларида ўз аксини топган. Республикамизнинг мустақиллиги давлат мустақиллигининг асосидир. Ўзбекистон Конституцияси 1–моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика» эканлиги белгилаб қўйилган. Бизнинг сиёсий менталитетимиз суверенитетнинг мазмун-моҳиятини мустақиллик тушунчаси орқали ифодалайди.

СУД – давлат қонуни билан мустаҳкамланган процессуал тартибда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа тоифалардаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни амалга оширувчи давлат органи.

СУД ҲОКИМИЯТИ – конституцияга мувофиқ давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципига асосан ҳокимият тармоғи бўлиб, у суд органлари орқали амалга оширилади.

ТАКЛИФ – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

ТАКРОРИЙ МУРОЖААТ – айна бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдириладиган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида

белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилаётган мурожаат.

ТАРҒИБОТ (араб. *қизиқтириш, тарқатиш*) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва кадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим. Муайян замин ва маконда маълум бир стратегик-назарий масалаларни аҳоли онгига изчил сингдиришни мақсад қилган фактор тарғиботдир. Тарғибот – бирор ғоя, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига сингдиришга қаратилган, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тунунтириш ва даъватни, одамларни муайян бир вазифани ҳал қилиш, маълум бир тартиб-қоидалар асосида яшаш, меҳнат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш, ғоявий руҳлантириш, сафарбар қилишни англатади.

ТАШҚИ ТАҲДИДЛАР – ташқи таҳдидлар асосан ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади.

ТЕРРОРИЗМ – (лот. *террор* – қўрқув, даҳшат) қўрқитиш сиёсати, сиёсатда зўравонлик – сиёсий мотивларга кўра, алоҳида шахслар жонига суиқасд, оммавий жисмоний қурбонлар билан боғлиқ жиноятлар содир этишга қаратилган фаолият.

ТОЛЕРАНТЛИК – (лот.) сабр-тоқатлилик ўзгалар фикри, эътиқоди, турмуш тарзи, анъаналари, кадриятлари, ғоялари, хулқ-атвориға тоқатлилик, бағрикенглик. Толерантликка асосланган сиёсий маданият қонун доирасидаги ҳар қандай сиёсий фаолиятга нисбатан тоқатлиликни англатади. Толерантлик расмий, мазмунли, мавҳум, амалий ва б. бўлиши мумкин. Толерантлик сиёсий плюрализмда тугал тарзда намоён бўлади.

ТУРМУШ СИФАТИ – шахснинг, унинг фаолият турларини, эҳтиёжлари таркибини

ва уларни қондириш даражасини, инсоннинг (аҳоли, ижтимоий гуруҳларнинг) жамиятдаги турмуш шароитларини ва табиат муҳити билан уйғун муносабатларини тавсифловчи, турмушдан қаноатланиш ҳиссини яратувчи ҳаётий кадриятлари мажмуи ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВИРТУАЛ ҚАБУЛҲОНАСИ – давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тузилади. Виртуал қабулхона негизида турли тармоқлар ва фаолият соҳаларидан малакали мутахассисларни маслаҳатчилик сифатида жалб этган ҳолда, мурожаатларга доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериш амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ – буюк келажак сари дадил ва самарали ҳаракатлар дастури. Унда ифода этилган бешта йўналиш жамият ҳаётининг ҳамма қирраларини қамраб олганлиги ва унинг асосида ривожланишнинг аниқ концепцияси ишлаб чиқилганлиги эса ҳозирги Ўзбекистоннинг келажакдаги буюк қудратига тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Айни ана шу Ҳаракатлар стратегияси мамлакат ички ҳаётида ҳам, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам янги, кенг қўламли, ғоят таъсирчан бунёдкорлик имкониятларини кенгайтиради.

ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ – фуқароларнинг Ўзбекистон қонунлари билан қафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир. Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

УМУМБАШАРИЙ – бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

ФАНАТИЗМ – (лот. *жуда асабийлашган, мутаассиблик*) ўз эътиқодига содикликнинг бошқаларнинг эътиқодларига тоқатсизлик билан уйғунлашуви.

ФРАКЦИЯ – сиёсий партиядан кўрсатиладиган, депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси. Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин. Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракцияни тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар рўйхатдан ўтиши керак.

ФРАКЦИЯ – сиёсий партиядан кўрсатиладиган, депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси. Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин. Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракцияни тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар рўйхатдан ўтиши керак.

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ – аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга йиғин. Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар. Фуқаролар йиғинида шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар. Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий аънава ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозландиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминландиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин, демократик ҳуқуқий жамият. Фуқаролик жамияти, бу – шундай ижтимоий тузумки, унда қонун устуворлиги таъминланади, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаш кафолатланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак бўлади.

ХАВФСИЗЛИК – ҳеч қандай хавфнинг мавжуд бўлмаслиги, дахлсизлик. Тўрт асосий тури ажратилади: халқаро; жамият; давлат; шахс хавфсизлиги. Ушбу категория давлатлар, ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар аҳволига тааллуқли расмий қарорларга асосан шарҳланади. Ҳозирги кунда у халқаро вазиятни соғломлаштириш, оммавий қирғин қуроллари ва қуролли кучлар миқдорини қисқартириш ёки йўқотишга қаратилган. Бунда тенглик, баробар хавфсизлик, учинчи давлатларга зиён етказмаслик ақидаларига амал қилинади, халқаро муносабатларда куч ишлатишга нисбатан сиёсий воситалар устуворлигига амал қилинади, давлатлараро муносабатлар беқарорлигига йўл қўйилмайди.

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК – сиёсий субъектларга уларнинг қонуний суверенитетини кафолатловчи, халқаро қонунлар амал қилувчи геосиёсий макон ҳолати. Халқаро хавфсизлик ягона глобал сиёсий макон вужудга келиши шароитида рўёбга чиқади.

ҲОКИМ, бу – тегишлича вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси ва айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимият бошлиғи. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир. Вилоят, туман,

шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистоннинг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

ҲУҚУҚ – давлат томонидан бутун жамият миқёсида ўрнатиладиган ва муҳофаза қилинадиган ҳамда бажарилиши барча учун мажбурий бўлган тартиб-қоидалар, нормалар тизими.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ – давлат ва ҳуқуқ назариясининг асосий категорияларидан бири бўлиб, бутун фаолияти ҳуқуққа бўйсунадиган давлатнинг идеал типини ифода этади. Ҳуқуқий давлат тушунчаси давлат конституциявий – ҳуқуқий мақомининг тавсифи сифатида амал қилади ва давлатнинг қуйидаги тамойилларга сўзсиз бўйсунилишини назарда тутати: халқ суверенитети, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат томонидан бузилмаслиги, давлатнинг конституциявий тузум билан боғлиқлиги, конституциянинг бошқа барча қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан устунлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, ҳуқуқий давлатнинг ташкилий негизи бўлган

ҳокимият органлари ва давлат хизматчиларининг жавобгарлиги институти, миллий ҳуқуқ нормаларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги.

ҲУШЁРЛИК – инсон, ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг жамият, миллат, давлатнинг тинчлиги, барқарорлиги, фаровон ҳаёти ва мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда сақлаб қолишга қаратилган ижтимоий-маънавий туйғусини ифода этувчи атама.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ – (лот. *фуқаролик, ижтимоий*) жамият ривожланганлиги даражаси, поғонаси. Ўзбек тилида маданий тараққиёт даражаси ёки тамаддун атамалари қўлланиши мумкин.

ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ – урф-одат, кадриятларга асосланган ўзига хос демократия.

ШАРТНОМА – икки ёки ундан ортик шахснинг ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув. Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин. Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

ШИКОЯТ – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

ШОВИНИЗМ – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти.

ЭКСТРЕМИЗМ – (лот. *кескин*) кўпроқ сиёсий соҳада кескин қарашлар ва воситаларга мойиллик. Одатда экстремизм мавжуд сиёсий меъёрларни, кадриятларни, тадбирлар ва сиёсий тизимни ташкил этишнинг бош тамойилларини инкор этиш, сиёсий барқарорликни емириш, мавжуд ҳокимиятни ағдаришга интилишлар тарзида намоён бўлади.

ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТ – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан, давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт

режимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно.

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИ – давлат бошқаруви тизимига тўлақонли жорий этилиши давлат бошқаруви очиқлигини таъминлашнинг муҳим омилidir. Интернет тизими кундалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ ва кенг миқёсда кириб бораётгани сайин замонавий цивилизация имкониятларидан кенг фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. «Электрон ҳукумат» тизими ана шу цивилизациявий ҳодиса ва замонавий давлатчилик илғор тажрибаларининг энг самарали, энг ҳозиржавоб ва энг таъсирчан воситасидир. Чунки ана шундай шароитда ушбу тизим давлат бошқаруви фаолиятдан фуқароларнинг ва фуқаролик жамияти субъектларининг ҳозиржавоблик билан хабардор бўлишларига имкон беради.

ЭҲТИЁЖ – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат.

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ – инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида марказий ўринда бўлиб, инсон маънавий оламини, қарашларини белгиловчи, шакллантирувчи омил.

ЮРИДИК ШАХС – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида

мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ – мамлакат барқарор таракқиётининг асосий шarti. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилidir.

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ – Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 661-моддасида кўзда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроқ бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилишини белгиловчи жиноят ҳуқуқи институти. Ушбу институт 2001 йил 29 августда II чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қабул қилинган «Жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида миллий қонунчилигимизга киритилган. Ушбу институтда миллий кадриятларимизда мавжуд бўлган кечиримлилик, ўзаро мурося, тинч-тотув яшаш каби удумлар ўз аксини топган.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь). («Халқ сўзи», 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883)).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 15 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. №9. 2017 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 04.04.2017 йилдаги ПҚ-2868-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 11 ноябрь, № 228 (6922) сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017–2021 йилларда кишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639 сонли Қарори // «Халқ сўзи», 2016 йил 25 октябрь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3350-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». 2017 йил 15 февраль, ПФ-4956-сон. //«Халқ сўзи». 17.02.2017. №35 (6729).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида». 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Қарори. 2017 йил 15 февраль, ПҚ-2779-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 115-модда).

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник қўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 251-сон 2005 йил 15 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида» Низом.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган капитал қуйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида» 2003 йил 11 июндаги 261-сон Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 й.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 2 ноябрдаги 4-мб-сон Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.

20. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2015.

21. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида / янги таҳрири. – Т.: «Адолат», 2017 йил.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 239-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 16-сон, 265-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: «Иқтисодиёт» нашриёти, 2010.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 06.12.2006 йилдаги ПҚ-525-сон Қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ-3592-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида» Низом. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 14-сон. 101-модда.

27. Шавкат Мирзиёев. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари қунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. № 12. 2017.

28. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.

29. Шавкат Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир // «Халқ сўзи», 2017 йил, 8 декабрь.

30. Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. www.press-service.uz.

31. Шавкат Мирзиёев. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг ҳаётбахш манбаи//Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

32. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

33. Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

34. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз.//Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

35. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2016.

36. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси: 8-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 52 (I)-сон, 2007, декабрь. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007.

37. Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2017 йил.

38. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши / К.А.Ахмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.

39. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9–10. 136-модда.

40. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. № 5.

41. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.

42. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон». 1995.

43. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.

44. Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2016.

45. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.

46. Каримов И.А. Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш – бугунги ҳаётнинг ўткир талаби. // «Халқ сўзи», 2012 йил 15 май, № 94 (5514).

47. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

48. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун, 2016 йил 14 сентябрь //«Халқ сўзи», 2016 йил 15 сентябрь.

49. «AYMA GROUP TEXTILE» – 300 дан ортиқ янги иш ўринлари. <http://www.namangancity.uz/uz/yangiliklar/371-ayma-group-textile-300-dan-orti-yangi-ish-rinlari>

50. «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармони.

51. «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 августда 1509-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

52. Хукукшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Х., Холмедов Х., Содиқов С. – Т.: «Адолат», 1999.

53. Абдурахмонова Г. Рақобатбардошлик – бозор талаби. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/20331-raqobatbardoshlik--bozor-talabi>
54. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б.Аҳмедов /. – Т.: «Шарқ», 2000.
55. Алиев Б.А., Раҳмонов А.Н. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг юксак натижалари. // «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» (илмий-оммабоп рисола). – Т.: «O‘qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
56. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992.
57. Ирматова А.Б. Хорижий давлатларда интеллектуал капитални ривожлантириш тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Тошкент, 2015. № 6.
58. Исмаилов Д.А. Иқтисодиётни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни фаллаштириш: замонавий тенденциялар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил.
59. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун, 2014 йил 5 май.
60. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси // Масъул муҳаррир: К.Ш.Шониёзов/. – Т.: «Ўқитувчи», 1994.
61. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар / Сўзбоши: И.Ғафуров. – Т.: «Шарқ», 2001.
62. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, 1948 йил 10 декабрь / Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
63. Раҳмонов А.Н. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари – олий кадрият сифатида. Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.
64. Киселева Н.В., Боровикова Т.В., Захарова Г.В. и др. Инвестиционная деятельность: Учебное пособие. М.: КНОРУС, 2005.
65. Круглов. А.А. Основы религиоведения. – Минск: «Тетра системс», 2002.
66. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. А.А. Азизхўжаев, Ф.Абдумажидов, М.А.Аҳмадшаева ва бошқ.; Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. – Т.: «Ўзбекистон», 2008.
67. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба (Монография). – Т.: «Янги аср авлоди», 2006.
68. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.11.2017 й., 06/17/5245/0279-сон.
69. Межуев В.М. Культурология как наука: за и против (материалы обсуждения). «Вопросы философии» 2008. №11.
70. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; Р.Рўзиёев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. – Т.: «Шарқ», 2006.
71. Одинаева З. Қизилқум саҳросида баҳор. – Т.: «Муҳаррир», 2008.
72. Н.Жумахўжа, Р.Жомонов. Она тили – Давлат тили: (Ўқув қўлланма-мажмуа) Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунига оид ҳужжатлар. – Т.: «Адолат», 2004.
73. Очилдиев А.С Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.
74. Раҳмонов А.Н. Давлат бошқарувини демократлаштириш – давр талаби. «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари» мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2011.

75. Раҳмонов А.Н. Ўзбекистон ва Германияда парламентнинг ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳукуқи (қиёсий таҳлил). «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари» мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2011.

76. Раҳмонов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш: ноюрidik олий ўқув юртларининг талабалари учун схемали ўқув қўлланма. Тузатилган ва тўлдирилган учинчи нашри. – Т.: «Наврўз», 2016.

77. Раҳмонов А.Н. Ўзбекистонда сайлов тизимининг конституциявий асослари. «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари» мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2011.

78. Сиёсий партиялар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Халқ сўзи», 1997 йил 7 январь.

79. Спортни янада оммалаштириш, маҳоратли мураббий ва спортчиларни тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди. «Халқ сўзи». 01.11.2017.

80. «Судьялар Олий Кенгаши тўғрисида»ги Қонун, 2017 йил 6 апрель // «Халқ сўзи», 2017 йил 7 апрель.

81. Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Корпоратив бошқарув моделлари: концептуал жиҳатлар, замонавий тенденциялар ва корвергенция имкониятлари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий-электрон журнали. – Тошкент: 2017. №4.

82. Толмасов Ш. Озиқ-овқат хавфсизлиги: долзарб муаммо. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги таъминланмоқда // «VATANPARVAR». 2016 йил, 11 июль.

83. Тулепов Айдарбек. ИШИД фитнаси. Ижтимоий, диний-маърифий нашр. – Т.: «Movagounahg». 2015.

84. Турдибоева М. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш: муаммолари, тарихи ва натижалари // Маънавий-маърифий ва сиёсий етуклик – жамият тараққиётининг гарови. – Тошкент, 2016.

85. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005.

86. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. – Т.: «Адолат», 2010.

87. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 29 июндаги 199-1-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан, Сенат аъзоси томонидан парламент сўровини юбориш Тартиби». // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2006. № 6. 365-модда.

88. Ўзбекистонда озиқ-овқат «хавфсизлиги» рейтингида. // «Жамият», 04.02.2016.

89. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: «Маънавият», 2006.

90. Хамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. – Т.: «Фан», 2008.

91. Хидиров Қ. Коррупцияга қарши курашиш барчанинг вазифасига айланиши керак. // «Халқ сўзи», 2017 йил, 20 декабрь.

92. Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: «Адолат», 1999.

93. Штульберг Б.М., Введенский В.Г. Региональная политика России: теоретические основы, задачи и методы реализации. – М.: ГЕЛИОСАРВ, 2000.

94. Юнусов А. 2017 йил замонавий Ўзбекистон тарихида туб бурилиш йили бўлди // «Халқ сўзи», 2018 йил, 1 январь.

95. Education at a Glance 2015, OECD

96. European Innovation Scoreboard (EIS) 2009. European Union, 2010. – 76 p.

97. [http:// www.doingbusiness.org](http://www.doingbusiness.org)
98. <http://bunews.com.ua/economy/item/financial-times-ukraine-is-world-no-1-in-ease-of-doing-business-gains-since-2010>
99. <http://data.worldbank.org/indicator/NE.GDI.TOTL.CD>.
100. http://en.wikipedia.org/wiki/List_of_countries_by_tax_revenue_as_percentage_of_GDP. (Data based on Heritage Foundation (2015) «2015 Macro-economic Data» and Index of Economic Freedom)
101. <http://ffp.statesindex.org>
102. <http://kun.uz/news/2017/04/22/uzbekiston-turkmaniston-kozogiston-angi-ucburcak-sakllanadimi>
103. <http://parliament.gov.uz/upload/iblock/0d7/CHIQINDI-ipzbhu.arlwgngd.pdf>
104. <http://senat.uz/uz/news/2017/articles/15-11.html>
105. <http://sputniknews-uz.com/society/20170405/5133386/MDH-xavfsizlik-xizmatlari-uchrashuvi.html>
106. <http://uza.uz/oz/business/kichik-biznes-va-khususiy-tadbirkorlik-subektlari-eksportini-06-10-2017>
107. <http://uza.uz/oz/business/korporativ-bosh-aruv-samaradorlikning-mu-im-omili>
108. <http://weforum.org>
109. <http://www.heritage.org/index/ranking>
110. <http://www.raexpert.ru/researches/regions/investclimate>.
111. <http://www.tvc.ru/news/show/id/129616>
112. <http://www.uza.uz/oz/politics/mudofaa-doktrinasi-senatorlar-tomonidan-ma-ullan-21-12-2017>
113. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/10227-zbekiston-turkmaniston-ardoshlik-rishtalari-musta-kamlanib-amkorlik-yuksak-natizhalar-bermo-da>
114. <https://www.gfmag.com/global-data/economic-data/richest-countries-in-the-world?page=12>
115. mf.uz/mf-resources-menu/mf-state-budget-menu.html;
116. Petrie M., Shields J. Producing a Citizen's Guide to the Budget: Why, What and How? // OECD Journal on Budgeting. 2010. Vol.2. P.1-13.
117. Schwab K. World Economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World Economic Forum, 2013.
118. Stalker P. Travailleuts sans frontieress // Travail. Geneve, 200, # 34.
119. stat.uz/index.php/interaktiv/dinamicheskije-ryady;
120. The Global Innovation Index 2017: Innovation Feeding the World
121. www.islamcenter.uz
122. www.kun.uz
123. www.mfer.uz
124. www.muslim.uz
125. www.stat.uz.
126. www.unctad.com: UNCTAD, World Investment Report 2015. 9 p.
127. www.uznature.uz/index
128. www.uzse.uz

I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

РЕЖАЛАШТИРИЛГАН

АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИР:

40 та турдаги фаолият бўйича **Электрон лицензиялаш** порталини яратиш ва ишга тушириш

БАЖАРИШ МУДДАТИ:

Апрель, 2017 йил


САРФ-ХАРАЖАТЛАР:

80 млн. сўм

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан тайёрланган

БАЖАРИЛДИ

ЭЛЕКТРОН ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ПОРТАЛИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



Порталнинг мақсади лицензияловчи органлар фаолиятини, ахборот-технологик таъминлаш сифатини ошириш, "Лицензия" ахборот тизими орқали лицензиялар ва рухсатномаларни расмийлаштириш бўйича хизматларни электрон шаклга ўтказишдир.

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан тайёрланган

РЕЖАЛАШТИРИЛГАН

АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИР:

"Ягона дарча" марказлари фаолиятини автоматлаштириш, ахборот тизими жорий қилиш ва давлат хизматлари тартиботлари такомиллаштириш

БАЖАРИШ МУДДАТИ:

Апрель, 2017 йил

САРФ-ХАРАЖАТЛАР:

1 296 млн. сўм

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан тайёрланган

БАЖАРИЛДИ

"ЯГОНА ДАРЧА" МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ



Тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш **8 та** жараёндан **2 тага**



Сарфланадиган вақт **2-7 кундан 30 дақиқага** қисқарди

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан тайёрланган



ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 53 БАНДДАН ИБОРАТ I УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР



Парламент назоратини кучайтириш,
«**ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ**» тизимини
жорий этиш
(2017 йил IV чорак)



«**ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА**»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини
ишлаб чиқиш
(2017 йил III чорак)

Маъмурий ислоҳотлар ўтказиш,
**ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ
ОЧИҚЛИГИ** ва **САМАРАДОРЛИГИНИ**
таъминлаш
(2017 йил IV чорак)



Республика иқтисодиёт
тармоқларини бошқаришда
**ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ**
камайтириш
(2017 йил II чорак)



Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролар ва
ОАВ иштирокини кенгайтириш,
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ механизмини
такомиллаштириш
(2017 йил III чорак)



Ҳар бир туман (шаҳар)да жисмоний ва
юридик шахсларнинг мурожаатларини
кўриб чиқиш бўйича «**ХАЛҚ
ҚАБУЛХОНАЛАРИ**» ни ташкил этиш
(2017 йил I чорак)

Жойларда давлат органлари ваколатлари ва
таркибини такомиллаштириш, Маҳаллий ижро
органларида **КЕНГАШЛАРНИНГ
НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ**
(2017 йил III чорак)



**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ҲАМКОРЛИГИНИ** ривожлантиришда
ишончли ҳуқуқий асосни яратиш
(2017 йил III чорак)



II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

РЕЖАЛАШТИРИЛГАН

АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИР:

Президент ҳузуридаги олий
малака комиссияси негизда суд
ҳокимияти органи сифатида
Судьялар олий кенгашини ташкил
қилиш

БАЖАРИШ МУДДАТИ:

I чорак, 2017 йил

ИЖРО УЧУН МАЪСУЛЛАР

Олий малака комиссияси,
Олий суд, Олий ҳўжалик суди,
Молия вазирлиги, Меҳнат
вазирлиги

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан тайёрланган

БАЖАРИЛДИ

**СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

**Судьялар олий кенгашига қуйдаги
ваколатлар берилди:**

- ✓ судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича
чоралар кўриш;
- ✓ судьяларнинг интизомий жавобгарлиги
тўғрисидаги ишларни кўриш,
шунингдек, судьяларни
рағбатлантириш бўйича ташаббус
кўрсатиш;
- ✓ судьялик лавозимларига тайинлаш
(тасдиқлаш) учун Ўзбекистон
Республикаси Президентига
номзодларни тақдим этиш

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан тайёрланган



**ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 63 БАНДДАН ИБОРАТ
II УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР**



Судья лавозимида бўлишнинг **ИЛК
МАРОТАБА БЕШ ЙИЛЛИК, КЕЙИН
ЎН ЙИЛЛИК** муддатини ва шундан сўнг
муддатсиз **ДАВРИНИ БЕЛГИЛАШ**



Судья лавозимида бўлишнинг **ЭНГ ЮҚОРИ**
ёшини белгилаш,
яъни туман ва вилоят судлари судья
лавозимларини **65 ЁШГАЧА**,
Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик
судлари судья лавозимларини - **70 ЁШГАЧА**

Паспорт-виза, хорижга **ЧИҚИШ ВА КИРИШ**
тизимини такомиллаштириш



Жиноят ва жиноят-процессуал
қонунчилигини такомиллаштириш
бўйича 2018–2021 йилларга
мўлжалланган **КОНЦЕПЦИЯ**
ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ



Алоҳида жиноий қилмишларни ва жиноий
жазоларни **ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ**
БЎЙИЧА жиноят ва жиноят-процессуал
қонунчилигини такомиллаштириш ва
либерализация қилиш



Жиноят процессига ижтимоий хавфи катта
бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича
судгача ва судда иш юритишнинг
СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИНИ
жорий этиш

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари
ва самарадорлигини комплекс ўрганиш,
таҳлил қилиш ва баҳолаш



Босқичма-босқич нотариатнинг **ФАОЛ**
БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ
МОДЕЛИГА ўтиш ва уни фуқаролик-
ҳуқуқий ва ҳўжалик низоларини олдини
олишга қаратилган институт сифатида
янада ривожлантириш



**ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 99 БАНДДАН ИБОРАТ
IV УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР**



55 МИНГ НАФАР ишламайдиган
ПЕНСИОНЕРЛАРГА
(корхоналарнинг собиқ ходимларига)
моддий ёрдам бериш



1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти
фахрийлари, нафақаҳўрлар, ногиронлар, ёлғиз
қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларидан
камида **35 МИНГ НАФАРИНИНГ**
САНАТОРИЙ МУАССАСАЛАРИДА бепул
даволанишини ташкил қилиш

Бепул асосда камида **10 МИНГ НАФАР**
НОГИРОН ВА ЁЛГИЗ ҚАРИЯНИ протез-
ортопедия буюмлари ва техник реабилитация
воситалари билан таъминлаш



Қишлоқ жойларда янги намунавий
лойиҳалар асосида
15 000 ТА АРЗОН УЙ-ЖОЙ
ҚУРИШ



Қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий массивларга **ИЧИМЛИК СУВИ**
(415,3 км), **ЭЛЕКТР** (291,5 км), **ТАБИИЙ ГАЗ ТАРМОҚЛАРИ**
(316,9 км), **ИЧКИ ЙЎЛЛАР** (291 км) ва **БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ**
ОБЪЕКТЛАРИ (134 ТА) қуриш

Республикадаги **242 ТА** деҳқон (озиқ-овқат)
бозорини оптималлаштириш ва реконструкция қилиш
ҳамда уларнинг ҳудудида **40 ТА** замонавий
ГИПЕРМАРКЕТ, 63 ТА СУПЕРМАРКЕТ
ҳамда **139 ТА МИНИМАРКЕТ**
ташкил этиш



Мактабгача таълим муассасаларининг **106 ТАСИНИ**
РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ва **195 ТАСИНИ**
КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ, шунингдек, уларни мебель ва
бошқа инвентарлар билан таъминлаш



ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 27 БАНДДАН ИБОРАТ V УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР



Ўзбекистон Республикасининг **ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҚЎРИҚЛАШ** ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш



КИБЕРХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш

ОРОЛ ФОЖИАСИ оқибатларини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кучайтириш



Асосий хорижий шериклар билан муносабатларни йўлга қўйишнинг ҳамда улар билан ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишларининг **АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИНИ** белгилаб олиш



Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан 2017 йилдаги сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга доир **“ЙУЛ ХАРИТАСИ”** лойиҳасини ишлаб чиқиш



Ўзбекистоннинг **ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ИЖОБИЙ НУФУЗИНИ** кенг тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва амалга оширилишини таъминлаш

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИ фаоллаштириш, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши фаолиятини такомиллаштириш



40 МЛРД. ДОЛЛАРГА тенг бўлган **649 ТА** инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш



Кўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига кўмир қазиб олишни йилига **7,8 МЛН. ТОННАГА** ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш

Республика ҳудудларида

2300 КМ оптик толали алоқа линияларини қуриш, мобиль алоқа операторларининг **1843 ТА** база станцияларини ўрнатиш, **66 ТА** юқори қувватли ва **328 ТА** кам қувватли рақамли телевидение узаткичларини ўрнатиш ва ишга тушириш



“**TALGO-250**” русумидаги 2 та юқори тезликдаги **ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИ** сотиб олиш лойиҳасини амалга ошириш



Пахта экин майдонларини **49 МИНГ ГЕКТАРГА** ва ғалла майдонларини **10 МИНГ ГЕКТАРГА** қисқартириш



Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мевасабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш **ҲАЖМЛАРИНИ ОШИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (**БИЗНЕС-ОМБУДСМАН**)ни ташкил этиш



Фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, жумладан, «**НОЛЬ**» **ХАРИД ҚИЙМАТИ** бўйича сотиш жараёнларини янада соддалаштириш



Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Олмазор туманларида кичик бизнеснинг **ИННОВАЦИОН ТЕХНОПАРКЛАРИНИ** ташкил этиш

Doing Business

Жаҳон банкининг “**Doing Business**” халқаро рейтингда республикамизнинг ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш

2018 ЙИЛДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан



"ЎЗБАКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ"
2017-2021

Давлат ва жамият тизимини такомиллаштириш

Коррупцияга қарши таъсирчан
кураш механизмлари
жорий этилади



Парламент, депутат ва
сенаторларнинг роли
оширилади



Жамоа бўлиб электрон
мурожаат киритиш
тартиби жорий этилади



Журналистика ва оммавий
коммуникация воситалари
университети ташкил этилади

Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштириш



Ўқиматли
қозғалар бозори
ислоҳ қилинади



Ер участкалари электрон
савдолари орқали сотилади



Бюджет даромадлари ва
харажатлари барча
учун ошқоноа бўлади



180 км узунликдаги темир
йўл қайта тикланади
200 кмдан ортиқ темир йўл
электрлаштирилади



Бизнес учун
солиқ юки
камайтиради ва
қулайлаштирилади

Тадбиркор-
ларни текшириш
2 йилга
тўхтатилади

Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик
ва диний бағрикенгликни таъминлаш
ҳамда ташқи сиёсат

Ҳарбий хизматчилар кўп
қаватли уйлар билан
таъминланади



Мудофаа-саноат комплексини
шакллантириш ва ривожлантириш
давлат дастури қабул қилинади



Экстремизм ғоялари таъсирига
адашиб тушиб қолган
фуқароларни соғлом ҳаётга
қайтариш ишлари такомиллаштирилади



Диний ташкилотлар фаолияти
янада такомиллаштирилади



Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизими



Тинтув ўтказишга
ва жиноят содир
этишда гумон
қилинган
шахсларнинг
телефондаги
мулоқотларини
эшитишга
санкция бериш
ҳуқуқи судларга
ўтказилади

Миллий хавфсизлик хизмати
фаолияти ислоҳ қилинади



Жиноий жавобгарликка
тортиш муддатлари
қайта кўриб чиқилади

Йўл-патрул ва пост-патрул хизмати
ходимлари видеокамералар
билан таъминланади



Вақтинча сақлаш ва тергов
ҳибсхоналари видеокузатув
воситалари билан жиҳозланади

Ижтимоий соҳани ривожлантириш

Арзон ва сифатли дори воситалари
билан таъминлайдиган **2000 та**
ижтимоий дорихона қурилади



46 та

туман ва шаҳар
тиббиёт
бирлашмаси
негизда
туманлараро
перинатал
марказлар
ташкил этилади



Иш ҳақи, стипендия, пенсия ва
ижтимоий нафақалар босқичма-
босқич оширилади

Интернет ўтказувчанлиги
2,5 баробар оширилади



Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё
ёшлари форуми ўтказилади



МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР	6
--	----------

*(Б.Ходиев, И.Хотамов, А.Раҳмонов –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети)*

- | | |
|---|----|
| 1.1. Парламент хақиқий демократия мактаби, ислохотларнинг ташаббускори ва ижрочиси бўлиш зарур | 6 |
| 1.2. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар | 13 |
| 1.3. Иқтисодиётни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича эришилган натижалар | 18 |

2-БОБ. «ХАЛҚ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ЭМАС, БАЛКИ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК» ДЕГАН ЭЗГУ ҒОЯ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИДИР	27
--	-----------

(Ғ.Захидов, А.Раҳмонов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети)

- | | |
|---|----|
| 2.1. «Халқ» ва «давлат ҳокимияти» тушунчаларининг юридик талқини | 27 |
| 2.2. Халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи | 32 |
| 2.3. Халққа хизмат қилиш – барча давлат органлари ва идораларининг бош вазифаси | 37 |

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТИДИР	41
---	-----------

*(И.Саифназаров, А.Мухторов, Т.Султонов –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети)*

- | | |
|---|----|
| 3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, тизими ва вазифалари | 41 |
| 3.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси – давлат ҳокимияти тизимининг янги институти сифатида | 46 |
| 3.3. Халқ қабулхоналари – давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизими | 54 |

4-БОБ. 2017 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН, САМАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМЛАР..... 63

*(М.Асқарова, М.Қосимов, М.Касимова –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети)*

- 4.1. Иқтисодиётнинг янада либераллаштирилиши ва унинг институционал асосларининг ислоҳ қилиниши 63
- 4.2. Замонавий макроиқтисодий сиёсат ва унинг реал яқунлари..... 65

5-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ТУБ АҲАМИЯТИ..... 72

*(Ш.Мустафақулов, М.Исаков, Б.Султонов, А.Ядгаров, Л.Рахмонов –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети)*

- 5.1. Арзон уй-жойлар қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича эришилган натижалар 72
- 5.2. Ёшларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган ташкилий-амалий ишлар 82
- 5.3. Ижтимоий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш – доимий эътиборда 102
- 5.4. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ютуқлар..... 108

6-БОБ. ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА, АЙНИҚСА, МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЎЗARO ИШОНЧ МУҲИТИНИНГ ЯРАТИЛИШИ..... 114

*(Н.Жўраев, Д.Муитов, Ғ.Маматов –
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети)*

- 6.1. Марказий Осиё – Ўзбекистон ташқи сиёсатида бош устувор йўналиш 114
- 6.2. Ўзбекистоннинг ва жаҳон ҳамжамияти: янгича ҳамкорлик ва муносабатлар..... 118

И К К И Н Ч И Б Ў Л И М

7-БОБ. 2018 ЙИЛ – ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР 121

*(Б.Ходиев, Ш.Мустафақулов, Ф.Насриддинов, Д.Рахмонов –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
А.Бекмуродов, У.Ғафуров – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси)*

- 7.1. Фаол тадбиркорлик – бизнес фаолияти инновацион ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этиладиган иқтисодий йўналишдир 121
- 7.2. Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун яратилган тенг ва қулай шароитлар 125
- 7.3. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш концепцияси 133
- 7.4. Миллий иқтисодиёт ривожидан инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти..... 138

7.5.	Инвестицион муҳитни баҳолаш: бизнес юритиш бўйича халқаро рейтинг	143
7.6.	Инвестицион фаолият, инвестицион салоҳият ва инвестицион жозибadorликка таъсир кўрсатадиган омиллар	146
8-БОБ.	ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	152
	<i>(Н.Жўраев, Д.Муитов, Ғ.Маматов – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети)</i>	
8.1.	«Давлат хизмати тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқишдан қутилаётган мақсад	152
8.2.	Партиялараро ракобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун тенг шароитлар яратиш – парламент ролини кучайтиришнинг муҳим шarti	154
8.3.	Давлат бошқаруви органлари ва Вазирлар Маҳкамаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг замонавий принцип ва механизмлари	157
8.4.	Давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати	164
9-БОБ.	ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	168
	<i>(Ш.Мустафакулов, А.Раҳмонов, М.Абдуллаев – Тошкент давлат иқтисодиёт университети)</i>	
9.1.	Жиноят-ижро қонунчилигини янада такомиллаштириш масалалари.....	168
9.2.	Ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёж ва уларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш	171
10-БОБ.	ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	175
	<i>(А.Бекмуродов, У.Ғафуров, М.Бўтабаев, И.Ниязметов – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси; Ў.П.Умурзоқов, Ў.М.Мавлонов – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)</i>	
10.1.	Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича миллий ғоя ва миллий дастурнинг аҳамияти.....	175
10.2.	Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш чора-тадбирлари.....	177
10.3.	Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва давлат активларини сотиш тизимини такомиллаштириш йўллари	188
10.4.	Солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш масалалари.....	195
10.5.	Бюджет даромадлари ва харажатларининг очиқ ва ошқора бўлишини таъминлаш – муҳим вазифа.....	201
10.6.	Инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узок муддатга мўлжалланган концепцияни ишлаб чиқиш зарурати	207
10.7.	Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва комплекс ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	218

11-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖ ТАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР	226
<i>(Г.Абдурахманова, Н.Шоюсупова, Х.Абдурахманов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети)</i>	
11.1. «Истеъмол саватчаси» тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлашнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти	226
11.2. Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш тизимида «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббиёт ахборот маркази» концепцияларини татбиқ этиш йўллари.....	232
11.3. Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш – замон талаби	243
12-БОБ. МИНТАҚАВИЙ ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАҒИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР	248
<i>(М.Комилов, Б.Алиев, А.Содиқов, Т.Норов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети)</i>	
12.1. Марказий Осиёдаги давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар: хавфсизлик масалалари ва уларни ҳал этишнинг сиёсий-ҳуқуқий ечимлари	248
12.2. Миллий хавфсизликни таъминлаш ва уни кафолатлаш борасидаги вазифалар	252
12.3. Миллатлараро тотувликни таъминлаш – кўпмиллатли Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт гарови.....	255
12.4. Диний бағрикенглик – мамлакатимизда барқарорлик кафолати	257
Жаҳон эътирофи	263
Тест саволлари	279
Глоссарий	291
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	305
Иловалар	311



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга
Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик
ўртасида тарғиб этишга бағишланган**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ҚЎЛЛАНМА

Тошкент «Маънавият» 2018

Муҳаррирлар: *М. Қаршибоев, Ф. Эргашев, С. Аҳмедов*
Мусахҳих С. Холбеков
Рассом С. Шухрат
Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

© «Маънавият» нашриёти. Лицензия АІ №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 22.03.2018 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 ¹/₈. «Times» гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 37,20. Нашр табоғи 21,26.
Буюртма №18–111. Адади 1200 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. 100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 02–18.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий
уйида чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2018.

Manavraj

